

Андрей
ПЛАТОНОВ

ЖОН





Нашр Михаил Прохоров Фондининг рус адабиёти
таржималарини қўллаб-қувватлаш TRANSCRIPT
Дастури иштирокида амалга оширилди.

Андрей Платонов

Ж О Н

Шарифжон Аҳмад таржимаси

Тошкент
«Akademnashr»
2019

58145

УЎК: 821.161.1-31

КБК: 84(2Рус)

П 51

П 51 Платонов, Андрей.

Жон [Матн]: роман / А.Платонов. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 192 б.

ISBN 978-9943-5651-3-5

УЎК: 821.161.1-31

КБК: 84(2Рус)

«Жон» таниқли рус ёзувчиси Андрей Платоновнинг энг машҳур романидир. Роман тил қурилиши, сюжет чизиқларининг оригиналлиги билан ажралиб туради. Илк марта ўзбек тилида чоп этилаётган ушбу роман ўзбек ўқувчиларига манзур бўлади деб ўйлаймиз.

РОБЕРТ ЧАНДЛЕР: АДИБНИНГ ШОҲ АСАРИ

Совет адабиётининг энг нуфузли намояндаси Максим Горький 1927 йили «Епифань дарвозалари» китоби ҳақида илиқ фикрлар билдиргач, 1930 йиллар бошида Андрей Платонов ўзининг янги асарлари нашр этилишида кўмак сўраб унга бевосита мурожаат қилади. Илтимоснома эътиборсиз қолдирилишига қарамасдан, Ўрта Осиёга ижодий сафарга юборилаётган ёзувчилар бригадаси таркибига айнан Горький аралашуви билан Платонов ҳам киритилади. Ушбу бригададан кўзланган мақсад Совет Туркменистони таваллудининг 10 йиллиги шарафига жамоавий асар битишдан иборат эди. Умуман олганда, ўша пайтларда жамоа тарзида ҳалфана асарлар ёзиш ўзига хос бир урфга айланган эди. Туркменистон сафаридан бир йил олдин ҳам 120 нафар адиб бошини қовуштирган бошқа бригада Беломорканал қурилишини ёритишга сафарбар этилган, бунга қўшилишни истаган Платоновнинг аризаси эса қабул қилинмаган эди. Туркменистон сафарини кўзлаб битилган аризада қуйидагиларни ўқиймиз: «Мен Туркменистоннинг энг яхши инсонлари ҳақида асар ёзишни, бир замонлар боболарининг абгор мазористонлари узра қўлантаёқ йўқсиллар кезинган сахройи юртни, энди жаҳоний ускуналар воситасида, коммунистик жамиятга чевирмак ишқида умрларини исроф этаётган сайланма инсонлар ҳақида қисса битишни ният қилдим».

Платонов ушбу сўзларини чин дилдан ёзганига мен ишонаман. Боридан кўра комилроқ ҳаёт ва адолатли дунёни яратиш иштиёқи Платонов асарларининг асос мавзусидир. 1920 йилларнинг кўп қисмини Россия жанубидаги мўъжаз шаҳару овлоқ қишлоқларни кезиб ўтказган ёзувчи ночорликда кун кечираётган аксар аҳолининг изтиробларидан яхшигина хабардор эди. Унинг саодатлари бисёр янги дунё яратиш истаклари ушбу йўлда шаксиз қурбон этилажак эскисига нисбатан ўкинч ва қайғу кайфиятлари билан алмашилиб туради. «Тафаккур олдинга илдам чорлагай, қалб эса ортга нуқул тортқилар» деган жумлани ўқиймиз шу муносабат билан унинг кундаликларида. Коммунизм тантанаси йўлида эришилган ютуқларга Платонов камдан-кам ҳолларда эътибор қаратади, билъакс, «абгор ва яйдоқ, ночор ва йўқсил» манзаралар деярли ҳамиша унинг диққат марказида турганини кўрамиз.

Шўро мафкурачилари Ўрта Осиёни *tabula rasa* – ўз бағрида янги социалистик жамият барпо этилишини муштоқ кутаётган очилмаган кўриқ тарзида тасаввур қилишар эди. Бугунги кунда ҳақли равишда унутилган ёзувчи Пётр Павленконинг (1899 – 1951) қуйидаги сўзларида ушбу тасаввур яққол тасдиғини топади: «Аввалги Туркменистон бартараф этилмоқда. Бугунги Туркменистон ўзининг бутун кечмиши чангалидан халос бўлмоқда. Бугун Бухоро ҳам ер юзасидан сидирилиб, тарих ахлатхонасига улоқтирилмоғи лозимки, унинг қисмати энди бир ўғит тарзидагина тупроққа синғиб битмоқдан иборатдир». Павленконинг ўтмиш ва бугунга нафратидан саҳро тошбақалари ҳам омон қолмайди: «Кераксиз чиқинди каби қайта ишлашдан бошқа нимага ҳам ярайди улар?» – дея савол ташлайди у «Туркменистонга саёҳат» асарида. Платонов учун бу каби тафаккур тарзи мутлақо ёт эди; у табиатга қанчалар маҳлиё бўлса, инсоний маданият ва оддий кишилар турмушидан ҳам шунчалар баҳра олар эди. Унинг зийрак акли, синчков табиати бошқа ҳамроҳларидан ажралиб чиқишига сабабчи бўлди. Туркменистон пойтахти Ашхободга етиб келишлари биланоқ хотинига ёзган мактубида бунинг тасдиғини ўқиймиз: «Красноводск томон йўлга чиқяпман.

Бошқа ёзувчиларнинг бари Аппхобода қолишди, ҳаммомларда оромланиб, салқин ичимликлар нўш этиш билан овора. Деярли ҳаммаси билан алоқани уздим». Орадан бир неча кун ўтиб ёзилган бошқа мактубида: «Саҳронинг улуғ яйдоқлигини сен ҳам бир кўрсанг эди! (...) Ўз оёқларим билан кезиб, ўз кўзларим билан кўрмасам эди, саҳронинг қалбини мутлақо англай олмасдим, китоблардан буни билиш асло кифоя эмас», – дейди. Бошқа ҳар қайси ҳаётлар сингари саҳро дунёси ҳам ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ эканини «Жон» қиссасида бир неча бор таъкидлайди: «Бошқа юртларнинг ҳар жойида каби саҳрода ҳам беҳисоб матоҳлар бор, аммо буларни кўрар одамнинг ўзи йўқлигидан атроф абғору бўм-бўш кўринади». Жимитдек тошбақанинг ақл нишоналари намоён кўзлари ҳақидаги ўринлар эса ўша Павленко қарашларига кескин зарба бўлиб кўринади: «Баланд руҳ ва кўтаринки эҳтирослар биргина инсон қалбида муқаррар дея билиш, аслида, пуч ишонч ва такаббур ҳаёлдир, илло, мана шу жимиртак тошбақанинг маржон кўзларида ҳам фикр жилвасининг олис инъикоси бор».

Платонов 1934 йил май ойи ўрталарида Москвага қайтиб келди. Ўша йилнинг ўзидаёқ Туркменистонда бошлаб қўйган «Тақир» номли ҳикоясини чоп қилдирди, бу унинг 1931 йилдан буён матбуотда илк чиқиши эди. Эҳтимолки, бу ютуқ билан илҳомланиб Ўрта Осиёга навбатдаги сафарига отланади ва 1935 йил январидан бошлаб Туркменистонда уч ой қолиб кетади. Яна кундаликларига мурожаат қиламиз: «Яна қаршимда Амударё ва Чоржўй, мен яна саҳро қўйнига қайтдим, мен ўзлигимга қайтдим. Тунги соат 12, 20/1».

Афтидан, айнан шу дамларда Оврўпа тамаддуни келажиги борасидаги тушкун ўйларидан умидсизланган Платонов учун Ўрта Осиё кўнгилга яқин бир гўшага айланган эди. Платонов қарашлари шаклланишига салмоқли таъсир кўрсатган файласуф Николай Фёдоров (1828 – 1903) бу минтақани башариятнинг асл бешиги деб билгани ҳам бежиз эмасди. Ўрта Осиёнинг ўтмиши, ўтмишидан ёдгор харобалари, саҳролари бағрида яширин не-не кўҳна тамаддун қолдиқлари, умуман,

ушбу ўлка бошидан кечирган ёхуд юз ўтирган неки бўлса – бари Платоновни ўзига бешак ошиқ этганди.

Платоновнинг шоҳ асарларидан бири бўлган «Жон» қиссаси Туркменистонга иккинчи саёҳат маҳсулидир. Ғайриоддий бу асар, айти пайтда, асосий сюжет қурилиши нуқтаи назаридан адабнинг кейинги кўплаб асарлари қатори Сталин даври социалистик реализм адабиётининг ташқи шаклига хосдек кўринади. Асар қаҳрамони – эндигина институтни тамомлаган иқтисодчи Назар Чигатоев Москвадан ўз юрти – Ўрта Осиёга қайтади. Амударё мансабининг қай бир овлоқларида тентираб адашган, хўрлангану таҳқирланган ўз элатини излаб топиб, муқаррар ажалдан омон сақлаш унинг бош маслагидир. Кўп қатламли бу асарни турлича тарзда ўқиб англаш мумкин. Асар бугунги давр учун ҳам долзарб бўлган саволларни ўртага ташлайди: умумий тараққиётдан четга улоқтирилган «бегоналар»ни замонавий дунё билан қай тариқа қовуштириш мумкин? Достоевский Улуғ Инквизитори: «Эркидан мосуво этилган бандаларгина бахтлидир», – дея уқтиришга қанчалар ҳақли эди? Асар, шунингдек, алоҳида бир жонни, қалб ва руҳни халос этиш нақлидаги матал ўлароқ мутолаа этилиши ҳам мумкин. Платоновнинг ўзи «жон»ни саодат ишқида саросар қалб тарзида тушунтиради ва адашган бу халқ бисотида жонидан бўлак ҳеч вақоси йўқлигидан айнан шу ном билан сийланганини айтади. Ушбу асар Ўрта Осиё маданияти, тарихи ва жўғрофиясини ажойиб тарзда намойиш этади.

Қиссанинг учинчи бобида Назар Чигатоев бир пайтлар Ғарбда Оксус номи билан маълум бўлган Амударё бўйлаб кемада йўлга чиқади. Ўз эгачиси Сирдарё каби Амударё ҳам Ҳимолай тоғлари яқинидан дебоҳа олиб, асрий саҳролар оралаб мингларча чақирим йўл босади-да, сафарининг пировардида Орол денгизига қўйилади. Айнан ушбу эгизак дарёлар туфайли бу минтақада бой ва мураккаб маданият гуллаб-яшнади; Миср учун Нил не қадар зарур бўлса, бу икки дарё ҳам Ўрта Осиёнинг шу қадар тенгсиз жон томирларидир. Колин Таброн «Осиёнинг бой берилган қалби» асарида

Амударё ҳақида: «Нилдан ҳам кўра кўп чандон лойқа ташиб, [Хива] воҳасини юзлаб чақирим баробарида серҳосил қатлам билан сийлаган дарё», – деб ёзади. Платонов ҳам дарёнинг ушбу фазилатини гўзал сатрларда тасвир этади: «Дарё бўйлаб ҳўб сузишди. Эрталаб ва шом маҳали қиялаб тушаётган қуёш нурларида дарё сувлари тиллоранг қуюқ оқимга дўнар, дарё билан вобаста сафар қилаётган мурдор лойқа келгуси мўл-кўл буғдой ҳосили, ҳар турли чечаклару лўмбиллаган пахта хирмонлари, ҳатто ҳали-замон туғилажак янги инсон вужуди тимсоли бўлиб гавдаланар эди».

Туркманистонга сафарлари давомида Ўрта Осиёнинг энг улуғ уч воҳасидан бири бўлган Хивага Платонов уч қарра тапширф буюради. Ўзбекистоннинг ғарбий бўлгасида – Туркманистон билан чегара яқинида жойлашган ушбу воҳа жанубини Қорақум, шимолини эса Қизилқум саҳроси эгаллаган. Афсоналарда айтилишича, Нух пайғамбарнинг ўғли асос солган бу шаҳар саккизинчи асрда мўъжазроқ савдо маскани эди, ўн олтинчи юз йиллик охириларига келиб эса мустақил бир хонликнинг бошкентига айланди. Платонов ўз асарида хонларнинг раъиятга ҳадсиз зулмлари ҳақида сўзлар экан, булар шўролар ташвиқоти маҳсули сифатида инкор этилмаслиги лозим. У маҳаллар Хива чиндан ҳам улкан қул бозори ўлароқ атрофга донги кетган, ҳукмдорлари эса бераҳмлиги билан ном чиқарганди.

«Жон»нинг айрим боблари Амударё мансабидаги воқеаларга бағишланган. Аммо қиссанинг аксар воқеалари дарёнинг аввалги ўзани яқинида содир бўлади. Ўн олтинчи аср ўрталаригача ҳам Амударё Оролга эмас, балки наридаги Каспий денгизига қўйилганини кўпчилик билмаса керак. Сувлари қуриган собиқ дарё ўзани ўрнида эса энди катта-кичик кўлу ботқоқликлар пайдо бўлган. Денгиз сатҳидан қўйида жойлашган шундай ерларнинг бири Сарикамиш ботиғи деб аталади. Худди шу ер Платонов асаридаги қавмнинг асил ватанидир. Саҳро қўйнида кўп адашиб-улоққан бу қавм асар сўнгида Сарикамишнинг ғарб тарафида улуғ-ундур девор бўлиб юксалган Устюрт бағридан ўзига янги ошён сайлаб

олади. Кези келганда айтиш лозимки, Сариқамишни тас-
вирлаётиб Платонов жўғрофий аниқликдан чекинади. Яъни
қуёшботар маҳалидагина ёруғликдан бир баҳя ола билгич
«мангу кўланка мамлакати» деб атайди Сариқамишни. Ас-
лида эса эрталабки паллада кўпроқ қуёш нурларидан баҳра-
манд бўларди Сариқамиш.

Ўнинчи аср араб сайёҳи бу жойларни «курраи замин жа-
ҳаннами» деб атаганидан хабардор Платонов, айна пайтда,
кўҳна Эрон асотирларига ҳам мурожаат этади. Ёруғлик ва
зиё худоси Хўрмуздга қарши асрий муҳорабага киришган
зулматлар раҳнамоси – Аҳриманга нисбатан адиб муносиб
кўрган тасниф ажойибдир: «Эҳтимол, ўша замонлар Сари-
қамишда яшаган кексалардан бирининг исми Аҳриман бўл-
гандир, турмуш укубатлари ичра нолон қолган бу йўқсили
бечора охири ғазабу важоҳат отига миниб, асрлар давоми-
да Хуросонни – Хўрмузднинг жаннат боғларини кунпаякун
этишга одатланган касларга сардорлик йўлини ҳам тутган-
дир. Яна айтадиларки, такрор ва такрор хуружлар якунида
мағлубият шаробини тотган Аҳриман соғинч аламида жи-
гар-бағри ўртаниб, худди мана шу Сариқамиш заминида
омонатини топширган эмиш».

Аҳриман қисматиға Платоновнинг бу зайл хуш ёндашуви
адиб аввалги даврлар дуализмидан аллақачон воз кечганини
кўрсатади. Хусусан, «Электрофикация» номли илк мақола-
ларидан бирида бўлғуси адиб ёруғлик ва равшанлик каби аза-
лий тушунчаларга мутлақ эътиқодини намоён этган бўлса,
«Жон» қиссаси битилиши даврига келиб мутгасил чароғон-
лик яратиш интилишлари алалоқибат аввалгисидан ҳам зи-
мистонроқ зулмат барпо этилишига боис бўлишини англаб
етди.

Форс асотирлари билан бир қаторда асарда куй ва му-
сиқага ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бадий адабиётга
куй-қўшиқлар ва мусиқа асбоблари мавзусини олиб кириш
масаласи у пайтлар анча мубоҳасали эди. Айнан Платонов
сингари дадил адибларгина кўркем аёл каби жозибаси тенг-
сиз дуторнинг кумуш садолари ҳақида меҳру маҳорат билан

ёза олиши мумкин эди. Мусикашунос олима Розия Султонованинг маълум қилишича, шўроларнинг янги йўсиндаги маданий сиёсати туфайли замонавий ҳаёт эҳтиёжларига мувофиқ оммавий санъат ҳам мисли кўрилмаган кўламда тараққий эта бошлади. Имкон қадар оврупача кўриниш ва янграш сифатларига яқинлаштириш ҳамда шўроларнинг янгича репертуарига бақамтилаштириш мақсадида халқ чолғу асбоблари ҳам такомиллаштирилди. Платонов халқона мусиқий анъаналарга эҳтиром билан муносабатда бўлар экан, буни адибнинг айнан ўша «янги маданий сиёсат»га дадил эътирози деб қабул қилиш лозим.

«30-йилларнинг ўрталарида, – дейди яна Розия Султонова, – авваллари мисли кўрилмаган шакл ва кўламда бир хил андозага солинган ялпи маданият яратилди». Сон-саноксиз ҳаваскорлик клублари ва халқ оркестрлари ташкил этилди. Шундай оркестрлардан бирининг раҳбари ушбу ҳаракатлар мақсадини қуйидагича тушунтирган эди: «Олдимизга кўйилган вазифа халқ чолғучиларининг яккахонлик анъанасига чек қўйиб, ижодий импровизацияга кўниккан машшоқларнинг ҳар бирини айнан бир хил тарзда, ҳамоҳанг мусиқа ижро этишга йўналтиришдан иборат эди». Бегона маданият унсурларини бу тарзда мажбуран жорий этиш халқ ва миллатларнинг қалб ва руҳиятига тажовуз эканини Платонов яхлини аңлар, чунки куй ва мусиқа ҳар бир халқ қалбининг асос забони, айрича лаҳжаси эканига у амин эди. Жон элати ҳам айнан мусиқа кўмагида бадбин турмуши, тушкун ҳаётдан омон чиқиб, келгуси тирикликка пешвоз боради. Кечаларнинг бирида ловуллаб ёнган гулхан атрофида қўшиқ куйлаб, рақсларда чаппар урган қавмдошларини зимдан кузатган Чигатоев даврага ҳеч дахл қилмасдан аста яна ортига қайтиб кетади.

«Жон»нинг тўлиқ варианты 1999 йилдагина дунё юзини кўрди. Бунгача бўлган нашрларнинг барчасида кўплаб қисқартиришлар борлигини кўрамиз. Бир томондан, ҳаддан зиёд муфассал деб билинган ўринлар, бошқа тарафдан, услубни «меъёрлаштириш зарурати» оқибатида асарнинг сал-

моқли бўлаклари қурбон этилган эди. Шунингдек, Сталин назарда тутилган ишоралар ҳам ҳеч иккиланмай олиб ташланган. Хрушчев, Брежнев ва Горбачёв ҳукмронлиги йилларида Сталин меросига нисбатан ҳар қандай ишораларни асар муҳитидан қўпориб ташлаш энг беҳавотир чора деб билинар эди. Ёзувчи Сталинни очиқ-ойдин кўкларга кўтарган деб ҳисоблаган айрим муҳаррирлардан фарқли, яна бошқа тоифа адибнинг ушбу тарздаги мадҳларига алданиб қолмаслик кераклигини айтади. Аслида ҳам, баъзи юзаки ҳолатларга қарамасдан, адиб асло сталинпараст бўлмаганини асарнинг бутун моҳиятидан англаш мумкин.

Платоновнинг ўзи бирон ўринда Сталинни бевосита танқид қилмаса-да, қайсидир маънода айнан ўша «халқлар отаси»ни тамсил этган Назар Чигатоев саёҳатлари давомида ўзи учун оғир сабоқлар чиқаради. Чигатоев дастлаб ўзини Мусо, Прометей ва Исо масих янгилик халоскор-қаҳрамон қиёфасида тасаввур этади. Ташландик истехкомда қизил аскар устухонига дуч келгач ўз фуражкасини бу аскар қалпоғига айирбошлайди, ушбу амали билан ўзини марҳум аскарга айний ва ҳаммаслак деб билади.

Аммо сафарининг тоборасида бундай юксак ишончлардан кўра кундалик қадриятлар муҳимроқ эканини тушуна боради: «Назар ҳам одамларини бу ерларда учратиб, битта қолдирмай уйга олиб кетиш илинжида эди. Атрофларнинг узунқулоқ сўзларидан тинглаб, чойхона шакарғуфторлигида ўз кадр қимматини яна боз англаш ва дутор чертиб куйлаган бахшининг эски қўшиқларидан юрак-бағрини селкитиб ўртаниш учун ҳам улар бегона бу миллат талотўпига аралашиб боқишларини Назар яхши биларди. Устюртда қолган пахса кулбаларида турмушнинг оддийгина шу эрмаклари ҳали тақчилу камёб, буларсиз кимсанинг тириклиги ҳам кемтик эмасми ахир?»

Ҳеч бир кимсани чинакамига омонликда сақлашга барибир қодир эмаслигини Чигатоев аста англаб боради. Қавмдошлари учун егулигу ичгулик, аёзлардан сақланиб тунашларига кулбаю чайла бадастир эта олар-ку, аммо улар юрагида

бу тирикликда яшаш истагини бор қила олмас. Вақтики келиб вужудларига мадор қайтиб, яшаш иштиёқи ҳам тиклана бошлаши ҳамано Назардан кўмак кутиб ўтирмай, атроф дупёларни кезиш ишқида уларнинг барчаси ўз ҳолича ғойиб бўлишади. Орадан бир қанча вақт ўтиб Жон элати, ниҳоят, яна жамулжам бўлади. Аммо асар ушбу қайта дийдор сахнаси билан эмас, балки Чигатоевнинг ўзи ҳам бошқалар ёрдамига мухтож экани ҳақидаги эътироф билан якунланади: «Чигатоев шу онда Ксениянинг қўлларини ўз илкига олдию бу аёл юрагининг олис ҳаприқишларини бутун борлигида мукамал туйди. Аёлниң қалби баайни ўз пучмоқларидан халос бўлиб, Чигатоевга кўмакка ошиқаётганини англади, англадию сўнгги мадад ўз ичингдан эмас, айнан ташқаридаги бошқа одамдан келиб етажагини ҳам тушуниб етди». «Ксения» исми, аслида, «бегона» ва «бошқа» маъноларини англатиши ҳам эътиборлидир.

Асарнинг дастлабки саҳифаларидан Чигатоев ишқий таассуротлар излай бошлаганини кўрамиз. Бутун дилгир муҳитига қарамасдан, «Жон» қиссаси воқелиги ишқий эҳтиросларга тўла. [...] Чигатоев ораста Москвани тарк этиб чиққанидан сўнг аллақайда тасодифан тўхтаб қолган поезддан тушиб, чўл бағрига – паррандаю даррандаларнинг беҳаловат оламига кириб боради: «у чакалакка қадам қўйиши билан мўъжаз бу юрт аҳли орасида ҳам саросима боиландию бири чорасиз чирқиллаб, потирлаб учиб кетди, бошқалари жон ҳолатда типирчилаб, қочишга жой ахтариб қолишди. Қайга қочарини билмай илиқ тўқай тузоғида қолган жониворлар ҳадиги зўридан ҳаётнинг охирги лаззатини олиб қолиш илинжида ўзаро пайдар-пай қовуша бошлашди. Чигатоев ўтлар оралаб тингланаётган заиф бу товушларга қулоқ солар экан, энг сўнгги ҳузурини беҳуда исроф қилишдан бош тортаётган фақир бу турмушга ичида хайрихоҳлик туйди».

Ишқий интилишлар асар қаҳрамонлари ҳаётида муҳим ўрин тутати. Хивада Чигатоев билан Хоним ўрталарида кечган воқеа асардаги энг ёркин ва сурурли ишқий сахнадир.

Платоновнинг аввалги асарларида севги ва ишқ башариёт

қаршисида турган муҳим вазифалардан бир нафасга чалғиб, озроқ ҳордиқ чиқариб олиш тарзида кўрилган бўлса, «Жон»-да бунинг аҳамияти бутунлай ўзгачадир. Яъни ишқ ва муҳаббат бир эзгу амал тарзида, йўқсил ва мазлумларнинг барчаси бирдай етишгулик бирдан-бир неъмат шамоилида намоён бўлади.

Чигатоев, шунингдек, ўз қалбини ва ҳали бола эканида ташлаб кетган онасини ҳам излайди. Айрим фалсафий таълимотларда учратиш мумкин бўлган бу йўсин ишқий, руҳоний ва психологик интилишларнинг пайваста манзарасини Эрон ва Ўрта Осиё маданиятларига жиддий таъсир ўтказган сўфийлик, тасаввуф тўлароқ тушунтиради. Ўзбек адиби Ҳамид Исмоиловнинг таъкидлашича, «Жон»ни айнан «сўфиёна қўлланма» тарзида, яъни Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» ва Нишотий қаламига мансуб «Ҳусну дил» достонларида ташбеҳ этилган руҳ ва жон саёҳатлари анъанасининг давоми тарзида мутолаа қилиш мумкин.

Ўзларининг афсонавий шаҳаншоҳини излаб олис сафарга отланган бир гала қушлар саргузаштларидан ҳикоялар сўзлаган «Мантиқ ут-тайр» тасаввуф адабиётининг энг машҳур асарларидан. «Ҳусну дил» достони унингчалик маълум бўлмаса-да, Платонов асари контекстида жуда муҳимдир. Муҳаммадниёз Нишотий «Жон» қиссаси бадий воқелигининг бошкенти – Хивада таваллуд топганию унинг достони қаҳрамони ҳам Назар деб аталиши ҳар икки бу асар ўртасида яширин ришталар мавжудлигини англатгандай бўлади. Нишотийнинг Назари – ўз ҳукмдорининг садоқатли қули. Вақтики келиб шохнинг фарзанди оғир дардга чалинган, оби ҳаёт – тириклик сувини излаб топиш амри билан олис йўлга отланади. Аслида, Назар Чигатоев зиммасига юкланган вазифа ҳам айнан шунга ўхшаш эди. Андрей Платонов Нишотийнинг ушбу асарини ўқиб чиққанлиги эҳтимолдан анча йироқ, аммо, ҳар тугул, достон воқеалари бошқа бировлардан қулоғига етган бўлиши керак. Бундан ташқари, Туркманистон сафарлари чоғида ёзувчининг ўзи ҳам бахши қўшиқларига қулоқ тутиб, уларнинг сўфиёна маъно-

моҳиятларини суриштириб билган бўлиши табиий. «Жон»-нинг бир талай ўринларида ва адибнинг ўз кундаликларида ҳам бахшилар тилга олингани шу сабаб бежиз эмас.

Андрей Платоновнинг ҳаёти ва иш услуби ҳақида кўп нарса билмаганимиз сабабли асосий масала қолиб, иккиламчи жиҳатлар атрофида ўралашиб қолишимиз, ҳар қандай улуғ асарлар каби «Жон» ҳам ўз ўқувчиси билан бевосита мулоқот қила олиш фазилатига эга эканини фаромуш қилишимиз мумкин. Шунингдек, алоҳида олинган айрим жиҳатларга, мисол учун, Платоновнинг Сталинга нисбатан танқидий қарашларига керагидан ортиқ урғу бераверсак, ушбу асарнинг, аслида, сиз билан бизнинг ҳаётимизга ҳам бевосита тааллуқли эканини илғамай қоламиз. Ахир пиروвардида ҳеч биримиз абғору ночор Жон қавмидан зиғирча фарқ қилмаймиз; йўқсил у миллатдан ҳеч бир жиҳатдан афзал эмаслигимизни англашимиз, ҳаёт ва жонимиз омонату мўрт эканини билишимиз учун биргина оғир дард, табиий офат ва ёхуд хунхўр уруш бошимизга келиши кифоядир. Платоновнинг улуғлиги ҳам шунда – умрнинг нақадар мўрт эканини кўрсата билишида, азоб-уқубат ва изтироблар манзарасини юксак маҳорат билан тасвирлаш орқали жафокашнинг бой берилган қадр-қиммат ва шаънини яна ўзига қайтариб бера олишида.

Ўзаро баҳамжиҳатлик ва бошқаларни ҳамиша ёдда сақлаш муҳимлиги борасидаги Платоновнинг таъкидлари ҳардамхаёл ва худбину тарқоқ бугунги жамиятлар учун бениҳоя қадрлидир: «Чиғатоев бу йўсин лоқайд фаромушликни астойдил тушунмас, аллақачон ўлиб кетган бегонаю мажхул одамларни, ҳатто унга мутлақо дахлсиз ва корига зиғирча ярамаган кимсаларни ҳам унинг ўзи ҳамон хотирида сақлар, ўзгача бўлишини ақлга сиғдирилмасди; ахир ҳалок бўлиб, беному бенишон ғойиб кетганлар хотираси дарҳол ёддан кўтарилаверса, фақат бир ўзинигина ёдда тутиш худбин бир маслакка айланса, у ҳолда бу тирикликда яшамокқа не ҳожат?»

Ўз қобиғида ўралашиб, ўзи билан қаноатланиш ҳар бир одам ва, умуман, бутун одамзод учун хатарли эканини Платонов яхши англайди. «Ҳайвоноту наботот билан зийнатлан-

маса, башарият ёлғизликда ёлғиз қолиб залолатга юз тутиши»дан огоҳлантиради ёзувчи кундаликлари саҳифасидан. Яна бир ўринда бундан ҳам мудҳишроқ ҳаёлга чўмади: «Барча махлуқлар устидан ғалаба қилдик, аммо энди улар бизнинг ичларимизни ишғол этишди, юрагимизда энди газандалар яшамокда». Шунингдек, табиат инсон аралашувисиз ҳам яшашда бардавом эканидан сўзлайди: «...муаттар бўйлар таратган тиканак олучанинг ҳам замирида инсон аралашувисиз ўзининг улуғвор ички жараёнлари муттасил кечар ва борликда борлигининг шукроналари унинг ҳосилларида барқ уриб бўй кўрсатар. Эҳтимол, кези келиб уларга Чигатоевнинг бир баҳя кўмаги лозим бўлса бўларки, аммо инсоннинг устунлигю раҳм ва шафқати асло даркор бўлмас...»

Охирида асарнинг хотималари ҳақида. Ўз вақтида Платонов қиссани икки хил тарзда якунлаган ва буларнинг қай бири яхшироқ деган мунозаралар ҳалигача тингани йўқ. Биринчисига кўра, Чигатоев билан Ойдин иккиси Жон элати ҳар томон тарқалиб кетиши ортидан дарҳол (16-бобнинг биринчи бўлаги) Москва сафарига отланишади. Бу ҳолатида тушкунлик улуғланган асар деб баҳоланишидан чўчиган Платонов кейинроқ мазкур икки воқеа оралиғини яна уч ярим боблик матн билан тўлдиради. Асарнинг узунроқ айнан мана шу нусхасида Чигатоев иккинчи бор қавмини излаб сарсон бўлади. Одамларини ҳеч ерда учрата олмай, ноилож Устюртга келиб боқсаки, жонларнинг бари ўз йўриғича яна жамулжам бўлиб, бир-бирлари ила қайта дийдор учрашиб турган эмиш. Шундан сўнггина хавотирлари ариган Чигатоев Ойдинни етаклаб Москва сориға йўл солади...

© РОБЕРТ ЧАНДЛЕР,

Андрей Платонов асарларининг
тадқиқотчиси ва инглиз таржимони.

SOUL AND OTHER STORIES

(NYRB Classics, 2005)дан муаллиф

розилиги билан олинди.

1

Москва иқтисод институти ҳовлисида ғайрирус миллатли йигит Назар Чиғатоев пайдо бўлди. Орадан шунча йиллар ўтиб кетганини шу тобда энди фахмлагандек атрофга ажабсиниб энтиқди. Ёзу қиш мана шу ҳовли оралаб сабоқларга ошиқди, навқирон ёшлиги шу ерларда қолиб кетди. Аммо кечган йилларига ачинмайди – ақли ўткирлашди, шом олдидан қуёш обдон қиздирган ёзги бу оламни хусусий ана шу камоли чўққисидан энди равшанроқ кўра оладиган бўлди.

Унда-бунда алафлар кўкарган ҳовли этагида ахлат қутиси, нарида ёғочли девори путурдан қолган қадим омбор, омбор ёнида эса бир қари олма дарахти одамлар назаридан беткайда омонат кунларини кечирарди. Дарахт ортида қаердан келиб қолгани аёнсиз ботмон-даҳсардай харсангтош ётар, яна нарироқда ярмига довор ерга ботиб, ўтган аср локомобилидан хотира – темир дўнгалак кўзга ташланади.

Ҳовлида кимса йўқ. Йигитимиз омбор бўсағасига ўтириб, хаёл суриб қолди. Мана, диплом иши ёқлангани ҳақидаги васиқа кассада, дипломнинг ўзини эса кейин почтадан юборишади. Бу ерларга бошқа қайтиб келмайди.

Ҳовлидаги анжому ашёлар билан зимдан хайрхўшлаша бошлади. Ҳозир жонсиз бу жисмлар вақти келиб ўз ис-тагича ёки одамлар кўмагида жунбушга келишини ўйла-ди. Уларга бир-бир тегиниб, сийпалаган бўлди – шундай килса, назарида, буюмлар уни эслаб қоладигандек, балки ҳатто унга кўнгил ҳам қўйишлари мумкиндек эди. Аммо ўзи бунга ишонмасди. Узоқ айрилиқдан сўнг ошною та-ниш жойларга яна рўбарў бўлиш кимсани ўксинтириб, қайғуларга солиши болалик ёдларидан маълум – худди юрагинг иплари жонсиз бу жисмларга ҳамон боғланган-у, улар эса ёлғизликда сенсиз ҳам жўшқин ва бахтиёр кунла-рини яшаганлари каби сени аллақачон унутиб юборишган ва сен энди нима қиларингни билмай, биртараф меҳринг билан улар қаршисида ночору мажҳул қолаверасан.

Омбор ортида эски боғ. У ерда ҳозир тараддуд бошлан-ган. Жиҳозлар қўйилиб, симёғочларга омонат чироқлар ўрнатилмоқда. Шўравий иқтисодчи ва муҳандисларнинг янги авлоди шарафига институт мудирини бугун битирув кечаси тайинлаган. Шу дамда билим юрти ҳовлисида бўлган Назар Чиғатоев оқшом базмига ҳозирланиш учун энди ётоқхонаси тараф йўл олди. Кела солиб каравотига узалдию дўнонликнинг хушбахт ҳорғинлигидан элиб, шу заҳоти ухлаб қолди.

Чиғатоев кейинроқ ойна олдида обдон соқолини кир-тишлади, талабалик йиллари асраб-авайланган кулранг костюмини кийиб, оқшом ҳукмига кирган маҳал иқтисод институти боғига қайтди. Унинг бор-буди каравот ёнида-ги тумбочка ичию ёстиғи остига жой бўлгулик, костюмсиз хувиллаб қолган шкаф эса энди мунғайиб қолгандек. Чи-ғатоев жиҳозларига юрак хижиллигида боқди: бу буюм-лар ҳам уни тез орада тамом унутажак, шу кезде сақланиб турган унинг бадан бўйлари ҳам булар сиртидан тамом кўчиб, ҳадемай тарқаб битажак.

Ётоқхонада бошқа институт талабалари яшар, шу сабаб битирув кечасига Чигатоев бир ўзи отланди. Кинотеатрдан даъват қилинган созандалар муסיқаларини бошлаб юборган, столлар ушлаб тортилган чароғон чироқлардан тигиз ёруғлик чор тараф таралган. Сўнгги дийдор маъракасига жамларнинг бошлари узалаб беюлдуз ёз оқшоми муаллақ, бу кечанинг чиройи ҳам атрофнинг яйдоқ илиқлигию сукунатга қулоқ тутган осмон ва гиёҳлар сокинлигида эди.

Муסיқа янграр, фирқа йўллаяжак ҳар тарафда ўз иқболини барпо этишга шай ва ҳали-замон бепоён мамлакатнинг олис депаралари тараф бурчига қойим тарқалиб кетажак навжувонлар столлар атрофини эгаллаган. Ўша олисликларни ҳозирнинг ўзидаёқ соғина бошлагансимон тўзимсиз ўртаниб таралаётган гижжак садолари гоҳида эшитилмай қолар, бу мунгли хонишлар ҳов анави уфқлар ортида, Чигатоев бир замонлар кўз очган номаълум юртда аллаким юрак-бағри сел бўлиб, ўксиб йиғлаётгандек туюларди. У юртда онаси ҳали омонмикан?

– Гулчатой! – талаффузланди шунда у бехос.

– Бир нима дедингизми? – ёнида ўтирган технолог қизнинг саволидан ўзига келди.

– Ўзим шундай. Онамнинг исми Гулчатой эди, тоғ чегаги демак. Одамлар бари жужуқликда яхши кўринади, шунинг учун уларга шунақа чиройли исмлар қўйишади...

Гижжак яна нағма қила бошлади, унинг сасида энди нолиш билан бирга ҳеч қайтмас бўлиб олис кенгликлар томон отланишга даъват садолари билинар, иллоки, муסיқа маъюслиқда ҳам зафарларга чорлагаймидир.

Чигатоев кечки боғ қўйнида авж палласига ўрмалай бошлаган даврани кузатар, атрофда шараф сўзлари айтилар, рақс ва ўйинлар бошланиб кетгач, давра аҳлининг бари навқиронлик жунбушига батамом таслим бўлишаёт-

ганди. Хаёлида эса фикрлар ўрмалардики, унинг ўзи бу ерларда ҳали узоқ қолиб кетарми, уқубатларини бетиним меҳнат билан енгиб, охири иқболини ҳам топарми?

Рўпарада тим қора кўзлари чақноқ, зангор кўйлагини кампирларга хос иягига довлур тортиб кийган нотаниш қиз қимтиниб ўтирар, тортинганиданми, рақсларга қўшилмас, бу даврада арзирли бошқа эрмак тополмагандек, Назардан кўзларини узмасди. Чигатоевнинг қорамағиз юзлари, қарашлари тунд, аммо ичи меҳрга тўла тиниқ ва кийик кўзларини ёқтира бошлаганди қиз; йигитнинг қорувли жуссасига суқланиб тикилар экан, унинг қувватли тўшида яширин юрак сирларини, табассум ва ўкинчга бирдек мойил лабларининг шижоатини ҳам татиб кўришни истар эди. У Чигатоевга кўнгли борлигини яшириб ўтирмасдан табассум қилди, аммо жавобан не қиларини билмай талмовсираган Назардан барибир рўйхушлик муждаси бўлмади.

Шодон давра тоборасида иқтисодчию режадор-плановиклар, муҳандису бошқа толиблар стол юзасидаги гуллару боғдаги чечакларга қирон келтириб чамбарак ясашар ва кўз остига олиб қўйган толиба қизларга тақдим қилишар ёки уларнинг қуюқ сочлари узра бир тантанали эҳтирос билан сочиб юборишарди. Кейин пайдар-пай конфетти-мушаклар отилиб, атрофда кечаётган вақтихушликка яна ортиқ баҳралар қўшилди, бўйдоқи қаҳқаҳалар жўшилди. Чигатоев қаршисида ўтирган аёл кўринмай қолди – у энди наридаги йўлакда ҳар навли мушак қоғозларига бурканиб рақс тушар ва ўзида йўқ бахтиёр эди.

Стол атрофида қолган бўйсара қизлар ҳам ўз ёронлари парвосидан масрур, яна уларни қуршаган мана бу сокин табиат ҳам, давомли умидлари билан барҳаётликка баробар билинаётган келажак ҳисси ҳам бу ганжларнинг сурурли соатларини яна чандон зийнатлар эди. Аммо булар

орасида биргина аёлнинг қўлида чечаклар кўринмас ва ҳеч биров унга эгилиб, қулоғига қитмир ҳазилларини пичирламас. Шодиёнада бошқалар қатори хуррам эканини кўрсатиб қўймоқчидек у ночор жилмаяр, аммо каттакон кўзлари [ишчи йўрғаники каби] маъюс ва ювош боқарди. Баъзан атрофдагиларга диққат билан тикилиб қолар, аммо ҳеч кимга керак эмаслигини билгач, ўриндикларда қолган чечак ва ранго-ранг қоғозларни йиғиштириб, киши билмас бир жойларига шоша-пиша яширар эди.

Аёлни кузатиб турган Чигатоев унинг бу ишларини тушуна олмас, кўндан бери давом этаётган тантана ҳам бирхиллашиб, зерика бошлади. Осмонда пайдо юлдузлар ёрқинлашиб, тун ярмидан оға бошлагани билинди. Чигатоев ўрнидан кўзғолди, эмакдонлари билан келгуси айрилиқ йиллари томон хайрлашди. Бошқалардан қолган нушқут гулларни териб юрган аёл ҳам кўринмай қолди.

Дарахтларни ёнлаб бораётиб ним қоронғи бурчакда пусиб олган бўйича ўз сочларига гулу қоғоз тасма қадаётган [йўрға] юзли ўша аёлга кўзи тушди. Ўзини ясантириб бўлгач, у яна чироқ шуълалари ёритган даврага қайтди. Аёлнинг ўзини овунтириш эрмакларига гувоҳ бўлган Чигатоев шу тобда даврани ағдар-тўнтар қилиб, дарахтларни ҳам илдизи билан қўпориб ташлашни истар, бир нотафоннинг ўкинч ёшларига сабабчи бўлаётган ушбу фароғатларга шу йўсинда бира-тўла хотима ясагиси келиб кетди. Аммо кўзлари ёшли бўлса-да, қўнғиртоб сочларига қадалган атиргулнинг ўзи каби гулгун кулаётган аёл энди негадир масрур эди. Чигатоев танишчилик истади – кимё институти битирувчиси экан. Ўзи рақс тушишни билмаса ҳам, аёлни ўртага таклиф қилди. Мусиқага монанд қадам ташлаётганнинг устомонлиги соясида Назарнинг бесўнақай ҳаракатлари кўрслиги билинмай кетди. Кўзидаги ёшлар қуриб, чиройи ҳам очилган аёлнинг иссиқ нон каби

хуш ҳарорат уфураётган, қари бокиралик тарк этмаган хуркак бадани энди Назарнинг оғушида итоат кўрсата бошлади. Ҳузурбахш уйқу ва сурурли иқбол ваъдаларига тўйинган бегона бу аёл билан, эҳтимолки, қайтиб кўришмас, аммо шу тобда Чигатоев неки бўлса барини унутишни истарди. Фароғатлари бисёр саодат бизга бақамти, аммо сўқир кўзларимиздан пинҳон эканини шу тариқа ҳеч англамасмиз.

Вақтичоғлик кўкда эртаки шуълалар пайдо бўлгунча давом этди. Кейин ҳамма тарқалгач, хувиллаган боғ жонсиз жиҳозлари билан ёлғиз қолди. Чигатоев янги таниши – Вера билан тонгги шафақ ёритган Москва бўйлаб ҳамроз йўлга тушди. Киндик қони бошқа юртда тўкилган келгинди Назар бу шаҳарни ўз ватанидек севар, узоқ йиллар бағрига олиб, беминнат нонини аямай илм ўргатган Москвадан миннатдор эди. Йўлнинг давомида ҳамқадам йўлдошига назар солди – олисда бош кўтараётган қуёш нурларидан аёлнинг юзлари бениҳоя чароғон эди.

Кўп ўтмай тубсиз осмон тиниқлашиб, жўшқин қуёш ҳам неъматларини замин узра муттасил соча берди. Вера жимгина одим отиб борар, дам-бадам унга кўз ташлаётган Чигатоев нега бошқалар бу қизнинг кўркини сезмасликларини тушуна олмас – ахир сукут ичида ҳам у беозору паррихта бир ниҳол ва садоқатли дўстнинг ўзгинаси эди. Фақат олисдангина уни ёқтирмай тўғотмаслик ёки лоқайд бўлиш мумкиндир, аммо ёноқларида зухур ҳорғин чизиқлар, истак ва майлларини яширган юз ифодалари, қабоқлар ичидаги кўзлар, балки, йиғидандир шишинқираган лаблар – аёлнинг тирик жисмида пинҳон барча мана шу гизли эҳтирослару баданидан уфураётган меҳр қувватини шундоқ яқиндан кўриб, ўз томирларида туяётган Чигатоевнинг юрагида ардоғи жўшар, айнаи дамда, аёлга бехос шикаст етказиб қўйишдан ҳадиксирар, ҳатто унинг ҳусни

устидан гумонсираб, каловланишни ўзига иснод деб биларди.

– Ҳеч мижжа қоқмадик, астойдил толиқдим, – деди Вера, – энди хайрлаша қолайлик.

– Зарарсиз, – деди Чигатоев ҳам. – Мен яқинда кетаман, келинг, бир нафас [бирга] бўлайлик.

Улар йўлда давом этишди, узун кўчалардан юриб, бир жойда тўхташди.

– Шу ерда тураман, – янги иморатни кўрсатди Вера.

– Уйингизга кирайлик. Хавотирланманг, сиз ухлайверасиз, мен ёнингизда бирпас ўтириб, кейин кетаман.

Вера хижолат бўлди.

– Майли, юринг, – деди охири ва меҳмонни уйига бошлади.

Номигагина жиҳозланиб, пардалар илинган қизнинг хонаси кенг бўлса ҳам, негадир дилгир, файзсиз ва деярли яланғоч эди.

Вера эгнидаги ёзлик ёпинчиғини ечган пайт Чигатоев унинг кутилганидан тўлароқ эканини кўрди. Кейин тортмаларни бирма-бир очиб, меҳмонга егулик излай бошлади, Назар эса шундоқ каравот устига илинган эски, қўшалок суратга қараб қолди. Суратда ер шари думалок эмас – ясси, осмон эса йироқ эмас – жуда ҳам яқин бўлган замонларга мансуб бир орзу тасвирланган эди. Ер юзасида тик турган дароз бир одам боши билан осмон гумбазини тешиб ўтиб, самонинг нариги тарафига – ўша замоннинг ажиб чексизлигига маҳлиё бўлиб қолган. Одам номаълум ва бегона кенгликларга узоқ тикилганидан одатий осмон остида қолиб кетган ўз танасини тамом ёдидан чиқарганди. Худди ўша кўриниш бошқача ҳолатда тасвирланган суратнинг иккинчи палласида киши танаси толиқиб, эти устухонига ёпишган, эҳтимол, қазо қилган тарзда намоён бўлади, қуриб-қовжираган боши чўян қозонга ўхшаш ос-

моннинг сирти бўйлаб нариги дунё томон – абгору ночор бу заминга қайтиб келинмас адоқсизлик томон юмалаб кетган.

Бироқ шу дамда Чигатоевнинг кўнглига ҳеч нарса сиғмасди. Ёнида мезбонлик юмуши билан куймаланаётган Верани ҳадиксираб қучоғига олди ва унга тобора сингиб, танасининг тафтида тузукроқ ором олмоқчи каби янаям дадилроқ, аммо авайлаб, оҳиста бағрига босди. Истагини дарров фаҳмлаб Вера ҳам уни кўксидан итармади – қаддини ростлаб, Чигатоевнинг бошини ўз кўксига қўйиб, тим қора дағал сочларини сўйиб силай берди. Кўзларидан шашқатор ёшлар тўкилаётган Вера хўнграб юбормасликка тиришиб юзини яшириб, нафасини ичига ютар, аммо барибир Чигатоевнинг бошига думалаётган қайноқ томчилар аёлнинг ҳолатини ошкор қилиб қўярди. Веранинг унсиз йиғлаётганини билиб турса-да, ҳозир Назарга бунинг фарқи йўқ, жужук йилларидан худди шундай илик бағирни соғиниб, охири муяссар бўларак, бунинг баҳрасига сингиб бораётган Назар ҳозир, айти шу тобда бошқа бировни ҳам-андуҳидан, кулфат ва қайғусидан халос этиб, юнатишга ожизу бемадор эди.

– Мен ахир иккижонман, – деди Вера.

– Майлига! – деди Чигатоев худди Веранинг гуноҳларидан ўтаётган каби.

Бир пайтнинг ўзида ҳам ёшларини қуритиш, ҳам бечирой дийдорини яшириш илинжида қўйлаги енгини тортқилаётган Вера:

– Йўқ! – деди ҳасрат билан. – Йўқ, бундай қилолмайман.

Чигатоев уни холи қўйди. Бахтга сазовор бўлиб, саодатини муқаррар қилиши учун у Вера билан ларзали дилхушлик қилишига асло зарурат йўқ – фақат унинг ёнида бўлиши, қўлларидан оҳиста тутиб, не сабабдан – қайғу-

данми ва ё таҳқирдан – кўзёш тўкаётганини сўраб билса кифоя эди.

– Яқинда эрим қазо қилди, – деди Вера. – Биларсиз, ўликларни унутиш азбаройи қийин. Қорнимдаги бола ҳам туғилиб отасини кўрмайди, битта онанинг ўзи унга етарли эмас... Ростданам етмайди-ку, тўғрими?

– Етмайди, – деди Чигатоев ҳам. – Энди ўзим унга оталик қиламан.

Назар аёлни яна қучоғига олди ва иккиси кундуз ёруғлигида уйқуга кетишди. Москванинг қурилиш шовқинлари, ер остида тинмаётган қазиш қасирғалари, автобусларда талашиб-тортишаётган йўловчилар тўполони тун бўйи ҳориган бу икки баданни энди безовта қилмас, фақат уйқу ичидаги икковнинг сокин нафас олишларигина олис хиргойи янглиғ заиф тингланарди, холос.

Кечга яқин, муассасаларда иш вақти тугашидан бурунроқ, шу яқиндаги ЗАГС идорасида қайддан ўтишди. Даста гуллар орасидан мўралаган икки бу ёшни ЗАГС мудири калтароқ нутқ билан мубораклади. Сўнг умр бўйили сadoқат тасдиғи билиб ўпишиш сўралди, инқилобий авлод келгуси кўп замонлар бардавом яшаши ҳаққи этак-этак фарзандлар кўришларига даъват қилинди. Чигатоев Верадан қўшалоқ ўнич олди ва мудир билан дўстона хайрлашаётиб, хизмат зарурати билан чекланмай, бу ҳам Верани ўпса ёмон бўлмасди деб ўйлади.

Ўшандан бошлаб Чигатоев ҳар оқшом Вераникига келар, муштоқу интизор Вера ҳам буни хушлаб-қаршилаб, ташрифларидан фақат шодланар эди. Улар дарров ачомлашар, шунда ҳам Веранинг қорнидаги, ўлиб кетган отага мансуб болага озор етказмасликни ўйларди Чигатоев. Кейин улар бошқалар каби қўлтиклашиб шаҳар юришга чоғланар, худди кўп нарса оладигандек ойнаванд витриналарни узоқ томоша қилишар, ўзининг хос ходисалари содири билан машғул юқоридаги осмонни кузатаётиб,

айни пайтда, муттасил нимадир рўй бераётган қуйидаги атрофнинг тафсилотларини ҳам кўздан қочирмаслик пайдан бўлишар эди. Баайни муҳаббат мавсумига кириб, сурункали ишқий амаллардан зўриққан юракларни шу янглиғ беозор эрмаклар билан овунтириш лозимдек.

Ҳали ўзига чин эр бўлмаган Чигатоев билан қовушишга Веранинг юраги дов бермас, ишқий хуружлар индалло-сида беихтиёр таслим бўлиб, истифода этилмаслик, айна пайтда, Назарни инжитиб, ҳамиятига тегиб қўймаслик учун йигитнинг ҳамлакор майлидан сиполик билан муҳо-фазаланар эди. Ҳеч кутилмаганда ҳаётига кириб келган бу овунчоғини эҳтирослар оғушида нобуд қилиб қўйишдан Вера қўрқар ёки эридаги ҳароратни мудом алангалатиб туриш ва бу аланга тафтида ҳали кўп йиллар исинишда давом этиши ҳаққи шу тарзда муғомбирлик қилаётган-га ўхшарди. Кўринишидан ҳимояга муҳтож ожиза, аммо не-не лашкарингни ишга солмагин, ишғол қилиб бўлмас Вера қувгина табассум қилиб, каравотининг у тарафига терс ўгирилиб олди. Верага бўлган туйғуларини инсон-ларга ноҳос ноинсоний – қалбий ва руҳоний тизгинда ту-тиб туришга тоқат қилолмаган Чигатоев шунда қилвир бу хотин дастидан йиғлаб юборди.

Томирида кўпириб-гупираётган қон шитобларига дош беролмаётган Чигатоев Веранинг бокираю маъсума, ши-кастаю меҳрибонлигини билар, билгани сайин унинг ети-шиб бўлмаслигидан таҳқирланар ва фикри лойқаланиб, тобора эсидан оғиб бораётганини сезиб турарди. Олис болалигида ҳам шу кўйга тушганларини эслади – ўшан-да ер депсиниб, тупроқларга қоришиб тинимсиз йиғлар ва ўтган-кетган одамларга пўписа қилиб ўдағайларди-ки, қирчин бу жужуқ араз ва иддаоларига биргина сабаб дўконнинг қалин ойнаванди ортида турган, аммо унинг кўли ҳеч етмас егулик бир томоқ эди.

Жазирама ёз давом этар, Москва атрофида бурксиётган ботқоқлар қўлансаси кўпчиган колхоз далаларидан ўрлаётган буғлар билан омихталашиб одамларни диққинафас қиларди. Ишга йўлланма олган Чигатоев ҳам Вера билан сўнгги кунларини ўтказар, ҳадемай Осиё саҳросининг қоқ ўртасида адашган, онасининг тирик ёки ўлигини асраётган ўз юртига қайтади. Чигатоев у ерлардан ўн беш сана илгари – ҳали суяги қотмаган пайти бош олиб чиққанди. Ўшанда туркман хотин Гулчатой ўғлига чўғирма телпак кийдириб, бўҳчасига бир тишлам чуррак билан қамишу қатрон ва яна бир нималар қоринмасидан ёпилган кулча солган, кейин узоқ йўлда йўлдош бўлсин деб қўлига таёқ тутқазиб, йўлга равона қилган эди.

– Назар, болам, энди бора қол, – дерди у боласининг ўлигини кўришни истамай. – Йўлларда отангни учратиб қолсанг яқинига йўлама. Кўҳна Урганчу Тошовуз ёки Хивада тўкин бозорларга дуч келсанг – у жойлардан ҳам нари кет, яхшиси, йироқларга – бегоналар томонга йўл сол. Отанг сенга бегоналардан ҳам бегонароқ бўлсин.

Ҳали шўртумшук Назар-бола онасидан ажралишни истамади. Кўниккан юраги ўлимдан бошқа кўрқмаслиги, шу ерда қолса энди томоқ сўраб бошқа хархаша қилмаслигини айтиб ёлворди.

– Йўқ, – деди онаси. – Меҳримни сенга бошқа беролмайман, бунга мадорим қолмади. Сени эсимдан чиқараман, сен ҳам энди ҳаётингни ўзинг яша.

Назар онасининг озгин ва ҳарорати соб бўлаётган оёқларига ёпишиб йиғлади. Дармони қуриган қадрдону ақрабо жасадни қўйиб юборгиси келмас, шу дамда ўзининг ҳам жимит юраги сувда ивигансимон оғирлашиб, ҳаприқа бошлади. Бола тупроққа ўтириб, онаси томонга ўксиди:

– Мен ҳам сени эсимдан чиқараман, энди мен ҳам сени бошқа яхши кўрмайман. Бир дона майда одамни эплаб боқолмайсизлар, ажаб бўлсин, ўлаётганда бошингизда энди ҳеч ким бўлмайди.

Кейин ҳали қуримаган кўз ёшларини хўрсиниқ нафасларига қоришиб шу жойнинг ўзида ухлаб қолди. Бир пайт кимсасизликда уйғониб, онаси кетиб қолганини билди. Чўл тарафдан на бирор хид ва на бир тириклик товушига тўйинмаган беҳуда эсинти эсарди. Ташлаб кетилган жойда чордона қуриб, тугунидан чуррак олиб еди ва энди йиллар ёдидан ҳайдаган қайсидир бир ўйни хаёлидан ўтказди. Қарнисида эса ўзи туғилган ва ҳеч тарк этишни истамаётган замин. Унинг болалик юрти саҳро поёнидаги қоронғу кўланка ичида қарор топган. Ўша томонда саҳро тугайди, саҳро тутаган ўша жойда бу дунёдан насибаси узилиб, энди қиладиган бошқа иши қолмагандек, ер ҳам ўзини бирдан чуқур ҳандаққа отади, қуруқ шамоллар ялаб-юлқаган ясситоғлар эса қуйида қолган бу жойларни кундуз ёруғлигидан қизғониб зулмату сукунатга чўмдиради. Баайни шўр ёшлари қуриб қотган-у, бироқ ғуссаси битмаган шўрхок бу заминда базўр қулоқ чиқарган ниҳоллар шом қуёшининг хафақон шафақлари билан омонат ёришган.

Назар турган қоронғиликнинг бу ёнидан ёруғ ва сурурли саҳро бошланар, энди унут бўлган ҳов ўша болаликнинг ўз маконидан қувилгану йўлдан адашган ўксик эпкинлари сокин барханлар аро паноҳ топган. Болакай атрофга қулоқ тутиб, шабода изларини излай бошлади. Шу тобда у шамол илкидан тутиб, иккисини ҳам сиғиштирамаган бемехр бу юртдан олисларга ҳамқадам отланишни, олисларнинг ўша узок йўлларида ўзаро йўлдош бўлишни истарди. Ҳар қанча уринмасин, шамолни топмагач, алам ва ўкинч ичида бор овози билан баралла ҳайқирди. Жавоб бўлмади.

Олисдан тун бостириб келар, онаси етаклаб чиққан яй-
доқ пастликда оқшом аллақачон чойшабини ёйиб улгур-
ган, фақат ертўла ва ўтовлардан қилтирик тутун ўрларди,
холос. Ўзи қувилган юрти билан нотаниш бу сахро миё-
насида ёлғиз қолган Назар илкис сесканиб, оёқ-қўллари,
қорин-тўшларини пайпаслаб кўрди – яхши кўриш малол
келиб, ҳамма уни унутган бўлса, ўзидан ном-нишон ҳам
қолмагандай туюлди. Шу пайтгача яқинларининг биргина
мадор ва орзуларидан қувват олиб яшагандек, бошини бе-
худа банд қилиб ўйлайдиган ўйи ҳам тамом қолмади... Сал
нарида шамоллару куёш қаҳридан қуруқшаган бир дайди
қамғоқ юмалаб борар, илдизидан узилгач, уруғ-аймоғи-
дан ажралгану ёлғиз умрининг заҳматларидан толиққан
бу саёқ бута боши оққан томон кетиб борарди. Назар унга
етиб олди. «Тек ўзим зерикдим, – деди у, – энди бирга
бўламиз – мен тўғримда бирор нарса ўйла, мен ҳам сен
ҳақингда ўйлайман. Улар билан эса яшамайман, ўзлари-
дан кўришсин, ёппа-ёлғиз ўлиб кетаверишсин!» Қўлидаги
таёқни сермаб, қуйида қолган юрти ва уни ёлғиз ташлаб
унутган онасига ҳаволи пўписа йўллади.

Назар қамғоқ ортидан қолмай, қоронғулик четига қа-
дар бирга борди. Бута яна дайдиб кетиб қолмасин деб маҳ-
кам ушлаган кўйи сўнграқ уйкуга кетди. Эргалаб уйғониб
кўрсаки, ёлғиз йўлдоши йўқ – тунда барибир қаёққадир
бош олиб кетибди. Назар йиғламоқдан бери бўлиб турган-
ди, ҳов наридаги қумтепа ёнида нимадир гимираётгани-
ни кўрди – йўлини тўсган барханга чиқа олмай ҳалак бута
бир жойда мажолсиз ивирсиб-куймаланарди. Назар сал
қолса йўқотаёзган ёлғиз йўлдоши томон ошиқди.

Кўздан бутунлай ғойиб бўлган ватани билан онасини
вояга етаётган қалби ҳам энди тамом унутсин. Қамғоқ
ўша куни Назарни бир отарга бошлаб келди, қўйчивон бо-
лани едириб-ичирди, юмалоқ шериги ҳам дам олсин деб

таёққа боғлаб қўйди. Шу кундан бошлаб Назар қўйчивон билан қолди. Кўзи ўтмаслашиб, қўйларга қарашга яроғи қолмаган чўпонни сурув эгаси биринчи қор тушиши биланок бир иш баҳона Чоржўйга жўнатди. Чўпон болани ҳам ўзи билан етаклаб олди, шаҳарда эса Шўро ҳукуматига топширди. Ўзи шунақа, Шўро ҳукумати серфарзанд бевага ўхшайди, ташландиқ ва кераксиз ҳамма есирларни этагига жамлаб юради – яна битта шўртумшукни бағрига олиш унга чикора!

Болаликнинг қайсар аламлари орада кечган йиллар ҳукмида хира тортиб, онасига йўналган ардоғи юрагидан барибир ўчиб кетмади, худди олис болалик ҳали ўтиб битмагандек ўзини туққан аёлга аталган жой ҳамон қалбида муқим эди. Аммо Назар отасининг дийдорини ҳеч кўрмаган. Хивада жойлаштирилган рус қўшинлари оддий аскарлари Иван Чагатаев, аслида, Қўшматнинг икки болали хасми-ҳалоли бўлган Гулчатойнинг кўзи ёришидан анча аввал ғойиб бўлганди. Қўшматнинг болалари Назар гўдаклигидаёқ ўлиб кетишган, улар бир пайтлар бу дунёда бўлганларини кейинча онаси гап орасида эслаб қолишларидан биларди, холос. Хотинидан ёши анча катта Қўшмат фақир бир киши бўлиб, куни Кўҳна Урганч ва Тошовузда бахил бойлар қўлида мардикорликда ўтар, ҳеч йўқ, ёз ойлари арзонқўл ишлаб, уйдаги маҳрамларини нон билан сийлашга ўлиб тиришар эди. Қишнинг калтаи кўтоҳ кунларию ундур узу тунлари Устюрт этагида қазилган ертўласидан чиқмай, сурункали уйку билан андармон бўлар, Гулчатой ҳам, тириклигида эса болалари ҳам бисотларисидаги биргина шу кигиз наMAT тагида биқиниб олган бўйи умрларини сарфлаб кечирарди. Очликдан бада-нида аранг қилтилаган йўқсил мадорни улар шу йўсин кейинги кўкламга довура асрашарми эди. Гулчатой егуликка ўт-ўлан излаб ора-сира далага чиқар, баъзан иш қиди-

риб Хивага ҳам йўл олиб қоларди. Бир сафар иш топилмади, куруқ қўл билан қайтгиси келмай Хивада қолиб кетди. Қуйруқ мойига ош дамлаб, кетидан қайноқ чой хўплаб ёнбошлаган боёнларга қишнинг қаҳратони кор қилмас, кўкатлар қулоқ чиқарадиган кунларни пойлаган камсуқумларга эди ҳамма азоб. Гулчатой тиланишга орият қилиб, бозорда нушқут-урвоқларни териб, кун кўриб юрди. Иван Чагатаев уни шу алфозда кўриб, аскарлик емагидан декчасида насиба келтирадиган бўлди. Одамлар тарқаб, ҳувиллаб қолган кечки бозорда Гулчатой ийманиб этли бўтқадан хўплар экан, аввалига ботинмаган аскар жеркимасдан ювош ўтирган аёлни энди аста кучоқлаб, бетларидан ўпадиган бўлди. Рўйхушлик бермасликка Гулчатойнинг юзи чидамас, аскарни рози қилиш учун унда бошқа бисоти ҳам йўқ эди, аслида.

– Нега кўзларинг ёшланди? – деб сўради Вера ундан юртига қайтар қуни.

– Онам эсимга тушди, – жавоб қилди бунга Чиғатоев, – менга кулиб қараб туришларини эсладим.

– Кулгуси қандай эди онангнинг?

Чиғатоев энди каловланди.

– Аниқ эслай олмайман... Фақат... фақат мени кўрсатилидан яйраб, кўзларидан дув-дув ёшлар тўкиларди. Хозиргилар бунақа кулишмайди.

Онаси кейин айтиб беришича, Назар-бола рус аскаридан бинога келганини билган эри бир оғиз аччиқ-тирсик демасдан, дардини ичига ютиб, одамови бўлиб қолган вақай гўрларгадир бош олиб кетиб, ҳасратларини ўша ёқларга кўмиб келган. Кейин ҳеч нарса бўлмагандек Гулчатойга аввалгидек севгисини кўрсатаверган.

Назар Чиғатоев сўнгги бор Вера билан шаҳар кезинишга чиқди. Кечкурунги поезд билан ҳадемай Осиё томон йўлга тушади. Вера ҳам Назарни обдон йўлга ҳозирлади:

жомадонини қайта-қайта кўздан кечириб, кийимларини дазмоллади, йиртиқ-ямоқларини тикиб бўлиб, эрига олис сафарда йўлдош бўлажак буюмларига ҳавасланди, меҳрли қўллари билан силаб-сийпади.

Кўчада сайр қилаётиб Вера бир маҳал шу атрофдаги танишларникига бирров кириб ўтишни сўради.

Каттакон бир квартирага киришди. Вера эрини бир кампир билан таништирди ва ундан:

– Ксения уйдами ё бирор ёққа кетдимиз? – деб сўради.

– Ҳозиргина келди, уйда, – деди хўжайка ҳам.

Ивирсиқ хонада ўн уч-ўн беш ёшлар миёнасида бир қиз қайсидир китоб мутоласига берилиб, тим қора кокилини ўйнаб ўтирарди.

– Ойи! – қиз онасига шодон талпинди.

– Ксения, тузукмисан, жоним? Бу – менинг қизим, – таништирди Вера.

Чигатоев қизга қўл узатди; сўрашаётиб унинг қўли исқирт ва ёпишқоқ, айни пайтда, вояга етаётган ҳур қизнинг титроқларига тўла эканини сезд.

Ксения ийманиб жилмаяр, унинг ўғил боланики каби чўзинчоқ юзи онасиникига сира ўхшамас, яшашга ҳали кўнимсизлик ҳаёсию бўйга етиш азобларидан хомуш эди. Чехрасига ҳалимлигу нотапонлик бериб турган бири қўнғир, бошқаси кўкимтир кўзлари Чигатоевнинг раҳмини кўзгар эди. Фақат вояга етаётган вужудига эш-бақамти ўсаётган даҳани қиз ҳуснини бузиб турар, ҳамиша ташна лаблари ҳам тўлишиб, беозор кўринган тери остидан, аслида, вайронкор ҳаёт чечаги ўзига йўл очиб келаётгани аста билинар эди.

Орага ўнгайсиз сукут чўккан, аммо Ксения ҳаммасини фаҳмлаб турарди.

– Шу ерда яшайсизларми? – деб сўради Чигатоев бошқа гап тополмасдан.

- Ҳа, бу квартира дадамнинг онасиники, – деди Ксения.
- Даданг қаерда ҳозир, ўлганми?

Вера гапга қўшилмай деразадан Москва манзарасига қараб қолган.

Назарнинг саволи Ксениянинг кулгисини қистатди.

– Йўғ-э, нималар деяпсиз? Дадам ҳали ёш, Узоқ Шарқ-да кўприклар қуриш билан овора. Ҳозиргача нақ иккитасини қуриб бўлди!

– Қураётгани қанақа, катта кўприкларми? – деб сўради яна Чиғатоев.

– Жудаям каттакон – биттаси осма кўприк, бошқаси қўшалоқ тиргак устига қурилган, лекин сув остида қолиб кетган таглик-кессонларини ҳалигача топишолмай овора бечоралар! – деди Ксения завқланиб. – Ўша кўприкларнинг газетада чиққан расмлариям бор менда.

– Дадангиз сизларни яхши кўрадимми?

– Йўқ-да, у бошқа бегоналарни яхши кўради, ойим иккимизни яхши кўргиси келмаяпти.

Улар яна пича суҳбатлашишди, шу онда худди тушдагидек ёки номаълум манзилга йўл олгандаги каби билимсиз бир таассуф Чиғатоев юрагини хомуш қилар, ўзи ҳам билмаган кўйи атрофдагиларни ҳам унутиб, Ксениянинг қўлларидан ушлаб туриб қолди.

Бир-бирига бегона ҳар навли кўзларида саросима учкунлари йилтираб, ажабсиниб турган Ксения қўлларини тортиб олишга ҳадди бормас, Вера бўлса нарида иккисига табассум билан, жимгина қараб тураверди.

– Поездга кеч қолмайсанми? – сўради охири аёл.

– Йўқ, бугун йўлга чиқмайман, – деди Чиғатоев қизалоқ қаршисида сабрсиз типирчилаётган юрагини овунтиргиси келиб.

Вера билан Ксения, бу икки аёл унинг бу ҳолатини эрликнинг одми майлига йўйишларидан хижолатда қолди,

аммо Назар шу тобда ўз қалбида фақат бокира туйғу туяр, бу қизалоқ тақдирига қайғуриш, унинг келгуси иқболидан фароғат туйишдек инсоний дохиллик сезарди, холос. Келгуси саодатга етишини йўлларида Ксеняни асраб-авайлагувчи суянчиқ ва падар бўлишни, қизнинг қалбидан мангу ўчмас ширин ва муборақ хотира бўлиб қолишни истар эди.

Чигатоев бирров ташқарига йўналиб, шу депарадаги Мосторг дўконидан оз эмас-кўп эмас нақ уч юз сўм харажат қилиб, Ксеня учун ҳар турли совғалар олди. Шундай қилмаса, кўп вақтлар ўзини қойиб, пушаймон бўлиб юришини ўйлади.

Ойисидан фарқли, Ксеня совғаларга кўп севинди.

– Ксеняда бир жуфт кўйлақдан бошқа бисот йўк, туфлисиям йиртилиб тугаган, – деди Вера Чигатоев олиб келган нарсаларга қараб. – Отаси ҳеч нарса жўнатмайди, менинг топганим урвоқ ҳам бўлмапти. Нима қилардинг беҳуда нарсалар олиб, муштдек қизга қиммат атиру чарм сумка, яна мана бу олачипор ёпинчиқнинг нима кераги бор?..

– Қўя беринг, ойи, ташвишланманг! – деди Ксеня. – Театр тўғарагида менга шундоғам бепул кўйлақ беришадди, пойабзал ҳам керакмас, яқинда отрядимизда тоғларга чиқиладиган пишиқ ботинка тарқатишмоқчи. Сумка билан ёпинчиқ бўла қолсин.

– Барибир бекор қилибди, – деди Вера беҳуда хотамтойликдан ўксиниб. – Узоқ йўлга кетяпти, ўзигаям пул керак.

– Пулим етарли, – деди Назар ва ёнидан яна тўрт юз сўм чиқариб, Ксенянинг озуқаси учун қолдирди.

Шу пайт қиз унга қўлларини узатиб, хушбахтлигини изҳор қилди:

– Яқинда мен ҳам сизга совғалар берадиган бўламан. Жуда оз қолди, ҳадемай бадастир фароғат бошланади!

Чигатоев қизнинг юзларидан ўпиб, хайрхўшланди.

Қиз билан бувини қолдириб ташқари чиқилди, шунда Вера:

– Мени бошқа севмайсан-а, Назар, шундайми? – деб сўради. – Шундай бўлса, кетмасингдан олдин ажраша қолайлик... Қизим борлигини билдинг, сендан аввал ҳам иккита эрим бор эди, ўттиз тўртга кирдим, сен эса ҳали ёшсан.

Вера кўзлари билан ер чизиб жим қолди. Чигатоев эса дабдурустдан айтилган сўзларни яхши уқмади:

– Севмайсан деганинг нимаси? Сен ўзинг аввалги эрларингни севармидинг?

– Севардим. Ўлиб кетган иккинчи эримни эслаб ҳалигача ичимдан эзиламан. Биринчисигаям вафоли хотин эдим, лекин қизим билан ёлғиз ташлаб кетди. Кейин гурбатларда тек қолиб кетдим, ўзимни овутиш учун хушхандон давраларда санғиб, ўзимга ўзим гуллар совға қиладиган бўлдим...

– Лекин барибир нега мени севмайди деб ўйлаяпсан?

– Кўриб турибман-ку, сен Ксеняни севиб қолдинг... Кунлар келиб сизлар турмуш қурасизлар, ўзим совчилик қиламан. Ўшанда у айти ён саккиз ёшда, сен эса ўттизнинг нари-берисида бўласан. Сен мени овутишга уринма, йўқотишларга кўникиб қолганман.

Чигатоев қаршисидаги аёлнинг сўзлари мағзини чақа олмасдан тек туриб қолди. Веранинг ғуссасидан кўра бир умр ёлғизликка маҳкум эканига бешак ишончи комили уни таажжубга солар, ахир қайғуларини аритиб, қисматига шерик бўлиш учун ҳам бу аёлга уйланмаганми эди?... Аёл ғам-ғуссаларини беҳуда исроф қилмаслик илинжида уларни – маҳзун бу туйғуларини парваришлаётган туюлар, бегона кўзлардан қизғониб, асраб-авайлаётганга ўхшарди. Бундан чиқдики, инсон тафаккурининг олис пуч-

моқларида, қалбининг ҳам қоқ ўрталиғида унинг ўзига ёғий қудрат – умрининг айна яшноқ чоғлари чакнаган бу тийрак нигоҳларни зимистон пардасига ўраяжак, суюкли қўллар оғушида ҳам ва ҳатто жигарбанд фарзанднинг меҳрли ўничлари аснолари ҳам кимсани заволга ундаяжак адоватли кучу иқтидор яширинмидир?

– Шу сабаб мени яқинлаштирмадингми? – сўради Чигатоев.

– Шунинг учун. Менинг шундай қизим борлигини билмасдинг, ахир. Мени ёш ва покдомон деб ўйлардинг...

– Хўш, нима бўпти шунга? Менга зиғирча фарқи йўқ...

– Тўғрингни сўзла, Ксенияга ишқинг тушиб қолди-я? Сездим буни.

– Севиб қолдим, тоқат қилиб туролмадим.

Улар бошқа сўз демай Вераникига келиб етишди. Аёл эғнидаги плашини ечинни ҳам унутиб атрофини қуршаган буюмлари ўртасида беҳафсала туриб қолди. Ҳозир, айна шу тобда тасодифий бир зарурат содир бўлсаю бутун жиҳозларини ҳамсоя жувонга қўшқўллаб инъом қилса ва эзгу бу амали уни озроқ овутса, мулкининг кичрайиши билан қалбининг ҳам қайғулари ариб, ўзи ором топса.

Кейин эса ўз вужудини ҳам охирги мисқолига қадар улашмоғи тайин, аммо ортиб қолган сўнгги қолдиқ ҳам бус-бутун аввалги тананинг барча уқубатларини татиб қўришга маҳкум эдики, барчасини тамом унутиб қутулмоқ учун борлигининг энг сўнгги урвоғидан ҳам кечмоғи лозим эди.

Бир-бировидан асло ажралмас эгачи-сингил – умидсизлигу қайғу, бемадор ночорлик одам боласининг энг овлоқ туйнуклари қадар кичрайиб, унинг бутун умрини зимдан ва беомон заҳарлашга қодир, фақат қазонинг сўнгги нафаси уларни қалбдан ҳайдаб сола билар.

– Бу ёғига энди мен нима қиламан? – деди Вера ўзи билан сўзлашаётгансимон.

Чигатоев аёлининг ҳолатини фаҳмлар, жилла қурса, вужудининг ҳарорати билан бўлса ҳам таскин бергиси келиб, уни қучоғида узоқ олиб турди. Бундан ортиғига қурби етмади.

Вера секин-аста қайғусидан ўзига кела бошлади.

– Ксения ҳам сени яхши кўради... Мен уни ҳамиша сени соғиниб яшар тарбиялайман, сендан бемисл ботир ясарману ҳақингдаги ҳавасни орзуларига экарман. Фақат умидингни сўндирма, Назар, йиллар қуюндек тез ўтиб битар, мен эсам айрилиқнинг бунисига ҳам кўникарман.

– Хайрсиз нарсаларга кўникишнинг нима кераги бор? – деди Чигатоев. Нега одамлар оддийгина бахтни асло етишиб бўлмас сароб деб билиб, бир-бирларига фақат гам-ғусса раво кўришларини у ҳеч тушунмасди.

Болалигидаёқ мусибатларни ҳўб татиган Чигатоев энди ақли тўлишган шу кезларда ўша разил ғуссаларни батамом енгиб, тупроғи олинган ўз юртида ҳузур-ҳаловатлари бисёр бахтли турмуш яратишга қарор қилди, ҳаётда бундан ортиқ нима бор ўзи, ахир?

– Ҳеч ўксинма, – деди у ва келажак саодатнинг бўлғуси фуқароси ором олаётган, кун сайин қаплайиб бораётган Веранинг қорнини силаб қўйди. – Уни қанча тезроқ туғсанг, шунча хурсанд бўлади.

– Балки, ҳеч хурсанд бўлмас, – деди Вера. – Балки, бир умр боши ғурбатлардан чиқмас.

– Биз мусибатларга бошқа йўл бермаймиз, – Веранинг шубҳаларига жавоб қилди Чигатоев.

– Биз деганинг кимлар?

– Биз, – деди у мужмал. У ҳаммасини очиқ-ойдин айтишдан негадир уялди, ичида ножўя фикр ўралашиб қолгандек дув қизариб кетди.

Вера уни сўнгги бор кучоклади – айрилиқ дамлари яқинлашарди.

– Бахтли бўлишингга ишонаман, чунки қалбинг тоза. Борар жойингда бахтларни яратиб, тезроқ қайтиб кел – Ксениягинам сени интизор кутади.

Қалбида ўрнашган севги ва бўлғуси ҳаёт қутқулари омихталашиб, Веранинг кўзларида ёш ҳалқаланди. Йиғлаганда яна ҳам хунуклашган чеҳрасини кўз ёшлари ювиб ўтди ва шунда олислардан нотаниш кўзлар қараб тургандек, унинг бутун қиёфасида бегоналик белгилари аста сизиб чиқди.

3

Москвани аллақачон ҳайё-ҳуйт тарк этган поезд бир неча кундан бери йўлда. Дарча ёнида ташқарига термилган Чиғатоев жужуклик жойларини таниган бўлар ёки унга шундай туюларди. Худди ўша дамлар каби кимсасизу қақроқ ерларни, қовжироқ ўтларни безовталаб эсаётган болаликнинг ўша эсинти шамоли, қайғуга чўмган бегона қалб янглиғ юракни ўртагувчи тараф-томонлар. Гоҳи замон Чиғатоев поезддан туша солиб, яна ташландиқ бола алфозида бу саҳроларда беармон кезиб-кезингиси келар, аммо болалик ҳам, ўтмиш ўша кунлар ҳам аллақачон ортда қолиб кетгани энди чин эди. Дераза ортидан ўтиб қолаётган дўппидай бекатларда доҳийларнинг ҳар турли суратларига кўзи тушар, кўзи тушганларининг аксари қўлбола машқ бўлиб, деворларга омонат ёпиштирилган. Қиёфалар асил эгаларига кўп ҳам ўхшамас, аммо, афтидан, бу суратларни ўз қалбига қулоқ тутиб, қалбининг кўзга кўринмас илкидан тутиб нақшлаган қайсидир пионер-кашшоф ер юзида борки етим-есирлар бошини силагич меҳри дарё ва танти бобо хислату сифатларини ҳар нечук дуруст тасвирлаб

бера олганди. Етим мусаввир айни пайтда дохий чехрасида беихтиёр ўзини ҳам нақшлаган туюлар, бу дунёда у энди сира ёлғиз эмас, энди дохийлар тимсолида унинг ҳам ота-бобоси борлигини уқтирмоқчи бўларди – нўноқликдан униб етилган санъат тажаллиси! Бекатларнинг шундоқ яқинида хандақлар қазиб куймаланаётган, уйсиз йўқсилларга бошпана тиклаш ишқида иморатлар қураётган бандаларни кўриш мумкин эди. Чигатоев кўзи тушган ҳар бекат одамлар билан гавжум, ҳар жойда жавлон уриб тер тўкаётган бу каслар асрлар дилгирлигию есирликнинг беаёв ҳушсизлигидан уйғониб келишаётир эди.

Чигатоев онаси сўзлаган сўзларни эслади: «Йўлларда отангни учратиб қолсанг яқинига йўлама. Йироқдаги бегоналар томон йўл сол – отанг сенга бегоналардан кўра бегонароқ бўлсин». Онаси тайинлаганидек бегоналар сари узоқ йўл солди, Шўро ҳукумати – ўз отасидан кўра ўзиникироқ падар уни безаха камолга етказиб, жимитдек қалбини улғайтирди ва мана энди уни яна ортга – ўз ватанига отлантирмоқда. Онаси ҳамон тирик бўлса, уни топиб, рўшноликка етказажак, яшашнинг узоқлигига қаноат қилмай овлоқларда қаровсиз жон таслим этган бўлса – бақога элтар қабрига дафн этажак.

Қайсидир бир кеча поезд зимистон тун қўйнидаги саҳрода беҳос тўхтаб қолди. Чигатоев вагон тамбурига борди. Теварак тинч, йўловчилар ҳам сокин ухлашар, фақат қаторнинг ҳов пешвосида толиққан паровоз пишиллар эди. Чўл қоронғилигида чўчқин бир қушнинг фарёди эшитилди. Бу овозни эслади – баайни ўз болалиги йиллар қабридан унга зорланиб, мунгли садо бераётгандек бўлди. Яна қулоқ тутди: бошқа бир парранда тезда ниманидир бижирладию шу заҳоти тиниб қолди – бу овозни ҳам таниди, аммо қушнинг номини эслай олмади, мойқут ёки миққиймиди? Чигатоев вагондан сакраб тушди. Нарироқ-

да қорайган бута қаршисига келиб, у билан саломлашди: «Омон бормисан, куёнсуюқ?» Жавобанми, бута билинар-билинемас чайқалиб, яна аввалги мудроқ ва лоқайд ҳолига қайтди.

Чигатоев қадамини яна нари солди. Кўникмаган қулоқларга сокин туюлган чўл бағрида нималардир бетиним ғимирлар, турли овозда бир-бирларини чорлар ёки хатарлардан огоҳ этарди. Баравж ўтлари белга урган пастқамлик Чигатоев хотираларини кўзгаб юборгандай бўлдию у ўтзор ичига кирди. Кириши ҳамон бу ерда яна бесаранжомлик бошланди, кўзга кўринмас абжир жониворлар – бири судралиб, бошқаси диканглаб саросимада нари қоча бошлади. Улар ҳудудига мана бу одам бостириб киргунига қадар тўқай аҳлининг бир хиллари ўлжа пойлаб ёки эҳтимолий хатарлардан огоҳ бўлиб мижжа қоқмаган, бошқалари эса сониялаб ўлчаб берилган калтаи кўтоҳ бу умрини бенаф уйқуга исроф қилишга кўзи қиймай, фақат бирпас мизғиб олишни афзал билишган – кундуз муҳтожлиги сари алахламаслик ҳаққи нимочиқ кўзлари билан ҳаётнинг бир четини томоша қилиш уларга шу асно кифоя эди.

Кўлмак сувнинг заххоқ ҳиди димоғига урилди – яқин орада кўл ёки қудуқ бор чиқар. Поезддан қолиб кетинини унутган Чигатоев яна бир нафас юриб, чоғроққина намчил ўтлоққа кирди. Қоронғиликка аста кўниккан кўзлари атрофни дурустроқ кўра бошлади. Ўтлоқдан кейин қамишзор бошланар, у чакалакка қадам қўйиши билан мўъжаз бу юрт аҳли орасида ҳам саросима бошландию бири чорасиз чирқиллаб, потирлаб учиб кетди, бошқалари жон ҳолатда типирчилаб, қочишга жой ахтариб қолишди. Қайга қочарини билмай илиқ тўқай тузоғида қолган жониворлар ҳадиги зўридан ҳаётнинг охирги лаззатини олиб қолиш илинжида ўзаро найдар-пай қовуша бошлашди.

Чигатоев ўтлар оралаб тингланаётган заиф бу товушларга кулоқ солар экан, энг сўнгги ҳузурини беҳуда исроф қилишдан бош тортаётган фақир бу турмушга ичида хайрихоҳлик туйди.

Қатор аста жойидан кўзғолди. Чигатоев поездга етиб олиши мумкин эди, аммо негадир ошиқмади. Вагонда кийимли жомадонидан бошқа нарсаси йўқ, униям бўлса қайтишда Тошкентда олиши мумкин. Аммо юклари кутиб тураверади – Чигатоев ўз юмушидан чалғимасликка қарор берди. Тунов пайтлар каби ерни кучоклаганча ўтлоқнинг сукут қўйнида кўп ўтмай уйкуга кетди.

Бир ҳафта яёв йўл босиб Тошкентга етиб борди. Уни кўпдан бери кутишаётган фирқа марказий қўмитасида ҳозир бўлди. Сариқамиш атрофларида – Устюрт билан Амударё мансабида турли миллат кишиларидан иборат олақуроқ бир элат қашшоқликда тентираб юрганини айтди қўмита котиби. Улар орасида туркману қорақалпоқ, озроқ ўзбеку қозоқ, эрония курду белужилар ва яна насл-насабини унутган бир тўда авом ҳам бор эди. Авваллари Сариқамиш ҳавзасида турғун яшаган бу элат Хива воҳасию Тошовуз, Хўжайли ва Кўҳна Урганч тарафларга қатнаб, ҳашарларда ишлаб келар ёки чиғирларда сув тортарди. Уларнинг турмуши шу қадар абгор, фақирлиги шу қадар аянчли эдики, йилда атиги бир-икки ҳафтага жойлашгулик ишлар бошланишини улут бир неъмат каби интиқ кутишар, чунки фақат шу пайтлари оғизлари ошга етиб, кулча нон ва баъзида бир чимдим гуруч билан сийланишарди. Булар эшакларга эмақдош бўлиб, бемажол таналари билан зил-замбил чиғир мурватларни юргизиб, ариқлардан сув тортишарди. Эшакка йил бўйи ем бериш керак, Сариқамишдан келган мардикорлар эса муҳрона пулсиз бир бурда нонга қаноат қилиб, иш охирлаши билан юртига қайтиб кетишар, тан-тақир саҳронинг олис

пучмоқларида қишдан омон чиққанлари оёқларини базўр судраганча кейинги йилнинг иликузди кунлари яна пайдо бўлишар эди.

– Мен бу одамларни танийман, – деди Чигатоев, – ўзим ўша томонларда туғилдим.

– Шу сабаб сени жўнатыпмиз у ёқларга, – тушунтирди котиб. – У элатнинг номи эсингдами?

– Уларга ҳеч ким ном бермаган, – жавобланди Чигатоев. – Камсуқум турмушлари каби кўримсиз ном билан ўзларини ўзлари сийлашган.

– Қандай?

– Жон. Қалб ва хокисор умр дегани бу. Оналари ато қилган қалб ва шу хокисор ҳаётларидан бошқа мулки йўқ уларнинг.

Котибнинг юзлари маъюс тортди.

– Бор-будди кўксидаги муштдай бир юрак, у ҳам уриб турса...

– Биргина юрак, – деди Чигатоев ҳам, – ва биргина ҳаёти; вужудидан бўлак ҳеч нарсага соҳиб эмас. Аслида, ҳаёти ҳам ўзлариники эмасди уларнинг.

– Улар ҳақида онанг сўйламишлари бормиди?

– Онамнинг айтишича, ҳар жойдан жамланиб келган қочқину беқаров етимлар, қариб-чуриб ишга яроқсиз бўлгач, эгалари етим ҳайдаган афтодаҳол қуллар жонэлатга келиб қўшилган. Эрларидан омонлик топмаган саёқ жувонлар, севикли қаллиқлари баногоҳ қазо қилгач, бошқани эр тутишни ор билган бетоле қизлар ҳам шу ерда қўним топишган. Яна худосиз даҳрийлар, турли рутбали зўравонлару манглайи қаро қароқчилар ҳам у жойларни ошён тутишганди... Ҳаммасини эслолмайман – унда ҳали майда бола эдим.

– Ундай бўлса, кечикмай йўлга туш. Адашган элатни излаб топ – Сариқамиш ҳавзаси уларсиз хувиллаб қолди.

– Албатта, – деди Чиғатоев. – Аммо у ерда нима қилай? Социализм қурайми?

– Бошқа нимаям қилардинг? Сенинг халқинг дўзах таъмини татиб кўрибди, энди жаннатда ҳам яшаб кўрсин, биз эса бутун социалистик қувватимиз билан уларга елкадош бўламиз... Сен бизнинг вакилимиз бўласан. У ёққа райондан бировни жўнатишганди, лекин қўлидан бирор иш келишига кўзимиз етмаяпти, ўзимизнинг одамгаям ўхшамайди негадир, шубҳали унсур...

Муфассал йўриқнома билан командировка қоғозини олиб, котиб билан хайрхўшлашди.

Чоржўй яқинида юк кемасига ўтириб, юрти томон Амударёдан сузиб боришни режалади.

Тошкент почтаматида Верадан келган мактубни қўлига тутқазишди. Вера дунёга келишга шайланаётган фарзанди қорнида бир нималарни хаёл қилиб, дам-бадам домангир бўлиб депсинаётгани ҳақида ёзар, «шундай пайтларда қорнимни силаб, уни суйиб эркалайман, – дер, – яқинроқ эгилиб қулоғига шивирлайман: «Илиққина жойда ором олиб ётибсан, сени уринтириб қўйишдан қўрқиб ишларимни ҳам қилолмаяпман, майли, ороминг бузилмаса бўлгани, аммо намуноча мени ёлғиз қўйиб, дунёга талпинмасанг?..» Унга ўрганиб қолдим, айрилмас дўст билан яшаган каби, худди сен билан ҳам яшашни истаганим каби, бир тану бир жон бўлиб яшамоқдаман. Аммо унинг бу дунёга келишидан ҳадигим зўр – тўлғоқ азобидан эмас, балки унинг таваллуди айни пайтда мангу жудолик бошига айланишидан, ҳозир, мана шу тобда қорнимни астойдил тепаётган оёқчалари билан муштипар онасини ташлаб, вояга етгани сайин тобора узоқларга бош олиб кетишидан қўрқаман. Ўшанда ақлим бовар қилмас олисларда сарсон кезган боламни кўзимдан шашқатор оққан ёшларим ҳам ортга қайтара олмас... Ксения

сени кўп эслайди, ҳали-бери қайтиб келмаса керак деб нуқул қайғуда юради. Ҳеч дарагинг йўқ, ўлиб-нетиб қолмадингми, ишқилиб?»

Чигатоев шу заҳоти Верага откритка жўнатди, икки-сини ҳам қучиб, кўзларидан (айниқса, Ксениянинг курама тусли кўзларидан) ўпиб қолиши ва тез орада – ўз юртида одамларни социалистик саодатга қовуштириши ҳамон – улар қаршисида ҳозир бўлишини маълум қилди.

4

Чоржўйдан Нукусга ширкат моллари ортилган тўртта кема йўлга чиқишга шайланиб турарди. Чигатоев командировка ҳуқуқини беҳуда рўқач қилишни истамади ва Хива воҳасига довр боришга келишиб, наҳрий-матросга дастёрликка ёлланди.

Дарё бўйлаб ҳўб сузишди. Эрталаб ва шом маҳали қиялаб тушаётган қуёш нурларида дарё сувлари тиллоранг қуюқ оқимга дўнар, дарё билан вобаста сафар қилаётган мурдор лойқа келгуси мўл-кўл буғдой ҳосили, ҳар турли чечаклару лўмбиллаган пахта хирмонлари, ҳатто ҳали-замон туғилажак янги инсон вужуди тимсолига ўхшарди. Баъзан қамиш тоқида патларини қуёшга тоблаган олачипор номаълум қуш кўзга ташланиб қолар, баайни ер юзидаги бари хилқатлар учун бахт-саодат кезлари етиб келган-у, ғофил кема аҳлини бундан огоҳ қилишга уринаётган мисол у жонсарақ типирчилар ва қумуш овозида жўш уриб, баралла қўшиқ қуйларди. Курама тусли маъюс кўзларида Чигатоевга аталган орзулари аксланган Ксенияга ўхшаб кетарди бу қуш.

Икки ҳафтадан сўнг ишлаб топган муҳрона пулию тўнғич матроснинг раҳматномасини олиб, воҳада кемадан тушиб қолди.

Хивада бир неча кун нафас ростлагач, ватани Сарикамиш томон болалик сўқмоқлари бўйлаб йўлга тушди. Бу йўл ҳамон эсида, аммо қумтепалар энди майдароқ кўринар, зовурлар саёзлашиб, галдаги қудуққа элтар оралик ҳам яқинроқ туюларди. Кўкда ўша-ўша эски қуёш нур таратар, аммо у ҳам болалик пайтларидан кўра пастроқ эди. Йўлда учраган овулу ўтовлар, қаршидан келаётган хачиру нортуялар, ариқ бўйларида саф тортган дарахтлару балчиқ узра ғужғон учаётган чивинлар – буларнинг бари ҳеч ўзгармаган, аммо Чиғатоевни кутавериш кўзлари сўқир бўлгандек, энди унга батамом лоқайд эди. Бегоналашган макон оралаб инжитма дил билан бораркан, йиллар оша ўзининг ҳам ёдидан кўтарилган жойларни яна таний бошлар, шунда ноаён умид билан атрофга олазарак бўлар, бироқ ҳар қанча кутмасин, уни ҳеч киму ҳеч жисм парвойига келтирмасди. Бундан чиқдики, атрофда қарор топган энг майда жисм ва ҳашаротлар, умри атиги бир фасл миёнасида ўлчаб берилган гиёҳнинг ҳам ғурури баланд, ўзи бир замонлар кўнгил қўйган нарсаларидан ҳамон кўнгил узолмаган бу инсондан ҳам кўра ҳурроқми эди.

Суви қуриб битган Кўнадарё бўйида худди одамга ўхшаб қумлоқда чўк тушган бир тевани учратди. Ориқлаб кетганидан ўрқачлари ҳар ён шалвираган жонивор ақлли ва маънос кўзлари билан атрофга жавдираб боқади. Чиғатоевга қараб ҳам қўймади – туянинг бутун диққат-эътибори ўйноқи шамол ҳали у ёқ-ҳали бу ёққа ҳайдаб, кўнгилхушлик қилаётган бир тутам қуруқ хашақда эди – «келармисан, эй ёр, ўртама, доғлама дилим». Иттифоқо урвоқкина бир хасчўп қумда сирпаниб, шундоқ оғзига қадалиб келди, туя хасни дўрдоқ лаблари билан номига чайнагандай бўлдию зумда ямламай ютди. Узоқда думалоқ қамғоқ юмалаб борар, туя умид тўла кўзлари билан энди тўйимли ўша емишни кузата бошлади, аммо йироқлашиб кетаётганини

кўриб, бундай пайтлари қай йўсин йиғлаш лозимлигини билмаслигидан ўксик кўзларини чирт юмиб ола қолди.

Чиғатоев туя атрофида айланиб бокди; сурункали очлик ва хасталиқдан жонивор озиб кетган, яккам-дуккам патақларини айтмаса, юнглари ҳам бутунлай тўкилиб тушганидан, кун тиғида ўтирса ҳам, жунжикиб, дир-дир қалтирарди. Эҳтимол, мадордан кетиб, ортиқ корга ярамай қолганиданми, карвондан айириб ташлаб кетилган, эҳтимол, эгаси қазо қилгач, ўлим нималигини ҳали англамаган бу жонивор ичидаги сўнгги тириклик қатраси қолгунча хожасини шу жойда кутишга қарор қилганми эди? Қимирлашга ҳам мажоли қолмагач, охириги сарқит кучини ишлатиб, олд оёқларида чўккалаган бўйи, аҳён-аҳён шамол келтираётган бир тутам хашақларни тутиб ейиш билан қаноат топаётган эди. Эсинти тинган пайтлари эса нигоҳини беҳуда исроф қилмаслик учун кўзларини чирт юмиб, тиззалаган ҳолича мудраб қоларди; оёқларини узатиб, бемалол ётишни истамас, унда ўрнидан қайтиб тура олмаслигини ҳам биларди, чоғи. Шу асно тиззалаб гоҳ сергак, гоҳо эса уйқу ҳукмида кунлари ўтаркан, ҳали-замон ташриф буюражак ажал унинг бўйнини тамом эгиб, охири узала тушишга мажбур этажаги ёхуд саҳронинг заиф ва нотавон махлуқи ҳам жимитдек панжасининг биргина элас зарби билан жонини олажаги тайин эди.

Бечора жонивор кулфатларини дилида туйган Чиғатоев унинг ёнида узок ўтирди. Кейин ҳов нарида дайдиған хашақдан бир кучоқ келтириб, туя олдиға ташлади. Суғоришға яраша суви йўқ эди, ўзига етиб турса ҳам қошки, аммо Кўнадарё ўзанидан борилса, чучук сувли ҳовуз ва қудуқлар борлигини биларди. Фақат туяни елкаға ортиб, саҳрода юриш қийинов...

Оқшом кирди. Туянинг қорни тўйиб, янги ҳаёт баҳраси билан, ниҳоят, беозор уйқуга кетгунича ўт-ўлан кел-

тириб сийлаб турди. Тунда аёз туша бошлади. Чиғатоев тўрвахалтасидан кулча олиб тамадди қилди, туянинг ис-сиқ биқинига қапишиб, у ҳам мудроққа чўмди. Уйқусида Назар беихтиёр жилмаяр, мавжудлиги давом этаётган бу дунёнинг барча матоҳлари худдики муваққат ва мароқли ўйин учун яратилган каби ажаб ва ғалати эди. Жўрттага ҳазиллашиб бошланган бу ўйин узоқ ва абадиятга чўзилди, асрлар давомида унинг жўрттагалигини унутган одамлар энди яйраб кулиша олмайди, завқлар тамом битмиш. Аммо саҳронинг жон босмаган кенгликлари, ниҳоят, ором уйқусига чўмган мана бу жонивор ва ҳатто ёлғиз йўлга тушган дарбадар хас – буларнинг бари, ахир, улуг ва тантанавор эмасми? Йўлидан адашган ночор бу хилқатлар замирида, аслида, бошқа – зарурий ва муқаррар саодатли қисмат битиклари муҳрланган эмасми, ахир? Унда нега улар ҳамиша азобга гирифтор ва ноаён ненидир ҳар дам илҳақ кутарлар? Тунги совуқдан жунжиккан Чиғатоев туяга янаям жипсроқ ёпишиб, чуқур уйқу оғушига чўмаркан, жавобсиз саволлари бисёр бу тирикликнинг ғаройиботларидан сўнгги дафъа ажабланиб қўйди.

5

Кўнадарё бўйлаб олти кунлик йўлдан сўнг Чиғатоев, ниҳоят, Сариқамишни кўрди. Салгина жон кириб, энди ўз мадори билан одимлаётган туя унинг ортидан қолмас, аммо ҳали устига бировни миндирадиган мажолда эмасди.

Юришлардан ҳориб Чиғатоев нафас ростлагани ерга чўкди. Мана шу жойда манзилига етиб адоқлаган кум сахро энди ўрнини даштга бўшатиб беради, дашт ҳам но-хос қуйи эниб, улкан ҳавза тараф қулайдию ҳов олисдаги Устюртга томон йўл солади. Қуйида қоронғилик чўккан,

на бир ўтов ва на осмонга ўрлаган бир тутун кўринар – олисда фақат жимиртак бир кўл жимирлар. Ҳовучига қум тўлдириб, ўйга толди: кечиб ўтган йиллар бўйи шамоллар ҳукмида сарсон бўлса-да, бу қумлар ҳеч ўзгармабди, фақат қадим кексалик ёшига яна бир пайса қўшилибди, холос.

Бир замонлар онаси уни худди шу жойга етаклаб келиб, ноаён уфқлар сари ёлғиз отлантирган ва, мана, энди у ана шу аёнсизлик бағрида ақлу кучга тўлиб қайтиб келди. Олисда мужмал кўринган элининг қоқ ўртасини мўлжаллаб туя икков яна йўлда равона бўлишди. Қарилик заволидан қартайиб-кичрайган, чолмисол букри саксовуллар Чиғатоевни унутмаган кўринар, заволли буталарнинг бу кўримсизлиги лоқайдлик эмас, уларнинг мўминлигидан дарак бериб тургандек эди баайни. Бир тунов йиллар кўзларни қувнатгану энди эса чиройи ариб-битган бу мискинлар бу ёғи фақат хотираю ўзгалар ҳаёти билан яшашга маҳкум каби...

Лоақал бирор касга пешвоз бўлиш илинжида Чиғатоев норасидалик мамлакати йўлларида кунлар кезиб сарсон бўлди. Бу дунёда боз кишимсизланиб, ўсал бўлишдан ҳадикли туя унинг ортидан ҳеч қолмас, ёруғ манзиллар томон йўл бошлаётган раҳнамосига узоқ ва интиқ тикилиб қолар ва шу тобда ҳўнграб йиғлаши керакми ёки табассум қилиш мавридими, буни ҳам билолмай, ношудлигидан қийналарди.

Ялангда тунаб, қайлардадир адашиб юрган қавмини оч қурсоқ излаётган Чиғатоев иссиқ жонини сира ўйламас, билъакс, кўҳна баҳрнинг яйдоқ ҳавзасида тентираб юаркан, ажал комида қолган одамларни тезроқ топиб, уларни бахтли истикболга тезроқ элтишни истарди. Фақат бир дафъа барисидан ўксиб, узала тушиб ётди, юраги эзилиб, ўзида ортиқ кураш мадори тополмай қолди.

Қаъридан бош кўтараётган туйғуларидан уялар, аммо бунга сайин Ксенияни ёд этиб йиғларди. Чиғатоев Ксенияни хаёлида жонлантирар экан, қизалоқ чўчимсиб жилмаяр, ўзига талпинган дағал қўллару бўсага шайланган йигит лабларидан ҳадиксираб, Назарнинг майл ва талпинишларини жавобсиз қолдирар эди. Хонанинг бир кунжида ўтирган Вера эса олисдаги эр ҳажрини унутиш илинжида бувак учун кўйлак тикар, Назарнинг сиймоси унинг хаёлида қарийб эриб битган, зотан, ўзидан дам-бадам дарак бераётган қорнидаги кимса энди барчасидан суюкли ва мухимроқ эди. Чақалоқ дунёга келишига муштоқ аёл бесабр энтикар, хаёлларида орзулаган суюкли чехрани тезроқ кўргиси келар, аммо, айни пайтда, замоники келиб фарзанди билан ҳам видолашишдан кўрқарди. Муқаррар видолашув онларига қадар эса чақалоғини истаганча бағрига босиб, ширин юзларидан тўйиб-тўйиб ўпиши мумкинлиги аёлнинг дардига биргина малҳам эди.

Чиғатоев бошини кўтариб, атрофга аланглади. Туя ҳадеб бир нарсани кавшаб овора, аллақайдан келиб қолган жимитдек тошбақа эса қумда узала тушганча мунчоқ кўзлари билан интизор қараб турарди. Бу жонивор нималарни ўйлаётган бўлса? Балки, девкелбат ва сирли бу одам унинг хаёлида афсонавий хилқатга дўнғандиру шу дамда ибтидоий ва мудроқ тошбақа тафаккурида ўз умрининг сустлигидан қайғу ва ҳасрат ўйлари кечарми эди?..

– Биз сени кулфатда ёлғиз ташлаб қўймаймиз! – тошбақага юзланди Чиғатоев.

Тирик ва нотирик неки бўлса – барини у табаррук неъмат деб билар ва унинг ҳассос юраги ҳар нарсада шу тарз бир хайрни кўра биларди.

Устюрт томон яна йўлнинг давоми олинди. У ерда – дўнглик этагида ҳамма унутган бир қария ёлғиз яшарди. Адир нишабида ўзига ертўла қазиб олган чол калтакесак

овлаб камсукум кун кечирар, ковак-ўнқирларда битган гиёҳ илдизлари хашаки емишига озроқ файз бағишлагич эди. Ёшининг ҳисобидан ўзи ҳам адашган, ғариб турмушининг олғир чангалида ҳадсиз кўп умргузаронлик қилганидан одамлик сиёқини йўқотаёзган бўлса ҳам, бу жойларнинг ҳар қаричини ақлининг элагидан ўтказиб, тўкис англаб етилган бир ҳақиқат сингари хотирига мангу муҳрлаб олганди. Кимсасиз тунлари самода милтиллаган юлдузлар ҳам кайвони бу каснинг зеҳнидан омон қолмаган-у, охири улар ҳам тамом баъдига урган эди.

Бунинг исми Сўфён бўлиб, бор бисоти Хива сўқишлари палласидан қолган саллоти чопону картуз-қалпоқдан иборат, оёғига пойабзал ўрнида пайтава ўраб юргич эди.

Чиғатоевни узоқдан кўриши билан ертўладан чиқиб келди ва бемаъною лоқайд тикилиб қолди. Ўзи томон туя етаклаганни дарров таниб, бу дунёда билмаган нарсаси қолмаганидан қайғуга ботди.

– Мен сени танидим, – деди у. – Бир пайтлар Назар деган эрдонча бола эдинг.

– Мен эсам негадир танимайман сени, – жавобланди.

– Сен ҳеч нарсани билмайсан. Сенда барака йўқ, ҳаётинг худди томоқ ейишга ўхшайди – еган нарсангни нафас ўтмай чиқариб ташлайверасан. Мен эсам кўпдан бери ташқарига чиқит жўнатмай қўйганман.

Чол жилмайишга уриниб кўрди, аммо юзлари баттар тиришиб, қуруқшаган ўлимсик илон терисидан фарқи қолмади. Чиғатоев бунга ажабланиб, чолнинг қўлларию пешонасини ушлаб боқди – тириклигу тириклар ҳақида биров қайғурмай қўйганидан дили хуфтон бўлди, аммо энди ҳаммаси бошқача бўлади...

Чиғатоев онаси билан қавмини йироқлардан қора тортиб келгани, улар бу оламда ҳали тирикми ва ё ҳаммаси ўлиб битганми – буни билолмаётганидан сўзлади.

Қария сукут ичида жим эди.

– Ўша узок йўлларида ўз отанга ҳеч йўлиқмадингми? – сўради охири.

– Йўқ. Сен-чи, сен Ленинни биласанми?

– Йўқ, билмайман, – деди Сўфён. – Лекин бу сўзни бир йўловчидан қачондир эшитганим бор. Уни тузук нарсa дейишганди. Лекин мен ишонмайман. Агар яхши бўлса – Сарикамишга келиб кўрсин, бу ерларда нақ қиёмат кўпти, дўзах оташи ҳеч тўхтамай гуруллади, бу жаҳаннамда менинг ҳам умрим чириб боряпти.

– Мана, мен келдим-ку ҳузурингга, – деди Чигатоев чолни умидлангирмоқчи бўлиб.

Қария унга ишонқирамай, яна пешонасини тириштирди.

– Сен тезда яна қайтиб кетасан, мен эсам бу ерларда бепарваришу бекимса ўлишга қолавераман. Ҳали ёшсан, ҳасратли юрагинг сени шундан бу ерларда узок тутиб қолмас.

Бу сўзлардан кўнгли яна бузилган Чигатоев яқинлашиб, авваллари Верадан бўса олгани каби қарияни маҳкам бағрига босиб ўпди. Тўридан гўри яқин чол лабларининг таъми олисдаги ўша аёлники билан ўхшаш эканидан ажабланди.

– Таассуф ва хотиралар сени бу ерларда омон қўймайди. Форслар ҳикоят сўзлаганларидек, бу замин, аслида, жаҳаннамдир...

Улар Сўфён яшаётган ертўлага киришди, ерда қамиш бўйрадан бошқа нарсa йўқ эди. Меҳмон олдида илдизлардан ёпилган кулча қўйилди. Кўп қадим замонларда жаҳаннамга макон бўлган Сарикамиш тараф йўналган оқшом кўланкаси ертўла тўйнуғидан кўзга ташланар, болалигида эшитган бу ривоятни Чигатоев энди тушуниб етмоқда эди. Копетдоғ ортидаги олис Хуросон томонлар-

да, боғу роғлар қўйнида ўша маҳаллар иқболу саодат ва рўшнолик тангриси, ҳосилдорлигу жувонлар илоҳи – Ҳўрмузд, зироату ишқ-муҳаббат ҳомийси, осуда сукунатлар шайдоси – Ҳўрмузд яшаб ўтган эмиш. Эроннинг шимол тоғлари орғида яйдоқ сахро ястаниб ётар, ўт-ўлан ўсмас ва қайноқ эсинтилар тинмас қумлоқ бу салтанат қалблар мангу хасталикка дучор Туроннинг қоронғи манзиллари билан пайвастаи пайванд эди. Ночорлигу очлик изтиробидан силласи қуриган одамлар Эрон тараф бош олиб кетар, сарҳил мевалари мўл боғлару парирўй аёллари масрур хобгоҳ ва кўҳна кентларга бостириб боришарди. Улар тезроқ таомланиб, очлигини дарҳол қондиришга талпинар, бу юртнинг адоқсиз турфа ажойиботларини томоша қилиб, ўзларини ҳам тамом унутишни исташарди. Ниҳоят, ваҳший бу босқинга муҳолиф отланган лашкар баднафс келгиндиларни беомон қиличдан ўтказар, омон қолганларини сахро ичкарисига қадар қувиб солишарди. Беҳишт боғларидан қувилган бир тўда оломон шу тариқа Сариқамиш ўпқонида пусиниб, яна кўп замонлар йўқлик азобини бошдан кечиришга маҳкум эди. Аммо замони келиб чидамсиз ночорлик ва олис Хуросон боғларининг қўмсиқ хаёли уларни яна қайта оёққа қалқитар, шунда зимистонга чўмган Туроннинг баджаҳл суворийлари нечанчи маротаба Хуросонда – Атрек ва Астрободда пайдо бўлиб, тўқлик ва фаровонликдан кўпчиб семирган ўтроқ дунёга яна ўт қўяр ва бул раъият мулкини хузурланиб ғорат қиларди... Эҳтимол, ўша замонлар Сариқамишда яшаганларнинг бири Ахриманнинг айнан ўзи бўлса ҳам ажаб эмаски, турмуш уқубатлари ичра нолон қолган бу йўқсили бечора охири ғазабу важоҳат отига миниб, асрлар давомида Хуросонни – Ҳўрмузднинг жаннат боғларини кунпаякун этишни одат қилганлар сардори бўлсами эди. Яна айтадиларки, такрор ва такрор хуружлар якунида мағлу-

бият шаробини тотган Ахриман соғинч аламида жигарбағри ўрганиб, худди мана шу Сариқамиш заминида омонатини топширган эмиш.

Чигатоев Сўфённикида тунаб қолди. Ухлаётганида ҳам ёш иқтисодчининг сабри ҳеч чидамас, кеча-кундузлар беҳуда зое кетаётгани, Сариқамиш жаҳаннамида тезроқ бахту иқбол яратиш лозимлигидан ўрнида безовта бўлиб тинч ётолмасди. Уйғоқ виждон каби осмонда юлдузлар бознаб турар, ташқаридан туянинг мудроқда пишиллаши тингланар. Яна кундузги шамол юлқиб улоқтирган бир бутапоянинг қум юзасида оҳиста шитирлаб бораётгани қулоққа етар.

Эрталаб Чигатоев билан Сўфён иккиси ғойиб кетган одамларни топиш ишида йўлга чиқишди. Ёлғиз қолиб кетишдан ҳадиғи ошган туя ҳам ҳижрон доғида ортиқ қуймасликни тилаб улар ортидан эргашди.

Сариқамиш бетқайиға етиб келган Чигатоев бир туркум қовжироқ ўтлар ишғолидаги бу жойларни эслади – усиз бошқа кўкаришни истамаган каби бу гужум Назар болалигидан бери бир баҳя ҳам ўсмаган эди. Худди шу ерда онаси унинг кўлидан маҳкам тутиб: «Фақат сен ҳеч кўрқмагин, болам, биз ҳаммамиз ўлимга пешвоз кетяпмиз», – дегани эсига тушди. Ўшанда минг жоннинг нари-берисидаги бутун қавм бола-бақраси билан йиғилган, атроф шодликнинг кийфос тўполонига тўлиб кетган эди. Охириги жонгача уларни битта қўймай ўлдириб юборишларига муштоқ бу одамлар тўғри Хивага боришга қарор қилишганди. Кўндан Хива хони бир тутам камсуқум бу элатга зулм қилиб, тинкасини қуришиб келар, авваллари ҳар замонда бир босқин уюштириб, Сариқамиш қавмини ора-сира безовта қилиб турган бўлса, бу нав шикор гаштини билиб қолгач, энди отлиқ навкарларини сурункали жўнатадиган, ҳар сафарда бир даста кас тутиб келтириб,

у бечораларни зиндонга ташлайдиган, кўпларини эса Хивада халойиқ қаршисида қатли бисмил қиладиган бўлди.

Дастлабида ўғрию каззоблар, қароқчию муртадлар изига тушган бўлса, энди насл-насаби йўқ ҳаммани биракайига тутиб, Хива аҳли қаршисида ўлим билан сийлар экан, бетоле боёқишларнинг ажалолди укубатларини кўрганлар ҳадик ва итоатда бўлишларини истар эди хон. Бошида Жон қавми Хивадан кўрқар, юраклари аввалданоқ ваҳимага ўлжа тушган айримлари оилаю маҳрамларини ҳам унутиб, уззукун кўксини захга бериб чалажон ётишдан ўзгасига ярамай қолишди. Қолганларни ҳам кўрқув аста исканжага ола бошлагач, қакраган сахрога термилган кўйи отлиқ ёғийлар йўлига кўз тикиб ўтирадиган, олис қумтепаларни ҳар гал эсинти шамол тўзғитиб, гард намоён қилганида эса юрак ҳовучлаб, ғамбода қоладиган бўлишди. Қавмнинг учдан бири ёки ундан ҳам ортиғи Хива зиндонларида беному бенишон йўқолиб битгач, одамлар муқаррар ажални интизор кутишга кўникиб бўлган эди. Улар бу ҳаёт ва бу тириклик, аслида, у қадар ардоқли эмаслигини англаб етишди ҳамда омон қолганларнинг ҳар бири уларни ҳам Хивага олиб кетмаганларидан қалбан ўксина бошлади. Аммо ҳуда-беҳуда Хивага бориб юрмасдан, ҳурликда ҳам ўлиш мумкинлигини билган навқирон икковлон – Ёқубжонов билан Ўроз Бобожон навбатдаги ўлжа ишқида ташриф буюрган сарбозларга пичоқ билан ҳамла қилишдию тўртовини бира-тўласи шавкату шон ва баҳраю жонидан мосуво қилиб чавақлаб ташлашди. Қуролли суворийларни олисданоқ кўрган Назар-болакай саллот ўйинларига дея асраб қўйгани – тиғини келтиришга чопди, қайтиб келиб қарасаки, кеч қолибди, сарбозлар унинг кўмагисиз ҳам бешак ўлиб ётишарди. Ўроз билан Ёқубжонов ўлик навкарлардан мерос бедовларда фурсат йўқотмай ғойиб бўлишди. Бу воқеа содиридан ҳаял ўт-

май қолганлар тўдаю оломон бўлиб Хива тараф бахтиёр ва осойиш йўлга отланишдики, улар хонлик салтанатини бирваракай тор-мор келтиришга ҳам ёки бир пайса армонсиз жон таслим этишга ҳам ҳозир эди, илло, тирикликда тирик бўлишда хайр ва шодлик йўқ, ўликлар учун эса азоблар энди чикора.

Ялангтўшу қўлантаёқ издиҳом аввалида қўшиғини мингиллаб бахши кетиб борар, ҳали ўшандаёқ қариб бўлган Сўфён эса бахшига ҳамқадаму ҳамроз бўлди. Ўз ўлими томон бораётган бўлса ҳам онаси шод-хуррам эканидан Назар ажабланар, бошқалар ҳам ажал манзилига бажонидил равона бўлаётганини кўп тушунмас эди. Бирор ўн-ўн беш кунлик юришдан сўнг узоқдан Хива миноралари кўринди. Хивага йўл зўру сермашаққат эди, аммо захга тўш бериб, хорликда бемажол ётишга ҳам юрак зўриқишлари исроф бўлишидан ҳўб бохабар бу одамлар йўл азобига нарво қилишмади. Шаҳарга етар-етмас келгиндиларни хон суворийлари қуршаб олишлари ҳамоно бошланди жунбуш: лапар-яллалар айтилиб, рақсда чаппарлар урилди. Қавмнинг энг ношудлари ҳам жўровоз қўшиқлар куйлар, олдинда ўзбек ва қozoқлар даврани қизитиб борар, қилтиллаб қолган бир ўрис чол оғиз гармонини пуфлаб, куйга ўхшаш товушлар чиқаришга уриниб ётарди. Назарнинг онаси алланечук синоатли машққа тараддуд кўраётгансимон қўлларини юқори кўтариб, ҳавони сермай бошлади, Назарнинг ўзи бўлса атрофда шай турган навкарлар уларнинг барини қандай ўлдира кетишларига маҳтал кутиб турар эди. Хон саройи қаршисида саф тортган ҳайбати улуғ қоровуллар зиғирча ҳайиқмай, виқор билан олдиларидан ўтаётган келгиндиларга ажабланиб боқишар, бу пандавақилар улардан кўра бахтли ва мағрур эканларига ҳеч ишонгилари келмас эди. Саройбонлар бояги отлиқлар билан бирлашиб, Сарикамиш қавмини тобора сиқувга

олган кўйи ҳаммасини зимистон зиндонга ҳайдаб киргизишлари лозим эди. Аммо ёвузлик нима эканини билмаган, бошлари узра ўлим турса-да, диллари шод ва хуррам бандаларга қай бир жазою сазони раво кўриш мумкин, ахир?

Хон корандаларидан бири Сариқамиш кадхудолари қаршисига эниб:

– Бу касларга не даркор ўзи, нечук улар бу қадар хушнуд? – дея сўради.

Сўфён ёки яна кимдир шунда жавоб қилдики:

– Сенлар бизни хонимонимизга сурункали ўт кўйиб, муттасил жонимизни олдинг, охири ажалдан қўрқмайдиган бўлдик. Энди бизни ортиқ илҳақ қилмагинки, бу бандалар хушбахтликда андармон экан, ўлимимизни тезроқ бизга рўбарў қилгин.

Хоннинг югурдаги шу бўйи кетганича қайтиб қорасини кўрсатмади. Отлиқ ва пиёда навкарлар халққа тегинмасдан, турган жойларида қолаверишди: улар фақат ўлимдан қўрққанларнигина ўлдира олишар, ўз ажали томон хушхандон бораётган бутун бошли оломонни эса улар англамас, нима қиларини билишмас эди. Ҳамлага дучор бўлмаган Сариқамиш қавми йўлида давом этиб, бозорга дуч келди. Бозорда савдо-сотиқ авжида, шундоқ очикда турли егуликлар кўз-кўз, кўкпиёзу қовун-тарвуз дегани тоғ бўлиб ётар, саватлар тўла тиллоранг узум ва дону дун ботаётган қуёш нурларида товланиб, кўзни олгич эди. Хирмон-хирмон ноз-неъматлар ёнида эса ҳоргин эшаклар бепарво мудрар.

Назар ўшанда онасига юзланди:

– Ўлим қачон келади ўзи? Астойдил хоҳлаяпман.

Энди нима бўлишини онаси ҳам билмас, ҳамма ҳали тирик эканидан ажабланар ва фақат Сариқамишга яна қайтиб, у ерларда аввалгидек яйдоқу юпун яшашда давом

этишдан қўрқарди. Одамлар Хива бозорида қўлига тушган емакларни бедаво олиб, қурсокларини тўйғиза бошлади, уларга бир оғиз сўз айтмай, ҳайрат билан тикилган аҳли бозор каловланиб, очофат бу оломонни негадир уриб-сўкиб ҳайдамас эди. Назар ҳали-замон билдирмай келиб қолажак ўлимни кўздан қочирмаслик илинжи билан чор тарафга олазарак боқар, шундан фақат биттагина қовун ейишга қурби етди, холос. Ниҳоят, қоринлари тўйиб бутқурсок бўлган бандалар сусайиб, ланжу бемажол бўлиб қолишди: сен же-мен же вақтихушлик битган, ўлимдан эса ҳамон дарак йўқ эди. Охири улар сахро томон, эски маконлари томон қайтув йўлига тушишди, Гулчатой ҳам ўглини қўлидан етаклади шунда.

Назар онаси билан Сарикамишга қайтиб келди. Ҳозир Сўфён билан иккиси турган худди шу қовжироқ ўтлар ёнида онаси ўшанда Назарга айтгандики:

– Кел, яна яшайверамиз, биз ҳали ўлмадик!

– Ҳалиям тирикмиз, – дея маъқуллаганди Назар ҳам.

– Ундай бўлса, ҳеч нарса ўйламасдан, жўрттага яшайлик, шунда борлигимиз ҳам билинмайди.

– Онасининг қорнида ўлганларга яхши барибир, – деганди яна Гулчатой.

– Сенинг қорнингдами? – ўсмоқчилаб сўради Назар. – Унда нега мени ҳам ичингда қолдиравермадинг? Шундай қилганинга-ку, мен ҳозир бўлмасдим, сен эса худди мен тирикдай, мен ҳақимда жўрттага ўйлаб яшайверардинг.

Гулчатой ўшанда юраги ачишиб, болага табассум билан қараб қолганди.

Назар туғилмасидан анча аввал қуриган бўлса ҳам, чуқур ботган илдизлари билан ҳали тирикдек, ерга ҳамон жипс ёпишган қуруқ гужумни аста силади. Чиғатоевнинг ичида шу тобда ҳаётнинг аллақандай тўлқинлари жилва қилаётганини билиб турган Сўфён ҳеч нарса демади,

негаки инсон ўз қалбини нима биландир тўлдириб туриши кераклигини, бордию тўлдирадиган нарсаси қолмаса, баднафс юрак ўзи ҳайдаётган қонларни сўриб, адо қилиши мумкинлигини, зотан, у яхши биларди.

Орадан тўрт кун кечиб Сўфён билан Чиғатоев шунчалар оч қолишдики, юрган йўлида кўзлари очиқча тушлар кўра бошлашди. Ҳалиям улар ортидан қолмаётган туя йўл-йўлакай учраган қуруқ хасларни териб, шу билан андармон бўларди. Сўфён қаршисида эшилиб, сузиб бораётган ўз рўёларини ноумид ва бепарво томоша қилар, Чиғатоевнинг бўлса лабларида гоҳ табассум жилваланар, гоҳ эса дард аломатлари кўриниб қоларди. Дарёлиқнинг Манғир-чордарага қуйилиш қисмида тунаб қоладиган бўлишди. Қуюқ ва тўйимли бўлсин дея сувни обдон лойқалатиб ичишди, кейин очликдан азоб еган вужудларини ҳозирча яшашдан чалғитиб, тунни тезроқ ўтказиш илинжида ғор ичра кириб ухлашди. Эрталаб тургач Чиғатоев мискин туя кўримсиз ўлиб ётганини кўрди: тош қотган кўзлари очиқ жониворнинг чавақланган бўғзида қон қотиб қолган, Сўфён бўлса бу пайт худди ўзининг хос тўрвахалтасини титкилаётган каби боёқиш туя ичларини ковлаб, тоза қонлари чак-чак томаётган гўшт бўлақларини шоша-пиша оғзига соларди. Чиғатоев ҳам эмаклаб туяга яқинлашди. Унинг ёриб ташланган қорнидан шинам илиқлик ва тўқлик уфурар, тананинг ичкарисидан томаётган қонлар қовурға ариқчаларидан бир жилға бўлиб оқиб келар – ҳаётнинг ўлими шу тарзда асталик билан поёни томон кечарди. Қоринлари тўйган иккови ҳузурланиб, яна узоқ уйқуга чўмишди.

Кейинроқ Амударё мансаби томон яна йўлда давом этилди. Ўзлари билан эҳтиёт шарт собиқ туянинг эт бўлақларидан ортмоқлаб олишди, лекин Чиғатоевнинг иштаҳаси бўлмади: қарашлари маъюс жонивор билан озиқланиш

унга азбаройи оғир эди, тириклигида ақлли кўзлари билан жовдираб боққан бу жониворни у одамзоднинг бир бўлаги деб тасаввур қила бошлаган эди, ахир.

6

Бундан ўн йил аввал жамалаксоч Амударё мансабига кўчиб ўтган Сариқамиш аҳли захил қаминшору тўқайлар бўйлаб тарқалиб кетган. Бошида чивинларга аёвсиз ем бўлиб, териларини суякларигача тирнаб, азоб чеккан одамлар бора-бора чивин захрига кўникишди, қонларида зидди захар пайдо бўлиб, энди қанотли бу қонхўрларнинг ўзи ўлжага айланди. Шундан бери чивинлар уларга яқинлашмай қўйди.

Ночорликда бошқа биров учун ҳам ғусса чекмаслик, айниқса, бирор маҳрами ўлиб қолса, шундоқ ҳам заиф вужудни яна ҳолдан тойдириб, қайғуларга ботмаслик учун баъзилар алоҳида ва тек кун кечира бошлади. Рўзгор қуриб яппаётганларнинг эса бир-бирига муҳаббатидан бўлак нарсаси йўқ – тирикликнинг эзгин қучоғида кун-тунларини еб битираётган бу одамларни овунтирадиган оддий қувонч ҳам йўқлигидан заифлашган юракларига фақат шу абгор туйғу – ўзаро меҳр ва муҳаббатгина сиғарди, холос.

Сўфён билан Чигатоев бир чайлага дуч келгунча қоронғи ва намчил тўқайда икки кун тентираб овора бўлишди. Чайлада сўқир Мулло-Черкас ўн яшар Ойдин қизи билан сўққабош яшарди. Сўфённи овозидан дарров таниди мулло, аммо гаплашадиган гаплари йўқлигидан иккиси ҳам миқ этиб оғиз очишмади. Қамиш бўйрада ўтириб, яна қамиш толқонидан офтоби ўлик чой ичишди, бошқа сўз бўлмагач, сўнг хайрхўшлашишди.

– Айтадиган бирор гапинг йўқми? – деб сўради Сўфён барибир.

– Ҳеч нарса йўқ, бебаҳра ҳаёт ҳалиям ўтиб турибди, – жавобланди Черкас. – Фақат суюкли хотиним Гунойдин сувда чўкиб ўлгани ёмон бўлди.

– Недан чўкиб кетди завжаи муҳтараманг?

– Яшашни ўзига эп кўрмади. Ойдин қизимни олиб, эвазига бирор урғочи эшакми-хачир келтирсанг, уйқусиз тунларимда зое ҳаёлларга берилмай, эрмак қилиб ётардим.

– Мен бир фақир одамман, – деди Сўфён, – эшагим йўқ. Яхшиси, қизингни бирор кампирга алиштириб ол – сенга барибир-ку.

– Айтганинг айтган, менга барибир, – маъқуллади Мулло-Черкас. – Лекин кампирларда барака йўқ, тезда ўлиб қолишади.

– Бизни излаб Москвадан Назар келди, билдингми? Унга ҳаётимизни яхшилаш топширилибди.

– Назардан олдин ҳам тўрттаси келганди, – деди Черкас. – Чивинлардан безор бўлиб кетиб қолишди. Мен зулматда худо беҳабар яшаётган бир сўқир одамман – менга бундан яхши бўлмайди барибир.

– Урғочи эшаклару кампирлардан нарироқ юрсанг, шунда сенга яхши бўлади, – деди Чиғатоев қахр аралаш. – Сенинг бахтинг нима-ю, қайғуинг нима – иккисиям бир гўрга ўхшайди.

– Хотининг бўлса, вақт ўтгани билинмайди, – жавобланди бунга Мулло-Черкас.

Бу пайтда эса оёқларини ёйиб, зах ерда ўтирган Ойдин қўлида тутган тош билан қамиш илдизи майдалаб, қўлбола егулик тайёрларди. Яна дашту ботқоқдан териб келинган бир-икки боғлам ўт, қум остидан топилган эшак ва ё туянинг этсиз оппоқ кемиги ҳам масаллиқ ўрнида. Оёқлари орасидаги қозонга дам-бадам тайёр масаллиқ улоқтираётган қиз росмана уй бекасидек чакқон ҳаракат қиларди. У

меҳмонларга зиғирча эътибор қилмас, атрофдагиларга номаълум ўз ҳаёллари билан банд – ориққина шу танаси ичра ўзипинг бошқа ҳаётини кечираётгандай рўзгор юмушларини ихтиёрсиз равишда, шитоб билан бажарарди.

– Қизинг мен билан юрсин! – уй соҳибидан сўради Чигатоев.

– Қизим ҳали ёш, уни сен нима қиласан?

– Ўрнига сенга бошқа қарироғини олиб келаман.

– Унақа бўлса, тезроқ олиб кел, – деб қизининг кетишига рози бўлди Мулло-Черкас.

Чигатоев Ойдиннинг қўлларидан тутди, қиз ҳадик ва ажабсиниш яширин тим қора ва чакноқ кўзлари билан Назарга қараб қолди.

– Юр мен билан, – деди Чигатоев.

Ойдин қўлларини ерга артиб тозалади-да, ҳеч нарсага қарамасдан, худди бу ерда бир дақиқа ҳам яшамаган ва ҳали тирик отасини ҳам қолдириб кетмаётгандек, ишларини чала қўйиб, ўрнидан турди.

– Сўфён, мен билан борсанг ҳам, бу ерда қолсанг ҳам сенга барибир, тўғрими? – энди йўлдош чолга юзланди Чигатоев.

– Менга барибир, – деди Сўфён ҳам.

Қайтиб келгунича мулланинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туришни тайинлаб қиз иккиси йўлга тушишди.

Қуюқ қамишзор оралаб, одамлар изидан ҳосил сўқмоқдан боришаркан, Назар ўт-ўланлар ичида гойиб бўлган қавмни, эвсизликдан қаерга борарини билмай қўланса мана шу ботқоққа биқинган халқини тезроқ излаб топишга орзиқарди. Гулчатой ҳақида Сўфёндан бирор марта сўрамаган бўлса-да, ўглини ҳали унутмаган онасининг дийдорига умид қиларди. Аммо ўлиб кетган бўлса, сўнгаклари кўмилган қабрни суриштириб топишга доим уштуради.

Ойдин бутун йўл бўйи ҳеч зорланмай, Чигатоев ортидан жимгина борарди. Баъзан қамишзор тугаб, қум ва балчиқ йиғилиб қолган яланг сайхонлик ёки кўлмакларга дуч келишар, шунда бу жойларни айланиб ўтиб, яна сўқмоқ аломати кўринган қамишзор ичига шўнғишарди. Чурқ этмай келаётган Ойдин ҳолдан тойганини кўрган Чигатоев уни елкасига ўтқазиб олди. Кейин улар ҳордиққа тўхташди, лойқа булоқдан қониб сув ичишди. Қизалоқ ғалати, аммо, айна пайтда, оддий бир инсон назари билан унга қараб турар, Чигатоев эса бу нигоҳ маъносини англашга уринарди. Эҳтимол, бу қарашлари билан қиз «мени ўзингга фарзанд қилиб ол» демоқчи бўлар ёки «қўрқяпман, мени эҳтиёт қил, ахир мен сени яхши кўраман» деган мужда йўллаётганмиди?.. Ёки бўлмаса, гўдакнинг тим қора ва чарақлаган кўзларида маънисиз бу тирикликдан таажжуб акс этганмиди: завқларга тўлиб, шўх-шодон яшашим лозим бўлган бу ҳаёт нега бунчалар қайғулию дилгир?!

Чигатоев Ойдинни қўлларига олиб, сочларини силаб таради. Қиз тириклик кулфатларидан Назар тимсолида паноҳ топгандек, тез орада эриб, ухлаб қолди – бахт қўйнида бетанвиш яшашга туғилган ночор хилқат.

Қоронғи тушди. Зимистон қўйнидаги қамишзорда кезиш энди беҳудалигидан Назар ўт-ўлашлардан қизалоққа тўшак ҳозирлади, мўъжаз бу одам боласини тунги совуқдан авайлаш учун яқинроқ сурилиб ётди. Ҳаёт – ҳар жойда ҳаёт, қувончу бахтга интилсанг – ҳар дам етишарсан.

Ойдиннинг яланғоч бадани очилиб, аёзда ушитиб тўнгмасин дея Назар ҳадеганда ухлаёлмади. Осмону заминни ҳайбатли қора тун ишғол этган. Қуёш ўз ётоғига кетгани билан олис бошқа юлдузлар очилиб, жонсарақ Сомон йўли ҳам кўрина бошлади – баайни борса-келмас манзил томон бир издиҳом оломон гуррос чопиб ўтгандек...

Эрталабки қуёш нурлари ухлаб ётганларни ёритди. Чигатоевнинг бир қўли Ойдиннинг боши остида, иккинчиси билан эса ўзини тонгги ёруғдан пана қилган. Аллақайдан бунёд бўлган бир кампир икковига талмовсираб қараб ўтирар, сездирмасдан йигит сочларига, лаб ва қўлларига оҳиста тегинар, бу машғулотига бошқалар халал бериб қолиши мумкиндек атрофга аланглаб, Назарнинг эғнидаги кийимларини бир-бир хидлаб боқарди. Пичадан сўнг йигитнинг қўлини қизалоқ боши остидан авайлаб чиқариб олди – Назар бошқа бировларга эмас, фақат унга меҳр кўрсатишини истарди у.

Яшаш малолидан бели букилган кампир бирор нарсани изласа, юзлари ерга теккудек бўлар, аллақачон бой берилган нарсасини беҳуда ивирсиб излашлари билан сўқир одамга ўхшарди. У Назарни бошдан-оёқ пайпаслаб, белидаги қайиш ва иштонбоғигача ушлаб кўрди, камзулини ғижимлаб бокди, бармоғини тупуклаб ғуборли қора қошларини силаб артди. Кейин тинчланиб, йигитнинг оёқларига бошини қўйиб ётди. Худди умрининг адоғига, ниҳоят, ўрмалаб етиб келгану бу ёғига энди қилар иши қолмагандек ёки терларидан чириб қўланса ҳид таралаётган, сахро ғуборлари ва ботқоқ балчиғи ўрнашган Назарнинг бошмоғида сўнгги ошёни, охирги юпанчини топгандек, энди ҳорғин ва бахтиёр эди. Бир нафаслик қушуйқу забтида қолган кампир тезда яна ўрnidан турди. Чигатоев билан Ойдин иккиси ҳалиям уйғонишмаган: болалар ўзи шундай – узоқ ухлашади, капалак ва чуғурчуқ қушлар, ҳатто эса серзарда қуёш ҳам уларни уйғота олмас.

Кампирнинг сабри чидамади:

– Тура қол ўрнингдан тезроқ!

Назар кўзларини очди. Кампир унинг бўйни, кўкси ва кўлларини ўпиб, юзларини сийпалар, бутун баданини пайпаслаб, текшириб кўрарди: ҳар ери соғ-омонмикан, узоқ айрилиқда бирор жойи майиб бўлиб, бегона юртларда қай бир мучаси йўқолиб-нетмадими?

– Ундай қилма, айб, онамсан, ахир, – дея ўрнидан туриб кетди Чигатоев.

Орада кечиб ўтган йиллар онасини шу қадар нурагиб, қаддини дол қилгандики, энди ўғлининг юзларини кўролмаганидан уни кўлларида тортиб, ўзининг букри бўйича эгилишга ундарди – Чигатоев кампир қаршисида тиз чўкди. Гулчатой қариллик ва ўғлига меҳрдан тинмай титрар, тили ҳеч калимага келмасди. У фақат кўллари билан ҳамон ўғлини пайпаслашда давом қилар, шу тобда худди неча замонлардан буён соғинган бахтига ниҳоят эришгану энди уни яна кўлдан чиқариб юборишдан ҳадиксираётганга ўхшарди.

Чигатоев онасига тикилди: аввалги чақноқ кўзлари айрилиқдан хира тортиб, таниш нурлари йўқолган, ориқлаб кетган бир чимдим юзи ҳам йиртқич жондорники каби ғазабнок эди. Сурункали қайғу ёхуд беҳуда яшайверишдан ҳориган юракнинг вужуд тирикчилигини асраш зўриқилларидан пайдо аянчли ҳосила эди бу. Бўлмаса, ҳамон яшаётганингни унутиб ёки ўзингни батамом ёддан фаромуш қилиб, ҳар дақиқада жон таслим қилиш ҳеч гап эмас.

Назар онасини кучоқлади – жимиртак қизалоқ каби пардек енгил эди у. Бу аёлнинг тетапоя гўдак сингари ўз ҳаётини яна қайта яшай бошлаши шу тобда айни муддао, аммо сурункали кўргиликлар билан муттасил беллашиш унинг бутун қурбини емириб адо қилган ҳамда ўзининг бу дунёда бор эканини англаб фикр қилишига ярашиқли, қайғудан холи осойишта юрак ҳам унга насиб этмаганди. Ажабки, у ҳали ўзини англаб кўникмасидан бурун қари-

лик эшик қоқиб, омонатини ҳозирлаш фурсати ҳам етиб келганди.

– Яшаш жойинг қайда? – сўради Назар.

– Анави тарафда, – Гулчатой уларни кўрсатилган тараф бошлади.

Ўтлоқ ва сийрак қамишлар оралаб юрилгач, бир сайхонда қўним топган кичик овулга етиб борилди. Чиғатоев қамишдан ростланган йигирма чоғли чайла ва ўтовларни кўрди. Қамишзор оралаб адашган бу овулда на бирор ит, на эшак ва на туя бор, номига бўлса ҳам қақиллаган бирор товуқ кўринмасди.

Охирги чайла ёнида яйдоқ-яланғоч бир одам ўтирар, бужмайган териси кийилавериб увадаси чикиб кетган эски чопон каби шалвираб қолганди. У одам тиззасига бир даста қамиш қўйиб олганча рўзғори учун саватга ўхшаш бир нима тўқиш билан овора. Чиғатоевнинг саломига алик ҳам олмади, билъакс, овулда бегона одам пайдо бўлганига парво ҳам қилмай, ичида бир нимани алағда ничирлади – бошқаларга кўринмас сирлию гизли овунчоғини хаёл қилиб, ўз қалбини шу алфоз алахситиш билан андармон эди бу ҳам.

– Ҳаммаси бунда жамми ёки бошқалар ҳам қайдадир борми? – деб сўради Чиғатоев онасидан.

– Ким қаердалигини бошқа эслолмайман, – деди Гулчатой йиллар ўтган сайин ортиқча юк каби оғирлашган бошини аранг кўтариб, ўглининг ортидан қолмасликка тиришар экан. – Яна бирор ўн чоғли одам денгизга туташиб борган тўқайларда яшаётгандир, балки, аллақачон ўлиб ҳам кетишгандир...

Чайлалар тугаб, ундан нари яна қамишзор бошланди. Чиғатоев жойида бир дам тек қолди. Она ва ватан, ўтмиш болалик ва келажак келажак – унинг учун ардоқли барчаси шу ерда эди. Эрталабки қуёш табиатнинг абгор бу бўла-

гини ўз нурлари билан ёритиб турар, энди кўкариб кучга тўлаётган навнихоллар ёхуд умрини яшаб бўлган чиринди камиш поялари, босилавериб ўтлари топталган яланглик-да мункиллаган омонат чайлалар ҳамда бу жойларнинг ғариб ғуборига тўйинган қуёш нурларини эмиб, юқорида осилиб қолган хира осмон – буларнинг бари табиат ҳам умидсиз қайғуга чўмганидан дарак беради.

Чигатоев борлиқ кўринишига тикиларкан, ортиқ нима қиларини билмай, еру осмонда ҳозир-у, аммо кўринмас ва бефойда бу унсурлар томон зўраки табассум йўллади.

Ушбу қалин чакалак оша, ҳов анави кумушранг уфқлар сатҳида дафъатан бир сароб кўринди – елканлари шамолга тўлиб, денгиз узра сузиб бораётган кемалар ва соҳилда мағрур қад кўтарган олис шаҳарнинг хоротош устунлари.

Муштипар волида букчайган кўйи ўғли ёнида, ҳамон сукут ичра жим турарди. Аёл чайлада эру маҳрамсиз ёлғиз яшар, бири остига тўшалган, бошқаси билан ёпиниб ухлагани – камишли бир жуфт бўйра бор бисоти эди. Яна егулик пиширишга чўян хумдону сопол кўза, қизлигидан хотира кирчимол рўмолу Назар-бувак йўргакланган эски латта. Олти йиллар аввал ўлиб кетган Қўшматдан биргина иштон (бошқа бирини Гулчатой кўйлагига ямоқ қилиб ишлатворган) ва мардикор ишлаган пайтлари баданини тозалашда эрига кўп ва ҳўб хизмат қилган дасмол ҳам унга ёдгор эди.

Шу ерда ғарибу бенаво яшарди онаси. Ўғлининг ҳали тирик эканига ажабланса-да, аммо бу ерларга қайтиб келганини оддий ҳолдек қабул қилди, зотан, унинг ўзи яшаётган айни шу тирикликдан ҳам бошқа ҳаётлар бу дунёда борлигини билмас ва ер юзасида неки бор – бари бир зайлда дилгир кечаётир деб ишонарди бу аёл.

Чигатоев ўзи қолдирган жойда ҳали ухлаб ётган Ойдинни олиб келди. Гулчатой табиатдан ўз улушини олиб,

бирор егулик ҳозирлаш ташвишида иккисини холи қўйди – илдиз ковлаб, дарёнинг саёз четларидан майда балиқ тутати, омади чопса, чакалакда беркинган қуш тухумларини ҳам излаб топар.

Шу кетгани бўйи кеч шомда қайтиб келди ва шу заҳотиёқ кўкат, қамиш илдизларию майда балиқлардан егулик ҳозирлашга тутинди. Ёнидаги ўғли уни энди қизиқтирмас, унга бир оғиз сўз ҳам демасди, худди бутун фикру хаёли, барча қуввати кундалик айна юмушига тамомила сарф этилиб, қалбида ортиқча туйғулар зўриқишига ўрин қолмагандек. Ҳалиям тирик ва вояга етган ўғилни кўргандаги бир дамлик инсоний шодлик тезда ариб битган ёки бундай хушбахтлик умуман бўлмаган-у, фақат узок айрилиқдан кейинги одмигина таажжуб тасодифан юзага балқиб чиққандек. Гулчатой ўғлидан қорнинг очикдими ёки бу ерларда нималар қилиб юрибсан деб сўраб ҳам қўймади.

Назар эса йиллар давомида кўниккан ишини бир маромда уддалаётган онага тикилиб қарар, онаси бу юмушларини худди чала уйқунинг ойкезар онларида кўр-кўрона уддалаётган каби туюларди унга. Бир замонлар тийрак шуълалар таратган аёл кўзлари энди хира тортиб, кўриш қувватини бутунлай бой берган каби кишига маъносиз боқарди. Йирик ва дағал оёқлари Гулчатой бир умр қавуш нималигини билмасдан ўтаётганидан дарак берар, ҳар турли мато қирқимларию ҳатто кигиз лахтақларидан ямаб тикилган исқирт кўйлаги эғнида беўхшов осилиб турарди. Чигатоев пайпаслаб кўриб онасининг бисотида шу рўдапосидан бошқаси йўқлиги, яйдоқ баданига омонат ташлаб олганини билди – қишнинг аёзли тунлари ва ёзнинг жазирама офтобига кўниккан бу вужуд ташқи таъсирларни ортиқ писанд қилмай қўйган эди.

Назар онасини чақириб боқди. Бунга жавобан Гулчатой ўғлига қаради – демак, онаси уни ҳамон англаб эди. Назар

қийраҳон қамиш деворга ёндош ўчоққа ўт қаланида кўмакдош бўлди. Бу маҳалда эса Ойдин ўчоқ бошида ивирсиган ёт бу икковлонга тим қора ва тиниқ кўзлари билан қараб турарди; хушбахту масрур умрини кечириш ўрнига бир тишлам егулик илинжида чайла қоронғисида илҳақ ўтирганидан домангирлик уқиш мумкин эди норасида жужуқликнинг жилвали қуввати маъюс ҳадиклари билан пайваста қизнинг нигоҳларида. Чиғатоев эса худди Ойдинники каби, аммо ундан кўра тийрак ва қув, севиб-севичилишга ҳозир муҳрли кўзларни тағин қайда кўрганини эслашга тиришар, туркман ва ё қирғиз эмас – олис бошқа юрт валади бўлган қизалоқнинг исмини ҳам энди эслай олмас, аслида, у қиз ҳам Чиғатоев қайларда тентираб, нималар билан машғул эканини тасаввур қилмасди: ахир, Москва олис, у эса қамиш ва кўлмаклар юртида ёлғизу ғурабо. Шу пайт у дафъатан Москвани астойдил соғиниб кетди, Вера билан Ксенияни кўргиси келиб ўртанди, кечки трамвайга ўтириб, ўртоқларини йўқлаб боргиси келди. Аммо тезда хаёлларини йиғиштириб олди. «Йўқ, бу жойлар ҳам ахир Москвадир!» – деди баралла ва Ойдиннинг кўзларига боқиб, мамнун кулиб қўйди. Қиз кўрққанидан кўзларини олиб қочди.

Бу орада онаси бўтқага ўхшаш суюқ бир нарса ҳозирлаб, дам демай бир ўзи паққос туширди, кейин идишда қолганларини ҳам ялаб-юлқаб, охирида бармоқларини бир-бир сўриб чикди. Диққат билан кузатиб ўтирган Ойдин кампирнинг қилтириқ томоғидан дам-бадам ўтиб, ҳалқуми орқали яна ҳам пастга шитоб тушиб бораётган овқат йўналишини шундоқ кўриб турар, қорни очикқан қизнинг кўзларида ажабсиниш, бечора кампирга ачиниш аломатлари зоҳир эди. Овқатланиб бўлгач Гулчатоё қамиш бўйрага ётдию шу заҳоти пинакка кетди.

Чигатоевнинг ватандаги биринчи куни шундай соб бўлди; куёш чиқиб турган пайти кўнгилда бознаган умид учкунлари энди осмон чироғи сўниб, узоқ юксакликда хира ва нотаваон биринчи юлдуз милтираши билан яна ўчиб битди.

Атрофга захил сукунат чўкиб, бу қамишли юрт аҳлининг элас овозлари ҳам тиниб қолди. Чигатоев шу атрофдан ўт-ўлан жамғариб, чайланинг илиқроқ бурчагида Ойдинга ўрин ҳозирлаб, ухлашга ётқизди.

Кейин далага чиқиб, имиллаб оқаётган Амударё ирмоғига бориб, яна қайтиб келди. Қувватга тўлиб, илкини ҳар томон ёйган оқшом юқорида ҳукмрон, кекса қамишлар ҳузурида паноҳ топган ҳали мўрт ниҳоллар уйқудаги буваклар каби аста тўлғонади. Одамлар наздида, кимсасиз саҳроларда дилтортар ҳеч вақо содир бўлмас, бефайз бу кенгликлар оқшомида мудроққа чўмган қўйчивоннинг ғамбода уйқу ноласигина Сариқамиш ҳавзасида, бир замонлар балои азимга макон бўлган ва бандалар жасадларини еллар совуриб битган мана шу ботиқларда заиф садолар бериб кезинади. Аслида, Амударё ва бу дарёдан ҳосила – Сариқамишнинг ўз дунёси бор, ўз қисматлари билан андармон фуқаролари хануз муқиму муқаррар.

Чигатоев аста қулоқ солди: шу атрофда кимдир ўзига ўзи бир нималар деб бидирлар, орада завқи ошиб, кулиб ҳам қўярди. Назар овоз келаётган қамишли ётоққа яқинроқ келди. Ичкарида ухлоқда бўлганларнинг беором нафаслари, ўринларида бесаранжом ағдарилишлари қулогига етди.

– Туялар тулаяпти, – дерди бир чол уйқусида. – Ердаги анов юнглари жамлаб, тезроқ қўйнимга солиб қўй, уюшиб кетяпман...

Чигатоев қамиш деворга суяниб, диққатини жамлади. Алахсираётган чол яна нималардир деб пичирлади. Шу тобда у фақат ўзигагина маълум бир турмуш, мангу ари-мас ҳаёт манзараларини туш кўрар, ўша кўринишлар то-мон қучоқ очиб, тобора узоқлашиб бораётгани каби, муд-роқ лабларидан учаётган саслар ҳам сусайиб борарди.

– Дурди, Дурди! – ичкаридан бу сафар энди жувоннинг хаста овози эшитилди; аёл остидаги наमतни шитирла-тиб, нариги ёнига ағдарилди. – Дурди дейман! Тўхтасанг-чи, ахир, нафасим оғзимга тикилиб қолди, етиб олай... Ҳадеб қочаверма, мениям, ўзингниям қийнама, қўлдаги пичоғим ўтқир, сен ҳеч ташвиш чекма – бўғзингни шун-дай, бир зумда сўйиб ташлайман, ўзинг ҳам билмай қола-сан, ювош туриб берсанг бўлгани.

Иккови ҳам жимиб, уйқудаги умрларини энди сукутда ўтказа бошлашди.

- Дурди! – ташқаридан туриб аста чақирди Назар.
- Ҳа, нима дейсан? – сасланди ичкаридан бояги чол.
- Ухлаяпсанми? – сўради Чигатоев.
- Ухлаяпман, – деди Дурди чол.

Чигатоев болалик хотираларидан чиқиб келган Дурди-ни эслади. Ёвмитлар уруғидан бўлган қоқсуяк бу кас хоти-ни иккиси дарбадар кезиб, тошбақа овлаб кун кечиришар, рўшносиз саёқ турмушидан зерика бошлагач эса Сари-қамишда пайдо бўлишарди. Бандалар даврасида ханго-маю учуриқларга жимгина ва гўл табассуми билан қулоқ солиб ўтирар, ушбу дийдорлашувнинг сирли сурурлари-дан кўнгли қонгач, яна тошбақалар ишқида, фақат унинг ўзига маълум хаёлларини суриш учун саҳро тараф қайта йўлга отланар эди. Ўша пайтларийёқ қаримсиқ кўринган жувон ҳам рўзғор жиҳозларини ортмоқлаб хожаси орти-дан равона бўларди. Назар улар ортидан узоқ қараб қолар, олислаб бораётган эр-хотин ёрқин қуёш жилвасида тамом

триб, ажабтовур шамойилли саробга айланиб қолгунича кўз узмай тураверарди.

Сал нарида ўтовга ўхшаш қурилган яна бир қамиш чайла. Чайла ёнида ўтирган итга кўзи тушиб Чигатоев ҳайрон бўлди, чунки бу ерда шу пайтгача ҳали бирор уй ҳайвонини учратмаган эди. Серзарда нигоҳлари билан Назарга гижириб қараган қора кўппак дам-бадам оғзини очиб, бу одамга ўз важоҳатини кўрсатиб қўйгиси келар, акиллашга ҳар қанча уринмасин, танаси ичларидан бирор товуш чиқара олмай ҳалак эди. Айни пайтда бир ўнгу бир сўл оёқлари билан депсиниб, ич-ичидан қахру ғазаб шижоатини уйғотиб долғаланишга уринар, аммо бу чиранишлари ҳам бекор эди. Яқинроқ келиши билан кўппак одамнинг қўлини оғзига солди-да, жағлари билан ғажигандай бўлди, аммо Назар зиғирча оғриқ сезмади – итнинг тишлари битта қолмай тўкилиб битган эди. Кўппакнинг танасини найпаслаб кўрди – жониворнинг ориқликдан туртиб чиққан қобирғалари орасида ожизу нотавон бир юрак ҳаприқиб дукиллар, кўзларида эса бурчини адо эта билмаслик аламидан пайдо ёшлар ҳалқаланарди.

Ўтовдан кимнингдир оҳиста ва хушвақт кулгиси қулоққа чалинди. Чигатоев пардани кўтариб, ичкарига кирди. Тим қоронғи ичкари диққинафас эди. Назар бировни похос босиб олмаслик учун эмаклаганча, атрофни қўллари билан пайпаслаб кўрди. Ўткир ва ачиқимтил кигиз бадбўйидан кўнгли ағдарилаёзди. Олдинга йўналган қўллари, ниҳоят, бировнинг юзига тегди. Теккан заҳоти бу юз бужмайиб, пайдар-пай сўзлар тизилган илиқ нафасни оғзидан улоқтирди. Бу сўзлар аниқ-тиниқ тингланса-да, гапираётган одам нима демоқчи эканини тушуниб бўлмасди. Юзини ҳамон қўлларида ушлаб турган Чигатоев сўзлоқи бу одамни ажабланиб тинглар, бетутуриқ нутқининг мағзини чақишга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, ҳеч

вақони англамас эди. Чордона қуриб ўтирган одам гоҳида сўзидан тўхтаб, балки, фақат унинг ўзигагина аён ўз мулоҳазаларидан нашъа қилиб, чин юракдан қулиб юборар, кейин эса яна нутқида давом этарди. Салдан кейин гап нимадалигини тушуниб етган Чигатоев ҳам кулгидан ўзини тиёлмай қолди: одамнинг юрагида на иштиёқу на эҳтирос борлигидан у сўзлаётган сўзлар ҳам, талаффуз қувватисиз ҳавога бенаф учиб кетаётгани боис, маъноларини тамом йўқотиб қўйганди.

– Устюрт устига чиқ, нимарсадир менга кўтариб келтир, мен бағрим юзасига қўйиб оламан, – деб алжиради одам ва яна қувониб кулди.

Юраги уриб турган, қалби эса сокин нафас олаётган бўлса ҳам, барибир, ҳеч вақога истак ва майл тополмаётганидан унинг ўзи эмас, эҳтимолки, уйқуда тирик тафаккури кулаётганми эди? Ҳаттоки зимистон ўтов қўйнидаги мутлақ танҳолик, бунда ногаҳон пайдо бўлган нотаниш одам – буларнинг биронтаси бу кимсада таассурот ҳосил қилмас, ҳадик ёки қизиқсиниш ҳам уйғотмас эди. Чигатоев унинг юз-кўзларини, қўл-оёқларини пайнаслаб ушлаб кўрар, истаса шу алфозида ўлдириши ҳам мумкин эди, аммо у ҳамон ўз билганича тинмай бидирлар – баайни ўз ҳаётига ўзи бегона каби буларнинг бари уни зигирча хавотирга солмас, ҳеч бири унга чикора эди.

Ташқарида ҳамон аввалги оқшом. Чигатоев ортига қайтиб, чалажон уйқусида сўйлапаётган одамни ўзи билан олиб кетмоқчи ҳам бўлди, аммо муттасил уқубатлар туфайли энди кўмак эмас, балки шунчаки унутилишга маҳтал бу касни қайларга ҳам элтсин? Бояги гунг-соқов кўппак ортидан қолмай эрганиб келаётганини кўрди, қамиш чайлада ётган одамлар эса туш кўрар, тушларида ҳам туш кўриб ухлашарди. Қамишзорлар ўқтин-ўқтин титроқ исканжасида қолар, чакалак қўйнида обдон қувалашган

эпкинлар энди ҳов узоққа, Орол томон бош олиб кетишар. Онаси билан Ойдин ётган чайлага ёндош бошқасида яна бировнинг сокин овозлари билинди – кўппак ўша чайлага кириб, яна дарҳол қайтиб чиқди, қайтар йўлини йўқотишдан кўрқиб кетдию ўтақаси ёрилиб уйига қараб чопди.

Чигатоев чайлада ечиниб ўтирмасдан Ойдиннинг ёнига чўзилди. Қизалоқнинг нафас олиши деярли билинмас, уйқусида вужуднинг оддийгина шу эҳтиёжини ҳам ёдидан чиқариб, ўлиб қолиши мумкинлигини ўйлаб Назар ҳадиксиради. Шундоққина зах ерда аста мудроқ қўйнига чўмиб бораётиб бошқа кулбаларда ухлоқ қавмининг уйқу аралаш алахсирашлари ва ишқорга тўйинган тахир кўкатлар бу боёқишлар ошқозонида ҳазм бўлолмай кулдираётгани қулоғига келиб етди. Қўшни қапада эса яна бир жуфтлик ўзаро шакаргуфтор ётар, эр кимса хотинини эринмай урчитишга чоғлар, аммо ҳеч рўйхушлик бергиси келмасди завжанинг.

– Қўйгин энди, иккимиздаям мадор қолмади, ўн йилки уринамиз, боласи тушмагур ҳеч кўрингиси келмайди, ўликка ўхшайман, боласиз жасадим ҳалиям бўм-бўшу яланғоч...

Нима деярини билмаган эр жимиб қолди. Кейин эса:

– Биргалашиб бир нарсалар қилайлик бўлмаса, – деди, – ўзимиздан бошқа қувонадиган нарсамиз йўқ, ахир.

– Унақа бўлса, – жавобланди хотини ўйланиб, – эгнимга иладиган ҳеч вақоим йўқ, сендаям. Қишда қандай яшаймиз энди?..

– Ухлаганда исиниб ётамиз, – деди эри, – фақирликда бошқа нимаям қилардик, ўзингдан бўлак будим бўлмагач, сенга маҳлиё бўлиб, меҳримни бериб юравераман.

– Шунақа, – тасдиқлади хотин, – иккимиздаям бир-бировимиздан бўлак будимиз йўқ, ўйловурдим-ўйловурдим, қарасам, сени ростдан яхши кўрар эканман.

– Мен ҳам сени яхши кўраман, – деди эр, – бошқа иложимиз ҳам йўқ, бўлмаса, бу гурбатда қандай яшалар...

– Хотиндан кўра беминнату арзони йўқ, – дерди жувон. – Сен йўқсилу бечорада менинг баданимдан бошқа бисот нима қилсин?

– Тўғри айтасан, – маъқуллади эри ҳам, – бошқа мулкимиз йўқ. Хотинлар туғилиб, ўзларича етилиб қолаётганига шукр. Ҳамма жойинг бус-бутун: кўкрагинг, қорин ва дудоқларинг бор, қараб турган кўзларинг кўради, бошқа жойларинг ҳам бинойидек, мен сен ҳақингда ўйлайман, сен эса мен ҳақимда, шунақа қилиб, вақт-замонлар ўтаверади, бизга бундан ортиқ нияям керак?..

Улар жимиб қолишди. Чиғатоев қулоғини йиғилиб қолган кирлардан тозалаб, яна диққатини ўша чайлага қаратди.

– Иккимиз ҳам ҳеч вақога ярамаймиз, – дерди жувон, – сен озиб-тўзиб, мадордан қолдинг, менинг эса маммаларим қуриб битди, суюқларим ҳам тинмай зирқирайди...

– Ўксинма, сендан қолган қолдиқларингни ҳам севавераман, – деди жавобан эр.

Улар энди бутунлай жимиб қолишди. Эҳтимол, шу дамда ўзларининг ёлғиз ва танҳо бахтларини қўлдан бой бермаслик илинжида иккиси ҳам бир-бирларининг бағрига сингиб кетишгандир.

Чиғатоев бир нима деб пичирлади ва уйқуга кета туриб унинг ватанида, ҳеч курса, икки мискин одам бисотида бахту иқбол борлигини ўйлаб мамнун кулимсиради.

9

Эрталаб уйғонгач Гулчатоё на ўғлига ва на у етаклаб келган қизга эътибор қилди. Аёлнинг қалб қўри Ойдин иккисига сўқмоқда дуч келган пайтидаги энг яқин хотира

билангина қаноатланар, ортиғи ортиқча ва энди у ёлғиз ўз ҳаёти билан алаҳсиб яшарди. Чайлада қиладиган жўяли иши йўқ бўлсаям, кампир қамиш боғламларини қайтадан текислаб чиқди, ерда тўзиган хасларни йиғиштириб, қозонни яна артиб-тозалади, ўзи ётган бўйрани тўғрилаб, бир четга олиб қўйди; бу юмушларини кампир чуқур ҳафсала билан бажарар, рўзгор нарсалари ҳамиша саришта ва бус-бутун бўлиши унинг учун ҳаётий масала эдики, айнан шулар уни бошқа одамлару ташқи тириклик билан боғлаб турган биргина ришталар эди. Аммо одам боласи ҳаёлида ҳам қайсидир ўйлар билан сурункали андармон бўлиши керак эмасми, Гулчатой ҳам, афтидан, ўзининг мана шу беҳуда елиб-югуришлари асносида ўзигагина аён нарсаларни ҳаёлида тасаввур қилиш билан машғул эди. Фақат меҳнат баробарида фикр қилишга кўниккан аёлнинг абгор рўзгори, чайла ичида уззукун куймаланишлари унга хотиралар инъом қилар, заиф ва бўм-бўш юрагини тириклик сезимлари билан тўлдириб турар эди.

Бутун дунёси кундалик юмуш ва санокли буюмларидан иборат бўлган кампир ўз рўзгорига яна нимадир қўшилишини истар, қўшилиши баробарида андармонлиги ортиб, умрининг кунлари энди яна ҳам хушҳол кеча бошлайдигандек туюларди. Шуларни мулоҳаза қилиб ўғлидан ул-бул нарса сўради. Онасининг ташвишларини англаган Назар плаши билан тўппонча ғилофини берди, тўппончанинг ўзини бўлса шимининг чўнтагига солиб қўйди. Булар етарли эмаслигини ўйлаб ён дафтарчаси билан яна бирор қирқ сўм пул ҳам узатди. Эвазига Ойдинга бирон егулик ҳозирлашини айтди, аммо Гулчатойни кутиб ўтирмасдан қизнинг ўзи кўкатлар излашга кетди.

– Мулло-Черкасни танийсанми? – сўради Назар онаси билан ёлғиз қолгач.

– Мен ҳаммани танийман.

– Ўшаникига бориб, бирга яша. Мулланинг кўзлари кўрмай қолган, ўлгунича сени авайлаб, парвариш қилади. Икковингизга ҳам яхши.

Тириклик заволидан букчайган она ўғлининг гапларини ердан кўз узмай эшитди; туйғулардан асар ҳам қолмаган юраги зарурат туфайлигина уриб турган бўлса, чалажон ҳаёти ҳам бор-йўқлигини сездирмай, охири томон кўримсиз кечиб бораётган бўлса, Мулло-Черкаста нима учун кераклигини билолмас эди. Шундай бўлса ҳам, Назарга бир оғиз сўз демасдан айтилган томон йўлга тушиди. Ўғли ҳозиргина қўлига тутқазган нарсалардан бошқа ҳеч вақосини олмади, буздан чиқдики, шу қадар авайлаган рўзгор буюмларини ҳам энди юраги кўтармас, илло, адо бўлаётган қалбининг қуввати уларга кўнгил қўйиш учун кифоя қилмай қўйганми эди?

Оилавий турмуш бағрида қалби ором олсин учун онасини Мулло-Черкасникига юборгач, Ойдин иккиси ёлғиз қолишди. Ойдин дарҳол рўзгор ишларига шўнғиб кетди, ҳали қайнатма шўрва учун ўт-ўлан териб келадиган, ҳали дарёдан балиқ овлаб, тушликка таом ҳозирлайдиган бўлди. Бир сафар ирмоқ ва ботқоқларни кечиб, узоқдаги саксовулзордан қиш учун бир даста ўтин ғамлаб келди. Кейин Чигатоев ўзи ҳам ўша ёққа икки дафъа қатнаб, анча-мунча ўтин келтирди, қизга эса у тарафларга қайтиб бормаслигини тайинлади – ўчоққа қараб, кунда бир маҳал қозон осса, шуниси кифоя. Лекин кўп ўтмай рўзгорни ёлғиз ўзи юритишига тўғри келди – Ойдин ноҳос иситма-лаб ётиб қолди, безгак тутиб, бутун аъзои баданидан тинимсиз тер қуядиган бўлди. Увушиб дағ-дағ қалтираётган кизалоқни Назар амаллаб иситишга ҳаракат қилар, битиб қолган кўзларини уқалаб артар, гиёҳ қайнатмасидан зўрлаб ичирарди, аммо хасталикка бас келолмаётган қизгина тобора ҳолсизланиб, ўлим томон жимгина кетиб борар

эди. Чигатоев кимсасизликнинг ёлғиз кунлари қизалок қошидан кетмай, бу хаста кўнгилни кўрқинч ўртанишларидан асраб кўп кунларини соб қилди.

Бошқа ўтов ва чайлаларда ҳам бетобу бемажол одамлар бор эди. Чигатоев ҳамманинг ҳисобини олди – Жон қавми қирқ етти жон бўлиб, улардан йигирма чоғлиси хасталанган. Қавм орасида ўн бир аёл бўлиб, ўн икки ёшгача бўлган болалар Ойдин билан бирга учта жон эди. Одамларнинг энг захматкаши – аёллар ҳаммадан олдин ўлиб кетишар, тирик қолганлари эса ҳадсганда бола туғишмасди. Олисдаги тўқ ва фаровон юртларнинг беташвиш одамларидан ҳам кўра кўпроқ бу ерда ҳар ким фарзанд ҳаваси билан яшар, заифу қаншоқ мисколдек қувватини зўриқтириб, ниҳоят, бола кўрсалар, у норасида жонларга ҳам алаф илдиэларию кишимсиз турмушнинг дилгир қисмати биргина мерос эди.

Ойдин касалланиб ётган кунлари Чигатоевни райижроқўм вакили, йўлдош Нур-Муҳаммад йўқлаб келди. Чигатоев бу ерларга ўз қавмига кўмаклашиш, унинг сафларини тўлдириб, бахт-саодат сари илдам одимлаётган халққа дўндириш маслагида хизмат сафарига юборилганини билдирди. Нур-Муҳаммад эса бу қавмнинг боёқиш қалби камсуқум турмуш азобларидан беморланиб, қарийб адо бўлганини маълум қилди. Кўргиликлар кўраверибақли ўтмаслашган бандаларда ўз бахтини ҳис этиб, фароғатларни англашга ярашиқ ҳеч вақоси қолмаган, шундай экан, бу бечораларни ўз ҳолларига қўйиб, бутунлай унутган маъқул ва ёки уларни сахро ичигами, урдун тоғлар бағригами олиб бориба адаштириба келиш ва охирида уларни тириклар рўйхатидан мангу ўчириба ташлаш энг маъқул ва тўғрисидаир деди.

Чигатоев Нур-Муҳаммадга синчиклаб разм солди. Қариб қолган бўлса ҳам, у баланд қаддини рост тутар, дард-

чил қовоқлари орасидан мўралаган кўзлари салгина мугомбир боқарди. Эғнида ўзбеки чопон, бошида дўппи, оёғида эса наMAT бошмоқ – бу қавм орасида фақат шугина бу алфоз, тўқис кийинган эди. Бу ерга олти ойлар чамаси аввал юборилган Нур-Муҳаммад Жон қавмига тамом бегона бир кас эди.

– Ёрти сана бу ерда нималар қилдинг? – сўради Чиғатоев.

– Ҳеч нарса, – деди Нур-Муҳаммад. – Ўликларни тирилтириш кўлимдан келмайди.

– Қилар ишинг қолмаса, нимани илҳақ кутяпсан?

– Мен келганимда бу ерда юз ўн жон яшарди, ҳозир сийракланиб қолишди. Бу жонлар орасида янги ҳунар эгалладим – энди гўрковлик қияпман, ўликларни ботқоққа кўмиб бўлмайди – касаллик тарқалиши мумкин, шу сабаб жасадларини сахро ичига олиб бориб, кўмиб келаман. Битта қолмай қирилиб битишгунича шу ерда қоламан, охирида эса хизмат сафарим битгани ҳақида керакли жойга ҳисобот топшираман...

– Одамлар яқинларини ўзлари кўмиб олишади, сенинг эса бу ерларда керагинг йўқ.

– Адашяпсан, улар яқинларини кўмишмайди.

– Нега кўмишмас экан?

– Ўликларни тириклар кўмишади, бу ерда эса тириклар йўқ, бўлса ҳам, ҳаётини фақат уйқу ва тушларида яшаётганлар бор. Уларни бахтли қилолмайсан, қувончу масрурлик тугул, улар қайғу ва мусибатларини ҳам аллақачон англамай қўйинган, печа асрлик кўргиликлар улар кўнглини кўр қилиб бўлган зотан.

– Бирор эви борми, ахир? – сўради Чиғатоев.

– Ҳеч бир. Одам боласини сурункали узоқ қийнаш мумкин эмас, Хива хонлари эса бунинг фаҳмига боришмаган. Узоқ қийнасанг – теъда ўлиб қолади, аслида, секин-аста,

оз-оздан азоблаб бориш керак, ора-сира нафас ростлаб, озроқ ўзига келиб олганидан кейин яна қийноққа солиш керак, шу тариқа уни азобу уқубатларга аста кўниктира борилса яхши...

– Менинг эса гўрковлик қилиш ниятим йўқ, – деди яна Чигатоев. – Сенинг кимлигингни билмайман, сен бизларга ётсан, яхшиси, иззатинг борида бизларни тинч қўйсанг яхши.

Нур-Мухаммад уйқудаги Ойдин пешонасини ушлаб кўриб, ўрнидан қўзғолди.

– Менинг ўз вазифаларим бор, сеникиям ўзингга маълум. Бу қизни яқинда шаҳарга олиб кетаман. Майли, хуш қол.

Нур-Мухаммад ўз ертўласи томон кетди. Назар эса Ойдинни ўт-ўлану бўйрага ўраб, тезда онаси билан Мулло-Черкасникига олиб борди, ҳолидан бохабар бўлиб, тунги аёзлардан эҳтиёт қилишларини тайинлади. Сўнг ўзи бу ердан юз ёки юз эллик чақирим наридаги Чимбой томон дарҳол йўлга чиқди. Суви қуриган эски ўзанлару ҳали милтиллаб оқаётган жилғаларни кечиб, қамишзору буталари чирмашиб кетган чакалақларни оралаб туну кун йўл босди, сабрсизликдан ақлу ҳуши бошидан учиб, кўп сарсону саргардон бўлгач, охири қаердадир ўтларга бошини қўйиб, дармонсиз уйқуга кетди. Аллақанча вақт ўтиб уйғонгач, ҳов нарида бир қўрғон харобаларини кўрди, хом ғиштлари уқаланиб нураган дувол ёнига келди. Қиёмга келган куннинг ҳиддатли иссиғи кўхна бу деворлар пойида жамланар, дувол остида мудроқ ва фаромушлик, димик ҳавонинг ҳушсизликка мубтало этар муҳити ҳоким эди. Чигатоев тошқин сувлар ўпириб ҳосил қилган рахнадан қўрғон ичига кириб борди. Ичкарида яна чандон диққинафас сукунат ҳукмрон, теварақдаги бутун иссиқлик айнан шу ерда, баланд ўтлар баравж ўсган жойда жамулжам

бўлган эди. Ниҳолларнинг бўлиқ таналарига муносиб кушанда бўлмаганидан бу ўтлар кўкка томон беташвишу беҳадик бўй чўзишган. Ўтларнинг такаббур алфозидан нафратли бир сезим туйган Чигатоев емишбоп ниҳоллар излаш билан овора бўлди. Қумлар орасидан бир неча суяк бўлаклари топди. Афтидан, қўрғонда тунаб қолган йўловчилар шўрваси мазали ва қуюкроқ бўлсин учун суякларни бўлаклаб қозонга солинган ёки бу суяклар шўринг кургур бирор банданики бўлса, уни қилич билан беаёв ва пайдар-пай чопиб ташлашганми эди. Нарироқда яна бир тўда суяк, бош чаноғи бўйин умуртқасида базўр илашиб турган одам устухони кўринди; юзтубан ўлим топган бу кас худди сўнгги бор ўпкасини тўлдириб нафас олмоқчи бўлгану зўриқишдан қобирғалари сочилиб кетган, бир қобирға тиғи эса эски будёновка-қалпоққа тиралиб қолганди. Чигатоев будёновкани қўлига олиб кўрди – қалпоқ пешонасида бешюлдуз асорати ҳамон билиниб турарди. Астарини қайириб кўрди, олд тараф хошиясига мархум аскар исми аниқравшан ёзиб қўйилган – «Ўроз Ғуломонов». Чигатоев буни қоқиб-тозалаб, бошига қўндирди, ўз фуражқасини бўлса Ғуломоновга қолдирди. Қалъа деворининг ич томонида, балки, мана шу Ғуломонов милтиғининг тиғи билан ёхуд суяклари нарида сочилиб ётган яна бошқа қизил аскар қўли биланми, мудрофаачиларнинг сўнгги ва қатъий шиори – «Яшасин йўлдош инқилоб!» ўйиб ёзилган. Ўлик ва тирикларнинг жонбахш умиди бўлган бу ёзувни кечаётган замону шамоллар, қору ёмғирлар барбод қилиб, маҳв этмасин учун ҳар бир ҳарф деворга чуқур ўйиб битилган эди. Афтидан, ўттиз ва ё ўттиз биринчи йил бу ерда қизил қўшин бўлинмаси босмачилар, Хиваю туркман қул жаллоблари билан тўқнашган, ўққа учиб, қиличлар билан чопилган Ғуломонов ва ўртоқлари шу қалъада ўшандан буён мангу қолиб кетишган. Жасадлари йўқликка сокин сингиб

борар экан, яшалмаган умрларини бошқа, келгуси йўлдош-ўртоқлар сурур-ла масрур яшаяжакларига ишончлари комилми эди ўшанда ул азаматларнинг?.. Чигатоев Чимбой томон йўлда давом этиш олдидан ўлаксахўр жондорлар ортиқ безовта қилмасин дея Ғуломонов суяқларини тупроқ ва ўт-ўлан ичра авайлаб кўмди.

Чимбойда бир қути дори-дармон сотиб олди, райқўм аралашуви билан бирмунча безгакдори топтирди. Аммо булар унинг қавмига кўн ҳам кор қилмаслигини ич-ичидан билиб турар, Сариқамишда тентираб қолган одамлар ҳаммадан ҳам ҳали етиб келмаган бошқа бир ҳаётга – ўлимдан афзал кўриб яшаш мумкин бўлган ўзга бир умрга эҳтиёжманд эканларини яхши биларди. Москвадан унга хат келганми ё йўқлигини билиш учун ҳар эҳтимолга қарши почтага ҳам кириб ўтди. Ичкарида узоқ авиайўналишлар сурати чизилган плакатлар осиелиқ, ойнаванд қийраҳон столларда эса Москва, Ленинград ва Тифлис почта манзилларининг саҳиҳ ўрнаклари битилган эдики, маҳаллий одамларнинг бари гўёки фақат шу гўзал шаҳарлар ҳаёли билан ўртаниб, фақат кўрсатилган ўша манзилларга мактуб битадигандек.

Чигатоев «До востребования – Сўраб олгунча» деб ёзилган дарчага бош суқди, кўлига, аслида, Москвадан юборилгану Ўзбекистон Марказқўми жонкуяр ходимларининг ҳимматли кўллари билан Тошкентдан бу ерга ошириб юборилган бир хат тутқазишди. Мактуб Ксенядан эди: «Иван ўғли Назар Чигатоев! Сизнинг турмуш ўртоғингиз, яъниким менинг онам Вера Москва ш. Иккинчи клиник касалхонасида қиз туғиш оқибатида вафот этди, туғилган пайти чақалоқнинг ўзи ҳам ўлик эди, мурдасини ўз кўзларим билан кўрдим. Қизалоқни онам Вера билан, яъни сизнинг хотинингиз билан бир тобутга солиб, Ваганьков қабристонига ёзувчи Батюшковга яқинроқ жойда

тупроққа қўйишди. Мен ўзим қабрни икки марта зиёрат қилиб келдим. Келганингизда ўзим сизга қабрни кўрсатаман. Онам сизни эсдан чиқармаслигим ва яхши кўришимни тайинлаган, мен сизни эсдан чиқарганим йўқ. Кашшофлик саломимни йўллайман, Ксения».

Туркман қиз «До востребования» дарчасидан бошини чиқарди:

– Шошмай тулинг, сизга телеграммаям бор, олти кундан бери ётибди.

Қиз Чигатоевга энди Тошкент телеграммасини тутқазди: «Сиз билан боғланиш мушкуллиги сабаб хотинингиз ўлим мактуби ўқиб кўрилди. Ўзр сўраймиз. Москвага бир ойга рухсат, қайтиб келинсин, саломлар. Орготдел Исфандиёров. Йигирма кун ичида эгасига етказилмаса, жўнатувчига Тошкент қайтарилсин».

Чигатоев мактуб билан телеграммани чўнтагига солиб, дори қутисини қўлтиқлади-да, ташқарига йўналди. Чимбойнинг кўриниши жуда абгор эди – гуваладан тикланган дувол ва пастаккина пахса уйлар атрофдаги кимсасиз оламнинг яланғоч бағрида кўримсиз сўппайган. Назар чойхонада бир талай арпа нон сотиб олдию шундан кўп ўтмай шаҳарни ортда қолдириб, йўлдош шамол билан ўз юрти томон кетиб борарди. Баландда оташ бўлиб ёнган қуёш мўл-кўл нур сочар, аммо инсон қалбини бахтиёрлик тафти билан чулғашга ҳароратининг қурби етмасди. Ўй ўйлашдан ҳориган Чигатоев энди йўл тафсилотларини жимгина кузатиб борар, бировнинг аравасидан тушиб қолган бир тутам қовжироқ ўтлар, эшак ёки хачир ошқозонида ҳазм қилиниб, ташқи дунёга ҳадя қилинган емиш қолдиқлари, олис юртлардан йўлга чиқиб, бу саҳроларга ҳам пойқадам қилган аллақайси йўловчи йўқотган ўрис чориги – бегона одамларнинг нотаниш ҳаёт ва фаолияти асорати уни шу тариқа ўз хаёлларидан алаҳситиб борар

оди. Йўлда жимитдек бир тошбақа жасадига дуч келди. Чиғатоев уни қўлига олиб, ўлимига ишонч ҳосил қилиш учун синчиклаб қаради – ҳали жудаям мўрт қалқонида папоҳ тополмай, ташқарида мажолсиз осилиб қолган бўйин ва оёқлари гўдак бу жониворнинг ўзи каби майда ажалнинг таъсирида шиша бошлаган. Кейин уни йўлдан нарироқда қумларга кўмиб қўйди. Қўлбола қабрчада оромланган бу тошбақа шу тобда марҳума хотини Верага ўзидан кўра ҳам кўп яқин эканини ҳаёлидан ўтказиб, талмовсираб қолди. Ўзи белгилаб олган аниқ мақсад сари ҳаракатда яшаётганини англаёлмай, кўзи тиниб, ҳуши бошидан учиб, ерга ўтириб олди; кўз олдидан ўтаётган табиат кўринишлари шу лаҳзаларда унга бетаъсир ва бегона эди; атрофда неки бўлса, бари дафъатан баъдига уриб кетди, қўлини қиздираётган нонларни баджаҳл нари улоқтирдию худди жужуклик ўша дамларида онаси қўлларида етаклаб Сарикамишдан олиб чиққан, ўзини ёлғиз қолдириб, хатарлари бисёр номаълум ҳаёт сари йўллаган дамда юрагини пароканда қилган ўша алам ва ўкинч ёшлари билан ҳайқирди. Ҳайқирар экан, овлоқ бу жой тарафларига кўз ташлаб кимнидир излай бошлади – худдики унинг ўкинч садосини эшитиб, қайгуларидан овутиб-юпатгани биров етиб келадигандек, худди ҳар кас ортида кўзга кўринмас коранда-дастёри бору умидсизликнинг сўнгги талвасасида, ниҳоят, кўмакка шай бўлиб, кўзга ташланажақдек...

Олислардан – баайни ўлимнинг сукунат пардалари аро яқин-у, аммо бошқа оламдан аллақандай садолар эшитилар, ноаён бу сас қатларида ҳеч бир маъно англами билинмас эди. Чиғатоев зийрак қулоқ тутди: бу садоларга авваллари ҳам сомёъ бўлгани, аммо маъноларини зинҳор уқмаганидан диққатини унда ҳам беҳуда исроф қилмаганини эслади. Яйдоқ бўшлиқ ўпқонларини босиб ўтиш интилишларида ҳориб-чарчаб, бир дам нафас ростлаб

олаётганмисол ўқтин-ўқтинлаб тингланаётган бу овоз аллақайси урдун юксаклардан улкан томчилар танаффусланиб томаётган тасаввурини уйғотар ёки қалин ўрмон ичра шикорда шуғул овчилар аҳён-аҳён бурғу чалиб, ўлжа ортидан олислаб бораётгандек бўлар ёхуд эса беадад замон ланкари, ортга қайтилмас самовий йўллардан кечарак талафотланиб, бой берилган навкарларини сафар тобора-сида бир-бир улоқтириб, йўқликка сингиб бораётгандек туюлар эди. Эҳтимолки, бу товушлар манбаи Чигатоев вужудининг ўзидами эди – ўз қалбининг оҳиста депсинишларидан пайдо ушбу садолар умрининг асос маслагини, ўртанч юрагининг қайғуларидан бўғилиб, кулфатлар ўкинчидан унутилган ҳаёт манзилини шу йўсинда унинг хотирига солмоқчиларми эди...

Шунда шахдам ўрнидан турдию ортиқ бу ерларда қолмай, ўз қавми қўним топган юрт томон яна шитоб йўл солди. Кечга томон шунчалар қолдан тойдики, бирор илиқ ковак излашга ҳам қурби етмай яйдоқ далада уйқуга кетди. Яна ўша чалоп-чалоп садолар, ўз ёғига ўзи қовурилаётган борлиқнинг ором билмас саъйлари тун бўйи ҳеч тинмади. Иккинчи кеча деганда яқинлари бошпана топган қамишзорга яқинлашиб қолди. Бутун қавм ҳозир ширин уйқуда бўлса керак деб ҳаёл қилди, ҳеч бўлмаса, тушларида очлик азобларидан фориғ ором олсин, илоё, тунлар адоқсиз узоқ давом этсин, токи сахармардон уйғониб, ўзини яна ўша кундузги ҳаёт азобларида топмасин, чин билан рўёни адаштириб, қалби аросатда толмасин. Шу сабаб ҳам Чигатоев тунлари кўп хавотир олмас, ухлаётган одамнинг ҳаёти бу паллада ўзига оғир ботмаслигини, бошқаларнинг дарду аламлари ҳам малол келмаслигини яхши биларди. Айни шу тобда онаси на ўзини ва на ўғлини эсламас, Ойдин қизалоқ бўлса ўз бағрида ўзи исиниб, ҳеч кимга зор бўлмай, бахтиёр тушлар кўраётганини тусмоллади.

Бу ёғига энди хотиржам борар, пастак саксовулзордан ўтиб, майда ирмоқдан сакради; муттасил беҳуда оқиб ётган сувни ориқлаган ой заиф ёритар. Хивани ёнлаб Афғон томон ёки ундан ҳам нарига йўналган қадим карвон йўли узра ой шуъласидан йилтираб учқунланган ғубориттифоқо кўкка ўрлар, бу манзарани тушунолмаи Чигатоев ҳайрон эди. Ташландиқ бу йўлдан кўп замонлардан бери биров юрмай қўйган, асрлар бўйи босилавериб зичлашган қумлар фақат бир жойда тупроқ билан алмашинар, афтидан, ҳозир худди ўша қурғоқ жойни тўзғитиб кимдир кечиб ўтмоқда эди. Туя ёки эшаклар деса, улар бу тарзда чанг чиқармас, жониворлар гард-ғубори тепароқ кўтарилиб, охири карвон адоғида куюклашиб осилиб тураверади. Шу паллада бемаврид йўлдан бораётган кимлигини билгиси келиб кунгай тарафдан улар қаршисига қараб кетди. Қалинлаб ўсган чигал қамишзор оралаб кўн юрди, баъзан ютиб юборгудай балчиқ ўпқонларидан аранг қутулиб чиқар, ҳидлари хушбўй таралган тиканаклар орасидан қўллари тилиниб, ўзига йўл очиб борарди. Ниҳоят, қолдиқларини довуллар супуриб ораста қилган бир тупроқтепа олдидан чиқди. Тепа остида қадимшунослар ҳали кашф этмаган, бугуннинг одамлари эса унутган кўҳна шаҳар батамом кўмилганми эди?

Эски йўл мана шу тепалик пойини айланиб ўтиб тобора жануби-шарқ томонга – Хитой ва Афғонистон тараф йўналиб, олис ўша қоронғилик бағрига сингиб кетарди. Йўлнинг номаълум овчилари бу қўрғонга ҳали етиб келишмаган, шарпалари ҳам кўринмас, балки, йўлдан адашган ёки ортларига қайтиб, аллақайда тунаб қолишгандир. Қаршиларига пешвоз юра бошлаган Чигатоев учрашувдан ҳеч бир ҳайр кутмас, зотан, фақат оч кашқирларгина ярим тунги ой нурида атрофни тўзғитиб, дарбадар санғиши мумкин, олис воҳаларда колхоз қўйларига қирон келтириш ишқида жонсарақ фақат шу жондорларгина оч-наҳор

қуналарини Амударё мансабида қолдириб, қўрқинч тун хатарларини тўғотмай сафарга отланиши мумкин эди.

Унинг томон ҳайвонлар эмас, аммо одамлар пешвоз келишар эди. Йўл четида пойлаган Чигатоев барини таниди. Район вакили Нур-Мухаммад сўқир Мулло-Черкасни қўлидан етаклаб олган; улар ортидан Назарнинг онаси ва Ойдин майда қадамлар ташлаб йўрғалашарди. Яна бир даста бошқалар, Сўфён чол, ўзича бир нималар деб келаётган Назар-Шоқир, унинг ардоқли хотини, кейин Дурди ҳам хотини иккиси – жами бўлиб ўн тўрт, балки, ўн саккиз жон. Бошқалари, эҳтимол, уйқуларидан уйғона олмаган ёки мадордан қолиб, юришга ҳафсаласини тамом бой бериб, йўлларда қолиб кетишгандир.

Гулчатоё келгуси егулик ташвишида ўғлининг кийимига авайлаб ўралган қамиш илдизларини кўтариб олган, Ойдин ҳам бир даста кўкат судраб борарди. Назар-Шоқирнинг бошида катта тугун, сўл қўли билан Мухаммадни тутган Мулло-Черкас ўнг қўлини ҳавода сермаб нимадир изларди. Ҳаммасининг кўзлари мудроқ ичида юмуқ, ҳаёл ва рўёларда яшашга кўниккан айримлари ўзларига аён калималарини пичирлашар. Атрофга равшан нигоҳ ташлаётган фақат Нур-Мухаммадгина лабида қўлбола тамаки бурқситиб, оламни сергак англаб борар эди.

Чигатоев Мухаммадга пешвоз чиқди ва сўрадики: етовингдаги бу одамларни қай томон элтяпсан?

Дафъатанли бу юзлашувдан тукини ҳам қимирлатмаган Нур-Мухаммад Чигатоевга салом йўллаб, жавобланди:

– Қайси одамларни айтяпсан? Агар мана буларни десанг, буларнинг яримтаки кўнгиллари кулфатангиз умр йўлларида тўкилиб адо бўлган, тирикми ё ўлик – энди уларга фарқ этмас.

Шуни деб йўлида давом этаверди. Чигатоев ҳам издиҳомга эш-қўш қўшилди. Мийиғида кулгансимон атрофдепарага назар солди Мухаммад: қашшоқу нотагон бу

сахро зимистон кўйнида ҳам унинг қалбида нафрату кин қўзғотар, тиригида ўлик одамлар галаси эса ҳамон ортидан қолмай келишарди.

Одамлар овлаган йўл ҳозиргина Чингатов саҳрони кузатган тупроқтепага келиб қадалар, золиму ситамгарларига қўл силтаб ер остидан паноҳ излаган исмию жисми йўқ бир тутам элатнинг суяклари бунингми остида адашиб ётар ва шунинг англамини олган йўл ҳам ноаён бу қавм оромини бузишни истамаган кўйи тупроқтепани оҳиста айланиб ўтар эди. Тинкаи мадорни қуритар қуллик меҳнати жисму тан билан баробар ақлу хирадни, қалбу юракни ҳам пажмурда этажак, бебарака умрини бебаҳра яшаганини фикр қилишга ҳам ноқодир бандалар, билъакс, муттасил уйқуларида сурункали тушлар кўриб, зое рўёларини чин билиб кўникарлар, охир-оқибат унниққан ўз майитларини елкалаб муҳофазақору паноҳқор қўрғонига – қаро ерга кириб кетарлар. Унинг жонажон қавми – Жонни ҳам шу қисмат кутмаётирми, булар ҳам ҳализамон кўксини ерга бериб ётиб олмасми ва шовуллаган шамоллар қуму тупроқни улар устига кафан қилиб ёпгани ҳамоно хотиралардан беному бенишон ўчиб битмасми? Ахир бу элат ўзидан ҳеч бир хотира қолдиришга ҳали улгурмади – тошу маъдандан на бир маъжусий санам қурди ва на бир лоямут малоҳат ҳайкали – билгани ҳашарларда бели майишиб, ариқ-зовурлар қазиди, айқириб оққан сувлар қирғоқларни ўпириб, ариқларни яна мурдор лойқаси билан тўлдирганда булар боз сув кечиб ўзанларни тўғрилашга уринди, аммо ҳадемай оқиб келаётган қуйқалар улар меҳнатини яна қайта йўқликка баробар қилаверди.

– Бошқалари қани, ухлашяптими? – сўралди Нур-Муҳаммаддан.

– Ҳеч, орқада қолиб кетишди, хавотирланма – етиб олишади.

Олд қатордагиларга эргашиб келаётган Ойдин уйқу-сида йиқилди ва йиқилган жойида қолаверди. Чигатоев кўнгли хапқиқиб, қиз тараф юрди. Ойдинга ёндош яна икки одам ухлаб ётарди.

Муҳаммаднинг: «Қўя бер, уйғониб, кейин ўзлари етиб олишади», – деганига қарамасдан, Ойдинни опичлаб олди. Қизалоқ варажасиз сокин ухлар, хасталик уни охири холи қўйганга ўхшарди. Нуқул кўкатлардан иборат абгор емишу беморлик зугумига қарамасдан, бадани тўлиқ эди қизнинг – камишларнинг қуруқшоқ поясидан ҳам ўзига лозим фойдаю манфаатларни ола билаётган бу вужуд да-вомли ва бахтиёр умр кечиражаги шундан равшан эди.

– Ҳаммасини қай томонларга етакляпсан? – дея сў-ралди яна Нур-Муҳаммаддан.

– Сариқамишга, ўзлари тунов замонлар яшаган ватан-ларига, – жавоб қилди Нур-Муҳаммад.

– Нега ахир?

– Дарё тошмасини четлаб, айланма йўллардан олиб ўтяпман. Бир жойда қолгандан қайсидир тарафларга юришгани маъқул... Ўтирган – бўйра, юрган – дарё эмас-ми?

– Бетоблар нима қилсин? – деди Чигатоев.

– Улар ҳам оёқ судраб келишяпти. Беморлар дардига йўл дармон. Ботқоқни тарк этдик, энди бу ёғига безгак ёпишмайди.

Муҳаммаднинг нияти хайрли эканига Чигатоев барибир ишонмас, ўзларининг хос тириклик манфаатини унутиб, изтиробларга кўниккан бетоблар тузалиб, тобларини чин-дан ҳис этишларини у ҳатто аклига сиғдирилмасди. Хас-талигу укубатларни шу юздан, баайни уларнинг кори эмас янглиғ, беҳису бетуйғу бошдан кечиришар эди юпанчесиз ўкинчлар билан иноғалашган бу одамлар. Онасини излаб Муҳаммадни ўз йўлида ёлғиз қолдирди Чигатоев.

Қўлларида сокин ухлаётган Ойдинни кўтариб онасига уйқаш келди. Саодат таёғи сингари Гулчатоининг қўлларидадан тутган сўқир ва мўрт мулло хушбахт, Назарни ўз ёнида бақамти кўрмаса, бирровда хаёлидан тушириб юборар она эса ўғлига унсиз тикилиб хаёли паришон. Ўғил қаршисида заифу нотавон, ғарибу бетоле яшайверишдан ори келиб кетдию ҳамон ўзидан илҳақ кўзларини узмаётган Назардан кўзларини нари ола қочди; ўзига қолса-ку, ўғлини энди унутилган бурунги мадори билан меҳрласа, аммо бунинг мавриди энди кетди, бу ёғига бир чимдим юраги ўз умрининг гузаронлигидан ортиши маҳол, аммо ўғлининг бошидаги қизил аскар қалпоғи чиройли экан, ўзига ҳадя қилдириб олишни, уйқуларида шу қалпоқ билан бошини илитиб-авайлаб ҳузурланишни ўйлади.

Дарбадар элат йўлакай қуруқ ва илиқ қумлоққа дучор келиб, тонг сари шу ерда мизғиб олишга узанди. Чиғатоевнинг уйқуси келмаганидан онаси билан Мулло-Черкас орасига Ойдинни жойлаб, эрталабгача не қиларини билмай ёлғиз қолди. Дам зерикиб, дам эса недандир жилмайиб, дилида алланималарни хиргойи қилар, шу билан умрининг беҳуда бу бўлагини тезроқ яшаб ўтмоқчи бўлар эди.

10

Кечаги кун йўлларда адашиб-улоққан, бемажол жойида қулаб мудраганлар эрта билан Нур-Муҳаммаднинг кетидан уланиб, яна йўлнинг давомини боғлашди. Энди опичдан тушиб, ўз оёқларига таянган Ойдин Чиғатоев билан хандон кулишар, манглайини кафтида татиган Назар ҳам қизнинг иситмаси тушганидан хурсанд, аслида ҳам шундай – навниҳол вужуд хасталикдан яна тириклигу бе довликка қайтиши учун ҳарорати ярим-ёрти мисқол ту

шиши кифоя. Кун ярмидан оғар маҳал Сўфён-чол тақир йўлдан четга етаклади Чигатоевни. Дедик, Амударё ирмоқлари яқинида гоҳо қари-қартанг қўчқору совлиқларга рўпара келиш мумкин, кишимсизликда ёлғизланган етим бу қўйлар кимсани кўргани ҳамона бурунги чўпонларини хотирлаб йўловчи қаршисига шодон чоғиб келармиш. Бир замонлар бойлар Афғон сари эргаштириб кетмоқчи бўлган-у, улгурмаган сурувлардан қолдиқ девона бу қўйлар, кимсасиз биёбонда толеи ёрлақаб омон қолгач, чўпон итлари билан қанчадир йил бирга туз-намак умргузаронлик қилишган. Очликда қўйларнинг бир қанчасини еб битирган чалақурсоқ итлар ҳасрат юки залворидан вақт ўтиб қирилиб битди ва ёки боши оққан тараф илиқиб кетди. Эски турмушдан хотира – кўппакларидан ҳам айрилиб, ғариб саҳронишинликда қартайган қўйлар сонига яна бошқа футур етди – кимидир даррандаларга ем бўлди, яна бирлари сувсиз саҳрода адашиб, ташналикда жувонмарг кетди. Ёлғизу танҳоликдан юрак олдирган шуларнинг бир тўпгинаси ўзаро пинжлашиб, энди дилхун саросар кезишар, ўзлари бешуур белгилаб олган доирадан – умр гардишидан адашмасликка интилиб яйдоқ саҳрода емиш ахтариб юришар эди; хос тириклик тафаккурига биноан ушбу гардиш бўйлаб оғишмай равона экан, йўл ибтидосида ўзлари чилпиб-топтаган ниҳоллар булар бир доира ҳосил қилиб қайтгунларига доғур яна қайта баравж жонланиб қолар эди. Ажали қадар бу қўйлар гирён юришни одат қилган ана шундай гиёҳманд йўллардан тўрттасини биларди Сўфён. Шуларнинг бири қўл етгулик жойдан ўтар, шу тобда Сарикамиш тараф йўл солган қавмнинг йўналишига тақрибан туташ эди.

Сўфён билан Чигатоев иккиси ҳов нарида дўмпайган қумтепа этагига етишди. Сўфён қўллари билан қумлоқни ковлаб, туби намчил эканини билди. Айтдики, қўйлар

туёқларида тупроқ онтариб, ташналикдан шу зах қумларни кавшаб ўтиришни кўндан одат қилишган – биз ҳам уларни шу жойда қарши олармиз. Жаҳонгашта қўйларнинг айланма сафари мухлатини яхши билган Сўфён-чол дилида хомчўт қилиб кўрди-да, уларнинг ташриф махали яқин эканини маълум қилди. Тунов йил ҳам сурув кетидан юриб шу жойгача келганини маълумига қўшимча қилди. Ўшанда қўйларнинг боши қирқлар эди, шундан олтисини Сўфённинг ўзи бисмил қилди, еттиси йўлда ҳаром ўлиб, қолгани ўз йўлига равона бўлганди.

Чигатоев билан Сўфён иккиси жонлиқ йўлини пойлаётган жойга Нур-Муҳаммад бошқаларни ҳам етаклаб келди, келиши ҳамон ҳаммаси биракай ёнбошлаб, сурув-сўқмокқа ёндош уйқуга қараб кетишди. Тонгдан эндигина бир мисқол маҳал яшалгану оқшомга қадар ҳали узоқ эса-да, ҳамма яна қайта мудроққа чўмган, ухлоқлар ораб ғимирлаётган уйғок Чигатоев улар хушёрликка бошқа уйғонмасликлари ўйидан сесканди. Ўй-хаёлларию ўтмиш хотиралари дастидан ўз ичида ўзи ёлғиз азобланишдан ўкинчланиб Ойдин ёнига ўтди – қиз кўзларини чирт юмганча мириқиб ухлар, лабларида хушсизлигу тушлиликдан пайдо табассум зоҳир эди. Ташқарининг ўнгу сўлидан топмаганини, кўзлари юмилгач, ичкарисининг туйғу ва тасаввурларидан оларди шу тобда қиз. Гулчатоё кўксига бошини кўмиб яширган Мулло-Черкас аёл пинжида сўқирлигини ҳам унутиб ишқ ҳароратидан ўз ҳиссасини олиб ётар, бошқалардан айрим ухлаётган Нур-Муҳаммад бўлса бу палла тушларида ненидир беҳаловат пичирлар эди.

– Нималарни ўйлаб ётибсан? – деб сўради Чигатоев.

– Қирқдан зиёди бор ҳали, – талаффузланди уйқусида Муҳаммад. – Ҳали булар кўпчилик.

Қанчаси қолиб, қанчаси кетди дея тушида одамлар ҳисоби билан шу тарз машғул эди Нур-Муҳаммад.

Чигатоев энди Сўфённи туртди: чол уйғоқ эди, нуридийдасини беҳуда исроф қилиб, кўнгил лахтакларини кўргули бу кундуз таъсирларига соб қилишни истамаган каби кўзларини заруратан юмиб олган эди. Москвада хотини қазо қилганидан сўзласа-да Чигатоев, Сўфён унинг қайғусига шерик бўлишни истамаганидан бир сўз айтмади, орадаги бу сукутдан пича ўтказиб Чигатоевга қўйларга пешвоз чиқишини тайинлади – жониворлар бошқа жойдан сувли қумлоқ топиб, ухлоқда ётган буларни четлаб, орзуларини доғда қолдириши мумкин эди.

Уйқудан аста чиқиб келаётган Гулчатой Мулло-Черкас бошини тиззасига олди. Дардлангиси келиб Назар онаси томон йўналди, лекин бир оғиз сўз деёлмади. Юпанчсиз кўнглига юпанч тиланиш, тиланган шу юпанч билан овуниб, яна ҳаёти билан андармон бўлиш учунгина Сўфён ва онасига юзланаётганини ўзи билиб турар, аммо акраболаридан ундирилган бу таскину тасаллининг илиқ қуршо-вида ўзини ором олдириши эди унинг бу ерларда борлигию борлиғидан асил маслак? Пochтадан Ксенияга откритка юбормагани чакки бўлди: онасини энди тупроққа бериб кишимсизланган қиз ёрдамга келишидан келмаслиги тайин ва узоқларда тентирок Назарсиз бечора қолса, тўғри Марказқўмга боришини тайинлаган бўлармиди ўшанда...

Чигатоев Гулчатойнинг берўмол бошини силади, офтоб тиғига пана бўлсин деган ўйда аскар қалпоғини кийдириб қўйди. Онаси бошига қўндирилган қалпоқни олиб, дарров қўйнига яширди; мулкка ўз билгича ихлос қўйган аёл қўлига илинган ҳар нарсани кўз қорачиғидек асрар, яйдоқ танасига омонат илинган бенаво либосининг беўхшов шипгани шундан – бунинг остида жамланган ҳар тур ашёлар, қадри баланд армуғонлар янглиғ юрагига осойиш, яланғоч кўксига эса тафт бағишлар эди. Волиданинг қарийбида юзини қумга босиб бир қирғиз хотин ўрин олган,

уйкусида гоҳ жужук бўлиб чинқирар, гоҳ эса беюпанч йиғи
исканжасида қолар, охири базўр тинчланиб, нафаси яна
сокинлашарди. Чигатоев унинг юзини оҳиста ёнбошла-
тиб ёши қайта бошлаган жувон эканини билди. Очимсиз
оғизда чинқириқ узатишидан бу жувон курсоғида, курсо-
ғининг бир кунжида бошқа бир кас, бокир бир гўдак тў-
зимсиз ёшлар тўкаётган туюлар, ғарибу бенаво бу хилқат
ўз волидасига-да шу қадар бегоналигидан аёлни уйқуси-
дан қўзғотишга ҳам бетламас, балки аёлнинг ҳали яшаб-
яшалмаган, аслида, норасида ўз юраги фарёд чекарми эди.

Чигатоев жувонни холи қолдириб, саёқ қўйларни из-
лаб кетди. Аввалига сокин одимлар билан йўлга чиққан
Назар кунни тун ишғол қила бошлаганини кўриб, қоронғу
ғафлатида қўйларни ўтказиб юбормаслик шаштида, қа-
дамларига чув солди. Ора-сира нафас ростлаш учун тўх-
таб, атрофга зингил ташлар, кейин яна олдинга ошиқар
эди. Бир қадам пари ҳам кўрилмас қуюқ зимистон тушгач,
Чигатоев энди салкам ер бағирлаб борар, унда-бунда уч-
раган гиёҳларнинг яккам-дуккам чўпларини пайнаслаб,
қўйлар босиб ўтган йўналишни назардан қочирмасликка
уринарди; йўқса-чи, яйдок сахро томон йўлдан адашиб,
дайди жониворларни кўрмай қолиши ҳеч ган эмас эди.

Совлиқ-сўқмоқ бўйлаб тоборалаб узоқ юрди. Тун яр-
мидан, балки, ундан ҳам нарига оғди. Бутун борлиғини
нохос забтига олган ҳорғинлигу кўксини ўз ҳолича кеми-
ра бошлаган билимсиз ғуссадан ҳушидан оғиб, бесамар
йўлининг қай бир жойида мункиб уйқуга кулади. Ғимир-
лаган жонлиқдан на бир асар йўқ бийдек сахро ва яйдок
сукунат қўйнида тош қотиб ётди. Ухлоқ бу одам тевараги-
да аллақайси алафнинг етимсиқ повдалари бемажол чай-
қалар, баайни ётган одам ҳали-замон тура солиб уларни
яна танҳоликда ёлғиз ташлаб кетишидан ўксик бор эди
уларда.

Тонг билан уйғонган Чиғатоев шуури зумда яна хира тортиб, вужудини хуш илитган алланарса яқинлигидан қайта уйкуга чўмди. Икки биқинига ёнбошлаган бир жуфт қўй бу дам Чиғатоевни беминнат тафтлари билан иситар, бошқалари эса уйқудан бош кўтаришини пойлаб нарида интиқ кутишар эди. Кўндан бери чўпонини муштоқ қўмсаган, энди эса уни, ниҳоят, топган қўйлар сони қирқ эди. Бир пой қари кўчқор унда-бунда Чиғатоевга яқинлашиб, ботинмайгина бўйин ва сочларини ялаб қўяр, бир пайтлар ўзи кўнгил қўйган одам исию шўртанг тер таъми хотирасида яна жонланиб, кечмишидан энтикар эди. Кўчқор ҳар томон гир айланиб [бу ерда бўлмаган] қўйчивон-кўппакни излар, ақли калга бу совлиқларни эртаю кеч стаклаб юришу сувлоқда муросага келтириш, кечалари миждоқ қоқмай саёқ даррандалардан қўришу туновуллик маслағи унинг тамом баъдига урган, ҳамма сурув ташвишлари чўпону бўрибосарлар гарданида бўлган ўтмиш замонларни, ўзининг биргина юмуши эса нозанин совлиқларни бсармон қочириб, севгининг ушбу жунбушлари кетидан ҳориб, бир қўра маъшуқалар аро сархуш мудроққа чўмиш бўлган ўша саодатли йилларини ичикиб қўмсаётган эди шу дамда бу кўчқор.

Энди эса ақли тўлишганига терс – озиб-тўзиб кетди, толе ҳам ундан юз ўгирди. Кинидан чиқмай қолган қиличи ўтмаслашиб, совлиқларнинг ҳам ундан кўнгли қолди. Улар ҳам чўпонларни, чўпонлардан ҳам кўра қўйчивон итларни ора-сира эслаб қолишар, сувлоқларда тартибу интизом ўрнатишни ўзларига аъмол билган кўппаклар чўлнинг камхаржлигида базўр ўстирилган булар юнгини беаёв узиб-юлқаласа ҳам, ўша дамлар хотиралари дам-бадам ғилтиллаб, орзуманд бу совлиқлар кўзини лойқа қилиб қолар эди. Бундан қизғанч ва рашк ичини кемирган кўчқор шу паллада кўппакка айланиб қолгиси келар, бе-

дандону камшик милки билан совлиқлар юнгини юлишга беҳуда уриниб ётарди.

Охири уйқусидан қалққан Чигатоев қўйларнинг бари-ни жамлаб, қавмдошлари сари сурув суриб кетди. Кечга томон етиб борса, одамлар ҳамон беҳуш мудрашар, ёлғиз Ойдингина қум юзасига дарёю кўллар, йўлу сўқмоқлар нақш қилиб ўзини овунтириб ўтирар эди. Ётганларни турғазиб, саксовул ва чўп йиғиб олов ёқишга, қўй этидан емак ҳозирламак тараддудига ундади. Сўфён бажонидил қассобликка ўтди, у чапдастлик билан қўйларни бўғизлар, тизиллаб оқаётган қайноқ қонлардан ютоқиб ичар, кейин косани тўлатиб, кўнгли тусаганларга узатарди. Навбатини бепарво кутган бошқа қўйлар баайни ҳаётларидан хайр топмаган каби ўз жонларига ортиқ қайғуришмас, билъакс, содир этилаётган қатл маросимига қизиксиниб тикилишарди, холос. Бундан нарида бўлган қўчқор, пичоқдор Сўфённинг абжир амалларини дурустроқ кўриш илинжидами, омонликда омонат бошқа қўйлар орасидан бўйин чўзиб мўралайди. Ўни кетиб, ўттизи қолди, қўнолганинг тўрт бурчида тўрт гулхан ловуллаб ёнди. Бўғизланиб, териси шилиб олинган совлиқларнинг лахтак-лахтак қон ва ажал сувларига қоришиб ётган озғин сонларию беўхшов ўпирилган яланғоч ичларига кўзи тушган қўчқор кимсасиз сахрога қараб чидамсиз ҳайқириғини йўллади. Жонларидан айрилиб, кунпаякун ётган булар билан у кўп йиллар ҳамрозу ҳамроҳ бўлгани, неча бор уларга эру рафиқ бўлиб, сербахра кунлар кечиргани хаёлларини сурди, этсиз устухонларининг озғинлиги ва ишқ маҳали юввошу беозор бу таналар ҳароратини билиши шундан.

Ўн бошдан зиёдини сўймасликни буюрди Чигатоев, қолганлари қўзилатиш ва кейинроқ томоқланишга яшаб туришсин. Қассоб тиғидан омон қолган қўчқор бундан нари кетиб, ўмганини ерга ташлади, кетидан эргашган

бошқа совлиқлар унга дармиён чўккалашди – кишимсиз-ликнинг ёввойи турмушида чайирлашган қўйлар шу алфозида узоқдан абжир итларни ёдга соларди.

Қўйлар нимталанмасдан, бутунича оловга ташланди, қиёмига етиб қовурилгач, шундоқ қум устига жамғарилди. Кейин томоқланишга киришилди. Эт ейишни кўпдан унутиб бўлган одамлар бунинг лаззатини туймасдан, сукут ичида беиштиёқ кавшаниб ўтиришар, бир Нур-Муҳаммадгина ҳамма учун ғайрат кўрсатаётган каби, саркаш иштаҳаси етовида шапалоқдай гўшт бўлакларини ўткир тишларида тортқилаб узар, жодидай жағлари билан бир-икки чайнаган бўлардию баднафс юҳосига тезгина равона қиларди; қорни тўйганига ҳам парво қилмай, кетидан суякларни ғажиб тозалар, иликларини ҳам битта қолдирмай сўриб бўлгач, индаллосида бармоқ-қўлларини иштиёқ-ла ялаб-юлқар эди. Охири сўл биқинига ёнбошлади-да, еганлари сингиб ҳазм бўлиши дардида пинакка кетди. Хотини борлар завжалари билан, Мулло-Черкас ҳам Назарнинг онаси билан етаклашиб кўздан нари йўналди, фақат сўққабош етимларгина тафти пасайган гулхан атрофида ёлғиз қолишди – кўп ўтмай улар шу қадар ҳолсизланиб, чуқур уйқуга кетишдики, ҳозиргина тановул қилинган емиш худдики интиқом олишга қасд қилган каби энди ичкаридан уларнинг мадори-ҳолини еб битираётган ва емиш еганлар шу тариқа ейилмишга таслим бўлаётган эди.

Чигатоев кечаси қўнолгани айланиб чиқди, тирик қолган совлиқлар билан қўчқор ҳисобини олди, калла-пойча билан пўстларни бир жойга йиғиб бўлиб, тун қоронғисига тикилиб қолди: бу зимистон сарҳадларидан нарида, электр чироқлари ёритган Москва қўйнида Ксения шу тобда нималар билан машғул бўлса? Қай гўрларда бошпана топди бежон Веранинг вужуди? Қурт-қумурсқага

ем бўлган унинг тортинчоку чўчкин танидан қай ному қай нишон қолди?.. Қум юзалаб юмалаган уйқу бандалари оралаб юраркан, майитларини кўмишга гўркови ҳам қолмай, қирилиб битган қавмга ўхшатди бу одамларни. Аммо ўлик бу манзара ичра бир-бирига меҳр қўйиб, ўзаро бағирлашган завжу завжаларнинг беҳаловат ғимир-ғимирларига кўзи тушиб, бир сиқим фақир бу элатни шу дамда, шу жойнинг ўзида социализм саодатига қовуштиришга ожизлигидан кўзига ёш келди. Бу элатни, ўзининг жонажон Жон қавмини ажал қаршисида энди ёлғиз ташлаб кета олмас, иллоки, саҳрода бир замонлар қаровсиз қолган унинг ўзини ҳам аввалига қўйчивон чол, кейин эса Шўро ҳукуматию нотаниш бошқа киши қарамоғига олди, оқ ювди-оқ таради, кейинги умр такомили ҳаққи шу тарз безаха асраб-авайламадими?

Хаста ва бемадорлар жазирамада элиб мудрашар, бирлари ҳозиргина еб битирилган қўй суякларини қучиб уйқуга кетган. Чиғатоев қумтепа остини ковлаб жимитроқ қудуқ қазиди, ўрага сув тўлиши билан беморларни уйғотиб, уларга безгакдори берди, қудуққа бир неча дафъа қатнаб, ҳовучида сув келтириб ичирди.

Кун ботишга оғди. Чиғатоев совқотди, иситмаси ҳаммадан баланд бемор қучоғига кириб, бунинг ҳароратида уйқусига ошиқди. Аммо эрта билан қараса, қўчқору совлиқлар йўқ. Ўзлари одатланган сўқмоқни қўйиб негадир яйдоқ саҳро томон кетишгани ҳаял сўнг изларидан маълум бўлди.

11

Жуфтакни ростлаб қолган қўйлар хўраки сўқмоққа эртами-кеч барибир қайтишади, буниси бўлмаса, Қорақум оралаб ўтган бошқа ҳалқани ихтиёр этишади деди ўзича

ҳисоб-китоб қилиб Сўфён-чол. Жон қавмининг азалий юрти яқинидаги лойқасув Сариқамиш кўлларига тақалган икков йўл ҳам одамлардан қочоқ бўлган жониворларни охири мангу кўланкалар ҳавзасида, юпун бу элатнинг умри кечган ўша бенаво жойлар теграсида ҳозир қилади – Устюрт билан дийдор кўришади улар ҳам. Сўфённинг тахминларини дарҳол маъқул топган Нур-Муҳаммад:

– Ортларидан шошайлик унда, – деди. – Иссиқ қонларини симириб, ташналигимиз қонсин, этлари қурсокларимизга ором берсин. Узоқ эмас, бирор ҳафтада Сариқамишга чиқиб борармиз... Айтганча, бу кеча яна бирор кас ўлдими ё қолди? – умидвор сўради Нур-Муҳаммад.

Қорақалпоқ кампир қазо қилгани айтилиши билан ён дафтарига ихлос билан буни қайд этди. Ғурбатлари улуғ бу тирикликка этак қоқиб кетган у кампирни Чигатоев ҳеч эслаёлмади – қавмга қўшилмай, нуқул узоқларда тунаб юрган кампир омонатини ҳам одамлар назаридан четда, бировни оғринтирмай, сокин топшириб қўя қолган эди.

Узун издиҳом бўлиб қочқин қўйлар ортидан қувлоқ йўлга тушилди. Қатор қуйруғида бўлган хастаю беҳоллар нафас ростламоққа дам-бадам тўхтаб, бурдуқларидан ютоқиб сув ҳўплар, биров йўқолиб-нетиб, овлоқларда ажали билан шакарғуфторликни ихтиёр этмасин дея Чигатоев ҳаммадан орқада борарди. Сўқмоқда билинар-билинемас қолдирилган излардан жониворлар ўйланганидан шахдамроқ илдамлаб кетишганини айтди Сўфён. Баланд барханлар устидан узоқ уфқларга назар ташлаб сурувдан кутилган на бир ғуборни илғамаган Назар ҳам бунга иқрор бўлди.

Бир замонлар Хива тутқунлигидан қочиб бу элатга илашган кекса туркман хотин Чигатоевга офтобдан заҳмат етмасин дея этагидан бир кесим йиртиб узатди. Одамлар бир маромда йўлда давом этишар, хасталиги

ариб, тирилиб қолган Ойдин атрофни кузатиб, йўлда учраган ҳар нарсадан мароқланиб шодланар, толиққанда Чигатоев уни опичлаб олар ва қиз шу тарзда уйқуга чўмиб, яна қўрқинч тушларини кўришда давом этар эди. Аммо ўз қисматига тобеъ дарбадар бу элат тафаккурига қай йўсин тушлар раводир? Рост ҳақиқатга унинг бардоши етмас, илло, бари-борини билсами эди, шу заҳоти адоксиз хасрату қайғу аҳли қавмни тамом адо қиларми эди. Аммо хайр ва толеки, одам боласи шуур ва ҳақиқатлар чинакамидан эмас – ўз таваллудидан ибтидо олиб яшар ва юрак зарбларининг тоборасида қайғулари ариб, қалбнинг ўзи ҳам хорир-да, заволига астаю беҳадик пешвоз ҳам келар.

Кеч окшому тунгача ҳам қўйларни қувиб етиб бўлмади. Эрталаб Нур-Мухаммад яна йўқламасини қилиб, ким ўлдию ким қолди деб суриштирди. Бир хотиннинг норасидаси ўлганини билиб, бу жонни ҳам хузурланиб тириклар қаторидан мангу ўчириб қўйди. Шу билан энди қавм қарамоғида Ойдин дохил яна уч йиллар бурун истамсиз туғилган бир қизалоқ қолган, бу ҳам кўҳна урганчилик йўлтўсарнинг беваси – Гўзал-хотин бир мусофирдан орттириб олган хотира эдики, саёқ ўша йўловчи беванинг боладонида насиба қолдириб, кўн ўтмай ўз йўлига равона кетган эди.

Эртаси куни одамлар қочқинлик йўлларида озиб-тўзиб хасталанган, энди эса жончиқар ҳолда энгак ташлаб ётган икки совлиққа дуч келишди. Сийраклаб тулаган юнглари охирги талвасада қуйилиб келаётган тердан патила-патила бўлиб ёпишган, қаҳру ғазаб жаҳди муҳрланиб қотган қоқсуяк тумшуклари тузоққа илинган қашқирларни ёдга солар, қуйруғида бўлса бир пайса ҳам мойи қолмаган эди. Харом ўлмасидан қўйларни тезда саранжомлаб, хомташ паққос туширишди, кемикларини эса кечки томоққа асраб қўйишди. Кейинги кунлар ўт-ўланлардан бошқа

егулик топилмади, ташналикни ҳам тақир тирқишларида туриб қолган қўлмақдан қондирган бўлишди.

Одамлар энди фақат тонгги салқину шом шафакларида йўл босар, беҳоллик ва қуёш ғазоби қийнаган кундузларни бўлса қумларга қўмилиб алағда уйқуда ўтказишарди. Нур-Муҳаммад ўз бурчини канда қилмай ўликларини дафтарига муҳрлар, Чиғатоев эса ўлим чинлигига ишонч ҳосил қилмагунча майитларнинг юрак зарблари ва кўз қорачиқларини текширишдан ҳеч тонмасди. Бу йўсин синчковликка сабаб-ҳазирлари етарли эди Назарнинг. Сўфён-чол билан фарғоналик Ўроз Бобоев исмли кул бир гал жўрттага ўзларини ўликка соливолишган, суяклари орасидан аранг билинган олис юрак шивирларини илғаган Чиғатоев шунда муғомбир чолларни ўрнидан қалқитиб, тирикликда бардавом яшашга даъват қилган эди.

Чиғатоевнинг: «Ўлимга бунча шошмасанглар-а?!» – дея изҳорланган таажжубига булар:

– Қалбларимиз ҳаётдан увушиб қолди, – дейишган, – қуруқшоқ суякларимиз эгилиб-ҳам, буришиб-толган мунакларимиз ҳам биздан безор, улар бемалол узалиб-оромланишни истайди энди: майли, ёмғирларда обланиб, шамолу офтобда тоблансин, охири қуртларга ем бўлса ҳам гўрга...

Чиғатоевга бир оғиз сўз демай, маънисиз тикилган Ўроз Бобоев бўлса ўлик-тиригини билолмай ҳалак эди шу тобда.

– Худонинг берган куни яшашга чоғланамиз, – сўзланди у ниҳоят, – лекин негадир ҳеч удда қилолмаянимиз.

– Зарарсиз, ҳаммамиз биргалашиб ўрганамиз, – деди Чиғатоев.

– Майли, яна бирпас тоқат қилайлик-чи, – деганди Сўфён чол, – кейин ҳаммамиз беҳосдан ўлволамиз.

Шу пайт Ванька деган ўрис чол Сўфёнга ёндошиб, танглайини ушлаб кўрди, қобоклари орасидан ҳар икки кўзини тафтиш қилди, охирида қобирғаларини пайпаслаб, қойиб берди:

– Ўн гулингдан бири энди очилибди-ю, ўламан дейсан-а! Яна озроқ чида: ўлмаган қул баҳорга чиқибди, ҳали шундай омон-омон замон келади – эш-қўшлашиб шундай яшайликки...

Кулимсираб нари кетди ўрис чол. Олтмиш йиллик умрининг ҳар куни ажал уни муттасил таъқиб этди, ҳар кун унинг сўнгги кунига айланиш хатари билан бақамти яшадди, аммо ҳалигача ўлими билан юзлашмай ҳамон тирик экан, энди ажал қудратию кулфатлар кучига ҳам ортиқ ишонмай қўйди ва бу ёғига барҳаёт, ҳаётда мангу бардавом кас янглиғ бахтиёру беҳадик умргузаронлик йўлини чорасиз ушлади. Ўттиз йиллар бурун Сибир сургунидан қочоқ бўлган Ванька бегона бу элат билан хешлашиб, ҳамма қатори яшаб, Россия тараф қайтар йўллариини тамом унутганини Чиғатоев яхши билар эди.

Тун ярмида қуруқ шовуллоқ шамол уйғониб, бунинг ортидан илиққан қум бўрони қўйлар изини бутунлай кўмиб ташлади. Чиғатоевга шунда ҳаммаси аён бўлди. Бутунлай ғойиб бўлган сурувни излаш энди беҳуда эканига эрта тонг туриб иқрор бўлган Чиғатоев ухлоқ элатини холи қўйиб ёлғиз нари кетди. Саҳронинг яйдоқ ўртасида томоқ ва кўмаксиз қолган бемадору хаста бу одамлар қаршидаги Сарикамингга ёхуд ортдаги Амударё мансабига етиб боришга ўзларида мажол топа оларми дея ўйлаб дили хун бўлди.

Эрталаб ажабтовур эшқин Чиғатоев юзига уфурди, оёқлар баробарида қумларни чирпирак қилиб ўйнаётган ажина эсинти қулба даричаси ортида увлаётган Россиянинг қорли бўронларини ёдга соларди. Шамол тегирмо-

нида беомон эзгиланаётган кумларнинг шикаста кўшиги бир дафъа ҳазин сибизга ноласи бўлиб, гоҳо гармон ва ё карнаю гамбода дуторнинг олис садолари янглиғ қулоққа етар эди. Гарданидаги маслағу вазифа залворидан Чигатоев ер бағирлаб қолди. Бу тарафларга уни шумшайиб осонгина жон таслим қилсин учун йўллашганмиди? Энди бечораю бенаво қавмини ажал қаршисида яна ёлғиз қолдиришими бу машаққатлар индаллоси?.. Юзларини пайпаслаб кўрди – увада соқоли ўсиб кетган, сочлари битлаб, неча замонлар сув тегмаган исқирту хароб бада ни қайғу куйини чаларди. Ўзига раҳми келиб, гарибу нотапонликдан ўксинди. Ксенядан бўлак уни ким ҳам эсга олсин энди? Мумкин, кўпдан Ксенянинг ҳам эсидан чиқиб бўлгандир: ўзининг масрур юмушлари ила андармон бедовхаёл ёшликка узоқ олисларда саёқ кетган бир кимса на даркор, ахир? Атрофда қутурган довул талютўнида, бошқалардан йирокда шу ўйлар исканжасида онги уйқуга чўқаркан, ичкарисида неки бор – ҳаммаси тириклик тоборасидан чалғиб, нафас ростламак учун сукунат қўйнига чўмди. Куннинг бутун бўйини уйқуда ўтказди. Уйғониб қарасаки, бўй-бастини кумлар забтлаган, увлоқи шамол бир зум тинай демас, атрофда бўлса галдаги тун ҳукмрон. Бошқалар қошига юрди, аммо кеча қолдирган жойида одамлар кўринмади. Ҳамма аллақачон уйғониб, ажалдан қочиш илинжида қай бир йўлларга равона бўлишган. Биргина Назар-Шокир ўрнида жим ётар, зотан, майитини ишғол этган ажал лашкари уни қимирлашга қўймас, ланг очик оғзида энди шамолу кумлар ялло қуриб ўйнар. Чигатоев одатига кўра жасадни узоқ пайпаслаб, ўлимнинг чинлигини тафтиш қилди, охири ишончи комил бўлиб, бошқа жондорлар кўзи тушиб хорламасин дея майитни кумга тузуклаб кўмиб қўйди.

Тун бўйи йўлда бўлди. Бу ерлардан юриб ўтган қавми-

нинг изларини баъзан пайқагандай бўлар, сўнгги аломатларни шамол супуриб адо қилганда эса ўз сезимларига ишониб, хомчўт йўлидан қолмай илгарилаб борар эди.

Эрталаб Чигатоев шу атрофда сув борлигини томирларида сезиб, қум остида қолган бир қудуқни излаб топди. Қўллари билан қудуқ кўзини очишга ҳаракат қилди, бундан иш чиқмаслигини билиб намиққан қумларни ошалаб сўрий бошлади. Ташналиги ҳеч қонавермади, шундан энди ичига қум юта бошлади, сувсизлик азобидан халос бўлгандек туюлди. Кейинги тўрт кун бадалида йўлида давом этишга кўп уринди, аммо ҳолсизликдан узоққа кета олмас ва ҳар гал очлигу ташналик уни ортига, ўлик қудуқ хузурига қайтариб келаверарди. Бешинчи куни уринишларини бас қилиб, ҳушсизлигу мудроқ қўйнида қувватга кириб олишга қарор қилди. Ёнида қолган безгақдори билан киссасидаги урвоқларни каплаб қувватланган бўлди. Тентираб улоққан қавми ҳам мадорсизликдан йироқлаб кетмаганини яхши билар, фақат қай тараф йўл солгани унга қоронғу эди. Нур-Муҳаммад Назарнинг ўлимини ён дафтарига жону дили билан қайдлаб қўйишини кўз олдига келтирди Чигатоев. Туновда ўйланган бурунги фикри яна ҳаёлига келди: нега одамлар оддийгина бахтни асло етишиб бўлмас сароб деб билиб, бир-бирларига фақат ғам-ғуссаю кулфат раво кўришади, ҳолбуки, бахту толе ҳам, аслида, муқаррар бир неъмат эмасми?.. Кун тиғидан сақланиш ва ҳаётини беҳуда совурмаслик ўйида Чигатоев зах қумларга кўмилиб, ҳушсизликка ғарқ бўлишни тилар, аксига олиб, ҳаёлида турли ўйлар тинимсиз ғужғон ўйнаб, ўзининг хос воқеалари содир бўлаётган осмонни кузатиб ётишга мажбур бўларди. Кўкда эса жанубнинг ўнгидан иссиқ шамол эсар ва бу шамолнинг эластина қилтириқ асоратидан бўлак ҳеч вақоси йўғу бўм-бўш яланғочлигида барқарор ушбу борлиқнинг аслида борлигига ҳам ишониш тусмол эди.

Пича нафас ростлаган бўлди, нарида ярмигача кум-
га кўмилган қамғоққа кўзи тушди. Қамғоқ ёнига бориб,
қуруқ шохларидан синдириб оғзига солди ва қолганини
қумдан халос қилиб, шамол билан тенг-тўш тентираща
равона қилди. Кўринмас узоқларни кўзлаб йўлга тушган
дайди бута тез орада барханлар ортида кўздан ғойиб бўл-
ди. Чиғатоев беҳолликдан эмаклаб, шу атрофни айланиб
кўрди, аввалги кўкламдан асорат бир тутам қовжирок
ўтларни топиб, буларни ҳам бир-икки тамшаган бўлиб
ютди. Бархан устидан бемажол юмалаб тушдию унинг
пойида беҳушликка қулади. Қурама хотиралару аллақач-
он унут зое таъсирлар ва бир замонлар бир дафъа кў-
рилган бетус чехралар хаёли алағда уйқу исканжасида
қолган шуурида бардам уйғонар, яшаб ўтилган бутун
умри шу тариқа терс жонланиб, Чиғатоев онгига бости-
риб кираётир эди. [Чиғатоев буни беҳолу ночор кузатиб
ётаркан, унутиб битириш эвини ҳеч тополмас.] Умри-
нинг арзимасу ҳақир ва ҳатто муҳим ҳодисалари акса-
ри тамом унутилиб, салмоқли галдаги ҳолатлар соясида
кўмилиб битган деб ўйлар эди авваллари – энди бўлса
бунга билъакс, унинг ичларида ҳали ҳаммаси барқарор
ва буст эканига амин бўлди, буларнинг бари бебаҳо ашё
каби ёхуд бошқаларнинг нокерак нушқутини кўз қорачи-
ғидек авайлаётган зикна йўқсилнинг бисоти янглиғ ҳа-
мон асралганига ишонди. Кексаю бенаво ўша одам ҳам
шууридан изсиз кетмади, босинқи хаёлида ўз ҳолича
ғудраниб у ҳамон ненидир тиланиб-арзланар (аслида,
у аллақачон ўлиб битган эсами); ўзи бир замонлар элас
дуч келган Веранинг дугонаси бўлса, мана, Чиғатоев узра
ястаниб, ҳеч нари кетмас, сахро комида мудроқ искан-
жасида қолган одамни бу аёлнинг шу тобда ҳозирлиги
безор қилиб, азобларга гирифтор этарди. Чоржўйдами ва
ё бошқа депарада ўтмишнинг кечмиш маҳаллари кўкка

эмин-эркин бўй чўзган ноаён дарахт новдалари бу аёл ортида кўринган пахса дувол бўйлаб кўланка ташилар, титраб рақсланар. Яна бошқа беҳуда хотиралар, чунончи, йўл ёқасида чуриб битган оғочу овулдаги почта иморати, кун тобида нолайи фиғон қилаётган яланғоч Кўҳи тоғу тиниб бўлган довул ортидан чувалашган шамол йиғиси ҳамда Вера билан маъсум бағирлашишлар – буларнинг бари шу тобда биракайига Чигатоев шуурига бостириб кирди, ишғол қилинган тафаккурни холи қўйишни истамай, энди бу жойда бутунлай муқаррар қолишни тилар эди бу рўёлар. Ўтмиш ҳаётида чиндан содир бўлиб, бўй кўрсатган бу нарсалар бари, аслида, ғойибликка тез сингиб кетгич ўткинчи ҳолатлар эса-да, энди унинг ичкари-сида кескинроқ ва шиддатли, аслиятдан кўра равшанроқ намоён бўлмоқда, воқеликда кишининг диёнат ва туйғуларига хуруж қилмай, сезимсиз ва ювош яшаган жисмлар энди Чигатоев онгини гуррос ишғол этмоқда эди; чинакам тирикликда муттасил вақт кечиб ўтиши туфайли гарчанд улардан омон қолиш мумкиндир, аммо новоқеъ бу воқеликда ҳодисалар ҳеч қайга кечиб ўтмас, билъакс, бир вақтда бир жойнинг ўзида муттасил қолиб, Чигатоев бош чаноғини ичкаридан эговлаб, тинимсиз бурдалашда давом этар эди. Бор овозда ҳайқиргиси келди, аммо бунга лойиқ мадори йўқ. Уввос солиб йиғлагиси келди, аммо охирги вужуд сувини исроф этарга истаги йўқ. Ҳов анави уфқларнинг бежону зимистон тарафларидан томчи садолари тингланарми дея олисларга қулоқ тутди; ҳурликка эш ўша оқшом мамлакатидан – сахро бағрига изсиз эмилган дарё янглиғ сўнгги қуёш нурлари сўрилиб бораётган ўша мамлакат сарҳадларидан ардоқли саслар қулоғига келиб етарми? Олис табиатнинг узоқ товушларини, ниҳоят, эшитаётган бўлар, аммо булар сабабию маъноларини англамоққа ожиз эди.

Бир туп тиканак янтоқ бўлиб, бошининг ичида тикилиб қолган алағда оламдан халос бўлишни истаганча уйқудан қалқди Чигатоев. Уйқу уни тарк этса-да, хотира ва хаёлларнинг рўзи маҳшар тўполони энди рўёсидан чинига кўчиб ўтди. Нариги бархан устида жонзотми ё ўтовсифат нимагадир кўзи тушдию унинг нималигини англаб ололмасидан бемажол яна ўрнига қулади. Қумтепа устида бўлган жонзотми ё ўтов, балки, аллақандай бир улов шу заҳоти шууридан жой олиб, суллоҳ муқимлиги билан Чигатоевни қийнай бошлади. Бу ҳолат аввалгилари билан бирлашиб уни афтодаҳол қилди ва у жонини қутқаришга ягона чора билиб яна беҳушликка беҳол қулади.

Кейинги куннинг саҳармардонида дили хушига уйғонди. Шамолнинг урвоғи ҳам қолмаган, теваракка энди хувулдоқ сукунат чўккан, аммо омонат бу сокинлик бағрига ҳар лаҳза яна шиддаткор довул ёпирилиб кириши мумкиндек бир алфоз бор эди. Баланд юқориликлар сари равона бўлган тун шарнаси кундуз сарҳади оша, дунё меҳвари узра ястаниб ёйилди. Мадори ўзига қайтиб, ақли ҳам тиниклашган Чигатоев яна ўз мақсадлари ҳақида ўйлай бошлади. Қаршисига қўйилган вазифалар рўёби чандон оғир бўлиши ва бу йўлда жувонмарг кетишини, таассуфлиси, элат-қавми ҳам саҳрода битта-битта жасадланиб, беному бенишон йўқолиб битиши эҳтимолини дастлабиёқ соқит қилмаганди. Чигатоев ўз ҳолига куйинмас, зотан, тирикликда ҳали бардавом бузург миллат бебахтларни умумтолега бешак элтажакдир. Аммо, эвоҳки, Шўро элатлари даврасида тириклик ва бахту иқболга энг чандон интизор Жон қавми у кунларга ета олмас.

– Боқажакмиз! – дея пичирлаб муштларини тугди Чигатоев.

Бутун юрак қувватини жамлаб, ўрнидан кўзғолишга интилиб кўрди-ю, шу оннинг ўзида яна жойига юзтубан

кулади. Шу пайт энса тарафида нимадир илдам юриб ўзини четга олганини пайқади.

Чўнтагида ётган тўппонча қўндоғини маҳкам тутди. Беҳоллигидан яна зил оғирлашган куролни эплай олармикан? Ўзини ўликка солиб қилт этмай узоқ ётди. Эгасиз қолиб кетган мурдаларга мазахўрак дарранда-паррандалар саҳрода бисёр эканини яхши билар, боши оған тараф йўлга тушган бечоралар ортидан пусиб бораётган булар ҳам йўл тоборасида дам-бадам қулаётган одам майитлари билан озикланиб, издиҳом изидан қолмаётганга ўхшарди. Қўйлар кетидан одамлар, одамлар кетидан ўлаксахўр даррандалар – олдинма-кетин йўлга чиққан ўзаро умидвору орзуманд издиҳомлар шажараси. Аммо баъзан серўт йўлдан адашган қўйлар шамол ҳукмидаги дарбадар қамғок кетидан дайдиб кетишар ва шунда набототу одамзодни, аслида, айнан шамол ўз ихтиёрига банди этгани аёнланарди. Шамолга йўлдош юриш қўйларни қувиб етишнинг оқил чораси эди, аммо Нур-Муҳаммаднинг бунга ақли етмас, яшашдан зериккан Сўфён-чолга эса энди барибир.

Вужудининг энг сўнгги қувватини сафарбар этиб даст ўрнидан турсаю атрофида куймаланаётган жондорни қулатиб, унинг жонбахш этларидан таомланса. Аммо мўлжалдан хато кетиб, ўлжани бой беришдан ҳайиққан Чигатоев уни ўзига яқин келтириб, сўнгра беҳато ўлдиришни режалади.

Бир яқинланиб, бир эса олисланаётган оҳиста ва ҳазир қадамлар орқа тарафдан эшитилиб турди. Назарнинг тирик ё ўлигини билолмай ҳалак бу жонивор ҳали-замон ҳамла қилиб қолишини кутиб нафасини ичига ютди. Фақат дарҳол бўғзига ёпишмаса ёки эса яралангач узоқларга кетиб қолмаса бўлгани. Одимлар яқинроқдан эшитила бошлаши билан тириклиги нушқутларидан кифоя куч йиғиб олган Чигатоев тўппончани аста киссадан чиқарди.

Аммо қум юзасида шитирлаган қадамлар унинг юзтубан гавдасини четлаб яна нарига ўтиб кетди. Бир жуфт баҳайбат қуш рўнарадаги бошқа бархан томон оҳиста кетиб бораётганини қийраҳон назари билан кўрди Назар. Чўл жўрчиси билан қора оққушга бирваракай ўхшаб кетадиган ғалати бу жонзотларни Чигатоев аввал ҳеч кўрмаган, ўлаксахўрми деса, тумшуғи бўлалироқ, бургутми деса, йўғон бўйни ҳам узунроқ, оққушни ки каби нафису латиф танази бақувват оёқлар узра устувор эди. Бирининг қанотлари буткул қулранг бўлса, бошқасиники оралаб қизғишу зангор ва бўз патлар кўзга ташланади – буниси, афтидан, модаси эди. Икковининг ҳам қорин қисми оппоқ момик билан қопланган, шунча оқлигидан Чигатоев бирининг биқинида тим қора нуқталарни – қуш танасига ёпишган бургаларни ҳам илғай олди. Ўз таналари ичида яшашга ҳали уқувсиз, ҳадикли одим ташлаётган улкан-давангир полапонга ўхшар эди бу икков қуш.

Қун тобора қизиби, тевааракни чидамсиз андуҳ қоплади. Майда шамол қумларни чирпирак қилиб ўйнар, қун ёруғлигию тафтидан юқориларда қўним топган оқшомнинг ҳали ерга чўкиш маҳали эмас. Бояғи қушлар нариги қумтепага кўтарилиб, энди Чигатоев тараф зийрак ва идрокли назарларини ташлади. Кўзларининг мийиғи билан буларни кузатиб турган Назар ўзига синчков тикилган қушлар нигоҳида ажабтовур хаёл чақинларини илғади. Чанғали билан тумшук тозалаган мода қуш эски бир сарқитни – бечора Назар-Шокирнинг қуш жиғилдонига тушмай қолган қолдиғимикан – оғзидан туфлаб отди. Модасини қолган жойида қолдириб нар қуш улкан қанотларини силтаганча аввал ёшлаб учди, кейин ҳаво поғоналари оша бир-икки сакрадию осмону фалакка кўтарилди. Лозим баландликни олиб шу заҳоти ортига шўнғиди. Чигатоевнинг юзларига қушнинг ўзидан аввал энкини урилди. Шундоқ

ўзи томон тошдек қуламоқда бўлган қушнинг қордек оп-поқ ва мусаффо тўшини, бежон деб ўйлагани бу одамнинг тирик эканини англаши ҳамона лаҳзача талмовсираган тирик кўзларида идрок жилваларини кўрди Назар.

Чиғатоев қўшқўллаб тўппончасини ростлади-да, нақ устига қулаётган қушни мўлжаллаб ўқ узди. Парвоз тезлигидан момиклари хилпираётган тўшида бирдан қора доғ сизиб чиқди, шу сонияда патлари тўзғиб кетди, қарама-қарши ўқ зарбидан қулаётган бургутнинг шиддати кесилиб, ҳавода бир лаҳза муаллақ туриб қолди.

Қушнинг кулранг кўзлари юмилиб, зумнинг дами ўтмаёқ беихтиёр яна очилди, аммо бу гал у ҳеч нарсани кўрмас, унга энди бари бекор, зотан, қушнинг жони узилган эди. Бемажол қанотлари билан Чиғатоевнинг бутун гавдасини беркитиб қулаган қуш энди бу одамнинг бағри билан бағирлашди, тумшуғи Назарнинг қалин сочларига илашди, титилиб кетган пару патлари атрофда битта бўлиб сочилиб кетди. Қулаётган бургут зарбидан ҳушини йўқотган бўлишига қарамай, Чиғатоев айтарли лат емади, тўппонча ўқининг қарши зарби қушнинг хатарнок суръатини сустлаган эди... Аммо бир маҳал чидамсиз оғриқдан сапчиб турди: шу пайтга қадар нариги бархан устида воқеани кузатиб турган мода қуш Чиғатоевни чўқилаб, оёғидан бир чўқим эт узиб қочди. Икков қўли билан тўппончани маҳкам тутиб, бунинг ҳам кетидан ўқ узди, аммо аллақачон барханлар ортида ҳаволаниб бораётган бургут тез орада аранг илғанар юксакликларда ғойиб бўлди.

Чиғатоев устига қулаган бургут нарида бежон ётар, Назар беҳушлигида мода қуш рафиқини нари судраб кетган, вафотига ишонч ҳосил қилиб, видолашиб бўлгач эса алам ичра Назарга ҳамла қилганми эди.

Чиғатоев қуш мурдаси тараф эмаклаб келди, апил-тапил патларини юлиб, бўйнини ғажий бошлади. Олис юк-

сакликларда мода қуш элас кўзга ташланар, аммо энди шу қадар олисда парвоз қилардики, теран ул ундурликларда чошгоҳ маҳали ҳам тун кўланкасию ғуруб ва субҳидам шафақлари ҳамиша ҳукмрон. Мангу учиб кетган қушларнинг ўша тарафларда фазовий саодат ўлкаси бору бу қуш ҳам энди у ўлкадан ортга қайтишни истамас деб хаёл қилди Чигатоев.

Очлик нафси бироз қониб бўлгач, эҳтиёт шарт, қуш оёғини қайишига боғлаб, бир учини иштонига ўтказди – бирор дарранда тортиб кетмасин. Кейин оёғидаги жароҳатга сўлакай туфлаб даволаган бўлди, лахтак билан ўраб-чирмади-да, дармон истаниб шу жойнинг ўзида яна уйқуга чўзилди.

12

Гулчатой ўғлини бошқа қўмсамасди, у ҳақида ўйламай ҳам қўйди. Издиҳом ортидан икки букилиб йўлда экан, дам-бадам қумларни пайпаслаб кўрар, худди қум остларида неча замонлардан буён унутилиб, энди эса айнан Гулчатойнинг диққатига муштоқ буюмлар ётибдию буларни излаб топмаса, дунё кемтик ва нотугал бўлиб қолаверадигандек. Ҳали тирик эканини хотиридан фаромуш қилмаслик илинжидаги Мулло-Черкас Гулчатой этагидан маҳкам тутган. Юрагининг қоронғу пучмоқларида ғайир умидлари уйғоқ Нур-Муҳаммад Ойдинни кўтариб олган, қизалоқни обдон парваришлаб, сўнгги қатра ҳузурларигача истифодалаб ўзига хотин тутишни, кейин эса бошқа бир касга буромади билан пуллашни истар эди. Айни дамда, Жон элати ичра корга яроқли жувонлар қолмагани, қолганининг ҳам шарти кетиб бўлгани аламини кўзғотар, биргина умиди шу майда Ойдиндан эди. Эркаклардан кўра хотинларнинг бозори чаққон, чунки улардан ҳам

хизмат ва ҳам фароғат кўрасан, узоқ йўлда бирин-кетин ўлиб кетишмаса, нафсиламри, эркакларни ҳам дурустроқ пулласа бўлади.

Чигатоев қўнолгадан четда ёлғиз қолиб кетган ўша кун эрталабида Нур-Муҳаммад етакчининг ғойиб бўлгани ҳақида шодланиб дафтарчасига қайд этиб қўйган, командировка ҳисоботи учун, эҳтиёт шарт, бунга далиллар ҳам жамғарган бўлди. Ҳамма бандалар қатори ожизу қўрқоқ Чигатоев ҳам жон қайғусида жуфтакни ростлаб қолган бўлиши ростроқ қабилида тўхтам қилдию бундан хушнудлиги яна ошди: одамлар юрак бетлаб Муҳаммаддан Сариқамишга қачон етиб боришларию егулик ҳақида бошқа оғиз жуфтлаб сўрамай қўйишди. Аслида, Нур-Муҳаммаднинг ўзи ҳам бу саҳрода тинкаси қуриб ҳалок бўлиши бор, аммо танасининг эски захиралари – Афғон тараф қочган Жунаидхон ҳузурига яшириқча бориб юрган кезлари, воҳаларда қурсоғини тўлдириб еган сергўшт палову сарҳил меваларнинг олис қуввати билан ҳалиям тетик эди.

Ўша куни Сўфён шамол кетидан йўлга тушди. Умрини яшаб, илдизидан қўпорилган саёқ ўтлар ҳаммаси эсинти ҳукмида бадар кетган экан, демак, хўраки сўқмоқларида ортиқ емиш қолмаган қўйлар ҳам ўша йўналишни ихтиёр этганини бу чол яхши билар эди. Бошқалар ҳам Сўфён ортидан эргашмоқчи бўлишганди, Нур-Муҳаммад уларни шамолга терс тараф – жанубнинг ўнги томон бошлади. Аёллик куртакларини ўз оғушида сезиб, ҳузурланиш истамида Ойдинни опичлаб бағрига босди, аммо бўртиб чиққан қобирғаларидан бўлак қизнинг бошқа бисоти йўқлигини сезиб, ўзида ўксик қоришиқ алам тўйди Нур-Муҳаммад.

Нур-Муҳаммад издиҳомга синовчан назар солди – ажина шамол одамларни йўлдан оздирмоқчи бўлиб оёқлар остида ивирсиб чарх урар, бемажол гавдалар ҳам эпкин

хукмида мастона чайқалиб борар. Маконидан айрилиб қовжираган бир туп алаф шамол эрмагида чирпиракланиб издиҳом юзига урилди. Уйкуга банди одамларнинг бирлари жойида қулаб қолаверди, бошқалари қум бўронида шерикларидан адашиб, боши оққан тараф улоқиб кетди.

Нур-Муҳаммад йўлидан тўхтади.

Жануби-шарқдан сусайиш нималигини билмай эсаётган бир маромли шамол дастидан йўлидан адашганлар тўғри йўлга чорлаётган Нур-Муҳаммадни эшитмас ёки уни ортиқ писанд қилмай қўйишган. Очлигу ташналикдан тик оёқда аранг турган Нур-Муҳаммад ҳам эс-хушини йўқотар ҳолатга келиб бўлган. Кўли кетиб, ози қолган бу элатни аввалбошда Афғонистонга элтиб, эски хонларга пуллашни режалаган, бунинг бадалига эса бирор афғон дарёси бўйидаги мухташам ўз кўрғонида умрининг қолган қолдиғини фароғатда кечиришни кўнглига туккан эдики, касабасоюзу кооператив ширкатлар ана ўшанда унинг олдидан ўтаверсин, ғазабу нафратдан бўғриққан юракни тийиб туришга ҳам шунда энди ҳожат қолмас. Аммо шу тобда шамолу қумларга қарши ўзи ҳам базўр бо-раётган Муҳаммад элатнинг бир кишилари ҳолдан тойиб йиқилаётганини, яна бошқалари ақлсиз тентираб қолаётганини кўриб хаёли паришон бўлди: булар Афғонистонга қадар етиб боролмас, етиб борса ҳам, ҳеч корга яролмас, иллоки, қовжираб бўлган юракларида тириклик истагидан асар ҳам энди топилмас.

Одамлар бари қумбўроқда тирқираб, кимдир уйкуга кетиб, бошқаси бўлса ўлимга етиб қулагунига довр Нур-Муҳаммад жойида тек тураверди. Ғужанак Ойдин пинжида сокин ухлар, қизни қучоғида авайлаётган Муҳаммад абгор ва ночор бу элат заволини ҳузурланиб томоша қиларди. Сўфён тиззасини қучиб қум юзасида беун ўтириб қолган, сўқир Мулло-Черкас шамолдан пана ахта-

риб Гулчатоининг букри пинжига обдон суқилган. Той-
гон деган ўрта ёшли қорақалпоқ бир пайт эғнида борини
ечиб улоқтирдию бор бўйи қадар қумга кўмилиб олди.
Муҳаммад яна ўз ўйларидан қолмади, Шўролар мамлака-
тида бутун бошли бир элат йўқолиб бораётганидан вақти
тобора чоғланди, олисларда адашган номаълум бу элат-
ни биров билмаса ҳам, бузург бу давлатнинг бир мисқоли
айнан унинг шоҳидлигида завол топаётганидан қувонар,
бир замонлар бахил бойлар нафига дарёлар қазиган мар-
дикор элат энди ўзига қабр қазишга ҳам эвсиз эканидан
завқланар эди.

Марокланиб рақсларда чаппар ураётган Нур-Муҳаммад
қум тўзони ичра қолган одамларнинг сўнгги тушларига
гувоҳ бўлиб турар, шу дамда у ўзини бу ерда ҳозир бўлган-
ларнинг барчасидан устун сезарди, илло, ҳадемай бу элат
тамом қирилиб битажақ, бу саҳро ва бу оламда тириклар
камайиши эвазига унга яна кўпроқ насиба ортиб, давлати
чандон юксалажақдир. Аммо қай бирида манфаат кўп-
роқ – бу элатни қуллик асоратига топшириб давлатманд
бўлишдами ва ёки баднафс бу йўқсиллар қирилиб бити-
ши билан табиату осмон ҳам энди кенгайиб қолишида-
ми – буниси энди қоронғу эди. Муҳаммад Ойдинни олиб
бутунлай Афғонистонга кетишга қарор қилди. У ерда бу
қизалоқни бозорга солиб, Совет Иттифоқига хизматлари
хиссасию муздини чиқариб олса, қошки.

Бирдан шамол тиниб, атроф ҳам ёришди. Нур-Му-
ҳаммад Ойдинни бағрига қаттиқ босди, шунда қиз уйғо-
ниб кетди. Ичида кўпдан ғимирлаб, тинчлик бермаган эр-
лик ҳирсини ортиқ пайсалга солишни истамай Ойдинни
икки бархан оралиғига олиб борди. На очлик ва на сурун-
кали кулфатлар Нур-Муҳаммад жасади ичра яширин за-
руратни енга олмаган, билъакс, ҳар вақт ўз ихтиёри билан
муттасил мавжуд бўлган бу жунбуш сангдilu бераҳм фо-

жиали дамларда ҳам ўзига ҳамиша йўл ахтарган ва ишқий ташналикдан тобора қувватланиб бораверган эди. Бор вужуди хирсга тўлиб-тошган бу кас хастаю бечора онларида ҳам, ҳатто ажалолди лаҳзаларида ҳам аёл замирида ўзидан насиба қолдиришга қодир эди.

Пана жой топиб, қизни чалқанча ётқизди. Ойдин яна ҳушсиз уйқуга кетган, Нур-Муҳаммад қизнинг эғнидаги исқирт латталарини ечиб ташлаб, яланғоч жужуқ жуссасига тикилиб қолди. Бегона ва ночор вужуд дастлаб унинг шаштини қирққандек бўлди. Нар и борса беш яшар қизалоқча кўримсиз Ойдиннинг бўртма суяклари устидан оч-кўкимтир парда тортилган, умри бўйи тузукроқ томоқ емаганидан бадани юзасидаги шаффоф бу қатлам чинакам терига ҳали айланиб улгурмаган эди. Аммо, айни дамда, тўғридан-тўғри суякларнинг ўзидан дебоҳа олиб шаклланаётган аёллик аломатлари сезила бошлаган, тананинг умумий йўқсил авзойига қарамасдан, бўлғуси оналикнинг бошқа аъзолари ҳам ўзига астойдил йўл ахтарётган эди. Асли ёши ўн икки ёки ўн уч бўлган Ойдинни яхшилаб боқиб, парвариш қилинса, хотинликка бинойидек яраши ҳам мумкин.

Икки улкан қуш тим қора қанотларини ёйиб устларидан учиб ўтди. Муҳаммад қушлар ортидан бир нафас қараб турди-да, ичидан тошиб келаётган муҳаббат моддасига ортиқ тоқат қилгиси келмай, қизни ўз қучоқлари забтига олди. Ойдин оғриқ зўридан уйғониб кетди. Катталарнинг севги ишларини кўравериш кўниккан қиз шу тобда гап нимадалигини дарров фаҳмладию Нур-Муҳаммаднинг ўзини ҳам таажжубда қолдириб, ўша кўрганларини кўзлари пишиб бети қотган корафта аёл каби бу жойда қўллай бошлади. Ойдин оғриқ дардию бесабр бардошидан намчил кўзлари билан Муҳаммадга жимгина боқиб ётар, бутун туришидан ҳадемай содир бўлажак қабоҳат ва

ёки эзгу амалга интиқлик сезилар эди. Аммо кутгани кутилган баҳрада бўлмагач, қизнинг ҳафсаласи синди.

– Устимдан туш! – янгироқ маҳтал ҳаётни татиб кўра олмаган Ойдин аччиқланди. – Мени ўз ҳолимга қўй.

Бироқ айш ва лаззат бу кас умрининг устун ва аркони эмасмиди, ҳирси қонмагунча Муҳаммад ҳам қизни тинч қўймади.

Саҳро узра оқшом чўкди, ҳадемай тун кириб, зулмат оралаб тоборалади. Кечаги довул тўкиб солган одамлар тонг отиши билан яна оёққа қалқишди ва галдаги бошқа куннинг сокин ёруғлигида атрофларга боқишди.

Ҳов наридаги ўркач барханлар ортидан ўқ овози янгради. Чордонада ғира-шира мудраган Сўфён диққатини ўша тарафга жалб қилди. Тинкасидан толган Муҳаммадни тарк этиб келган Ойдин чол ёнига қўшилди.

Одамлар ҳаммаси ҳали тирик бўлса-да, баайни чалажон вужудларига илашган ҳаёт кўланкаси ўзининг алоҳида умри билан яллай бошлагандек, уларнинг тириклиги энди яйдоқ бу таналарига бўйсунмас. Ўзларининг борлик ва борлигидан қай йўсин истифода этишни билмаётган кимсаларнинг лоқайдлик акланган кўзлари ҳам ҳеч вақони англатмас, олдинга йўналган бу нигоҳларнинг туб замирида на бир йилт этган олис хотирани излаб топиш дарғумон эди. Биргина Ойдин бу тирикликда яшашни астойдил истар, ҳозирги жужуклик ва келгуси оналик қувватини жисмида асраб-авайлаётган қизнинг кўзларида ҳамон чақноқ чақинлар жилва қилар эди.

Бархан ортидан яна икки дафъа ўқ [гумбурлаши] овози эшитилди. Ойдин ўша томон ошиқди, отишма жойини ҳадеганда тополмади. Бошқалар жойидан жилмади, илло, жонларини олишга чоғланган ғаним ҳам уларга ҳозир фарқ этмас, дўсту ўртоқ ва ёки кулфатларида кўмакдош дастёр ҳам уларни ортиқ қизиқтирмас эди.

Тўртинчи барханни ошиб ўтган Ойдин пастда ўлик ёки беҳуш одамни тим қора бир қушга ёндош кўрди. Пастга эниб тушдию Чигатоевни дарров таниди. Юзларини пай-паслаб кўрди – ҳали иссиқ, оғзидан ҳам нафаси келиб турибди.

– Уйқу тараф ухлайвер! – пичирлади қиз Чигатоевнинг ним очик қабоқларини қўли билан аста юмар экан.

Қиз жонсиз қушни қайишдан бўшатиб, одамлари тарафга судраб кетди.

Қачондир яна таомланишдан умидларини узиб бўлган одамлар қуш атрофига жамланиб, нима қиларини билмай, паришон ўтиришар эди. Тойғоннинг улоқтирилган иштонидан пичоқ топиб қушни тозалаб, майда бўлақларга нимталай бошлади Ойдин. Томоқдан луқма ўтказиш уқуви ҳали ўлмаганларга бир бурдадан эт улашди. Берилган бўлақларни ямламай ютиб, қуш суякларини патларини ҳам сўнгги қатра қонигача шип-шийдон сўриб бўлиб, чала қурсокликдан яна ўксиб қолишди – мадорнинг сўнгги улушини урвоқдек бу этни кавшаб ҳазм қилишга исроф қилгандан кўра оч юрганимиз авло эди.

Ойдин яна Чигатоевнинг ёнига қайтди. У ерда яна бошқа ўлжа борми деб ўйлаганлар қиз ортидан эргашди. Одамлар амал-тақал имиллар, айримлари базўр судралиб келар, Гулчатой ҳам Мулло-Черкасга дастёр бўлиб уни судраб борарди. Жасадини жилдиришга лойиқ мажол тополмаганлари ўз жойларида қолаверди. Нарилаб кетган Ойдин ортидан қўшилганларни кутиб турди. Фақат оқшом туша бошлаганда Чигатоев ёнига етиб борилди. Йўлнинг бутун бўйи суякларнинг ўзаро ишқаланиб гижирлаши эшитилар, бўғинларида мойи қуриб битган сўнгақлар шу тарз ўзаро ишқаланиб, азоб чекмоқда эди.

Нур-Муҳаммад элатнинг Чигатоев томон ҳаракатини олисдан кузатиб турди, кейин барчасидан ихлоси қайтиб,

бошқа парвойига келтирмай қўйди. Шу атрофдан шўр сув бўлса ҳам толиб, ташналигини амаллаб қондирса бас, сўнгра Ойдинга қайтиб келиб, иккиси Афғон сари тоабад бош олиб кетишади.

13

Чидамсиз дарддан уввос уриб туриб кетди Чигатоев. Тушларимнинг ичкарисидан дебоча олган бу огриқ ташқи ҳаётимга кўчиб, чин умримга дахл қилолмас қабилида ҳаёл қилинга улгурди уйғониш палласида. Аммо уйқухобидан чинига илдам кўчиб ўтган азоб ҳеч тинай демас, кўксию гардани ва тизза бўғинларида пайдо бўлган чуқур жароҳат сабабкорлари эса тановул кесилганидан домангир нари кетиб боришарди. Назар мода қушни таниди, жувонмарг кетган аввалги рафиқига издош қилиб энди у бошқа эркакни ҳамроҳликка чорламишди. Икков қуш узоқроқ бориб, Назар томон беписанд назар ташлади. Моматалоқ жароҳатларидан кўп қон йўқотиб уйқуда йиққан сўнгги мисқол тинкаси ҳам исроф бўлишиндан кўрқиб, қушларни мўлжаллаб ўқ уза бошлади. Жўрчилар парвозга шайланди, бирисининг қанотлари шу заҳоти шалпайиб қолдию ҳавога кўтарилиб улгурмасидан жойига қулади. Қушнинг бўғзидан қон оқиб, патларини қизилга бўяб, яқин қумларга сингиб кета бошлади, бевафо бу тирикликка лоқайдлик пардаси кўзларига тортилди. Юксакка ўрлаб кетган бошқаси ўша тарафлардан баралла фарёд солиб қуёш нурларининг ғуборлари аро кўздан ғойиб бўлди.

Бир маҳал бархан ортидан Ойдиннинг қораси кўриниб келди. Қиз қуш ўлигини судраган кўйи Чигатоевни ёнлаб яна йўлида кета бошлаганди, овозининг базўр поласи билан уни ўзига чорлади Назар:

– Ойдин, бери келсанг-чи, кўп ютоқдим!

Ойдин ортига қайтди, қонлар намлаган қуш бўғзини уқалаб Чиғатоев оғзига томдира бошлади.

– Ўзингни ўликка солиб, жўртгага қимирламай ётавергин, – деди қиз. – Ўлигингни йўқлаб калхату шоқоллар келишади, ҳаммасини жонини қолдирмай бисмил қилгинки, шундан биз баримиз ризкланайлик...

Бошқалар ҳолини сўради Чиғатоев.

– Чориғини судраб келишяпти, – деб ҳов нарини кўрсатди Ойдин.

Ҳали сувлари қолган бўлса, келтириб, жароҳатларини ювиб-тозалаб қўйишини сўради. Ойдин Чиғатоев баданини бирма-бир назардан ўтказиб, бунда сўлак ҳам қор қилишини билганидан яраларини тили билан обдон ялаб-юлқади.

– Яраларинг қайғули эмас, ҳали ўлмайсан, ўксинма, – деди у. – Қимирламай теккина ёт, бўлмаса, қушлар қайтиб келишмайди...

Шуларни айта қумтепа ортидаги ўнгир жимлигида ўзига янги қўнолға тутган одамлар томон ўлжани судраб кетди Ойдин. Интизорликда муштоқ бандалар келтирилган буни бирпасда саранжомлаб, сўнгги борар манзилига жойлашди. Урвоқкина бир тишлам эт ҳар кун таомланиб, кетидан кекиришга одатланган олис юрт одамларига зинҳор кифоя қилмасдир, аммо бунга билъакс, улуғ очлик исканжасида чорасиз бу элатнинг қаноати шугинага ҳам ҳосил бўлиб, кулфатлари аригани, ташқаридан ичкарига нимадир киритиб яшашни унутган вужудлари энди, жилла қурса, умид ва тасаллига эришгани аён эди.

Яна қоронғи тушди. Сўфён-чол намлик билингунича ер қовлаб, ташна ҳолидан нам қумларни оғзига каплаб тамшай берди. Машғуллигини кўрган бошқалар ҳам қумли бу зиёфатга шерикчиликка чоғланиб келишди.

Тунги аёздан ҳайиқиб Нур-Муҳаммад ҳам янги қўнолғага қадамини ранжида қилиб, таналарнинг элас тафтида исинишни ихтиёр этди. Саҳармардон эса Ойдинни кўтариб Афғонистон тараф қайтмас бўлиб равона кетди.

Бу орада Чиғатоев Ойдин йўригига кўра мижжа қоқмай, ҳамон қушлар йўлини пойлаб ётар, улар яна пайдо бўлишларига шубҳа қилмас, ўқлари қор қилмаган гуногун қанотли мода қуш икков эркагидан ҳам мосуво қилган малъун бу касни охири бир ёқлик қилиш шаштида албатта қайтиб келажагига ишончи мутлақ комил эди.

Ойдин Нур-Муҳаммад опичидан сакраб тушдию хайр-хўш учун Чиғатоев пешонасига чопди. Назар қизни ўпди, юзларини силаб, жилмайиб боқди. Атроф қоронғи, Нур-Муҳаммад қизни нарида бесабр кутмоқда.

– Шу ерда қол, кетма, – деди Назар. – Бизда ҳам ҳадемай бахт-саодат бошланади.

– Биладан, – жавоб қилди Ойдин. – Анави мени ҳеч қўймаяпти...

– Айт, бери келсин.

Барзанги Нур-Муҳаммадни етаклаб келди Ойдин.

Етаклаб келинган тўнғиз қараш қилиб Чиғатоевдан сўранди:

– Ҳалиям ўлмадингми? Сени мурдахўрлар аллақачон гумдон қилишгандир деб ўйлагандим.

– Қизалоқни нега олиб кетяпсан? Ҳали майда гўдак.

– Бирон қоримга яраб қолади, – айтди жавобан Муҳаммад.

– Ҳеч қаерга кетмайди, қолади биз билан! – шаштланди Назар.

Ойдин Чиғатоев ёнига чўқди.

– Шу ерда қоладан, – деди у ҳам, – ҳали майдаман, йўлларда ўлиб-нетиб қолиш менга ҳали керакмас!

Чигатоев тирсагига таяниб қизни ўзига чорлади. Қизнинг сочларидаги шабнам доналарини сездирмай ялаб олди.

– Йўлингдан қолма! – пўписа қилди Муҳаммадга.

– Ўликлар гапирмайди! Юзингни ерга қайир-да, ажалинг бағрида ором ол! – дедию Нур-Муҳаммад этигининг ултони билан оғир тепди Чигатоев юзига.

Чигатоев зарбдан юзтубан кулади. Кулаётиб Муҳаммад ўртамиёна идора эмакдошлари портфелини ҳамон қўлтиғидан қўймаганига кўзи тушди. Бундан чиқдики, бутун умрини атиги муваққат хизмат сафари деб билган, бир жойда палак отиб қўним топиш фитратига бегона бу каснинг ҳар қайга борари – битбилдиқ: ортида ажал қаршисида қолган бандалар унга чикора эди!

Қахру ғазаб мадоридан ўзини шу онда пардек енгилу эркин сезган Чигатоев бир сакраб оёққа қалқди. Бор вазинини бой бериб, оёқларида базўр чайқалиб турган Назар кулаб тушмасин дея қўллари билан унга таянч бўлишга уринди Ойдин. Воқеа ривожини кутиб ўтирмасдан Нур-Муҳаммад Ойдинни қўлтиғига маҳкам кистирди-да, шахдам бундан кета бошлади. Чигатоев улар ортидан етиб олмоқчи бўлувди, бемажол йиқилди, йиқилди-ю, аммо яна оёққа турди. Силласи қуриб кетди – дам-бадам ҳуши бошидан учиб, ер чирпирак айланди. Тўридан кўра гўрига яқинлашиб қолган чаламурда Назарни назарига илмай Муҳаммад бамайлихотир йўлида кета берди.

– Қаёққа кетяпсизлар? – бор [кучини] жамлаб талаффуз қилди Чигатоев.

Муҳаммаднинг қўлида типирчилаётган Ойдин ҳўнграб йиғлади:

– Мени ўзинг билан олиб қол, Назар Чигатоев... Афғонистонга боргим келмаяпти: у ерда нуқул буржуйлар яшайди...

Бутун кичик умрини овлоқда яшаган майда бу қиз буржуиларни қайдан билсин?.. Чигатоев бошқа йиқилмади, шодон тириклик хаёллари оёқларига қувват, тўппонча ушлаган қўлларига эса матонат ато этди: Муҳаммадга тўхташни буюрди. Ўзи томон ўқталган курулни кўриб Муҳаммад қочишга тутинди. Метин дастлардан халос бўлолмаётган Ойдин Муҳаммаднинг бўйнида фасод бойлаган ярага кўзи тушди, кўзи тушдию ўткир тирноқлари билан ўша жойига чанг солди. Бутун вужудини зир титратган қора оғриқдан Нур-Муҳаммад ўкириб юборди ва қизнинг юзларига урди, яхшики, қулочкашлаб зарб бериш ўнғайсизлигидан Ойдинга кўп ҳам захм етмади. Ойдин бўйиндаги жароҳатдан қўлларини тортай демас, бунга сайин Муҳаммад яна жон ҳолатда дод солар, охири бафуржа зарба бериш илинжида қизни қўйиб юборди.

– Оғрияптими, ажаб бўпти! – [бижирларди] Ойдин. – Мени ўғирламагин деб айтувдим-а сенга! Қулоқ солмадинг, ёмон одам, барибир, ўғирлаб кетдинг, гўштинг хом-талаш бўлгур босмачи! Чидайсан энди, чида!

Моматалоқ узиб олинган ярадан тинмай қон оқарди. Нур-Муҳаммаднинг фигураси фалакка ўрлади, қизнинг олғир чангалидан зўрға қутулиб, ситамгарини ерга улоқтирди. Аммо шунча жон кўйдиргани зое кетишини [ис-тамай] ўлжасини қайта опичлаб, яна шахдам чопа кетди. Муҳаммад ўз кўксини пана қилиб қалқонтарз тутган Ойдинни ўлдириб қўймаслик учун Назар унинг оёқларини нишонга олди. Ўқ мўлжалга теккани ҳамоно оёқлари ердан узилиб, беҳуда матоҳ каби ҳавода бир зумга муаллақ қолдию гардани билан қулади. Шу қулаши баробарида Ойдинни эзгилаб, мажруҳ қилиши мумкин эди, яхшики, яна ҳам нарига учиб тушган қиз тура солиб Назар тарафга паноҳ излаб югурди. Муҳаммадни бира-тўла бир ёқлик қилиш учун Чигатоев яна ўқ узмоқчи бўлди, аммо ҳали-

замон нозил бўлажак мурдахўр қушларни қийратиб қав-
мини боқиши лозимлиги эсига тушдию тўппонча садоғи-
да қолган ўқларини кўзи қиймади.

Нур-Муҳаммад қулаган ўрнида узок қолмади, куч-қув-
вати ҳали аримаган одам чаққонлиги билан товопини
ялтиратиб зумда бархан устида пайдо бўлди. Қочқин то-
борасида Назардан ҳадя жароҳати очилиб, азобдан уввос
солар, аммо шу тобнинг аччиғида ўзининг доду хайқирик-
лари қулоғига кирмас эди. Қумтепа ортида ғойиб бўлиши
билан манфур бу кас овози бутунлай эшитилмай қолди.
Ойдин кўздан йўқолган Нур-Муҳаммад ортидан ҳамон
қараб турар, жони тезроқ чиқармикан деган қизиқсиниш
хаёлидан ўтар эди.

Кейин олишувда ҳолсизланган Чигатоевни етаклаб яна
аввалги ётимсиқ жойига олиб келди.

– Ўрнингга чобуқ чўзилгину қушларни ўзингга чорла,
очлик силламизни кўп қуритди!

Шуларни тайинлаб қиз одамлар тараф йўл тутди. Шом
тушиб, теварак салқинланишига ҳали вақт бўлса ҳам, бан-
далар тириклик мисқолини беҳуда исроф қилишни иста-
мас, шу юздан бари ё ухлаб ётар ва ё уйкуга энн маъносиз
хушсизликка ғарқ эди.

Бу дам қўнолғадан узокда ерпарчин ётган Чигатоев ўз
тириклигига сийлов бўлажак энг муҳим заруриятларни
ўйлаш билан машғул, бундан ортиқ юксак хаёлларга қур-
бу мадори кифоя қилмас. Бахтиқаро мода бургут тирик
қолган, дастлаб ўлдиргани бунинг эркаги бўлса, кейинги-
си унда ким эди? Биринчисининг айрилиқ ғурбатига узок
дош бермаган у қуш дарҳол кейингисини топганми? Йўқ,
қушларда ундай бўлмас, бундан чиқдики, иккинчи мар-
хум мода қушнинг яқин маҳрамларидан, балки, эрининг
иноғаларидан бири бўлса ажабмаски, интиқом учун уни
бирга чорлаганми эди? Қайноғаси ҳам жувонмарг кетиб,

энди қай кимини даъват этмоққа нарвоз қилиб йўл солди?.. Еру осмон чегаралашган уфқларнинг ҳов анави ортларида ёхуд адоқсиз ундур баландлар эркинлигида лойиқ жанговар мадад топа билмаса-да, аммо бева бошига тек ўзи барибир келажагини, бағрини куйдирган қасос олови-га нажот излаб, сўзсиз, қайтажагини Чигатоев яхши биларди. Илло, чидамсиз туйғуларига асир ёввойи жонзотлар ғанимига асло марҳамат қилмас ҳамда кўз ёш тўкиб дийдасининг обларида юпанчу овунч ҳеч топмас. Улар фақат курашда қайғуларини арита билар, ёғийнинг қайноқ қонларидан сипқориб ёхуд тенгсиз олишувда ўзлари мағлуб бўлиб, мусибатлари ниҳоят ором топар.

Сахро қўйнида иккинчи дафъа умрини яшар экан, Чигатоев ўзини тобора қайси бир йироқларга кетиб бораётган сезар, олисда қолиб кетган Москва манзаралари ҳам хотирасидан сидирилиб бораётган туюларди. Ксения қиёфаси бўлса фақат тирикликдан узоқ, умумий тарзда хотирида сақланиб қолган, азиз чехранинг ақлда бу қадар тез унниқиб боришидан дили доғланган Назар хаёлларини зўриқтириб, уни, зора, ўйларида бир бор бўй-басти билан комил кўришни истар эди. Ақлининг олис пучмоқларида дебоча олиб, энди кўз олдида гавдаланган Ксениянинг лаблари унга нимадир дея пичирлаган туюлар, аммо айрилиқ ўртага солган масофанинг олислигидан қизгина дудокларидан учаётган сасларни эшитмас, маъноларини зинҳор уқа олмасди. Ксениянинг қурама тусли ўша кўзларида олисда сарсон Назар ҳадеганда қайтавермаганидан ўкси-гу маъюс учкунлар жилва қиларди. Аммо буларнинг бари уқубатлардан хасталанган шуурнинг ўйноқи хаёлларидан пайдо хомтама умидлармиди? Аслида, Ксения уни аллақачон орзукаш хаёлларидан ситиб чиқарган эмасми? Ахир у ҳали жужук, жужук қалби эса малоҳатли ва музаффар ҳаёт ҳисларига лиммо-лим, шу экан, туйғулари тиқилинч

бу юракда аро йўлларда ғойиб кетган эски таассуротларга ўрип қайдан топилсин?

Кун беҳуда ўтиб борар, нажотдан бўлса ҳамон дарак йўқ. Очилигу ташналикдан силласи қуриган абгор элат қорини бир-икки жуфт қуш мурдаси билан тўйдириб бўлмаслигини Чигатоев яхши билар, аммо улуг бир доҳий эмаски у, айти шу тобнинг ўзида муҳташам чора ўйлаб топса-ю, топилган ана ўша чора тараф бу йўқсилларни саодатга йўлласса. Қайтиб келишлари ҳали дарғумон қушларни овлаб одамларини таомлантириш маслаги юксак бошқа манзиллар қаршисида мисқол қадар беҳисса бўлса-да, айти пайтда вужудини ерпарчин этган бечораликни аритишнинг ёлғиз чораси эди бу. Аввалги мадори бўлса-ю, сахрони пою пиёда кезиб одамови қўйларни излаб топган ва уларни қайтариб келган бўларди. Ёки чақиримлар йўл босиб, энг яқин телеграфга қадар етиб боришга қодир бирор дас-тёри бўлсам, Тошкентни дарҳол кўмак ва нажотга чорлаган бўлар эди. Балки, бирор адашган аэроплан ўтиб қолар? Буниси ҳам қуруқ хаёл – қадри баланд машина исрофига яроқли хазина топилган эмас ҳали бу ерларда. Мурдахўр қушларга хўраки мурда бўлиб, сабру қаноат билан абгор бу машғулотда машғул бўлиш Чигатоев кўнглига бир тутам таскин берар, аммо бугун ўтиб, эртага одамларини етаклаб юрт тараф – Сариқамиш-Ватанни қаро тортиб албатта йўлга тушажаги қарорини олди.

Шу ўй билан кўзи уйқуга илинди. Дунёи очун энди яна ёруғ ва шовқин барча шаклларини намойиш этиб чаппар уриб айланар, гоҳо эса фаромушлик пучмоқлари сари узоқлашиб, яна ортига қайтар чоғи Чигатоевнинг чаноғини пармалаб, хаста тафаккурига йўл ахтарган кўйи миясининг ичига сингиб кирарди.

Тун қоронғисида ноаён товушлар қулоғига етишди. Бир умид билан ўнг қўлида тўппончасини пайпаслаб топ-

ди. Янглишди, қанот қоқиб яқинлаётган бургутлар саси эмасди бу. Гира-ширада онасини таниди, бошини қуйи эгиб келаётган кампир Назар танасини обдон пайпаслаб, мусибат хира торттирган кўзлари билан атрофга синчиклаб боқди. Аслида, ўгли тирик ё ўлик экани билан зиғирча иши йўқ, кампирнинг биргина қайғуси ўлжа қушлар илинжи эди. Онасининг танаси ичларидан ғалати саслар келар, илиги қуриб-қақшаган суяклари ўзаро ишқаланиб, шундай аянчли товушлар ҳосил қилар эди. Баайни ўзига ин ковлаётган юмронқозиқ каби қумларни тўзғитиб қумтепага базўр тармашиб чикдию беҳол ортига қайтиб кетди Гулчатой.

Саноксиз сўнгаклар ишқаланишидан пайдо товушлар кўп ўтмай яна эшитила бошлади. Ҳушсиз мудроққа чўмиб бораётган ақлини жиловлаб Чигатоев диққатини ўша тарафга жалб этди. Бархан ортида алланарса ғимирлагандек бўлди – Ванька қария унга узоқдан қараб турарди. Барханнинг қарши томонидан кўтарилиб келган Сўфён ва яна бир даста олачалпоқ қиёфалар пайдо бўлди. Ойдин билан сўқир мулла ҳам улар оралаб кўринди. Қумтепа юзасида шаклланган издиҳом яна бошқа келувчилар ҳисобига кенгайиб борар ва уларнинг бари ер бағирлаган Чигатоевни кўзлаб унсиз тикилишган, лоқайд нигоҳларида на бир таъма ва на бир ўтинч инъикоси бор; Ойдин истисно барчаси Мулло-Черкас каби ўлик ва сўқир нигоҳ билан боқишар эди. Кўз нурию қувватини бардам тутишга яроқли юрак мадоридан мосуво одамларни эҳтимолий егулик сезгиси Чигатоев қаршисига ҳайдаб келгани рост, аммо, ўртаҳол каснинг беаёв бадхўригидан фарқли, нотавоңу бебаҳра бу элатнинг ўзи каби очлик сезгиси ҳам маъсум ва бокира эди. Шуур дастакламай қўйган туйғулар рўёби, аслида, айна шу тарз кўп муҳим эмасди.

Бу бандалар нимадан умидвор, уларнинг армонларини Чиғатоев қай йўсин ўлдирсин? Бир жуфт парранда уларга қор қиларми? Аммо бир тишлам эт ҳам шу алфозда уларнинг қайгуларини емириб, қалбларини қувончга тўлдириши тайин эди. Иллоки, олисдаги бошқа каслар наздида арзимас биргина шу урвоқ ҳам буларни тирикликка қайта қовуштиражак, илиги қуриган суякларини мойлаб, одамларни яна қайта рафиқига шафиқу меҳрибон этажак. Ташқаридан ичкарига ташланган ўша биргина луқма ҳамон тирик эканларини ёдига солиб, қалблари тўйинажакки, сўнгра ўлимтик нигоҳлари яна чарақлаб, бу замин узра ёйилган офтоб ёруғлигига ошно бўлажаклар. Агар шу онда абгор бу одамлар ўрнида бутун башарият жой олсам, улар ҳам Чиғатоевга шундай қаноату ихлос билан тикилган бўлар, умид-истаклари ҳосил бўлмаслигини билса-да, ушбу алдоқларга ҳам пировард кўникиб, муқаррар ва гуногун ҳаётлари билан яна андармон қолаверар эди.

Чиғатоев лабларида табассум зоҳир бўлди, илло, кулфат ва изтироб, аслида, воқеъ эмас, балки кўримсиз бир туш, йўқсиллар қалбини ғорат қилаётган ёвуз бу шарпаларни Ойдин-қизнинг ўзиёқ заиф жужуклик қудрати ила чилпарчин ва кунпаякун эта билажак; ҳар бир қалб асирлигида, бу дунёнинг исканжасида ҳали татиб кўрилмаган ва ҳурликка муштоқ бахту саодат яшамоқда; ушбу тирик толе жарчилари ҳар кас томирларида ҳар дам жўш уриб оқишга шай, аммо устухон ичра юрак банди экани каби, исканжада қолган бахтнинг ҳам ҳоли танг ва мажруҳ – бандалар сурур ўрнига уқубат тортишлари шундан. Кулфатлар аро кезинаётган бечора халқининг қисматини ҳадемай албатта ўкинчсиз саодат сари ўзгартиражакдир. Чиғатоев ўзи томон ҳамон бир тарз қараб турган одамларга қўл силтади. Ойдин бу ишорани дарров фаҳмлади ва овбарорини ўйлаб барчани олдига ҳайдаб солди.

Тун ярмида, ҳамма уйқу тараф кетгач, Ойдин сахро ичкарисига дайди қўйларни излаб кетди. Кетиш олдидан Сўфён билан Ванька қарияга икки бархан оралиғидан қудуқ ковлашни тайинлади. Ўша жойда аввалроқ ўзи чуқур қазиб, озроқ сув жамғаргани эсига тушди. Қайтганича бу икков чол бошқаларни тўйимли шу лойқа сув билан авраб туринса, очлик ҳам арирди. Ахир томоқ бўлмаса, сувга ҳам қорин қониши бор гап.

14

Сахро юзалаб тун кезар маҳал Чиғатоев ўнг тарафлаб беҳол ухлашга ётдию шу заҳоти шуурини тушлар тўлдириб, тўлдирилган бу жойлардан ташналигу очлик, ожизнотавонлигу изтироблар сиқиб чиқарилди. У ўзини дарҳол электр нурларидан чароғон боғда, улғайиб қолган Ксения билан рақс тушаётган алфозида кўрди. Атрофда илиқ ёзга мансуб кўнчиган замину болалик ифорлари ҳукмрон, олис ва ожиз сас каби ҳали эшитимсиз тонголди элас шуъласи тераклар тоқида жилва қилади. Ардоққа муштоқ Ксенининг вужуди суюкли Назар оғушида оромланади; узоқ кутувда парваришланган орзуси ниҳоят келиб етганидан масрур қизнинг кўзлари ухлоқсимон юмук. Шарқдан эсаётган ўйноқи тонг шаббодаси дарахтлар ора-лаб кезар, куйлар оҳангида чаппар ураётган аёллар бисотини кўрмоқчи бўлиб ҳарир либосларини тортқилаб ўйноқлар. Боғда мусиқа янграр, тонгнинг илк шуъласию югурик шамол саодатли бандалар юзларини кўринмас, меҳрли илки билан сийпалаб ўтарди. Ҳадемай куй садо-лари тиниб, атроф ёришиб кетди. Чиғатоев Ксенини авайлаб қай тарафдир йўлга тушди. Ёруғлик ўрнини туйқус қора қоронғу қоплади, бошида кучли дард уйғониб, тубсиз чоҳга қулай бошлади. Қулаш асносида бел томонига ағдарил-

ди – ўзи чилпарчин бўлса бўлсин, аммо бағридаги Ксения майиб бўлмасин. Қизни кўксига яна маҳкамроқ босди, аммо энди бағри бўм-бўш эди. Қоронғи тун қўйнида ҳайқириб ўрнидан туриб кетди, аммо шу заҳотининг ўзида пайдар-пай зарбалар уни яна жойига қулатди.

Гоҳ юқорилаб, гоҳ устига қулаётган улкан қушлар дуч келган жойидан аёвсиз чўкилаб, паншаха чангаллари билан либосию баданини момматалоқ узиб-юлишарди. Чиғатоев оёққа туришга улгурмасидан ҳужумкор қушларнинг галдаги қақшатқич зарбаларидан яна беҳол йиқилар, жон аччиғида ётган жойида чирпирак бўлиб айланар, аммо сўнгги қатра қонлари намлаган қумларни тўзғитишдан бошқасига ярамас эди. Қаърининг олис ичларидан, сўниб бораётган ҳаётининг нушқут бисотларидан сўнгги шиддатини чорлаш истагида бор важоҳати билан ҳайқиришга уриниб кўрди, аммо фарёд учун ўпкасини ҳавога тўлдириб улгурмай баданига тиг бўлиб санчилган янги ҳамла овозининг пайини қирқди. Бургутлар қапотидан ҳосил еллар уни оёғидан йиқитар, атрофга битта бўлиб тўкилаётган қуш патлари оғиз-бурнига тикилиб бир зум нафас ростлашга қўймасди. Бўйнидан тинмай қон оқар, дастлабки икки зарба энсасига тикка келганини шунда англади. Кўкрагининг бирида чидамсиз оғриқ турган, бундан қай бир эмчак сўрғичи ҳам узиб олинганини элас тусмоллади.

Охири бир лаҳза оёққа туришга қодир бўлдию биринчи ғанимини тутишга шайланиб қўлларини даст кўтарди. Муайян юқориликда муаллақ қотган бургутлар навбатдаги ҳамлага чоғланди. Қумга кўмилган тўппонча оёғига урилди, тўппончани олишга олди-ю, қаддини ростлашга улгурмади – қушлар елкасию белига яна беаёв чанг солишди. Ақлини озроқ жамлаб олган Чиғатоев янги жароҳатлар ҳисобидан бургутлар нафари уч эканини чамалади. Қўли-

да тўппончани маҳкам тутган кўйи белига чиппа ёпишган қушлардан халос бўлиш, ўз оғирлиги билан уларни эзиб-янчиш илинжида юмалай кетди, бунга сайин баттар ҳолсизланиб, охирги марта ёнлаб қулаши билан, хайрки, ситамгарлари ҳам уни (ғалдаги ғал учун) холи қолдириб нарига учиб кетишди. Дурустроқ нишонга олиш ниятида ўрнидан турмоқчи бўлди, шунда силласи қуриган суякларига гичирлаб, бутун ичкарисидан ҳорғину мунгли садолар билинди. Ҳолсиз ва абгор вужудига, вужудини омонат тутиб турган бечора суякларига юраги ачишиб кетди: ахир буларнинг барини бир замонлар боёқиш онаси йўқсил танининг абгор ушоқларидан бир-бир мисқоллаб – майли, ишқу муҳаббат эҳтирослари лаззатидан эмас, лоақал, турмушнинг энг одми заруратидан – бу дунёда бор қилган эмасмиди? Ўзини бировнинг омонати ва арзонқўл фақирнинг энг сўнгги қаро кунига асралган амвол-мулки билдию буни беҳуда исроф этишга қасд қилганларидан ғазоби жўшиб-қўзиди. Шунда қулай ўрнашиб ўтирди ва ишонч билан қушларни нишонга олди. Унча баландга чиқмасданок қанот-қуйруқларини йиғиштирганча дарҳол ортига шўнғишда бўлган бургутларни яқинроқ йўлатиб тепкини босди. Чиғатоев қушларнинг ажалэлтар ҳамласига пешвоз чиқаркан, энди ақлини чоғлаб олган, қурол тутган қўлларида эса қатъият туяр, айни пайтда, кўмакка муҳтож яқин маҳрамини авайлаётган каби ўзини ҳам эҳтиёт қиларди. Осмондан узилган юлдуз каби устига қулаётган қушларга беш карра ўқ узди. Улар тезлигини ҳаяллата олмай Чиғатоевнинг шундоқ боши узра визиллаб учиб ўтишдию сал нарига, тунги қўнғир қумлар устига қулади.

Таҳликаю ҳаяжон ва батамом ҳолсизликдан ичида муттасил титроқ турди. Турган жойининг ўзида қумни ковлаб лаҳм очди ва қушларга қараб ҳам қўймасдан, баданига илиқликни соғиниб ғужанак бўлиб ётди. Тезроқ уйқунинг

алағда ва мурдор сувларига чўмишни тилаб ўзини уйқула-
таркан, бўлтак жароҳатларидан сўнгги қонлари ҳам тани-
ни тарк этиб, эртанги ҳаётга кўз очиб уйғонмаслиги энди
уни асло қизиқтирмас эди.

Ўша кечаси Ойдин сахро ичкарисига узоқлаб кетди.
Силласи тамом қуриб, қаердадир туйқус ётиб қолганидан
ўқ овозларини эшитмади. Узоқ ухлаши мумкин эмасли-
гини уйқусида ҳам унутмай, қутқуланиб тезда оёққа қал-
қиди, яна йўлининг давомини улади. Олис ерлар ортидан
тунги йўқсил ой кўриниб, сахрога қиялаб шуъла тарай
бошлади. Ер юзасида ҳеч нарса қолмай, ҳар вақо қирилиб
битиши ақлдан эмаслигини яхши билган Ойдин атрофга
синчиклаб боқди. Сахро бўйлаб кун бўйи дарбадар ке-
заверсанг, охир-оқибат нимагадир – ё қудуқ ва ё дайди
қўйлар суруви, жилла қурса, кушларми – барибир дучор
келасан. Бировнинг адашган эшагими ёки қаршингдан
чопкиллаб ўтаётган жонлиқларними – барибир кўрасан.
Бошқа юртларнинг ҳар жойида каби сахрода ҳам беҳисоб
матохлар бор, аммо буларни кўрар одамнинг ўзи йўқли-
гидан атроф абгору бўм-бўш кўринади дегич эди қарилар.
Аммо Амударё мансабидан бошқа жойларни кўрмаган
Ойдин бундан кўра давлатманду афзал юртлар борлигини
қайдан билсин?..

Ойнинг сокин таралган шуъласи бир жойда тўсиққа
дуч келган каби жимирлаб турарди, шу тобда баланд бар-
хан устида атрофни кузатиш машғулида бўлган Ойдин эъ-
тиборини шу кўриниш ўзига тортди. Ёруғлик хиралашган
ўша томонга қараб юрди-да, кўп ўтмай кўзи бир қўзига
тушди. Қумтепа устига чиқиб олган тўқли туёқлари билан
қум тўзғитиб нимадир излар, қумлардан барпо адирлар-
нинг тунги шарпасида жониворнинг бу уринишлари, сах-
рода адашган ёлғиз кимсанинг хаёлида, сирли ва синоат-
ли маросим бўлиб туюлар эди.

Тўқли қумлар остидан аввалги кўклам урвоқларини излаб, тоғани билан озикланаётган кўринади. Ойдин билдирмай тепага кўтарилди-да, сергакланмаган кўзини бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. Умрида одам зотини кўрмаган жонивор ундан хатар келишини хаёлига келтирмай, ҳеч бир қаршилиқ қилмади. Нозик бўйнига тишларини ботириб, қайноқ қонидан тўйиб ичишга чоғландию жониворни ерга қулатди қиз. Шу пайт бархан этагида бир сурув қўй худди одам каби ҳаллослаб туёқларида кум титаётганини кўрди. Кўзини ўз ҳолига қўйиб, булар томон энди. Сурувга етиб бормасидан орадан бир қўчқор ажралиб, қизнинг йўлини тўсиб чиқди ва калла қўйишга ҳозирланди.

Кўчқор пўнисасидан Ойдин тайсаллаб қолди. Берироқда ўтириб қўйлар ҳисобини олди – бархан устида қолган кўзию сурувга янги қўшилган бир жуфт эчки – жамининг боши йигирма тўрт бўлди. Ойдин ўзига яқинроқдаги совлиқни мўлжаллаб аста эмаклади, вазиятни қўлдан бой беришни истамаган қўчқор ҳам қиз ортидан қолгиси келмади. Қўйлар ковлаган чуқурни пайпаслаб боқди – сувдан асар ҳам йўқ. Ташналик азобидан оғзи кўпикланган қўйлар бошқа иложсиз, бир илинж билан қумларни кавшаб, булар орасида гўё яширин намлик аломатларига етишишни истар, аммо буздан зиғирча наф тополмай, охирги нам сўлақларини қумга қўшиб туфлаб ташлашар эди. Ҳали озиб-тўзмаган қўчқор ташналик ва совлиқларга сардорлик масъулиятидан тили осилиб, оғир-дахсар ҳансираб; Ойдин пайт пойлаб аста унинг шоҳларидан тутди, ортиқча эътирозга ўрин қолдирмай ортидан дадил етаклади. Етовдаги қўчқор ақлини йиғишга уриниб кўрди, аммо жўяли фикр тополмай йўлбошчи қиз кетидан эргашиб кетаверди. Бу пайтда ҳамон қум ковлаш билан андармон совлиғу така олислаб бораётганлар томон мўралаб қараш-

ди ва юмушларини бас қилиб қай сориدير чоғланмиш бу икковга йўлдошликни ихтиёр этишди.

Ойдин қисматлари қаршисида ёлғиз қолдириб келган қавми сари ошиқар, йўлидан сира адашмай қўналға томон жониворлар издиҳомини бошлаб борарди. Фақат тонг яқинлашиб, осмондаги ой шуъласини йиғиштириб олган паллада ўзи сув чиқариб ростлаган, белгили жойга етиб келди. Сурувни шу жойда қолдириб, одамларини излаб кетди. Келиб кўрсаки, икков чолга тайинлагани – қудуқлар қазилмаган, хафа бўлиб кетди. Ванька қария билан Сўфён, балки, янашни бошқа истамай, жон таслим қилиб қўя қолишган ёки ялқовлиги жўшиб, вазифани бажаришмаган. Яна ким билсин, ўзлари сувга бўкиб, бирор ковакда хомуза тортиб ётишибдими?

Қўнолғага етиб келиб Ойдин уйқусида ухлаётгану хушсизлигида беҳушларни бир-бир пайпаслаб кўрди: яшаш одати ёдидан кўтарилмаган одамлар ҳаммаси тирик эди. Сўфён-чол билан Ванька-қарияни уйғотиб, сурувни қўриқлаб, ўт-хашагидан бохабар бўлиб туришга жўнатди, ўзи эса Чигатоевни қора тортиб кетди.

Уйғотишга ҳар қанча тиришса ҳам, Чигатоев ҳеч хушига келай демас, жароҳатларидан бир маромда, гоҳо эса зарб билан отилиб чиқаётган қонлари қумларга эмилиб бориши баробарида ўзи ҳам ажал бағрига аста сингиб борар эди. Назарнинг ҳоли танг эканини дарҳол англаб етган қиз қўналғага қайтиб борди. Одамлар бари ўрнидан қўзғолиб, ҳар ким эплаганча – кимдир судралиб, бировлар эса ўзаро кўмакдош бўлиб қўйлар томон нажот истаб интилишди. Ойдин одамлар эғнидаги жулдур либосларини ўзича чамалаб кўрди, яроклисини тополмади – бир Мулло-Черкасда юмшоқ матоли шалвор ҳали бутун, лекин у ҳам сийдик-нажасдан искиртлаб кетган. Охири ўз қўйлагини ечиб, назардан кечирди – искирт чолларникидек

палид маразликлар унда ҳали йўқ, жужуқликнинг тер ҳидларини айтмаса, топ-тоза – ишлатса бўлаверади.

Ойдин Чиғатоев қошига келиб, кўйлагини лахтаклаб йиртди-да, ҳалиям қон сизиб турган бари жароҳатларини боғлаб чиқди. Чиғатоев уйғониб, қизга ишлаш қулай бўлсин учун у ён-бу ёнига ағдарилиб турди. Уйғониши билан ҳушининг қуюқ шафақлари аро аввал Ойдинни кўрди, кейин бежон қушларни, сўнг адоқсиз уфқлар томон ястанган сахро кумларига ўртаниб бокди. Дикқатини яна бургутларга чекиб, энг йириги ўша азалий мода қуш экани, жуссасизроқ иккиси эса бу онанинг ўз болалари эканини билди. Она қуш интиқом ваъдасини поёнига етказиш учун хожасининг садоқатда тенгсиз махрами асрорлари – ўз фарзанди аржумандлари билан қўшқанот учиб келган эди.

15

Жон эли тўрт кун сурункали еб-ичиб, қайғу ва кулфатларига малҳам тониб, ҳушига қайта бошлади. Оғзи ошга етганда бўкиб ўлмасин дея Ойдин ҳаммага кўз-қулоқ бўлиб турди, таомга бечама иштиёқмандларни сўз билан тартибга солар, бу ҳам қор қилмаса, аяб ўтирмасдан нақ кўзларига тушириб қоларди. Чиғатоев танасидаги жароҳатлар ҳам парда билан ўралиб, тузалишга кета бошладди. Бадани яйдоқланиб қолган Ойдин Назарнинг оқлик кийимларидан ўзига кўйлак-иштон тикиб олди. Бир умр ёнида рўзгор анжомлари – гугуртдан тортиб игна-ипгача, бигиздан тортиб пичоққача ва яна шахсига доир аллақанақа ҳужжат ҳам олиб юришга одатланган Сўфён-чол қиздан кийимига ямоқ солиб беришини сўранди. Ойдин яғрини чикиб кетган чол чопонидаги катта-кичик йиртиқларини бутлаб берди. Бунинг эвазига бирваракай бош-

қалар эғнидаги жулдурларни ҳам эпақага келтириб, авратларини паналади. Масъулиятли юмуши билан машгул экан, баъзиларникидан қирқиб, зорикқанлар кийимига улар ёки қип-яланғоч йўқсилларга эпламачак бир нима-лар тикиб берарди. Ажалини бўйнига олиб, бор-будини улоқтириб, ҳеч вақосиз яланғоч қолган Тойғонга ҳам шу қирқимлардан қўйлак-иштон ҳадя қилди.

Бу ишларнинг барига Ойдин тўрт кунлик умрини сарф қилди, унга фақат Ванька билан Чигатоев дастёр бўлди. Элатнинг кундалик ҳаёт тартиби, озуқа расамаддисию ўз вақтида уйкуга ётиши назорати ҳам, бундан орғиниб эса қўйлар ҳолидан бохабар туриш ҳам Ойдиннинг зиммасига тушганди. Жониворларни мадори борлар қарамоғига бўлиб бердики, ўт-сувидан хабар олиб туришсин, токи қўйлар ориқлаб, ҳаётининг силласини беҳуда исроф қилишмасин. Ётар олдидан қўйларни эҳтиёт шарт одамларга қўшоқлаб тизгишлади, ўзи бўлса арзанда қўчқорни оталиғига олди. Танасига бир мисқол эт қўшилмай, тунлар бўйи оч-наҳор қолишса ҳам, бу эҳтиёт чоралари иш бериб, бирорта қўй йўқолмади. Ойдин қўйларни бошлаб келганининг тўққизинчи кун тонгида Жон қавми азалий ўз ватанини қаро тортиб йўлга чиқди. Ўн бир бош қўй ва Назар овлаган уч бургутни еб, курсоқларига баҳра улашилган қавмнинг бисотида энди тўққиз совлиқ билан бус-бутун бир қўчқор қолганди. Бир йўсинда йўл овлаб бораётган одамлар бу борлиқда борликларини туновдаги хотира зўриқишларисиз энди яққол сеза бошлаган эди.

Сариқамишгача ўрта маромда тўлиқ уч кун юриш керак эди, аммо йўлнинг иккинчи куниёқ олисдан қўнғир Устюрт текислиги ва унинг пойида ястаниб ётган, ачим-сиқ айрим қўлмаклари ҳавода аксланган яйдоқ ерлар кўринди. Кўринган ўша заминда гўё бахту иқбол ва ораста уйлар уларни интиқ кутаётган каби, одамларнинг юраги

хаприкиб, саодат манзилига илҳақ ошиқишди. Волида-сининг илкидан етаклаб олган Чиғатоев ҳам шодлигини яшира билмас, худди ҳов ўша болалигида улуғвор келажак бўсағасида заҳматлари бисёр йўлларни босиб ўтмоққа шай тургани каби, кўксидаги юраги ҳам муқаррар зафардан дарак бериб, бежо типирчиламакда эди.

Учинчи кун оқшомида сахро сарҳадларини, ниҳоят, ортда қолдирган қавм Сариқамиш ботиғига эна бошлади. Чиғатоев асрлару даврлар баробарида бағрига бир томчи сув томмай, уқубатларда қариб битган шўрхок ва қумоқ бу ерларга тикилди – бечораи бенаво Ахриманнинг, бир замонлар саодатманд Хўрмуздни маҳв этолмай завол топган йўқсилу бадбахт Ахриманнинг хоки-пойи мана шу қаро ер остида баҳра топганмиди? Ахриман қисмати не боис бу қадар аянч хотима топди, нега бахту иқболдан бенашиб кетди у? Хўрмузд ва сарҳил боғлар қўйнидаги олис ўша юрт аҳлининг масрур ҳаёти, балки, аслида, унга таом бегонаю нафраткор эдими ва шу юздан саодатли ўша ўлка унинг қалбига сокинлик бермас, асло ўзига чорламас у юртларга шундан беписандми эди? Йўқса, қаноати бисёру ғайрати улуғ бу кас Сариқамишнинг ўзида Хуросон каби беҳишт боғлар барпо этмасмиди ёки, ҳеч қурса, Хуросонни батамом маҳв этса бўлмасми эди?..

Кечмиш замонларда одамлар уддалай олмаган юмушлар ҳаёлини суришни хуш кўрарди Чиғатоев, илло, ҳадемай ўнинг ўзи ўз илки билан ўтмиш даврлар орзусини рўёбга чиқариши замони яқинлашаётир эди.

Яна икки кун кечилиб ботиқ ортда қолдирилди ва Устюрт пойига етишилди. Чиғатоев кўклам сувларидан тўйинган чучук кўл излаб топди, одамлар шу ерда нафас ростлаб, доимий манзил муҳокамасига жам бўлишди. Захирада энди уч бош совлиқ билан қўчқор қолган, аммо кўргилик ва кулфатларга кўниккан, табиатнинг энг [яй-

доқ} жойларида ҳам ўзларига ризқ-насиба топа билган Жон қавмига чикора эди бу. Биринчи куниёқ Ойдин қам-ғоқ туплари йиғилиб қолган дарага йўлиқди. Буталарни жанубнинг ўнгидан эсан эсинти авраб бу ерда тузоққа илинтирган, алдовларни вақтида фаҳмлаган хушёр бошқа буталар ушбу дараларни четлаб, кўмакдош ўзга оқимлар етовида тобора юқорилаганча саҳронинг олис уфқлари томон сафарининг давомини ихтиёр этган эди.

Бу орада Сўфён ўз ғорига бориб келди. Бошқаларни ҳам шу ғор атрофида кўним топишга чорлади: у ерлар уринмай-суринмай яшашга азбаройи боп – серўт водий оралаб ёз чилласига қадар адо бўлмас ирмоқ оқиб ўтади. Сўфённинг даъватига кўра ўша тараф юрган одамлар йўл бўйи хонлар замонидан қолган аввалги кўнолға харобаларига дуч келишди. Кечмиш шамоллари дуч келинмишда ҳеч вақо қолдирмай супуриб битирган, яйдоқ ялангликда фақат гулхан ўрнию лой ўчоқ қолдиқлари кўзга ташланар, сал нарида эса жазирама куёш нурларию қаҳрли шамолларга ем бўлиб, унутилган ўтов қозиғи ер бағрига санчилган кўйи танҳо қолиб кетган. Ойдин ёлғизликда тупроққа қоришиб зериккан укпарсиз бир тақия топиб, қоқиб-тозалади-да, тезда бошига кийиб олди.

Сўфён кўрсатган водий яшашга, чиндан, ўнғай эди. Айни шу тобда – қайноқ ёзнинг адоғида ҳам ҳар жойда емишбон ўт-ўлан кўринар, ирмоқ аллақачон қуриб қолган бўлса ҳам, бир-икки чақирим нарида бир кўл жилва қиларди. Одамлар водийга қадам қўйишлари билан бир тўда тошбақа ғимирлаб булардан ўзларини четга олди. Сал нари бориб, янги келган бу келгиндиларга зийрак ва хушчиroy кўзлари билан қизиксиниб қарашди. Бу кўринишдан кўп мароқ туйган Чигатоевнинг энди сокин ҳаёлидан шу дамда умидвор ўйлар кечар, илло, машаққату мусибатлар аро кечиб ўтган ҳаёт яна азалий ўзанига қайта

бошлаган, одамлар қалбида саодату иқбол кўшқини бор этиш фурсати яқинлашмоқда эди.

Ойдин иккиси Устюрт ичкарасига, олисда кўринган бежон ва яйдоқ тепаликлар томон йўл солишди. Ўша томонларда жар ёқаларидан дарахт ёки саксовул топиб келтириш эди ниятлари, чунки бошқа ашёлари бўлмаганидан, ҳеч қурса, ёғочдан хўжалик анжомлари ростлаб олинмаса бўлмас. Йўлда кўп уриниб қолмасин деб Чигатоев Ойдинни кўтариб олди. Қизнинг ёноқларидан, кўзу сочларидан меҳри жўшиб ўпди – бундан ўзининг ҳам қалбига баҳра кирди. Аслида ҳам бошқа ҳаёт ва ўзга вужудни ҳис этиб яшаш Назарнинг юрагига қувват, ғуссалар толиқтирган шуурига ором берар, бошқалар ички бисотида унинг ўзида бўлмаган ўзгача, сирлию малоҳати юксак, [муҳимроқ] нимадир бордек туюлар, худди бир замонлар Верани, ундан ҳам аввалроқ эса бошқа толиба қизни (Назарни еру кўкка ишонмай суйган, аммо хасталик умрини эрта адо қилган бир қизни) қўлидан тутгани каби, бу йўсин бирлашувлар унинг дардларига малҳам эди. Ойдин ҳам Чигатоевни маҳкам қучиб олган, бургутлардан хотира – бошининг чандиқларини ҳазирлаб силар эди. Назарнинг жонига қасд қилган ўша қушлардан бирини бир ўзи паққос туширганини ўйлаб Назар боши учун шу тарз интиком олганидан мамнун жилмайди Ойдин.

Бир кезлар қай бир қушми тумшугидан тушириб қолдиргану энди эса тошлоқ дара танҳолигида йиллари хисобидан адашиб, ёлғиз ўсаётган кичкинтой бир оғочни кесиб олиш учун буклама пичоқдан бошқа анжоми йўқлигидан кўп уринди Чигатоев.

Яшашга сайлаб олинган Устюрт водийсида икковлон кўп заҳмат чекинди; бошқалар тоғ нишабларида ўзларига ғору мағора қазиб, мудроқлари қўйнида ҳордиқ чиқаришди. Уйқудан ҳам ҳориган пайтлари эса тошбақа овлаб,

таомлар ҳозирлашди, аммо муттасил оч-наҳорлик билан ёрлашган томоқларидан ҳеч томоқ ўтмас, фақат ташналиккина кунда бир карра уларни кўл тараф ҳайдар эди. Чигатоев бутун сурувдан қолган уч бош совлиғу ёлғиз қўчқорни қора кунларга асраб қўйди. Ўлик ва тирикларини йўқлама қилиб кўрди, қавмда камомад чиқди – уч яшарли қизча йўқ эди. Суриштириб кўрди ҳамки, норасида бу қизалоқ қандай йўқолиб қолганини на ота ва на онаси, на бошқа биров билар, дармонсиз бечорани қачон довул учуриб кетгану қай ерларда қумлар остида кўмилгани бировнинг парвойига келмаганди...

Янги масканда биринчи бошпана қуриш маҳали етган, яна иккиси лой ташиб, ишнинг ибтидосини бошлаб юборишди. Чигатоев бошқалардан кўра тетикроқ деб Сўфён билан Ванька қарияни кўмакка чорлади, улар оз-моз ишлагандай бўлишди-ю, шу ёшгача ўйлаб ҳам охириги ўйига ҳали етмагандек чордана қурганча ўтириб олишди.

Ҳар қанча елиб-юурса ҳам, одамлар ҳеч ҳаракатга келмаётганидан хуноби ошган Чигатоев қавмни машваратга чорлаб, тирик ҳаётда яшаш ниятлари борми-йўқлигини сўради. Бировдан бирор сас чиқмади...

Ичида маънолари бетайин кўзлар ожизлик ва лоқайдликдан яна қайта юмилмаслик учунгина Чигатоевга зўриқиб тикилган ва бу нигоҳларда на бир маъно уқиб бўлмасди. Шу тобда ўз қавмига коммунизм саодати ҳожатсиз экани, билъакс, аёвсиз довуллар измида совурилиб, татом унут бўлмакдан улар умидвор эканини англаб Чигатоев юрагида оғриқ турди. Бутун ҳаракат-амаллари, барча умид-орзулари бефарқ бу чехраларга урилиб чил-чил синди. Биргина Ойдинни етаклаб бу ерлардан олисларга бош олиб кетмакдан бошқа чора йўқ энди. Унга ҳамон беҳисус бетуйғу кўзлари билан боққан одамлардан юзини буриб нари кетди, қумга юзгубан қулаб, бошини чангаллади.

Аммо юпун бу элатни ташлаб қайларга ҳам кетсин? Қайларга кетмасин, аммо уларни қаро тортиб, барибир яна қайтиб келажagini яхши билар, ахир, қадрдон бу элатни беаёв қисмат қаршисида партову ёлғиз ташлаб бўларми? Вужудининг бутун қувватини ҳашар ва саҳроларда, йўқчиликда исроф қилиб бўлган бир тутам йўқсил бу миллат яшаш маъноларини унутиб, шуур ва сезим, ҳавас ва ихлосини ҳам бой бериб бўлди; унинг хоҳиш ва истаклари бир карра бўлсин рўёбини топмади, уқубат тортавериb кўниккан бу одамлар кундалик абгор емишининг ночор қуввати билангина ҳамон тирик қолмоқда эди. Қавм кўксида жимитдек бўлсин қалб нушқути ҳамон топиларми ва қолдик бу парча билан тенг-тўш умумсаодат сари йўлдош қадам ташлаб бўларми? Ёхуд уқубатларда барча сезимлар соб бўлиб, охири йўқсилнинг бор бисоти – хаёл ва орзулари ҳам ўлиб битдимми?.. Инсон устидан ҳар қандай зўравонлик ва зулм аввало унинг қалбини вайрон қилиб, ўлимга тобора кўниктириб боришдан бошланиши, мазлум қул устидан шу тариқа ҳукмронлик муқаррар этилишини Чигатоев болалик хотиралари ва Москвада ўзи етишган билимларидан яхши билар эди. Мазлум шуури емирилиб, пировардида ҳуши беҳушликка, расолиги телбаликка эврилгунича кўнглига ғул солиб, қалбини сурункали мажруҳ этиш амаллари муттасил давом эттирилаверади. Ҳожанинг ўзи эътимод қўйиб топинган қалб ва илоҳга ширк келтириш асло кечирилмас, қулнинг қалби эса ёлғону алдовлар ва вайронкор меҳнат заҳматлари ичра эзгиланиб бораверар. Синфий кураш мазкур қулнинг қалбида қулай ором топган «муқаддас руҳ»ни мағлуб этишдан бошланади.

Чигатоев Ванька-қария Хивада бошидан кечирган бир воқеани эслади. Чолнинг айтишича, қайсидир бир кун масжид ҳовлисида бир товусни кўриб қолиб, тулупини ўрис савдогарга пуллаш ишқида қушни ўлдиришга қасд

қилибди. Шошилишда илоҳий бу паррандага отган тоши хато кетибди. Узоқдан кимнингдир шарпаси кўриниши билан янаям шошиб қолган Ванька ўтлар орасида қўлига нима илинган бўлса, ўшани чангаллаб товуснинг жамил бошини мўлжаллаб улоқтирибди. Савил қолгур товус бўлса улоқтирилган ўша нарсани ямламай ютиб юборибдию налид овозини бориға қўйиб лахтак-лахтак қичқира кетибди. Қушнинг разил қўшиғидан баттар саросимаға тушган Ванька унинг нозик бўйнидан бўғиб бисмил қилишға югурибди. Улгурмабди, қушнинг ваҳимасига ҳар ёқдан чолиб келган мусулмонлар уни ушлаб олиб, кўчаға тортқилашибди. Ана бошланибди шунда ур-суру оломонкалтак! Тепкилар билан обдон сийланган беомад қуш ўғрисини ўласи қилиб уриб, охири ўлди деб ўйлашибдию сувсиз ариққа ташлаб кетишибди. Оломон дўппослаётган пайти юзини қўллари билан тўсиб, анқиётган ҳиддан билсаки, илоҳий товусға улоқтиргани ўтлар соясида қолиб, яхши қуриб улгурмаган бировнинг нажаси экан. Жони ёниға қолган Ванька бир амаллаб ариқдан чиқиб олибдию ўшандан буён учаётгани борми ё ўтирганими, дуч келган қушға нажас улоқтириб юришни одат қилибди. Йиллар ўтиб тириклик ташвишларида охири кўнгли совиб, бу қилиғини тарк этибди.

Чигатоев боши устида бировнинг оғир нафаси эшитилди, қўйлардан бири ёлғиз ётганиға қизиқсиниб келдимикан деб ўйлади. Жонивор Чигатоевнинг қулоғини оғзига олиб, тишсиз милклари билан чайнагандай уқалай бошлаганида бу Амударё мансабидаги қавмнинг аввалги манзилида ўзи дуч келган ўша баджаҳл, аммо бемажол кўппак эканини англади. Сахро тараф одамларға эргашмай, қаровсиз қишлоқни кўриклаш масъулиятида бир ўзи қолган кўппак охири ёлғизликдан зерикиб, афтидан, аввал яшаган Сариқамишиға тикка йўлдан чолиб келган-

га ўхшарди. Бу ҳам ором олсин дея Чигатоев итнинг бошини ерга қадади. Ҳолсизликдан бутун вужуди дир-дир титраётган кўппак ювошланиб Чигатоевга ёндош ётди. Кишимсизликда одамови бўлиб ёввойилашган қари жонивор шу алфозида мусибатларга тўлуғ умрига қай йўсинда чек қўйишни билмас, балки борликда борлигига чидам билан қаноат қилар, мавжудлигининг ҳузур-халоватидан ҳали умидвор, илло, озиб-тўзиган абгор танаси замирида ва кулфатлар таслим этмаган сабру бардошида ҳали хайр кўринар эди.

Кўппак Чигатоев ёнида уйқусига кетди. Ойдин икки чақирим наридан бурдукда сув ташиб, ёлғиз ўзи сарпоячан лой тепалаш билан машғул бўлди. Чигатоев уйғониб, атрофида унинг ҳушига қайтишини кутиб ўтирган одамларни кўрди. Ораларидаги энг кекса Сўфён кўппакни нари туртиб, Чигатоев қулоғига эниб дедик, қалбини атай унутган бу одамлар энди нима қиларини билмай гирёну ҳалак, юракларининг ожиз тафтидангина ҳамон тирик бу элатга таомларнинг сайланмаси ҳам энди даркор эмас.

Кўппак бу дам маъюс кўзлари билан одамларга суқланиб боқар, қарашларида буларнинг бари тезроқ ўлсаю жасадларини тишсиз милкларида эзгилаб, таъмларидан ҳузурланиш истаги яширин эди. Аслида, саҳро қўйнида маълум масофа сақлаб одамлар изидан ҳеч қолмаган бу ит йўл-йўлакай ўликларни еб кун кечирган, кундузлари йиртқич паррандаю даррандалардан сақланиб, кумларга қўмилиб ётиб юрган эди. Сўфён яна Чигатоевга юзланди:

– Сенинг ўйларингда хайр йўқ. Яшаш қўлидан келади бу элатнинг, лекин мумкинмас, бу ясоқ. Мойлари билч-билч палов еб, сўнг кўнгли шаробхўрликни тиласа, ғариб баданини иситишга гуппи чопону фароғатда яшашга ораста кулбани ихтиёр этса – бегоналар келиб, бунинг барини буларга тортиқ этиши мумкин: истарсан, мана сенга

шаробу гурунч, тиларсан – бир сурув қўй-қўзию умрининг барча саодати сенингдир...

– Осмондан чалпак ёғилмас, бебилиска ҳемир берилмас, – жавоб қилди Чиғатоев.

– Авваллари оз-моздан бериб туришувди, – сўзидан қолмади Сўфён-чол. – Бойларникида бир пайтлар ҳашарда тер тўккан паллаларимиз бир кафт гуруч билан битта-яримта чуррак, эски чопону бахшининг оқшом қўшиқлари бисотимизда бўлгич эди...

– Жужуклигимда онам ўз ризқингни ўзинг излаб топ дерди. Бир тишлам нонга зор ўлиб кетаверардик.

– Шунақа, бир тишлам нонга зор эдик, – Назарнинг сўзларини такрорлади Сўфён. – Ҳеч вақоимиз бўлмаса ҳам, лекин нафсимиз кўп нарсаларни талаб этарди: бир кўра совлиқ, тунларга яроқли хотин, ариқ тўла зилол сув – жонимизнинг бир чеккасида ўз бахтимизни авайлаб сақларга бўш жойимиз ҳамиша бор. Бир ютум томоқ учун тонг аввалидан тун бошигача тер тўкиб, ичдаги кемикларимиз ҳам қуриб, толиқди.

– Золимлар жонингизни ўзингизга бегона қилишди, – деди Чиғатоев.

– На эвимиз бор эди? – жавобланди Сўфён. – Ўлар ҳолатимизга қадар захмат чекиб, базўр бир урвоқ ҳаққа етишсаг-у, сен чамалаётган бахту саодатга ўлсак ҳам ета олмасмиз.

Чиғатоев оёққа қалқди.

– Бизга битта ҳаётнинг ўзи етарли! Жонларимиз исканжадан қутулиб, энди оламда осуда бўлди, бошқа не керак бизга?!

– Бизнинг ҳам қулоғимизга етишди бу гаплар, – бепарво сўзланди Сўфён, – қонимизни сўриб келган бойларнинг қулоғи остида қолиб бари энди асфаласофилинда. Лекин қавмингга разм солиб боқ, – шу сўзларни айта Чиғатоев-

нинг Москвадан хотира эски бошмоғини силаб қўйди Сўфён, – булар бари юрак олдириб, яшашни унутиб бўлишди. Яшашга ишқию ишончи йўғидан қудратли ва бахтиёр бошқалар келиб, яна азоб бермасин, бисотида қолган бир пайса жонини ҳам тортиб олмасин дея ўзларини атай ўликка солиб ўлимтик юради бу шўринг қургурлар.

Атрофидаги одамлар билан Сўфён ортига қайтиб кетди. Сўнг Чигатоев Ойдин олдига бориб, кечгача яна бирга тер тўкишди. Хориган қизни курук бир мағорага пана ётқизиб, ўзи яна ишга тутинди, биринчи кулба гишталари учун сомон лой қориш билан андармон бўлди. Ён-атрофидаям, бутун водий саҳнида ҳам бировнинг қораси кўринмас, кўринишидан, одамлар тошбақаю кўлда балиқ овлашга тарқаб кетишганмиди. Чигатоев ҳеч чарчоқ билмай, борган сари оқилона меҳнат билан банд эди. Тун ярмида нишабликдан тепага кўтарилиб, одамларни излаб атрофни кузатди. Самода баланд ўрнашган ойнинг равшан нурларидан атроф чароғон, кимсасиз Устюрт узра сочилган ёрқин шуълалар тоғларга тўқнашиб Сариқамиш ботиғини кўланкага чўмдирган. Сариқамишни ортда қолдириб Эрон тоғлари қадар йўналган соғинчли саҳро устида ой нурлари яна бор қувватини намоиш этиб кўркамлашар эди. Қўшни дарада ўтлаб юрган уч совлиқ билан тек қўчқор қамғоқ тўпларини титкилаб ўзларига яшил ниҳол излар. Устюртнинг қоронғу кўланкасида, Сариқамиш дебочасида, кичик бир гулхан тиллари ҳилпирар, нарироқда ястанган кўл узра эса билинар-билинемас туман муаллақ осилиб қолган. Чигатоев тепаликдан эниб, ўша гулхан тарафга юрди. Ярим соат ўтиб-ўтмай келиб қарасаки, аста ёнаётган эринчоқ олов атрофида элатнинг бари жамулжам. Ажибу ғаройиб қўшиққа жўровоз бўлаётган одамлар Чигатоевни сезишмади. Назар қўшиққа кулоқ солди; болалигида онаси ва бахшилардан тинглаганларининг бари

хушоҳанг, аммо ғурбатларга тўла ва ғамгину маънос бўлгич эди. Шу тобда булар берилиб куйлаётган ва беихтиёр тўлқинларида оқиб бораётган бу куй ва бу алёрнинг маънолари тушуниксиз, ҳис ва туйғулари бегона, аммо адоқсиз қайғуларидан безиб бўлган бу элатга айна муддао қўшиқ эди. Умумий жўровозга ҳатто онаси ҳам тортиниб, астагина улуш қўшаётгани билинди. Қўшиқда мана бу сатрлар куйланмоқда эди:

*Топиб таваллуд ҳамнафас-ҳамдам,
Ҳижронларни қувиб мудом ҳар дам,
Сабоҳлар сипқориб ҳаёт шарбатин,
Сурур-ла туяرمىз чошгоҳлар ифторин.
Ишқ шаробин кўрармиз баҳам,
Сурур жомин сипқориб шому саҳарлар,
Куйлариз чаппар уриб бирга алёрлар,
Қалбимиз бизнинг денгиз беором,
Асир этмиш бизни ишқ беомон...*

Қўшиқ тугади. Ванька-қария ўтни ковлаб, чўғлар ичидан балиқларни олиб татиб кўрар, ҳали пинмаганларини яна ўтга ташлар эди.

Ўзини сездирмасдан Чигатоев келган жойига қайтди. Ишининг давомини боғлаб, осмонда ой соб бўлиб, ўрнида қуёш мўралағунича тиним билмай гишту гувала тўқди. Гулхан атрофидаги одамлар ҳам тун бўйи мижжа қокмай қўшиқларини куйлаб чиқишди, кекса ёшию ўтмиш ғуссаларини тамом унутиб, Ванька давра ўртасида гир айланиб рақсларда чаппарлар урди. Кеча кечиши билан уйқу палласи ҳам ўтиб бўлганидан Чигатоев ишини бас қилгиси келмади, лойдан қуришиб ясалган қолипларда гишт қуяркан, қалбининг бутун қувватини бериб, ҳаётининг чексиз иштиёқи билан ҳеч тиним билмади. Ойдин ҳалиям ухлаб

ётар, Назар ора-сира ундан хабар олиб келар, пашша-чавинлар оромини бузмасин деб устини ўт-ўлан билан ёпиб қўярди: келгуси узоқ умри ҳаққи уйқусида беармон униб ўсаверсин. Тушга яқин Чигатоев олдига Ванька келиб, Ойдин лахтаклардан тикиб берган иштонини ечди-да, индамайгина Назарнинг ёнига кириб, озғину дағал оёқлари билан тепиб-тепкилаб сомон лой қорий бошлади.

16

Кузга бориб Устюрт водийсида атрофи яхлит дувол билан ўралган пахсали ихчамроқ тўртта уй тайёр бўлди. Ойна йўқлигидан даричалардан холи бу кулбаларда илк бор шамол ва изғирин совуқдан, қанотлиқ қанотсиз бари газандалардан омонликда бутун элат жойлашди. Зимистон чордевор хилватида яшашга ҳеч кўниқолмай бўтилган бандалар ҳадеганда далага чопиб, юрак чигилларини ёзиб, мусаффо кенгликлар ҳавосидан тўйиб нафас олар, табиат манзаралари билан нигоҳларини обдон сийлаб, сўнг ноилож яна дилгир кулба ихтиёрига қайтиб келишарди.

Чигатоев таклифига биноан янги овулда эмакчилар шўроси таъсис этилиб, унга қавмнинг барчаси, чунончи, фаол қиз Ойдин ҳам тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киришди, кўпни кўрган кайвони Сўфён эса раисликка сайланди.

Шу кундан эътиборан Жон элати ҳам ортидан измаиз таъқиб этган ўлим хаёлларидан қутулиб, жаҳондаги бошқа халқлар сингари меҳнат қиладиган бўлди, саҳро ва кўлларда, Устюрт тоғларида сочилган ризқ-насибасини териб, эмин-эркин умрини саодатли меҳнатда зийнатлай бошлади. Чигатоев яна бир муҳим одатни – қавм дастурхонида ҳар куни албатта тушлик овқат бўлишини ҳам жорий этдики, ер юзи бандаларининг аксари оч-наҳор кун

кечиришию фақат сайланма тоифа иссиқ томоқни одат қилгани унга яхши маълум эди. Хўжалик юритишнинг хўб ҳадисини олган жонсарак Ойдиннинг боши иккию оёғи тўрт бўлиб қўли қўлига тегмади, ҳар бир одамга вазифа белгилаб чиқди, уларни атроф-депараларга йўллаб, емиш-боп ўтлару майда балиқ, тошбақаю бошқа жониворлар тутиб келишларини йўлга қўйди; ўзи бўлса Гулчатоё билан эш-қўш илдиз туйиб, нон ёпишга ун ҳозирлар, дам-бадам қўл бўйига қўнаётган қушларга тузоқтўр ясашни Сўфёнга тайинлашни ҳам эсидан чиқармасди. Яшаш масъулиятини сидқидилдан ҳис қилмай, ризқланиш мажбуриятларига панжа орасидан қараётганларни кўпчилик олдида астойдил изза қилар, яна озгина ўсиб олай, дерди шунда қаҳри жўшиб, ана ўшанда кўрасанлар, бир дунё одам туғиб ташлайман, уларимнинг шижоатини кўриб шармандаи шармисор бўласанлар ҳали, муштдай бир қизнинг қўлига қараб турадиган сенлардака ожизу нотавон, пандавақи бўлмайди улар; ўлай деб оналари туғиб қўйса-ю, яшайми-яшамайми деб нозланишига ўласанми буларни; ҳали қараб турларинг, Назарга айтиб ҳамманг сиғадиган бир ўра қаздирмасамми – яшашни истамаганинг тушиб ётаверасан!

– Бахтиқаро, шўрпешона бандалар бизга керак эмас, – дер эди яна Ойдин, – кўзингни битта-битта ўйиб, деворга илиб қўяман мунчоқ қилиб, қараб ўтироврасан кейин ғилай кўзинг билан!..

Ўз қавми яшай бошлаган оддий ва юпқақўл ҳаётдан Чигатоевнинг барибир кўнгли тўлмас, бебахт банданинг замирида таваллуд палласидан пинҳон бахту иқболи ташқарига йўл ахтариб, ниҳоят, ҳаракатга дўнишини ва бу ҳаракат барча ғуссаларини кунпаякун этажак бир тириклик қудратига менгзашини истар эди. Башариятнинг умумтуйғуси ҳам, илм-фан закоси ҳам ягона ва энг муҳим шу

нарсa ҳақида қайғурмасми, ахир? Инсон қалбида, юрагининг олис пучмоқларида муттасил уриб, ташқи ҳурликка талпинаётган банди руҳни, зиндонбанд жонни тезроқ халос этмоққа ошиқмасми улар ҳам? Аммо бирпас ҳаялланса, маҳбус бу полапон юрак чангали ичра бўғилиб, мангу хор ва зор қолмасми?..

Ҳадемай биринчи қор ёғиб, егулик топиш қийинлашиб қолди. Тошбақалар инларига беркиниб, қиш уйқусига кетишди; қушларнинг адоқсиз узун карвонлари ҳов анави олис пастликларда элас билинган кўл ва сувлоқни назарига илмай, бир дам кўниб ўтарми дея бунда қушларни интиқ пойлаган бандаларни тўғотмай, жануб томон Устюрт устидан учиб ўтди. Емишбоп илдизлар музлаб, таъми йўқолди, кўлдаги балиқлар ҳам сув туби ҳобгоҳларига йўл солди. Бу ҳолатларнинг бари бир бўлиб халқнинг аҳволи танг бўлмасидан бирор чора излаш лозим эди. Чигатоев Хивага етиб, овқат-озик омборларидан бутун қишга етгулик қарз-ҳавола келтиришга қарор берди. Бир аҳволга келиб қолган кийимларига йўл олдидан Ойдин ямоқ солди, ўзи эса бошмоқларига қўлбола мих уриб, қўй тери ли қайиш билан бутлаб олди. Ҳамма билан бир-бир хайрхўшлашиб, Сариқамиш чуқурига сўнг эниб кетди. Манзилга уч кунда етиб боришини чамалаб тақчилликда тишга босар нарсасиз йўлга тушди.

Чигатоев олисларнинг дудли ҳаволарида эриб кўздан йўқолган пайт тоғ нишабида ёлғиз қолган Ойдин чакноқ қора кўзларидан қайноқ ёшлар оқизиб йиғлар, Назар ортга қайтиб келмас қабилли ғуссага чўмиб борарди. Кунлик рўзгор ташвишларига яна муккасидан кетиб, Назарнинг қайғусига бошқа фурсат тополмади – одамларни ҳаётда тирик сақлаб туриш масъулияти бутун фикру ёдини машғул этди. Фақат гоҳида, юмушлар орасида, далага кўнгил қўйиб олислаб кетган боласини эслаган кампир

каби киши билмас хўрсиниб кўяр эди. Тирикликда яшаш фазилат эканига ҳалиям ишончи нокомил одамларда ҳеч ғайрат сезилмас, бойлар қўлида кўп эзилган бу бандалар борликда борлигини билмас, емиш лаззати ҳам уларга бегона эди.

Чиғатоев кетганидан буён Ойдиннинг ташвишлари яна кўпайди. Бироқ қиз меҳнатдан ҳеч қочмади, чунки, Чиғатоев уқдирганидек, бой ва боёнлар ҳаммаси ўлиб битган, йўқсиллар кўксига офтоб тегар маҳал энди келиб етган эди. Йўқсиллар ичра йўқсил бу қизнинг офтоби эса ҳали барчаникидан ёрқин чарақлаяжакдир!

Чиғатоев йўқлигининг учинчи кечаси Ойдин у ҳақида ичикиб, кўзларини йиғлашга чоғлади-ю, узоқ жарликлар тараф санқиб кетган қўйлар эсига тушиб, уни кейинроқ, ётар маҳали бафуржа қўмсашни кўнглига тутди. Қўйларни қайтариб келаётиб тушуниксиз ёруғлик кўзларини қамаштирди – пахса уйлар олдида аввал ҳеч кўрилмаган ўткир чироқлар кескин нурлар таратиб ҳар ёқни ёрқин шуълага буркаган. Юрагига гулу оралаган қиз ортига қайтиб кетмоқчи, қўйлар билан бирор ғордами ва ё олис жарда жон сақлаб, эртаси кундуз бу ҳодисанинг тушунчасини билмоқчи бўлди. Шу ниятда қўчқор шохидан тутди-ю, аммо қизиқини зўридан ўша ёруғлик манбаига маҳдиё бўлиб тураверди. Бу чироқлар баҳайбат махлуқнинг очофат кўзими ва ё олислардан – болшавойлар юртидан келмиш ажабтовур ашёми деб ўйлади охири қўйларни эргаштириб у томон одим солаётиб.

Чироқ ёнидан ўтаётган Чиғатоев жуссасини кўриши ҳамон унга томон чопдию соғинч ва қўрқувдан титраган қўйи оёқларидан маҳкам кучиб олди. Назар қизни даст кўтариб, уйга элтди, ўрнига ётқизиб, ўзи яна юкларни туширгани қайтди. Аслида, Чиғатоев бу машиналарни Хивага солган йўлининг иккинчи куни Сариқамишдан чиқар

жойда учратиб қолган, Тошкент кўрсатмасига мувофиқ ҳозирланган бу икки улов Хивадан тўрт кун илгари йўлга чиққан эди. Буларнинг бири гўштли консерваю қоп-қоп гуручлар, суқорнону унлар, дори-дармон ва лампамой, керосинчироқ, болтаю белкурак, кийим-кечагу яна бошқа моллар билан лиқ тўла, бошқа машинадан эса икки нафар одам билан бензин ва мойли бочкалар, турли эҳтиёт қисмлари ўрин олган эди.

Буларга Сарикаминш атрофларида ёки Устюрт билан Орол денгизи ўрталиғида кўчиб юрган Жон қавмини излаб топиб, барча чоралар билан кўмаклашиш буюрилган, тенгираб қолган у элатга дуч келинмагунча ёки битта қолмай қирилиб кетишган бўлса, бунинг шаксиз далиллари-ни топмагунча ортга қайтишлик ясоқ қилинган эди.

Тун ярмигача юклар тушириб бўлинди, шофёр билан экспедиция раҳбари уловларни йўлга ҳозирлаш билан овора экан, Чигатоев Жоннинг ҳолати борасида Тошкентга ҳисобот ёзишга ўтирди. Тонг-саҳаргача ёзувлари билан машғул бўлди. Мактуб хотимасида кўп йиллик кулфатлар силласини тамом қуритган бу халқ ўзини эпакага келтириб олиши учун имконият сўралган (егулигу кийгулик моллар тўла икки машина тимсолида ушбу имконият берилган, социалистик республиканинг мазкур ғамхўрлиги шарофати билан одамлар қишдан беталофат чиқиб олишларига асло шубҳа йўқ энди), энг муҳими, қавмнинг ҳар бандаси энг сўнгги мисқолига қадар исроф қилинган жонини қайта ундириб, тинкаи мадори соб бўлган вужудларини ҳам аста парваришлаб, ўзларига қайта соҳиб чиқмоқлари лозим; билъакс, ўтмиш умрда орттирилган бемадорлик булар юрагида тириклик туйғулари очилиб, шуурида онгли фикр куртаклари кўкаришига тўғаноқ бўлаверар.

Чигатоев тамомланган мактубни экспедиция раҳбари қўлига тутқазди, машиналар сўнггра Хива воҳаси тараф

елиб кетишди. Одамлар ҳали уйғонишмаган, Сариқамиш юзалаб ошпоқ қор тўшалган. Чиғатоев болта билан белкуррак олиб, Ванька қария билан Тойғонни турғазди – учовлон саксовул кундаковига йўналиб, тушга томон даста-даста ўтинлар билан қайтиб келишди. Ойдин манқалга ўт қалади, ҳали биров татиб кўрмаган янги масаллиқлардан қозонга босиб, тушлик таом яшашга уннади.

Консерва-эт билан гуруч оч курсоқларни бир зумда тўйдирди, тўйимли таомдан толиқиб қолган одамлар дарров ўринларига чўзилиб қолишди. Кечқурун яна бирор таом ҳозирлашни буюрди Чиғатоев, ўзи хамир қориб нон пиширди, чойу қахва қайнатиб, кўнгли қай бирини тусаганларга узатиб турди. Булардан ҳам ризқланиб, эртаси тушгача донг қотиб ухлашди бандалар. Умрининг бутун бўйи чалакурсоқ ва оч-наҳор яшаган одамларни дабдурустдан мўл таом билан сийлаш хатарли эканини Чиғатоев яхши биларди, аммо шу тобда бу боёқишлар қорнини тезроқ тўйдиришни истар, суяклари тезроқ кучга тўлиб, бошқа элатлар қатори буларда ҳам тирикликка эш худбинун мухофазақор сезимлар бош кўтарсин дея ҳаприқар эди.

Кейинги сафар Сўфён-чол ошпазликка ўтди. Хоразм бойларининг базми жамшидларини эслаб, ёдаки тўкин таомлар пиширди.

Одамлар ҳар бир ушоқни авайлаб, безикна, лозимат юзасидангина таомланишини кузатиб Чиғатоев завқлар, захматли меҳнат эвазига неъмат етиштириб, энди буларга ризқ-насиба қилиб йўллаган олис одамларнинг чехра ва қалбларини хаёлларида жонлантираётган каби ҳалим ўйлар сураётгани Назарнинг қалбини тўлқинлантирар эди.

Чиғатоев ҳадемай етиб келажак бузург дамларни қаноат билан кутиб яшар, келажак ўша дамлар келажакки, барчага баробар саодатли ҳаёт барпо этиш учун астойдил

бел боғлаяжак, ўшанда умрларга мазмун иниб, юрак қайгулари ҳам тамом улоқтирилажак. Аҳён-аҳёнда онаси билан суҳбатлашар, ўглидан бирор нарса тиланишни энди бас қилган она ҳам меҳрнинг олис аломати билан Назарнинг оёқ-қўлларини силаб ўтирарди. Гулчатойнинг эгик бошини тиззасида тутган Назар вужудининг туб ичларида авайлаб, уни бир замонлар ҳаётга уйғотган абгору ночор бу хилқатнинг энди армонларини аритиб, қалбига юпанч ато этиш чорасини ўйлаб дили ўртанар эди. Айни дамда, онаси Ойдиннинг таъна-маломатлари ортидангина ўғли ҳақидаги ўйларини ҳаёлида бор қилар, юрагининг ичларини ахтариб Назарга йўналган хотираю туйғуларини барибир тополмай, айбаки кўзёшларини пинҳона тўкиб оларди. Шу сабаб кампирнинг шу онда ўғлини силаб-сийпашларида, аслида, оналик меҳри асло билинмас, илло, бегона кимсаларга ҳам хашаки бу ардоқлар раво эди.

Кўп ўтмай кунлар янаям совиб кетди, шундан тежамлаб фақат бир уйга ўрнатилган манқал обдон қизитилиб, бира-тўла ҳар турли таомлар ҳозирланди. Устюрт баландлигидан эсаётган кучли шамол яхлаган қор парчаларини муттасил овул тараф уфурар, жониворларга юраги ачишган Ойдин кўйларни ўз кулбасига қамаб, бирга яшай бошлади. Чигатоев кўлга қатнаб, кўлбола чанада беш бурдук тўла сувни кўп қийналиб, тобора қутураётган қорли шамолга юзма-юз базўр ташиб келтирди. Биргина сув келтириш машаққатлари жонидан ўтиб кетган Назар олам узра ёйилган эртаки киш қоронғилигию сал бўлмаса шамол улоқтириб юбораёзган Сариқамишнинг ўлик чуқурлиги томон боқиб айрича ҳаёт, бошқа муҳим тирикликнинг шитоб заруриятини яна бир карра англаб етди.

Эшик оғзидан ташқарига чироқ шуъласи тушиб турар, турли томоқлар жой олиб, оромланган курсоқлари ортидан одамларнинг ўзлари ҳам энди уйқуга шайланиб,

ўринларида бесаранжом ғимирлашади. Янги идиш-товокларни жаранглатиб нушқутлардан тозалаш оворасида банд бўлган Ойдин ҳаммани бир уйга жамлаб, тиқилинчда иссиқ ётишга даъват қилади.

Соат олтиларда барча бир кулба бағрида, бир-бирининг пинжига суқилиб, хушбахт уйқуга кетишди. Ўтиришга жой бўлмаганидан Чиғатоев тик оёқда овқатланиб олди. Ойдин қўйлар қамалган уйга йўл олди, Чиғатоев ҳам сал кейин қиз ортидан кетди.

Эрталаб қор бўрон турса ҳам, атроф илиқланди. Кун ёришганига қарамай, умумий ётоқда ҳали биров уйғонмаган, Ойдин ҳам қўйлар тафтида ҳали мудроқда ётарди. Ўзининг яширин ўйлари ҳеч тинчлик бермай мижжа қоқмаган кўчқор Чиғатоевга талмовсираб тикилиб қолган. Уйқусини кўзи қиймай Ойдинни холи қолдириб одамлар орасига қайтди. Чироқни ёқиб, чехраларга назар солди. Худди тун бўйи ҳам ўрнидан мисқолча кўзғолмаган каби ҳамма кечаги алфозида қимир этмай ётар, лабларида бўлса табассум сурати қотиб қолган. Сўқир Мулло-Черкаснинг кўзлари очиқ, аёлини қизганиб, бир зум назардан қочиргиси келмай Гулчатоининг белидан маҳкам қучиб олган. Не сабаб биландир Оллоҳ деган исмга раво кўрилган форсий мўйсафид нимочиқ кўзлари билан аллақайга тек қараб қолган, бу банда нималарга боқиб, қай бир ўйларини хаёлида сурмоқдаю қалбининг майллари не эканини Чиғатоев ҳеч англамас, эҳтимол, қариянинг ички истаклари айнан уникига эшдир ва ё ўзига аён тамом терс майллар ичида пинҳонмиди?

Чиғатоев бутун кун бўйи Ойдин ёнида ўтириб, юзларига термилди, узоқ уйқу давомида навқирон бир қизиллик қизининг бутун ёноқларини муттасил ишғол этиб бораётганига гувоҳ бўлди. Оппоқ қор билан ўйнашиб, қиш мусаффолиги узра истаганча ўмбалок ошиб кўнгил чигилини

ёзишсин дея қўйларни далага бўш қўйди. Кейин кизнинг жимиртак қўлларида тутди, шонли болшавойлар фирқаси ожизу нозик бу хилқат муҳофазасида мустаҳкам экани, Назарнинг ўзи ҳам айнан шу юздан бу жойда ҳозир экани борасида шодлик ўйларига берилди.

Оқшом тоборасида базўр уйғонган Ойдин тура солиб Чигатоевга маломатлар ёғдира кетди:

– Эртароқ уйғотсанг бўлмасмиди? Бир кунлик умрим хайф бўлди...

Чигатоев эса бошқалардан хабар олиб, ҳаммасини бир-бир [туртиб] чиқишини тайинлади – негадир ҳалиям ўринларидан турай дейишмайди. Ойдин дарҳол ғазаб отига миниб, бакир-чакир билан қўшни кулбага чоңди. Этлари совуқдан увушиб туриб кетишар деган ўйда эшик оғзидаги бўйрани даст кўтариб қўйди. Аммо уйқуда ухлоклар бунга парво қилмас, бир-бирлари пинжига яна жинсроқ суқилиб, мийиғларида жилмайиб, ўликдай ётаверишди.

Иккинчи кеча ҳам ўтди. Эрталаб Чигатоев ухлаб ётганларни яна бир назардан кечирди. Барчасининг чехраларида зоҳир ажабтовур эврилишдан таажжубланди – тирилиш таъсирларидан юзларига қон югурган Ванька-қария қирқ ёшли қирчилламага ўхшаб қолган, тўридан кўра гўрининг оғзида ўтирган Сўфён-чолнинг ҳам қиёфаси энди мулоийим тортиб, дийдорида ҳавас ва рағбат аломатлари жилва қила бошлаганди. Олтмиш яшар Қора-Чўрманинг танаси тўлишиб, қизил ёноқлари лал-лал ёнар, кўп кезлар сувсизлик ҳолини хароб қилгану йўлининг ниҳоясида чашмага дуч келиб, энди ташналигини обдон қондираётган каби баҳузур ҳаволардан тўйиб сипқорар эди. Аммо биргина Гулчатойнинг юз ифодаларида ўзгариш сезилмас, шундан Чигатоев онасига эгилиб боқди – кўзлари чўкиб, ёноқлари қорайган кампир чехрасига қаро ер муҳри урилган, тоғлар

чечаги – Гулчатой тирикликка қайтиб уйғонмаслиги аломатлари равшан зоҳир эди. Мулло-Черкаснинг қорачикларида худди шуурининг олис пучмоқларидан сизиб чиқаётган каби элас учқунлар пайдо бўлган, кўзларига тириклик қайтдими деган ўй хаёлидан кечди Чигатоевнинг.

Кулбани иситиш учун Назар манқалдонга ўт қалади, энди қўли бўшаб, атроф-депарани сайр қилгани Ойдинни етаклади. Изғирин бўрон тундаёқ тинчиб қолган, фақат издихомидан қолиб, йўлларда адашган яккам-дуккам қор ҳамон учқунлаб турар, Устюртнинг урдун саҳилари узра қуёш бардам бош кўтариб келар, офтобнинг шодон шуълалари мангу фароғат ваъдалари ила жилваланиб, кўзларни қамаштирар. Қаъридан тошиб келаётган шодлик завқлари Ойдин лабларидан завқли қаҳқаҳа бўлиб ташқарига тошар, қиз оппоқ қор устида ўмбалоқлар ошиб, олисларга югургилаб қочар, қор ўраларига қулаб атай пусиб олару уни излаётган Назарни доғлаб, туйқус ортидан бўйнига осилиб қолар эди. Охири Назар ўйинқароқ қизни даст кўтариб олди-да, жарлик томон чопиб кетди. Назарнинг ниятини билиб:

– Истарсан, ташлаб юборавер, ўлиб-нетиб қолмайман!
– деди Ойдин.

Қайтишда қиз Чигатоевга эшу ёнма-ён юриб келди.

– Назар, одамлар нега бунча узоқ ухлашяпти? – деб сўради.

– Ухлайверишсин... Ҳали-замон улар албатта уйғонишади тирикликка.

Ойдин ўз ўйлари билан ўйланиб қолди.

Кулбада манқал ҳали совимаган, шундай бўлса ҳам, Чигатоев яна ўт қалади. Ойдин иккиси ҳамма учун, эҳтиёт шарт, таом ҳозирлашди.

Оқшомга бориб айримлар уйку чопонини қоқиб аста туриб кела бошлашди. Биринчи бўлиб Сўфён, кейин Вань-

ка билан Мулло-Черкас ўринларидан туришди. Ярим тунга томон ҳамма узок уйқудан уйғоқ бўлди-ю, биргина Гулчатоё ўрнида қолаверди – тоғ чечагининг жони узилган эди.

Чигатоев онасини яшовчилардан холи, совуқ бошқа кулбага элтиб, хас-хашак ўринга ётқизди. Узок тушдан сўнг иссиқ кулба бағрида ўзига кела бошлаган қавм таомланмоққа ўтирган маҳал Чигатоев онасининг майити ёнига ёнбошладию шу заҳоти уйқу тарафлаб кетди.

Одамларга овқат улашаётиб қўш кунлаб ухлашни биласанлар-у, биттагина умрингни яшай олмайсанлар қабилда Ойдин уларга таъна-дашном қилар, бундан завқи жўшган Ванька-қария бўлса хохолаб кулар эди:

– Мана энди яхшилаб ўлиб берамиз! Яхши қол энди, қизгина-қизалоқ...

Одамларнинг қорнини тўйғазиб бўлиб Чигатоев марҳум онаси билан ётган уйга кетди Ойдин. Кулба бурчагига ёнбошлаб бу ҳам тезда ухлаб қолди. Тонг билан уйғониб, рўзғор вазифаларининг давомини улашга одамлар ёнига қайтди-ю, бу ерда ҳеч кимни топа олмади – кулба одамларсиз хувиллаб ётар, бошқа уйларда ҳам ҳеч зоғ кўринмас эди. Хавотирланиб буюм-суюмларни бирма-бир назардан кечириб чиқди, Хивадан келтирилган озуқалар омборига ҳам бош суқди – кеча ўзи тушликка деб олган консерва кутилари жойида турибди, ҳамма ашё ўз ўрнида, ҳеч нарса йўқолмаган. Гуруч ва ун қопларига ҳам биров тегинмаган. Ҳотамтойлик қилиб ҳисобини юритгиси келмаган тамаки билан гугуртдан оз-моз олингандир, аммо булар айтарли муҳим эмасди.

Сўнгра атрофни яхшироқ кўриш учун нишабликдан юқорилаб ясситоғ устига чиқиб борди. Жуссасиз қуёш атрофни малолсиз ёритиб турар, Сарикамиш ва Устюрт тепаликларида ястанган қорлар бунинг нурларидан жи-

мирлаб кўзни олади. Енгил шамол эсиб турса ҳам, тиник осмон тарафлардан илиқлик ёғилиб, атроф-кенгликлар хушвақт кўринарди. Ойдин ёруғликдан кўзларини пана қилиб йироқларга тикилди, ҳов олисда бир-бирларидан ажралиб алоҳида бораётган нафари тўрт одамга кўзи тушди. Бири Сарикамишни ортда қолдириб кунботар тарафга йўл солган, бошқаси Устюрт этакларидан Амударё томонга юрар, бошқа икков ҳам айримлашиб тун қўналғасини кўзлаган кўйи тоғлар оша олис яссиликлар томон сингишиб кетар эди.

Ойдин ортига қайтиб, Назарни уйқусидан турғазди. Чиғатоев бир канча чақирим йўл юриб, дунёнинг чор тарафи кафтдек кўринган юқориликка кўтарилди. У жойдан баланд боқиб ўн-ўн икки чоғли одам ҳар бири ҳар тараф – оламнинг ҳар ўлкалари томон ёлғиз йўлларини ихтиёр этганларини кўрди. Айримлари Ҳазор денгизи томон, бошқалари Туркманистонун Эрон тараф, бир-бирларидан узоқлашиб кетган яна икковлон эса Чоржўй ва Амударёни қора тортиб кетишаётир эди. Устюрт орқали тепа тараф билан ўнг қўлни кўзлаб йўлга чиққанлару тун бўйи кўп олислаб кетганларни илғаш эса энди имконсиз эди.

Чиғатоевнинг ичидаги хўрсиниқ лабларига табассумни етаклаб чикди: ёлғиз қалбининг пучмоқларидан, маҳдуд шуурининг эҳтиросларидан бу жойларда – бир замонлар қиёматга сахна бўлган Сарикамиш ўлкасида илк бор чинакам ҳаёт иншо этмоқни орзулаган эди у ахир. Аммо ҳар каснинг ихтиёри ўз илкида. Уларнинг барини тирикликда асраб, келгуси ўз ихтиёрлари учун авайлаб нарваришлагани кифоядир, олислаб бораётган ҳов ўша уфқлар ортида энди ўз бахтларини ўзлари излаб топсинлар, ўз иқболига ўзлари сохиб чиқсинлар...

Юраги толиб, аста ортига қайтар чоқ йўлда, аламми ва ё шукуҳ туйғуларидан ҳўнграб йиғлади.

Бир тутам бу элат бошига тушган барча кўргилик ва кулфатларга қасдма-қасд, саодатли ҳаёт аста бошланиб, бахтли турмуш ибтидоси оёққа туриб келмоқда эди деган ўйлар ҳаёлидан кечар, уфқлар ортида ястанган бошқа юртлар каби тўрт кулбали жимитдек бу қавмнинг ҳам толе қуёши порлаб чиқиши, шаксиз, имконлидир дея ўйлар эди. Йўлида учраган бир дайди қамғоқни қор қўйнидан халос этиб, онаси ётган уйга олиб келди. Бир замонлар онаси уни олис йўлга кузатиб чиққани каби, шу дамда энди Чиғатоевнинг ўзи волидасини кузатмоқда эди.

Бежон кампир қаршисида бурчакка қадалиб бу дам Ойдин ёлғиз қолган, майитдан ҳадиксираётган бўлса-да, айни пайтда, жасаднинг қаърида кўзга кўринмас қай жараёнлар кечаётганига қизиқсиниб ўтирар эди.

– Назар, – деди қиз, – истасанг, онанг учун йиғлаб бераман.

– Ҳожатсиз, – деди Чиғатоев. – Бундан кўра қўйларни сугориб кел. Кетганлар билан хайр-хўш қилдингми?

– Йўқ, ухлаб ётгандим, – жавоб қилди Ойдин. – Лекин кета туриб Ванька менга сўзланди...

– Нима деди у?

– Хайр, қизгина, деди, хуш қол. Путларимиз қимирлаб, сафарларни ихтиёр қиляпмиз, қурсоқларимиз ҳам эмин ҳаволар сипқораётир, тирикликда яшаш дами келди ўхшар. Шу холос, бошқа гап айтмади.

– Сен-чи, бир нима деддингми?

– Эшакдаям оёқ бор дедим.

– Бу нима деганинг?

– Ҳаёлимга шу гап келди, холос.

Ойдин қўйлар ҳолидан хабар олгани кетди. Чиғатоев эса белкурак кўтариб ясситоғ бағрида қабр қазинга йўл олди. Кеч тушганда қайтиб, онасини тупроққа қўйиб келди. Кечагина бутун бошли элат исиниб ётган кулбани то-

залаётиб Ойдин ўзича беихтиёр кулиб қўйдики, Мулло-Черкас ҳам ивирсиб кетиб қолди-я, беармон таомланиб, энди бунинг ҳам сўқир кўзлари ярақлаб очилиб қолдимикан?..

17

Чиғатоев билан Ойдин иккиси шу ерда – тўрт кулбали овулда қишлайдиган бўлишди. Ўзи бош-қош бўлиб, қайғуриб қараб юрган одамларининг баридан бирваракай айрилиб қолган Назар энди уззукун хувиллоқ Устюрт ёнбағирларида ёлғиз талмовсираб юрадиган бўлди. Одамлар кетиб қолгани билан, Ойдиннинг барибир қўли қўлига тегмас, бир таом тайёрлаб, бир кийим-кечакларни ямаб-созласа, бундан ортганига қўйларнинг сув-ҳолидан хабар олиб, тағларини тозалар, ора-сирада далага чиқиб Назарни йўқлаб турардики, сўққабошлигидан зерикиб, бу ҳам йироқларга бош олиб кетмасин дея ҳайиқар эди. Аммо Чиғатоев қочқин элатига қайғуриб, усизликда узоқ ичикиб ўтирмади; фақат ўз юртига бегона бўлганидан дили доғланиб, туғишган элати ўзининг энг кенжа қизи иккисини саҳрода етим қолдириб, ўз хотираларидан улоқтириб юборганини тушунолмаб бир неча кун ажабланиб, тентираб юрди. Чиғатоев бу йўсин лоқайд фаромушликни астойдил тушунмас, аллақачон ўлиб кетган бегонаю мажхул одамларни, ҳатто унга мутлақо дахлсиз ва корига зиғирча ярамаган кимсаларни ҳам унинг ўзи ҳамон хотирида сақлар, ўзгача бўлишини ақлига сиғдиролмасди; ахир ҳалок бўлиб, беному бенишон ғойиб кетганлар хотираси дарҳол ёддан кўтарилаверса, фақат бир ўзинигина ёдда тутиш худбин бир маслакка айланса, у ҳолда бу тирикликда яшамоққа не ҳожат? Ёлғизлигу айрилиқ қайғусини юракда муттасил ташиб юравериш Назарнинг та-

биатиға ёт унсур эдики, кундалик турмуш кўринишлари – Ойдин-қиз ва қўйлар, турғунисиз ҳувиллаган кулбалару сахро жониворлари ва жонсиз табиат ҳолатлари бир-бир кўз ўнгидан ўтиб, ҳозирнинг ўзида мавжуду барқарор бу вазиятларга кўника бошлади.

Назар кўздан пана иссиқ ковакларда қиш уйқусида ётган тошбақаларни топиб уйга келтирар, уларнинг бирлари кулбанинг иссиқ бағрида яна тирикликка уйғонса, бошқалари келгусининг давомли илиқ кунлари қайғусида қувват йиғиб ухлоқ яшайверар эди... Иссиқ кулбада мана бу норасида Ойдин сингари лоақал бир кишининг бўлса бас – атрофининг қуршаган одамларсиз ҳам, бир қўра жониворусас ва садоси йўқ ниҳоллар билан, уфққа тутшиб кетган сахрою унинг шамоллари билан ҳам баҳамжиҳат яшаш мумкинлигига таажжубда иқрор бўлди. Бу ерларда – Устюртнинг абгор табиати ва Сариқамишнинг қадим тубларида – инсон боласи ўксинмай бус-бутун ҳаёт кечириши учун зарур ашёлар муҳайё. Бу жойлар ҳайвоноту набототининг аслияти йўқсил маъюсликка мангу банди бўлиши ақлга сиғмас, зотан, уларнинг бу ночор кўримсизлиги, аслида, бир муғомбирлик, муваққат уйқу ёхуд шуурнинг зўраки мажруҳлигидир. Баланд руҳ ва кўтаринки эҳтирослар биргина инсон қалбида муқаррар дея билиш, аслида, пуч ишонч ва такаббур ҳаёлдир, илло, мана шу жимиртак тошбақанинг маржон кўзларида ҳам фикр жилвасининг олис инъикоси бор, муаттар бўйлар таратган тиканак олчанинги ҳам замирида инсон аралашувисиз ўзининг улутворички жараёнлари муттасил кечар ва борликда борлигининг шукроналари унинг ҳосилларида барқ уриб бўй кўрсатар. Эҳтимол, кези келиб уларга Чигатоевнинг бир баҳя кўмаги лозим бўлса бўларки, аммо инсоннинг устунлигию раҳм ва шафқати асло даркор бўлмас...

Оқшомлари чироқни ёқиб, рўпарада ўтириб олган кўйи шудли Ойдин кундузлари улгурмаган ишларини бажарарди: зулук каби қора ва порлоқ сочларини тараб бўлиб, эски латта лахтакларию бўш қоплардан тўшанчи тикар, китоб саҳифаларини варақлаб, лабларида кулгу зоҳирлантириб суратларни томоша қилар ёки хаёлида қайси ўйларни ўйлаётганини билишга қизиқсиниб Чигатоевга сукут ичра жим тикилиб қолар эди.

– Назар, – деди Ойдин узоқ кечаларнинг бирида. – Айт-чи, биз нима учун яшаймиз? Яшасак, яшайверсак, бизга бундан хайр бўладими?

– Мен билан яшаётганинг сени шод қилмаётирми? – сўради ўйланиброқ Чигатоев.

– Шодлантиряпти, менга жудаям яхши, – деб қўлидаги ипни тупуклаб олди. – Оғзим нуқул ниманидир гапирмоқчи бўлади, шунга айтдим-қўйдим...

Шу дам қизнинг чақноқ кўзларида ўтиб бораётган норасидалик билан дебоча олаётган навқиронлик қудрати порлар, Чигатоевга томон соддадил ишончу топинч ила йўналган тим қора бу эгизаклар бахту иқбол ваъдалари билан тўлуғ эди. Бордию Ойдин-қизнинг ишончи поймол этилса ҳам, унинг озурда кўнгли барибир озорларни кечириб кетишга қодир эди, илло, яшашга муштоқ унинг қалби етказилган азиятлар зардобиди узоқ азобланишни асло истамас.

– Назар, доим кутиб яшаётганим нима? – деб сўради яна. – Доим муҳим бир нарсани кутгандай бўламан-у, охирида ҳеч нарса содир бўлмайди... Нега доим юрагимнинг гўшти ачишади, бу дардларимга қандай сабаблар боис?

– Чунки сен бўйсаралаб, вояга етяпсан, – деди Чигатоев. – Бошингда бир нарсалар бор туюлсин, майли, юра-

гинг ҳам дардларга тўлсин, бундан ҳеч кўнгилсиз бўлма – бу мусибатларсиз ҳаёт ҳеч мумкинмас.

– Ҳа, мумкинмас, – деди Ойдин ҳам. – Лекин менда бу бўлишини истамайман. Очликдан юраги оғрирди онанг-ни, менга ўзи айтиб берган... Бўлди, бас, бизда энди бошқачароқ қайғуларимиз бўлишини хоҳлайман, бунақамас, қизиқарлироқ бошқача. Бунақаси жонимга тегди. Бунинг ўрнига бошқасини ўйлаб топ [...]

Чиғатоевнинг меҳри ийиб, Ойдиннинг ҳали жужуқ бошини силаб қўйди.

– Ҳеч нарса ўйламасликни ўргат менга, бошимнинг ичидаги ваҳмли нарсалар ҳадигимни кўп ошираётир! – дея зорланарди Ойдин.

– Қорнинг очлигидан жонинг оғримаётгандир, ахир?

– Очликдан эмас, – жавобланди қиз. – Туйғуларимдан... Назар, менга яна англлат – нега мен ҳаммага бегонаман?

– Кимга бегонасан?

– Биз билан яшаганлар ҳаммаси бизни ташлаб кетдику, сен ҳам яқинда кетасан, ким мени бошқа эслайди?

– Мен сени ташлаб кетмайман, – ваъда қилди Чиғатоев.

– Назар, ҳаммасидан катта, қолганларидан бузург би-рор нарса айт менга...

Керосин тежалсин деб чироқ пилигини хиёл тушириб қўйди Ойдин. Ҳаётда ҳаммасидан катта ва муҳимроқ на-рса бор учун ҳар қандай буюмни асраб-авайлаш кераклиги-ни Ойдин яхши билар эди.

– Энг бузург нарса нима эканини билмайман, – деди Назар. – Буни ўйлаб кўрмадим, ўйлашга фурсатим бўлма-ди... Умуман, иккимиз туғилиб яшаётган эканмиз, демак, бизда ҳам ўша бузурглик бор, биз ҳам ўша муҳимликка соҳибмиз.

Бу фикр Ойдинга ҳам маъқул тушгандай бўлди:

– Лекин унча кўпмас бизда... муҳимсизлари бизда кўпроқ.

Ойдин дастурхон ёзди – халтадан чурракнон олиб, куйруқмой суртди-да, икки бўлакка бўлди: Назарга катта-роғини илинди, ўзи кичиги билан қаноатланди. Икковлон чироқнинг милт шуъласида ўтириб, насибаларини бебаҳра тамшаб жимгина тамадди қилишди. Устюрт ва ундан нари саҳро узра ноаён ва қоронғи сукунат чўмган эди.

Овқатланиб бўлгач, дунёнинг кенгликларида нималар содир бўляптию тун қўйнида адашган бирор кимсанинг саси эшитилиб қоларми деган ўйда ташқарига чиқди Чиғатоев... Ванька билан Қора-Чўрма ҳозир қайларда тентираб юришган бўлса? Мулло-Черкаснинг кўзларига нур қайтгани, наҳот, чин бўлса?

Шу пайт Ойдин Назарни чақириб қолди:

– Кириб ётмайсанми жойингга, чироқни ўчираман ҳозир...

– Ўчиравер, – деди Чиғатоев, – ўзим ёқиб оламан.

– Гугуртни исроф қиласан, ёқмасдан қоронғида жойингни топиб олаверасан...

Ойдин уйга кириб кетди. Чиғатоев ерга чордона қуриб, атрофни томоша қилди. Унинг узра ожиз бир тун кезар, қилт этган шамол йўқ, олис баландликларда тўпланган булутлар оралаб аҳён-аҳён айрим юлдузлар мўралаб кўринади. Устюрт жарларида жон сақлаган қорларни айтмаса, бошқа жойларни шамол обдон супуриб орасталаган, қолдиқ қорларни кундузги офтоб эритиб бўлаёзган. Жануб тарафларда узрасидан беюлдуз яланғоч осмон узанган танишу ёлғиз саҳро ястаниб ётарди; баъзан саҳро нотаниш милтироқ шуълалар таъсирида бир сония ёришиб кетар ва шунда у ёқларда тоғу тошлар кўзга ташланар, осмонўнар бинолари бисёр оппоқ-ойдин шаҳарлар, бу шаҳарлар-

ни тўлдирган тумонат одамлару ўзига мутгасил чорлаётган бузург ҳаёт кўриниш бергандек туюлар эди. Аслида, у тарафда ҳозир қиш уйқусига ғарқ биргина тошбақалару тунов йил ниҳолларидан хотира тухумлар совуқ депара бағрида чорасиз уйқуга кетган, аҳёнда ўрнидан қўзғолаётган майда ажина шамоллар шу атрофни бир айланиб, яна қумлар бағрига сингиб жимиб қолар. Чиғатоев Сариқамишга яқинроқ қуйилаб тушдию қора қоронғу кенгликларга қарата бор овозини қўйиб ҳайқирди. Ҳайқирикқа ҳеч бир кас, бирор махлуқ алик жавоб йўлламади, ҳатто ўз овози ҳам акс-садо бўлиб қайтмади – кенгликларда шу заҳотининг ўзидаёқ адашиб қолган саси зимистон ичра бадар кетди.

Чиғатоев уйга қайтди. Кўрпага ўраниб олган Ойдин ташқи дунёдан беҳабар сокин ухлар, шу тобда норасида тушларини кўриб, ўзининг ичларида содир туший сахналар томошаси билан андармон эди. Назар чироқни ёқиб, халтасига чурракнон солди, гулпи чакмонини эгнига илиб, чўғирмани бошига бостирди. Кўрпа қиясини очиброқ Ойдиннинг дийдорига тикилди – қизнинг жонсарақ юзларида ички саргузаштлари инъикоси жилваланар, ним очик кўзлари эса қалбида кечаётган, унинг ўзига аён лавҳаларни кузатиб, қабоқ остида жонсарақ қимирлар эди.

– Ойдин, – аста пичирлади Чиғатоев.

Қиз кўзларини навбат билан аста очди.

– Ҳалиям ухламадингми, Назар? – деди уйқу аралаш.

– Йўқ, ухламадим. Одамларимизни топиб, ҳаммасини қайтариб келаман.

– Узоқлаб кетмагин, – сўранди қиз.

– Менсиз кўп ичикма, тез қайтаман.

– Ичикмайман, – деди Ойдин. – Тезроқ йўлга чик. Бўлмаса, ҳаммаси силласи қуриб адо бўлишади, ўйнаганларича ўйнаб олишди, энди тезроқ уйга қайтишсин.

Чигатоев Ойдиннинг бошини силаб, ташқарига йўналди. Қиз чироқни ўчириб кетишини айтди, чунки тун ҳали узоқ, ёруғлик эса унга ҳозир керакмас.

Чироқни ўчириб, кулбани тарк этди ва қирлар оша Хива тарафга йўл соларкан, ҳадемай ортда қолиб кетган овул тараф қайрилиб боқдию ҳеч нарсани кўра олмади – атрофга ёйилган бутун оламу табиат аро бу дам Ойдиннинг бир ўзи тушлари билан ёлғиз қолиб кетганди. Майлига, деди у, кулфатлари чўнг эмас энди – бисотида гуруч билан уни, туз билан мойу гугурти бор, бошқалар қайтиб, қошида ҳозир бўлгунича бахти билан қаноатини юрак хилватларидан излаб турсин.

Чигатоев қадамига чув солиб тонг-сахарда Сариқамиш овлоқларига етиб борди; ҳали тун қўйнида бўлган зимистон Устюрт бутун бўй-басти билан ерининг уфқига аста сингиб кетмоқчидек олисдан элас кўзга билинар эди... Йўл кунларининг учинчисида Чигатоев Хивага кириб борди. Гавжум бозорларнинг гуногун молларига боқиб, назарларини тўқлашу абгор эҳтиёжлари юзидан ул-бул харидлаш, ҳеч қурса, кўпдан кўришмай моҳорлаган дўсту ёронлигини ўзаро суҳбатларда янгилаш истаб саҳройи бандалар Хивани қора тортиб келиб туришарди. Назар ҳам одамларини бу ерларда учратиб, битта қолдирмай уйга олиб кетиш илинжида эди. Атрофларнинг узункулоқ сўзларидан тинглаб, чойхона шакаргуфторлигида ўз қадру қимматини яна боз англаш ва дутор чертиб куйлаган бахшининг эски қўшиқларидан юрак-бағрини селкитиб ўртаниш учун ҳам улар бегона бу миллат талотўпига араллашиб боқишларини Назар яхши биларди. Устюртда қолган пахса кулбаларида турмушнинг оддийгина шу эрмаклари ҳали тақчилу камёб, буларсиз кимсанинг тириклиги ҳам кемтик эмасми ахир?

Чигатоев олашовур Хива бозорида тушга яқин пайдо бўлди. Ёзга қараб ўрмалаган қуёш ивирсиқ бозорни забтига олиб, тупроғини ҳам тобора дуруст илита бошлаган. Бозор ихотасидаги пахса дуволлар бўйлаб молларини ёйиб ёймачилар ўрнашган. Майдон ўртасидаги чўбин супаларда қалашган чўл неъматлари узра ҳам савдо қизийди.

Бунда халталарда туршагу қовун қоқиси, хом терилару ёлғизликнинг узун кеча ва кундузлари жувон қўллари-дан чиққан, муттасил такрорланувчи ғамбода нақшлар кўринишида инсоннинг нолон қисмати сўйланган қоратус ғиламлар; кейинги қатор – ўтинбозор, ундан нарида йўқ нарсанинг ўзи йўқ, олдиларига ҳар балоларни – кўхнаю нотаниш тангалар, темир тугмаю тунука зийнатлар, эски-туски михлару аскарый нишонлар, тошбақа косасию қуритилган калтакесак, саҳрода кўмилиб ғойиб кетган қадим кўшклар кошинларини – қўйиб, адашган харидор йўлини муштоқ пойлаган аттор чоллар сукутда жим чордана қурган. Шу ернинг ўзида қаторлашган жувонлар қўлида чурракнону жун найпок, бурдуқларда ичимлик суви билан тунов йил саримсоғи кўринади. Омади чолиб, бирор молини харидорга ўтказиши билан аёллар ҳамсоя чоллардан ўз либосларига тунука зийнатлар ёхуд уйда қолган жужуғини аврашга кошин синиги харид қилишади, ўз навбагида, чоллар ҳам қўллари пул кўриши ҳамона курсоқларига чурракнону сув, тиллари остига эса носвой сотиб олишади. Бозорда шу тарика бирор кириму чиқимсиз, бошга-бош мавоза савдо қизир, бозорнинг сармаст талотўнида умр, ҳар тугул, шу зайл билинмай кечиб ўтар, чоллар ҳам билинмасликнинг ушбусидан хушбахт эдилар. Баъзи ҳовлилар ичкарисидagi чойхоналарда шу тобда шақирлаб самоварлар қайнаган, сўриларда қуршовлашган чойхўрлар эски гапларининг мағзини ҳеч чақолмай, гурунглари-ни нечанчи бор яна

хўб чайнаб ўтиришган. Бир пайт қирраси тунука қада-
либ нақшланган сандиғини кўтариб қўнғиртоб кекса бир
сартми ё ўзбек чойхонага кириб келди, Чигатоев уни дар-
ров таниди: Назар болалигининг олис кунларида ҳам бу
чол шундай қаримсиғу шундай қўнғиртоб эди. Елкасига
анжомли сандиғини ортмоқлаган кўйи шаҳару кишлоқ-
лар кезиб, чойхоналарда эски самовар созлаб, кирларини
оқартириб, шундан тирикчилик қиларди бу одам; меҳна-
тининг дудию эски самоварлар қуруми саҳро шамоллари
билан омихталашиб юзларига сингиб кетганидан раф-
тори дағаллашиб, олабўжига ўхшаб қолган рўйисиёҳ бу
одамни биринчи бор кўриб Назар қочарга жой тополмай
қолганди ҳов ўша болалигида. Лекин, ажабки, бу коргар
ўзбек ўшанда ҳеч кутилмаганда болага ҳазилкаш таъзим
қилиб, бир эгри мих тортиқ қилганди, сўнгра саҳронинг
ҳам самовари ўчиб қолгану уни ҳам тозалаб кўйиш учун-
ми, Сариқамиш бўйлаб аллақайлар томон яна йўлида
равона бўлганди. Бу ўзбекдан назарини бурди Назар,
бурдию ахлат қутисига суяниб олган хушқомат бир турк-
ман қизга кўзи тушди. Қиз рўмолининг учи билан оғзини
беркитиб, аҳли бозорнинг боши тепалаб олисларга тики-
либ қолган эди. Чигатоев ҳам ўша тараф қаради, саҳро
четида бир тизим оппоқ булутларни кўрди. Балки, булар
булут эмас, Копетдоғ ва Парофамиз тоғларининг қорли
чўққиларимиди ёки, эҳтимол, нурларнинг кўкда ўйна-
шидан ҳосил бир сароб, олис дунёларнинг сохта таха-
йюли? Шу дамда бу қизнинг қўнглидан нечук ўйлар ке-
чар – Назарга бу қоронғи, аммо, наҳот, деб ўйларди у, бу
қизнинг бу дунёда бор бўлишидан аввал яшаб ўтган бари
наслар, бу қиз тўкис саодатга безаха таваллуд топиши
ҳаққи, ситамгару сирли барча ўйларни батамом ўйлаб
адо қилмаган бўлса? Нотаниш бу қиз ўй-хаёлларининг
охирига етолмай, бу жойда сўлғину маъюс тураркан, ав-

валгиларнинг бесамар ҳаётларидан мурод, асли, не эди унда? Умрларини зое исроф этган бадбахт отаю бебахт онанинг шўрлик бу қизи тириклик тилсимини ечолмай, бир кезлар худди волидаси каби, мана, энди аросатнинг тўрт йўлида ёлғизу нотавон... Четларида булутлар сузган сахрою ашқол-дашқоллари бисёр мана бу бозор ҳамда йўқсиллик ва қаноатга ҳали кўникимсиз йўқсул ўз юрагидан бўлак хайру фазилат бу дунёда йўқлигидан қиз афтодаҳол ийманиб турар, ийманганда қизнинг юзлари бениҳоя лобар эди.

Чигатоев унга яқинлашиб, қайдан келганию исмини сўради.

– Хоним, – дея исмини айтди туркман қиз.

– Юр мен билан, – деди Чигатоев.

– Йўк, кўйинг, – уялинқиради Хоним.

Ортиқча сўз демай Чигатоев қиз қўлидан тутди.

Чойхонада иккиси иссиқ томоқ тамадди қилиб, ортидан уч чойнак чойни бўшатишди. Курсоғи обдон тўйиб, атрофга қизиқиши уйғониб, одамларга лабида жилмайиш билан бир-бир қараб чиқди, кўнглига юпанч берган Чигатоевга ҳам табассум ҳадя қилди. Ичига кирган таом оғирлигидан ҳориб, шу ернинг ўзида мудрай бошлади қиз. Назар чойхоначи билан сўйлашди, орқа тарафдаги ётоқ хоналардан бирини Хонимнинг ҳордиғи учун ижарага олди.

Хонимни хонада қолдириб ташқарига йўл олди, оқшом қоронғисигача Хивани кезиб, ҳар турли зарурат юзасидан одамлар жамланадиган жойларни оралаб чиқди. Ўз қавмининг таниш чехраларини ҳеч гўрда учратолмади. Шаҳарнинг ҳар гузару работларини кезиб кўп сарсон бўлгач, охири бозорчи чоллару каллаи саҳарлаб вазифасига киришган туновуллардан, йўлида учраганки яна бошқа жамоат вакилларида Сўфён билан Ванькани, Оллоҳ ёки

бошқа бировини суриштираверди.

– Хивага ҳар хил одамлар санқиб келади, – деди рус насли қоровул чол. – Ҳаммаси эсда қолармиди, осиеликлар бари бир-бирига ўхшаш.

– Кўпдан бери яшайсизми бу ерда? – сўради Чигатоев. Қоровул чамалаб ўйланди.

– Бирор қирқ йил бўлибди, – деди у. – Хизмат тақозосига кўра ўтган-кетган ҳаммани эҳтиёт шарт эслаб қолишим керак, лекин калламда эски қувватим қолмади, болам, ўзимники кетиб, энди бировнинг кучи билан яшайпман, шекилли...

Чигатоев юзланган Хиванинг бошқа кексаларию давлат хизматчилари ҳам тайинли жавоб қилишмади, адашган элатдан ҳеч ерда ном-нишон йўқ. Милиция бошқармасида унга тақдим қилинган ҳужжатга биноан эса ҳали инқилобгача ҳаммаси қирилиб битган Жон қавмининг жонлари устидан ташвиш чекишга энди бошқа ҳожат қолмаган эмиш.

Кечқурун тарвузи қўлтигидан тушиб чойхонага беҳафсала қайтди. Уйқуга қониб турган Хоним каравотда майда юмушлари билан машғул – кўйлаги этагига ямоқ солиб ўтирарди. Дуч келган ҳар жойга дарҳол кўникишга одатланган бу қиз, афтидан, ўзининг эҳтиёж ва заруратларини ўз уйи – ўлан тўшаги бўлажак мавҳум маҳалларга қолдиришни истамасди, билъақс эса кутувнинг туганмас йўлларида ивирсиб, ювуқсиз танасининг палидлигидан бўғилиб ўлган бўларми эди. Чигатоев Хоним ёнига ўтириб, уни ўзига тортди; қиз ишини қўйиб, ҳадик ва кутув асносида жим туриб қолди. Аллақайси қаърлардан бош кўтариб келаётган, ҳали таваллуд топмагану беном бўлғуси ҳаёт фароғати Чигатоев юрагини тирик ва саодатли сезимларга тўлдирди. Ўзидан кўра афзал ва яхшироқ, шаараф ва долғаси кўп улуғ нимадир шу онда ўзига йўл ах-

тариб, ичининг тубларида ўртанар эди. Хонимга қаради, Назарнинг эҳтиёжини англаб раҳми келган қиз ҳам жавобан қимтиниб жилмайди. Ҳали англаб етилмагану рўёбга чиқмаган, қачондир рўёбга чиқар бўлса-да, бугунгидан меҳри улугроқ бу замин бағрида афзалроқ бошқа инсон бўлиб, озод ва ҳур яшаяжак ўзининг ичида яширин ноаён бир хилқат мужассамини бу қиз тимсолида кўргандай бўлди. Кўргандай бўлдию ортиқ тоқат қилолмай Хонимни маҳкам оғушига олди: саодат тўлқинлари ичида масрурикков зум ўтмай ўзаро қучоқларда сингиб кетишди...

Лойсувоқли Хива узра эски тун чойшаби тўшалди, чойхонада ҳам энди ҳўрандалар саслари тиниб, биров ётоғига кетди, бошқалар эса шу жойнинг ўзида тунашга қолди. Самоварда қолган чала кўмир эрталабга ҳам ярасин деб чойхоначи самоварга қопқоқни зичлади. Бу дамда ўз юрагининг эҳтиёжларидан ташна Чигатоев Хонимни ютоқиб севар, аммо севгисининг тоборасида юрагининг чанқоқлари ҳеч босилай демас, бунга сайин бағридаги бу аёлга нисбатан муҳтожлиги яна ҳам ортиб борар эди. Ҳузурли муҳаббат заҳматларига батамом ғарқ бўлаётган Назар ўзини янада озод ва бахтиёр сезар, қонлари гупуриб жўшаётган томирларида баайни энг улуг ниманингдир умидвор ваъдаларини туяр эди... Хоним башарти силласи қуриб ухлаб қолса, Назар ёлғизликдан қўмсаниб ютоқлар ва ишқ машғулотига яна чўммоқ учун аёлни қистаб уйготар эди.

Тун бўйи мижжа қоқмаган бўлса ҳам, Чигатоев эрталаб бардам ва хушвақт уйғонди. Ёстикдан сурилиб тушган Хоним ҳали мириқиб ухлар, чиройли юзларида ёнидаги одамга ишонч муҳри зоҳир эди. Назар унинг сочларини силаб, азиз кишисининг бари малоҳати – тотли лаблари, бурун ва пешонасини хаёлига муҳрлади-да, элатини яна бир маҳал излаш пайида шаҳарга отланди.

Чин-Мочин тарафлардан кўтарилиб келаётган қуёш Чиғатоевни чўлу саҳролар оша шарқнинг туманли олис осмонини чамалаб қарашга ундади. Ўша тарафларда аллақачон уйқудан қалқиб, бу чоқ заҳмат чекмоқда бўлган ёрти миллиард Хитойи йўқсилларни тасаввур қилиб, уларнинг барча ўй-хаёл ва ҳис-туйғуларини биргина юракда жамлаб сезиш мумкин бўлсайди, бунинг ҳайбати не қадар улуг бўларди дея хаёл қилди...

Бозор ўртасида яна ўша кекса коргар пайдо бўлди. Ўтмиш замонларда туялар мизғиган бинодан чиқиб келишига қараганда, бу одам ўша ерда тунаб қолган, мана, энди яна юмушларига отланмоқда эди.

Чиғатоев яқинлашиб салом берди ва ундан ҳам одатдаги саволини сўради: Жон қавмидан бўлган бирор йўловчига, ҳойнаҳой, кўзи тушгандир? Кекса ва эслоқ кўзлари билан тикилди Назарга бу ўзбек; бир пайтлар ўзи мих совға қилган аввалги болакайни йигит қиёфасида танигандек бўлди; бир дафъа қалбини тўлқинлантирган содиротни бу уста чиндан ҳам бошқа унута олмас, зотан, умр ҳам қисқа – ҳаммасини унутишга улгурмайсан.

– Уч-Ҳожида бигтасини кўргандим, – деди сокин талаффуз билан. – Чойхонада рус гармонига роса ўйин туншаётганди.

– Ванька-қарияни айтяпсанми? – қувониб сўради Чиғатоев.

– Ҳа, ўша, Ванька.

– Энди қаёққа отландинг, йироққами? – қизиқсинди Назар.

Ҳали ҳосил бўлмаган муродларидан сўзлашни хушламас уста ўсмоқчилаб қолди.

– Йироққа, – деди, ниҳоят. – Чоржўйга кетяпман, канал қазишга экскаваторлар келтиришибди, ўшатта механик таҳсилини бутлайман; самоварчилик битди, бўлди энди...

– Қарилик ёшинг неччида ўзи? – сўради яна Чигатоев.
– Механик маслағи сазоворига улгурармисан?

– Улгураман, – ваъда берган бўлди уста. – Ёшим етмиш тўртда, бадбахт ҳаётда шунча яшаб қўйган бўлсам, неқбахтида ҳали яна қанча яшайман-у!

– Бирор юз элликни мўлжаллаяпсанми дейман? – сўради Назар.

– Йўқ демасдим! – жавобланди чол.

Иккови хайрхўшлашди. Чигатоев чойхонага қайтиб борди, бирор ўн-ўн беш кунларда қайтиб келгунича Хонимнинг емоқ-ичмоғидан бохабар бўлиб, ижарада олиб туришини тайинлади хўжайинга. Аммо хўжайин масрафлар чиқимини чўтал қилиб қўйса, айни муддао бўлишини айтиб, пулга кўп зориқиб турганидан зорланди. Чигатоев бўнак ваъдасида яна Хива бозорига тушди.

Тушгача бир амаллаб чакмонини пуллади, кунлар исий бошлаганидан энди бунинг лозими кўпмас. Пулнинг озроғини ўзига олиб, қолганини Хоним учун бўнакка қолдирди.

Чигатоев ухлоқ Хонимни уйғотиб, қайтиб келгунича шу ерда яшаб туришини уқтирди. Уйқу тобида қизиган юзларида жавобан табассум жилва қилдириб Назарни яна бирпас ҳаяллашга ундади. Ҳаяллаш битиб, аёлни ётоқда ёлғиз қолдириб, пировард Хивани ҳам ташлаб чиқди. Аввалига Хива воҳасининг пастки жануб тарафига йўл солди, ундан нарисига – худо ҳофиз...

18

Уч кунлик йўлдан сўнг Хиванинг сўнгги овули ортда қолди. Энди унинг қаршисида яна ўша одатий ва азалий сахро манзаралари юз очди – дайди қамғоқ буталари аввалгидек шамол етовида қумтепалар ошиб аллақайларга

бош олиб равона кетар, замонлар тоборасида босилавериб аёнлашган қадим йўл тобора олис қудуқлар томон йўналган [...]

Шу куннинг адоғига қадар кейинги воҳага етишни мўлжаллаган Чигатоев кимсасиз йўлдан энди чопа кетди – балки, ўша тарафларда изланишларининг бирор кимсасини учратиб қолар. Аммо улар барчаси қай гўрларга гумдон бўлишди? Ахир ҳали сусту заиф шуурлари фақир мусофирлик залворидан маҳзунланиб, саҳро ва бегона овулларда бари завол топмасми?.. Ҳеч бир элат бир-биридан жудою пароканда яшай олмас: одамлар биргина майиз эмас, қалбларини ҳам ўзаро бўланиб, хаёлларига бир-бировини жойлаб, ҳамрозу шафиқ елкадошликдан қувват олиб яшар; йўқ эса, бошининг ич ўйларини, юрагининг латиф иштиёқларини қайларга сарф этсин, ҳазин ҳисларидан юпаниб, охири қай қабрларда ором топсин?.. Биргина ўзининг хаёлларидан озуқа олиб яшашга мубтало кас ўз қалбини ҳадемай еб битиражак, аянч йўқсилликдан холи хароб, андуҳлар исканжасида охир завол топажак.

Башарти Чигатоев [...]ни тахайюлида ўз падари каби муттасил туйиб яшамаганида, ҳаётини шуълаларга буркаб, ўз ҳифзи-ҳимоясида асраб-авайлагувчи меҳрибон қудрат янглиғ жон томирларида бетиним ҳис этмаганида, бир замонлар етим бошини силаб, очлигу қаровсизликдан асраб қолган ва мана энди эса инсоний шаънига қувват бераётган инқилобнинг ўша ғамхўр меҳрини-да ҳамон билмай яшаётган, балки, умр йўлларида аллақачон паришон бўлиб, аро йўлларда беҳавас ўлим топган бўларми эди...

Бу йўлнинг нарисида, бархан пойида ётган бир жуфт одамови қўйга кўзи тушди. Эти устухонига чиппа ёпишиб, қорни ичига чўкиб кетганидан дайди итлардан ҳеч фарқ қилмас буларни ёнлаб йўлида кетаверди. Аммо қўй-

лар одамга ҳамроҳ бўлиб омонлик топиш илинжидами ва ёки узоқ давом этган ёлғизлик уқубатиданми, Назар кетидан эрганишди. Силласи қуриб бўлган жониворлар ҳеч вақт ўтмай ҳолдан тойиб, яна саҳро қўйнида адашиб қолиб кетишди.

Кечга томон Чиғатоев уч қудуқ ёнида ҳамсоя қарор топган кичик бир овулга етди. Бу ерда эрсари қавми истиқомат қилар, фақат баҳор тошқинларидан сув эмар эски Амударё ўзанидан балиқ тутиш билан тирикчиликда машғул эди. Балиқ овидан бўлак пайтлари бахши дўмбира ясаб, бошқа овуллар ва Чоржўйга элтиб сотишарди. Чиғатоев бу овул одамлари ҳақида болалигидан эшитгани бор: уларнинг бари хушфёъл, ёмон одам соз ясаб, дилтортар қўшиқлар куйламас ахир.

Назар дуч келган биринчи ҳовлига қадам қўйиб, эшикни қокди. Эшик ўз ҳолича ғажир-ғужур очилиб, ним қоронғида чорданалашган тўрт кишига кўзи тушди. Уларнинг бири дўмбира чертиб, хирилдоқ овозида кўхна бир термани куйлар, бошқалар эса унга сомъ эди. Назар халал бермаслик учун куй билан қўшиқ адосигача бўсағада туриб қолди. Дўмбира торлари одамларнинг юрак торларини ҳам чертаётгани чуқур сукутларидан аён эдики, бирортаси эшик оғзида туриб қолган бегона кимсага парво ҳам қилмади. Қўшиқда ҳар каснинг хос ночор орзуларидан куйланар, кўнгилнинг олис пучмоқларида ором топган суюкли сезимлари хилватига асир бандалар бу ҳаёт ва бошқа одамлардан тобора олислаб, кўклам чечаклари ифорини ҳам туймай, танҳоликка мубтало бўлишларидан нола қилинар эди...

Қўшиқ охирлаши ҳамоно мезбон Чиғатоевни ёнларига хордиққа чорлади. Даврада, билинишидан, мезбоннинг икки ўғли учинчиси – кекса Сўфён бор эди. Ҳозиргина дўмбира чертиб куйлаган мезбон созини энди Сўфёнга

узатди, созни силаб-сийнаб кўрган чол сўзланди:

– Ўз қўшиғимни куйлаш истагим бор, – деди у, – юрагимда ҳеч ғуборим йўқ, аммо дўмбирага берар пулим ҳам йўқ: жасаидан бошқа бисоти йўқ фақир одамман...

Сўфёнинг энига сурункали яшайверишда титилиб бўлган, ҳамон ўша азалий саллоти чопони илинган эди.

Дўмбира соҳиби эскию янги ҳар икки қўноқни сийлаш маслагиди ўғилларидан бирига гуруч ва балиқ пишириб келишни тайинлаши кетидан Сўфёнга юзланди:

– Илқингда тутганинг кўп яхши соз, уни мен асло пулга сотмасман... Узун умрингда шунча узоқ яшаб ҳам лоақал бир созга ярар давлат орттира олмабсанми, илло, яхши бандасан – шундан буни ҳақсиз ўзингга олгину кўнглимни хушлаб чароғон эт.

Сўфён ҳадя қилинганни тиззасига қўйиб, ўзининг илк бузург мулкига термилиб, таажжубда тек қолди.

Томоқланиб бўлингач, Сўфён бахрларнинг энг теран зимистонларини ўзига макон тутмиш маҳобати улуғу хиради бемисл бир наҳангбалиқ устидаги қўшиғини куйлаб берди. Шу дамга қадар қаноат билан ўтирган Чигатоев охири оғиз жуфтлаб қавмдошлар тақдирини суриштирди.

– Одамлар яшаш учун тарқаб кетишди, – деди унга Сўфён. – Авваллари кетарга мажоли етарсиз эди, сен ҳаммасини обдон ризқлантириб, қувват бағишладинг, шундан ўз ҳолича юриб кетишди.

– Юришдан уларга нима наф? – таажжубланди Назар. – Юравериб ахир яна мадорини беҳуда исроф қилиб, кучдан қолмасми?

– Юрган – дарё, – деди Сўфён. – Тентирашдан чарчашса Устюртга яна қайтиб келишади.

– Қай томонларни ихтиёр этишди?

– Буни сўраб ўтирмадим – ҳамманинг ўйи ўзи билан. Энди ётиб ухла, вақт ўтиб боряпти, тунда яшашга эҳтиёж

йўқ, мен кундузларни хуш кўраман – ёруғликни кўпроқ кўриб қолишим керак...

Тонг-сахар билан оёққа қалққан Сўфён дўмбирани қўлига олиб, уй соҳиби ила хайр-хўш қилди.

– Менга йўлдош бўл, – деди Чигатоевга. – Бахшиликни ихтиёр этдим, қай бир жойда жоним узилиб ўлгунимча энди қишлоқ-овулларни кезиб, қўшиқлар куйлаб ўтаман. Менга ҳамроҳ бўлсанг, эгнинг бут, қорнинг тўқ бўлади. Йўлларда адашган бошқа бандаларни ҳам, шояд, учратиб қоларсан...

– Бошқа бахшиларга аёнсиз янги айтимлар сенга ўйлаб берарман, – деди Назар ҳам.

– Ичингдаги ўша қўшиқларингни йўллар бўйи менга куйлаб боравер, – талаффузланди Сўфён.

Туз-намак мезбонликнинг индаллосида уй соҳиби йўл учун қўлларига чуррак тутқаздию икковини Чоржўй тараф равона қилди.

19

Ёз бошига қадар Чигатоев билан Сўфён иккиси шаҳарлар канорасию овуллар оралаб кўчманчи ўтовларда қўноқ бўлиб хўб кезишди. Сўфён дўмбира чертиб, ўзи билган қўшиқларни хиргойи қилар, Назар унга ора-сира жўровоз бўлиб, олис йўлларида қоринларини тўйдириб юришди. Икковлон Чоржўйдан Ашхобод ораси воҳаларига мўралаб, Байрамали, Марв ва Уч-Ҳожида бўлишди, тек қудуқ ва тақир йўлларни мўлжаллаб, кўчманчи манзилларга бош суқиб ўтишдию охири Ашхободдан Дарвозага етишди.

Чигатоев ҳеч жойда одамларини учратмади ёки одамларини учратган одамларни ҳам учратмади, саргардонлигу яроқсиз умиддан, олисларда қолган Ксения билан Ойдину Хоним соғинчларидан ўртаниб, юрагининг силласи

куриб, хориб қолди. Ноумидликнинг аянчли дамларида кўпни кўрган дониш Сўфёндан сўрарини ҳеч қўймай, еру кўкда йўқ Жон қавми қай балоларга йўлиққани хавотирларидан зорланар эди. Сўфён эса бир-иккиси ўлиб-нетган бўлса бордир, аммо бошқалари ҳаётда ҳамон тирик дер, илло, умрининг йироқ йўлларида ажал шаробидан хўб татиган бу элат учун яшаш энди заҳмат эмас, билъакс, янги тирикликнинг ажиб шавқлари унга энди шафиқу ҳамроз.

– Кўп қайғурма, – деди Сўфён, – хаёлларида орзулаган, ўзига монанду лозим ҳаётини топиб олади. Бахтларини энди ҳеч кас тортиб ололмас...

Дарвозада икковлон уч кун қолиб кетишди. Сўнгра видолашув кетидан Сўфён кўчманчи манзиллар бўйлаб Ҳасанқули томон – Атрек хавзасига йўл тутишни ихтиёр қилди. Чигатоев Хива йўли ёқалаб ортга – Сарикамиш орқали кечиб Устюртга қайтишни истади. Усизликда ёлғиз қолган Ойдиннинг чўчқин хаёли, бир шафиқи йўқ бахтиқаро Хонимнинг аёнсиз ҳоли қайғусини оширар эди. Икковлон бахши шу атроф овулларида сўнгги бор қўшиқларини куйлаб, сийловига халтасини чурракларга тўлдиришдию тонг-сахар йўллари ҳар томон айро тушди.

Кун исиб кетган, аммо сахронинг бардошларига кўниккан Чигатоев жазирамага беписанд йўлида шахдам давом этар, яккам-дукам қудуқлар ёнида тикилган ўтовларни учратиб, бошқалар кимсасиз деб билган сахро, аслида, одамлар билан гавжум эканига яна ишонч ҳосил қилиб борарди. Ўтовларда қўноқ бўлиб, хушфеъл кўчманчилар даврасида матлуб меҳмон бўлар экан, уларнинг қардошлик ардоғи ёлғизликда ҳориган юрагига малҳам эди. Қўйнида илиган Дарвоза бахшилигидан хотира – чурракнонлар олис йўлида унга ҳамроҳ – кўп ҳориган дамлари бир чимдим чўқилаб чарчоғини овутиб борарди.

Йўлининг бешинчи куни узоқдан Хива минораларини кўрдию қоронғига қолмай, чойхона эгаси эшикка илмоқ солмасидан бозорга етишиш илинжида чопа кетди...

Яхшики, чойхона ҳали ёпилмаган, чироқ шуъласида шинавандалардан бири чиқиб келди. Кўнгли ёришиб, ичкарига йўналди, бошқа меҳмон-измону хўжайин билан салом-аликлашиб, Хонимнинг ҳолидан сўради.

Чигатоевни чойхона эгаси дарров таниди:

– Сени соғиниб кўп ичикди.

– Мана, қайтиб келдим охири, – деди Назар.

– Биздан кетганига анча бўлиб қолди, – маълум қилинди унга. – Изларингни излаб кетди...

– Қаёққа кетди? – сўради Чигатоев.

– Бунисини гапирмади. Бир-икки маҳал кўз ёш тўкиб, кейин ўзини овунтириб юрди.

Бу хабарни эшитганидан пайдо қайғуси юрагига етиб, бутун борлиғини чулғаб олмасидан қўйнидаги нонининг охирги бурдасини оғзига солиб, шахдам кавнай бошлади.

– Хонимнинг чой-нонидан хабар олдинг, берасимдан кутулай энди, – деди Чигатоев.

– Пулинг кераксиз, – дейилди жавобан. – Хоним чойхонада яхши дастёр бўлди, идиш-товоқларни ювиб, супур-сидиримларимни қилиб турди...

Чигатоев Хива бозорининг қоронғи ва кимсасиз бағрига чиқди. Кўлдан бой берилган Хоним устидан ўйланган ўртамли хаёл шу дамда Назарда бор бўлган бутун ҳорғинликни ҳайдаб солди, юрагини қамраб олган битмас қайғу билан курашга чоғланган вужудида бехосдан куч-қувват уйғониб, борлиғини қайноқ бир оташ чулғади. Майдондан тез юриб ўтиб, хадемай Хива сарҳадларини ортда қолдирди. Башарти шу тобда ичининг ичларида қўзғолган ғалати ғалаён ҳукмида ғайратини бой бериб, тек туриб қолсами

эди, умидсизлик гирдобига ғарқ чўкиб, жонидан мосуво бўлиши ҳам бешак тайин эди.

Тишга босар бир бурда нонсиз, нафас ростламай тун бўйи Сариқамишни қора тортиб йўлидан тонмади. Тезроқ Ойдин қошига етиб, унинг ҳузурида, ниҳоят, дардларидан фориғ бўлишни, сўнгра у қиз атрофида парвона бўлиб, оддий турмушнинг рўзгор юмушларида дардига таскин топишни истар эди... Қуёш чошгоҳга келар маҳал силласи батамом қуриб қолди; йўлининг давомини боғлашга ортиқ мажол тополмай, бир тупроқтепа рахнасига кириб ётди, мудроқ кўйнидаги калтакесакларни ҳайдаб солди-да, шомга қадар уйқуга узалди... Тун ярмида Сариқамиш ерларига кириб борди ва Хивадан чиққанидан бери илк бор учраган саёз қўлмакнинг шўр сувидан нўш қилди. Яна бир зах чуқурда жазирама кунни ўтказиб, кечга томон яна йўлга чиқди, кейинги кун тонгида, ниҳоят, Устюртга яқинлашди. Жондан азиз қавмининг лойсувоқ кулбаларини тезроқ кўриш ишқида юраги орзиқиб, тепаликка юқорилади...

Хавотир ичида аранг ўрмалаб, энг юқорига чиқдию қувонч ва ҳайратда қаршисида очилган манзарага қараб қолди. Урдун бу баландликда тоби ҳали заиф офтобнинг мусаффо нурлари осуда Устюрт ерларини забтига олганди; узоқда оҳакланган икки жуфт кулба оқариб кўринар, бешамол ҳавога таниш мўридан таом бўйли дуд ўрлаб турарди; ками юз бошли қўйлар суруви олис тоғ бағрида, жарликнинг у томонидаги уватларда хуррам ўтлаб юрар, овулдан сал нарида эса бир жуфт қари туя зое ўйларга берилиб беҳуда куйинмаслик учунми, атрофида ивирсиган хасларни истар-истамас чилпиб, кавшаниб ўтирар эди. Ҳайрати аримаган Чиғатоев ботинқирамай оташдонли уйга қараб юрди, шу пайт чекка кулбадан қўлида бўш че-

лак билан Ойдин чиқиб келди. Учрашувнинг тасодифидан қиз қўлидагисини тушириб юборди, шу заҳоти яна ўзини ўнглаб, челакни кўтарган кўйи Назар қаршисига сарпойчан ошиқди. Кела солиб бошини Чигатоевнинг бағрига яширар экан, кўнгил кўзи билан келгусини кўрган бўлиб, ҳадикдан зумда юраги музлаб маъюсланди – Назар уни яна ёлғиз қолдириб аллақайларга бошқа қайтмас бош олиб кетишидан кўрқар эди. Чигатоев Ойдинни даст қўлларида кўтариб, кўл томон юрди – обдон ювиниб, неча кунлик ташналигини бира-тўла қондиргиси келди. Ойдин бошини Назар елкасига қўйиб, бу ерларда кўп узоқ тек яшагани, ҳеч кутилмаганда Тойғон билан Қора-Чўрма иккови сахро тарафдан қирқ бош совлиғу тўрт қўчқорни ҳайдаб келишганидан қулоғига шивирлаб дарак сўзлар сўйлар эди. Қаровсиз бу қўйлар эгасини йўқотган айланма бош бир туя ортидан эргашиб сахрода кўп сарсон бўлишган, ниҳоят, Қора-Чўрмани кўрибоқ одамнинг олдига ошиқиб, бари унга эш-қўш бўлишибди.

– Ташналигини қай йўсин қондириб, қайдан сув излашни билмай ҳалак бўлишган жониворлар, – деб хулосалади ҳикоясини Ойдин. – Ўт-ўлан топиб ейишни эплашса ҳам, қудуқдан сув тортиб ичишга илқу дасти бўлмаса, қудуқдан ташқари сувлар нимаям бўларди...

– Бошқа туя қаердан келиб қолди? – сўради Чигатоев.

– Унисини ўзим топиб олдим, – жавоб қилди Ойдин. – Шу атрофдамисан деб сени излаб сахро кезиб юрсам, бир қудуқ ёнида кўриб қолдим буни. Бечора жонивор тўсинда осилиб, оғзидан кўпик чиқарганча қудуқ тубидаги сувга мўлтираб қолибди десанг. Ўлимини бўйнига олиб қўйган туяни тўйғунича суғориб тирилтириб олдим...

Назар қизнинг бетларидан ўпди, жавобан Ойдин унга жилмайдию илк қизлик уяти ёноқларини ёндириб, юзла-

рини яширди. Кўл бўйига яқинлаб қолишганидан Чиғатоев Ойдинни ерга қўйди.

– Сенга овқат пишириб тураман, ичларинг ачишиб кетгандир, – дея ортига чопқиллаб кетди Ойдин.

Усиз бу ерда нималар содир бўлиб, қандай ўзгаришлар рўй берганини Чиғатоев ҳали тиниқ англаб етмаганди. Кўлда яхшилаб чўмилиб олгач, кийимларини обдон тозалаб, янгиланиб қолган овулга қайтди. Кўп кунлар кун тигида оч-наҳор юргани касри билиниб, чошгоҳ қуёшининг иссиғию ёнбағирлардан бошланган диққинафас жазирма бирдан холини қуритиб қўйди. Овулга етиб боришга кўзи етмади ва йўлида учраган ихчамроқ ўйма чўнқирга тушиб ётдию шу заҳоти тинкасиз суяклари ва бутун танаси бўшашиб уйқуга чўмди.

Оқшом қоронғиси тушган чоғ хушига уйғониб, сахро узра чорак ҳилол шуъла таратиб тургани, бутун қавми сукут ичра жим атрофини қуршаб ўтирганини кўрди. Чиғатоев ўзининг киму нима эканини дарҳол фаҳмлай олмай, ақлини йиғиштириб олиш пайида яна кўзларини юмди. Бировнинг илиқ кафти юзларини силаб ўтди, уни чорлаётган таниш ва софдил сас қулоғига етди.

– Хоним! – дилига хотиржамлик иниб, кўнгили ёришиб кетди Назарнинг. Аёлнинг мулойим кафтини ҳамон юзларида туйган Чиғатоевга бу тушими ва ё хуши эканининг қизиги йўқ, шу тобда хаёлини суюкли ўша Хоним хаёли забт этганди.

– Назар! – деди яна Хоним ва Чиғатоев юзларидан қўлини тортди.

Назар рўпарада жилмайган Хонимни кўрди. Аёл энди унинг сочларини силарди. Чиғатоев пойгакида Хонимга ёндош Тойғон билан Ванька-қария, Мулло-Черкас билан Оллоҳ ва Қора-Чўрма жой олишган. Чиғатоевга диққат

билан разм солиб ўтирган буларнинг бари рўё эмас – чин эди. Қаршисидаги манзаранинг сароб эмаслигига барибир ишона олмай, улар томон қўл чўзиб, ҳар бирини пайпаслаб боқди. Қадрдон чехралар ортида яна бир тўда нотаниш кимса – бени нафар киши, тўрт жувону Ойдин қатори бир қизалоқ кўринди.

– Омон бормисан, Назар? – ҳол-аҳвол сўради Мулло-Черкас.

– Кўр кўзларинг очилдими? – Чигатоев ажабланди.

– Пича очилиб, оз-моз кўра бошладим. Авваллари ётарга жой, емоққа нонимиз йўғидан жонимиз кўн оғрирди, кўрар кўзга йўл бўлсин эди. Энди, мана, аёлим кўзларимдан ўпиб, меҳрининг нуруни беряпти, шундан ғира-шира кўрадиган бўлдим...

– Кўзларингни ўпиб ким сенга меҳр беряпти? – сўради Назар.

– Ким бўларди, – деди Мулло, – Хонимим Хоним. Нукусда топиб олдим, Хивадан келиб, бозорда ёлғиз яшаб юрган экан, кўзим қиймади... Майли, яна оромингни ол, уйғотманглар деб тайинлаган Ойдин.

– Ухлаб олдим, – деди Чигатоев ва даврага қўшилиб ўтирди – элат турмушига файз қўниб, кўнгиллар шод бўлганини англади.

Кўп ўтмай чоғиб Ойдин келди, Назар уйғонганини билиб, хаммани унинг келиши шарафига ростланган дастурхонга ундади.

Хоним Мулло-Черкасининг қўлидан тутиб Чигатоев кетидан юрди, Ойдин эса Назарни етаклади. Назар кулбалар ёнида ётган юз чоғли қўйларни кўрди; бошқа ховлида эса учта эшак билан бояги қўш туя мудрар эди. Бир кафт элат бисотида бунча давлат қайдан пайдо бўлди? Ахир, одамларни қайтариш илинжида бу ердан кетар чоғи учта совлиқ билан бир қўчкор қолган эди, холос.

Назар тўртов уйни айланиб чиқди; ҳаммаси ораста, супуриб-сидирилган, оҳакли деворлари оппоқ. Кулбаларнинг бирида бир уюм юнг билан ихчамроқ икки дона гиламга ҳам кўзи тушди. Буларни Жон қавмига янги бириккан аёллар тўқиган эди.

Ойдин байрам дастурхони ёзган кулбада оёқ остига топ-тоза бўйралар тўшалиб, сопол кўзаларда Устюртнинг баланд водийларидан териб келинган дуркун гиёҳлар, товоқларда тоғдек юксалган паловхонтўра хўрандаларга мунтазир эди. Чиғатоевга ҳали нотаниш беш нафар туркман чол билан етти жувон дастурхон атрофидан жой олиб ўтирди. Бутун эски қавмига, умумий турмушда баҳамжиҳат яшаш учун келган янги қардошларига эгилиб таъзим қилди Назар. Ошга биринчи қўл узатиб, зиёфатни бошлаб беришни сўралди Назардан, сўнгра бошқалар ҳам таом қадрини яхши билганидан ошиқмасдан ва оҳиста ризқлана бошлади...

Бир-бирларини кўпдан соғинган бандалар дийдору дўстликнинг чортанг гурунглари асносида ўзаро соғинчларига малҳам бўлиб тонг оттиришди. Давра ўртасида чироқ сокин нур сочар, ора-сира биров далада қолган қўй-қўзию туя-эшаклардан хабар олгани чиқар, кейин яна боз даврага бирикарди; Ойдин билан унга тенгқур қиз, бири Назар тиззасига бош қўйиб, бошқаси онасига ёндош, сокин суҳбатлардан эриб ухлаб қолишган, дили хушнудликда масрур Хоним ҳам ўзи билмай кўзи илиниб, мудроққа мункиб кетар, бунга сари олдидаги Чиғатоевдан ийманар эди. Сас-садосиз Устюрт узра шуъла таратган чоракли ой энди саҳро ортига думалаб кетганди, чўл бағрида адашган ғарибу ёлғиз жондорлар ҳам уйқу забтида энди сокин, фақат аҳён-аҳёнда ҳовлидаги эшаклар ханграб, табиат сукунатига рахна солиб қўяди.

– Туновги қиш-қировда нега кетиб қолдинглар? – деб сўради Назар Қора-Чўрма билан Мулло-Черкасан.

Бошларининг ичидаги ғалат ўйлар изҳоридан талмовсираб қолди сўралган икков, Ванька-қария булар ўрнига жавобгарликка ўтди:

– Ҳамма қирилиб, ер юзида қарашга сазовор ҳеч нарса қолмадими деб тусмоллагандик ўшанда... Тек ўзимиз қолган эсак, сўппайиб яшашдан нима наф бор деб ўйландик.

– Атроф депараларни йўқлаб, ўзга бандалар борми-йўқлигини билмоқчи бўлдик, – жавобга қўшилди энди Оллоҳ.

Ҳаётдан эътимоди ҳосил бўлган экан, энди бошқа ўлмай туришар деб барига юзланди Назар.

– Ўлим қочиб кетмайди, ҳар вақт етишиб оламиз, – изҳорланди Мулло-Черкас. – Бир марта ўлиб кўришнинг зиёни йўқдир, бир мартанинг ўзида инсон ўз бахтини англаб етолмайди, лекин кейинги ўлимга улгурмай қоласан. Шунақа, яна бир ажалдан ҳеч бир баҳраю ҳузур йўқ...

– Бу кўй-қўзилару туя-тўликлар қайдан келди, нокамтар бу давлатни қайдан топдинглар?

– Қўйларни қаро меҳнатда ишлаб топдик, – гапиринди Тойғон, шу билан бошқалар ҳам бошидан ўтказганларини галма-гал сўйлаб беришди.

Жувонларнинг иссиқ бағрини тотиб, курсоқларини эса қурама таомлар билан сийлаб кўрган Тойғон билан Оллоҳ Жоннинг бошқа бандалари сингари дунёнинг чинлигию малоҳатлари муқаррарлигига ишонч ҳосил қилишдики, сўнгра ҳар бири ўз манфаати йўлида лойиқ ҳунар дастидан тутишди. Ванька майхонаю чойхоналарда, бозору русча тўй-тўкинларда рақс тушиб пул топса, Оллоҳ Чоржўйнинг катта йўлларида тош майдалар, Мулло-Черкас Нукус тарафларда жомаширлик қилиб ҳақ ишларди.

Аввалги ҳаёт уқуви қўл келиб, озроқ таомга қаноат қилиб, уст-бошидан ҳам тежаб қўллари пул кўрди, ёнчиқ-ҳамён-ларида аста барака йиғила бошлади. Сармоясига кимдир қўй-қўзию эшак харид қилди, булардан ортингани хотин олиб, олдинма-кетин Устюртдаги ватанига қайтиш та-доригига тушишдики, илло, ҳаётда яшаш мумкинлигига улар энди ишонишган, олисларда эса ўз уйлари – ўлан тў-шаги улар йўлини пойлаб муштоқ эди... Аввалги замон-лардан қолган қабила ва уруғларнинг бир тутам қолдиқ-лари, иттифоқо, сахронинг тақир ерлари, ташландиқ дарё ўзанларию захчил камгакларни ошён тутиб, ҳадиксираб кун кечирар, шаҳарларда тер тўкиб қўлга киритган хотин-ларини етаклаб, қўйларию эшакларини олдига солиб қай-таётган Жон қавми нотаниш бу бандаларга йўлда беҳос йўлиқишди. Оллоҳ бирваракайига олти жонни ўзига йўл-дош қилди, Тойғон билан Ванька-қария уларни чорлама-са ҳам, давомдаги ҳаёт учун омонлик истаб ўзлари булар ортидан судралиб келишди.

– Шунақа гаплар, – деди Ванька янги бегоналарга имо қилиб, – биз билан эш-қўш бўлиб яшашяпти энди. Яшай-веришсин, қанча кўпайсак, камайиб қолмаймиз...

– Баракасини берсин, бирингиз ўн бўлади ҳали, – деди Чигатоев.

– Ўрнашиб, ишларимизни ўринлатиб олайлик, бадас-тир кунларга ҳам етармиз ҳали, – маъқуллади Ванька. – Мурда бўлиб одми кунларни кўп яшадик, энди тириклик-да баҳра яшаш қўлимиздан келади.

– Тирикликда мароқ билинмаяпти лекин, – деди Ол-лоҳ.

– Тирикликда баҳра яшаб турсак, мароқнинг ҳаммаси шунда, – жавоб қилди унга Чигатоев. – Кулфат ва қайғу ҳали кўп эшикларимизни қоқади, аммо кулфатларимиз ҳам аввалгидан ўзгача, юксакроқ бўлсин. Қалтакесак ва ё

тошбақаники каби абгору ночор қайғуларимиз бизга энди бегона бўлсин.

– Ҳаққаст рост бу! – дея овозланди шу пайтгача элас мудраб ўтирган Хоним.

– Қайси қабила одамларисиз? – деб сўради Чигатоев қарилик ёши каттароқ кекса туркмандан.

– Биз Жон қавмиданмиз, – жавобланди қария ва адоқсиз саҳронинг қадам етмас тупкалари, Амударёю Устюртнинг овлоқ четларини ўзларига паноҳ тутиб, бу дунёдан насибаси тобора қирқилиб бораётган майда уруғ ва қабилаларнинг бари ўзларини худди шундай – Жон дея аташлари маълум бўлди. Бу исмни уларнинг барига бир замонлар хасису мумсик бойлар ато этган, илло, борликдан йўқлик тараф шаксиз завола топиб бораётган йўқсиллар бисотида жонидан бўлак, ҳис этиш иқтидорию дард чекиш уқувидан бўлак ҳеч вақоси, чиндан, йўқ эди. Бинобарин, «жон» калимаси бойларнинг йўқсилу бечораларга заҳарханда истехзоси эди. Аммо қисматнинг ўз истехзоси бу бўлдики, бойларнинг ўзлари ўз жонларидан завола топиб, омонат жонларини қўшқўллаб топшириб қўйишди, илло, туйғуланишу дард чекиш, шуурланишу мужодалага шахдам бормоқ ҳар кимга ҳам эмас, буларнинг бари – йўқсилнинг давлати, йўқсилнинг насибасидир...

Бутун элат сокин уйқу оғушида мудранар. Хожаси Мулло-Черкаста ёнбош ётган Хоним оғзининг ним очиклиги кўрилаятган туш лаззатидан дараклар билдирар. Тиззаларига бош қўйиб ухлаятган Ойдинни безовта қилмаслик истаб Чигатоев ўтирган ўрнида аста чўзилдию бахтиёрлик ва уйқу оромидан кўзларини оҳиста юмди.

Ёзнинг адоғигача Чигатоев Устюртда, қавмининг ичида яшади. Бу вақтга келиб овулда яна учта янги уй қурилиб, тўртта хотин эрларидан бўғоз бўлиб, ичларида бола бор қилишди. Ноябрьда Ванька билан Қора-Чўрма Хивадан қайтиб келишди; ҳар икковини ўттиз бош қўйга бош қилиб Чигатоевнинг ўзи юборган, давлатга гўшту юнг топишиб, бунинг ҳақи эвазига бутун қишу баҳорга етгулик ун-гуруч, тузу керосин, янги кийим-кечаклар харид қилишларини тайинлаган эди. Ёзгача бошқа қўзилар ҳам қаторга кириб қолса, бу ишларни расамади йўлга қўйиб олишни кўнглига тугиб қўйди.

Ноябрь охирларида Чигатоев бутун элат билан хайрлашиб йўлга чиқди. Йўлга чиқар олдидан ўз ўрнига, Мулло-Черкасдан беш ойлик оғироёқ бўлса ҳам, кадхудоликка Хонимни сайлаб олишларини айтди; агар йўлини берса, Хоним кўзи ёригунча Назар Москвадан етиб келса ҳам ажаб эмас. Бирпас ўйланиб қавм бу таклифни маъқул топди, илло, аёл киши аксаран эркақдан авлорок, отадан кўра она қадрлику ардоқли бўлади.

Ойдин-қизни ҳам ўзи билан олиб кетишга, Москвада катта ўқишга жойлашга қарор қилди. Ҳофизаси кенгайиб, олимаю фозила бўлиб етишгач, Устюртга қайтиб, ватанда йўлини интиқ пойлаганларга тўғри яшаш илмидан сабоқ беради...

Кунларнинг бирида эрта тонг Назар билан Ойдин озроқ емак олиб, Устюрт юқорилигидан қуйилаб йўлга чиқишди. Жон элатидагилар бари иккисини кузатиб қолишди. Сариқамиш сойига тушиб Чигатоев ортига ўгирилди: элатнинг бари ҳамон улардан кўз узмай тепаликда тек қотишган эди.

– Ойдин, – деди Назар, – ортимиздан қолганлар билан видолаш.

– Замон кечиб, барибир, қайтиб келаман, ҳаммасини ўшанда яна кўравераман, – деди қиз ва олисда майдалашиб қолган одамларга кўз ташламади.

Кун қиёмигача ортларидан эргашиб келган эски уч совлиқ билан аввалги қўчқор охири ортда қолиб, овлоқларда кўздан ғойиб кетишди.

Хивадан Чоржўйга йўловчи уловда етиб олишди, ундан Тошкентгача поездда келинди. Бажарилган ишлар ҳисоботи юзасидан Тошкентда икки кун машғул бўлди. Партия Марказқўмида Амударё мансабларида тентираб қолган Жон элатини омон қутқариб қолгани учун Чигатоевга миннатдорчилик билдирилиб, бу одамлар вақти-соати билан Устюртнинг овлоқ ерларини тарк этиб, социалистик карвонга энди ўзлари йўл топиб олишади деб айтишди. Бахт-саодатнинг кўлами, илло, бутун социализм баробар улғудир.

Чигатоев ҳисобот ишлари билан машғул экан, хуркак Ойдин вокзал биқинидаги чойхонадан остона хатламай гўшанишин яшаб турди. Тошкентда юмушлари битиши билан Чигатоев Ойдинни Москва поездига етаклади. Вокзалда Ксеняга телеграмма юборди, аммо у Назарни эслармикан ҳамон?.. Бу орада Ойдин Назарга муттасил ажабланиб тикилар, соч-соқоли олиниб, ораста кийиниб олган бу одам қиёфасида ўзи билан саҳролар кезиб, тоғу тошлар ошган бошқа одамни таниёлмас, эғнидаги оҳорли костюмини силаб Назарни бой-бадавлат кимса тасаввур қилар эди. Ойдинга ҳам бир сидра ўзбекча кийим-бош харид қилиб қўйган Чигатоев вагонда қизни бошдан-оёқ янги либосларга буркади, увадаси чиқиб кетган эски-тускисини улоқтирмай, негадир киссасига тахлаб, асраб қўйди.

Чиғатоев биринчи кеча ҳеч мижога қоқмади, вагон даҳлизида турган кўйи дераза ортидан сахро ва чўлнинг йироқларида кўриниш бериб қолаётган чўпон-чўлиқ гулханларига термилиб борди. Орада ўрнида донг қотган Ойдиннинг бесаранжом оёқ-қўлларини авайлаб йиғиштириб, дам-бадам очилиб қолаётган устини ёпиб қўяр, кундузги таассуротлари тушларига кўчганидан безовта алаҳдаса, қизнинг бошини силаб овутар эди.

Қиш ҳукмидаги Москва вокзалида Чиғатоевни Ксениянинг ўзи қарши олди. Айрилиқ йилларида бўйсаралаб, росмана аёлга дўниб улгурган аввалги қизалоқ ҳажмдор кулранг ёқали пальто билан қўнғир қалпоқча кийиб олганди. Йўловчилар орасида Чиғатоевни кўриши ҳамон қурама тусли кўзлари ёшга тўлдию югура келиб уни маҳкам қучоқлаб олди. Чиғатоевнинг пижжаки этагидан тутганча икковига жим қараб турган, олис миллатнинг рангини кўйлагини эғнида товлантирган қизчага Ксения тўлқинланишда дарров эътибор қилмабди. Танишчиликдан сўнг Москва қишига ярашиқсиз юпун либосли Ойдинни пальтосининг ичига, илиқ бағрига опичлаб олди. Ксения Ойдиндан кўра икки чандон бўлали бўлишига қарамай, зўриқишдан бўғриқиб қолди. Назар билан қизалоқни баттар аёз едиргиси келмай, вокзалдан чиқибоқ такси ёллади.

– Қаёққа борамиз? – деб сўради Москвада борар жойи, қўнар макони йўқ Чиғатоев.

– Онамникига, – деди Ксения. – Хонасини гаплашиб қўйганман сизлар учун.

Ийманганидан ва ё азиз инсон дийдоридан пайдо навқиронлик гаштини иснодга йўйганиданми, йўл бўйи Ксениянинг юзларидан қизиллик аримади.

Киракаш улов манзилга келиб тўхтагач, Ксения Чиғатоевга калитни узата туриб эртаси куни ўзиникига меҳмонга келинларини сўради.

– Фақат манзилим ўзгарган, – деди у. – Алоҳида, ўзим ёлғиз яшаяпман, телеграммангизни буювим келтириб берди...

Блокнот бетига манзилини ёзиб узатгач, хайрхўшланди. Ойдин билан қўлма-қўл ўзига таниш хонадонга кириб борди Назар.

Раҳматли Веранинг санокли мебеллари билан жиҳозланган хонага кириб, ечинмасдан каравотга чўзилди, адёлустига бошини қўйдию Веранинг аввалги, ўчмас таровати димоғига бостириб келди. Шу ҳид билан нафас олиб, бу бўйлар эгасини хаёлида жонлантиришга уриниб узоқ ётди. Хонага кира солиб дераза тоқчасига чиқиб олган Ойдин эса ҳайбатли Москва кўринишларига маҳлиё эди бу дам.

Эртаси эрталаб шаҳар айланишди, Назар Ойдин учун оврупои кофтаю юбка ва ўзию қизга қишлоқ пальто олди. Янги либосда Ойдинни таниб бўлмади қолди, гулгун яшнаган қиз чиндан малоҳатли эди.

Айтилганидек, кечқурун Ксенияникига отланишди. Беришган манзил анча олисда, Замоскворечье этагида эди. Трамвайда кўп юриб, кейин поё пиёда яна анча йўл босишди, охири торф техникуми ётоқхонасини топиб боришди. Билинишидан, Ксения шу техникумда таҳсил оларди.

Бошқалар қатори Ксениянинг ҳам алоҳида хонаси бўлиб, Чигатоев лозим эшикни тақиллатди. Хоналарни ихоталаган деворлар бари юпқалигиданми, Ксения дохил уч кизнинг бирваракай «Кира қолинг» овози эшитилди.

Эшик очилиши билан Ксениянинг юзлари кучли ҳаяжондан яна қизил чўғланди. Аввалдан ҳозирланиб, устига дастурхон ташланган юпунгина емак стол устида меҳмонларга мунтазир турар, келганларни жойларига ўринлатиб,

икковини ҳам дарҳол таомларга ундар, аммо қошиқ ва санҷкиларни идора қилолмай ҳадеб қўлидан тушираве-риб тўлқинли ҳолатини изҳор қилиб қўяр эди. Бу ҳам май-ли, афтидан, шошилганда лаббай топилмай, керосиндан қолган шишага қамалган шаробни ҳам ушлаб қололмади – алвон суюқлик стол юзасига беҳуда тўкилиб, егуликлар билан битта бўлди. Ксения хонадан қочиб чиқди, ҳожатхонага беркиниб олдию беркинган жойида почор уяти зўридан хўнграб йиғлади. Аёллик бирдамлиги даъватиданми, Ойдин шу заҳотининг ўзида енг шимариб, зиёфат дастурхонини дам демай саришта қилди, стол юзасида ҳалқобланган шароб кўлмагини ҳам шишага жамғариб, ёртиси бўлмаса – чорагини бутлаб қўйди. Обидийдадан ковоқлари шишиб Ксения қайтиб келди, нима деярини билмай, бозор-ўчар қилиб, бир амаллаб ҳозирлаган егуликларидан ризкланишларига яна даъват қилди айбаки қимтиниб. Ҳаёт ичида тирик яшашдан виждони дард чекиши, аёл ва инсон бўлиш ҳисларию бахтиёрлик гаштини туйиш истаги уни мудом қайғуларга чўмдиришини тушунтириб бериш шу онда унинг қўлидан келмас, ёлғизликнинг адоқсиз дамларида шуурида учқун бўлиб сачраган бу янглиғ ўйлар иснодидан ўз-ўзидан уялиб, юзларини кафтида яширар, юзларини яширса-да, уятнинг зўр тафти кафтларидан ҳам барибир сизиб чиқар эди.

Одоб юзасидан егуликлардан татинган бўлдилар-да, сўнг икков дастурхон бекаси билан хайрхўшлашишди. Чигатоев икки-уч кунлар ўтказиб Ксенядан яна хабар олишини маълум қилди.

Аммо узоқ кунларни кутиб ўтирмасдан, тўнғич жувон тарзида кенжа қизга ул-бул ишларда кўмаклашиш учун эртаси оқшом Ксениянинг ўзи буларни йўқлаб келди. Аввал Ойдинни ҳаммомга олиб бориб чўмилтирди, ундан

нари метрополитенда иккиси роса айланиб, уйга анча хаяллаб қайтишди.

Хордиқ куни Ксения эрталабдан яна пайдо бўлди, бу сафар ўзига тор келиб қолгану Ойдинга эса айна боп оқлик кийимларини атаб келтирди. Учовлашиб якин атрофдаги ошхонада тамадди қилишди, кинога тушиб, кунни яна кеч қилишди. Кун бўйи ҳакиллаб толиққан Ойдин Ксениянинг онасидан ёлгор каравотда тужанак бўлиб тезда пинакка кетди. Ухлоқ қиз қаршисида жим ўтирган кўйи Чигатоев билан Ксения иккиси тапвишу укубат нишоналари ҳамон барқ урган жужуқ юзларига термилишар, бу нишоналарни тобора сидириб бораётган ўсмир етукликнинг юксак қудрати аломатларини ҳам аснода ҳайрат ичра англашар эди. Чигатоев шу онда Ксениянинг қўлларини ўз илкига олдию бу аёл юрагининг олис ҳаприқишларини бутун борлигида мукамал туйди. Аёлнинг қалби баайни ўз пучмоқларидан халос бўлиб, Чигатоевга кўмакка ошиқаётганини англади, англадию сўнгги мадад ўз ичингдан эмас, айнан ташқаридаги бошқа одамдан келиб етажагини ҳам тушуниб етди.

1935

Изоҳлар

1. Жон – саодат йўлларида сарсон қалбдир (туркман халқ мақоли).
2. Муаллиф таҳрири тугалланмай қолган ўринлар [...] билан белгиланган.

Адабий-бадий нашр

Андрей Платонов

Ж О Н

Шарифжон Аҳмад таржимаси

Мухаррир: Абдулла ШАРОПОВ
Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусахҳиҳ: Отабек БОҚИЕВ

Нашриёт лицензияси: АІ №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 25.06.2019 й.

Босишга рухсат этилди: 22.07.2019 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$.

PT Serif гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 7,50. Шарғли б.т.: 16,8.

Адади: 1500 нусха.

Буюртма №130/331.

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди.

100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^А-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77

e-mail: info@akademnashr.uz

web: www.akademnashr.uz

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонасида чоп этилди.

100096, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳкўчаси 44-уй.

18991

24/2 Dyc)

1751

ISBN 978-9943-5651-3-5



9 789943 565135